

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси

Зайналов Ж.Р., Ахроров З.О.

“ИНВЕСТИЦИЯ”

ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАТНИ

Самарқанд-2017

Зайналов Ж.Р., Ахроров З.О. Инвестиция. Маърузалар матни. – Самарқанд: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2015. 249-б.

Такризчилар: Мусаев Р. – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси доценти, и.ф.н.

Мадиев А. – “Umed-Yoshlik” МЧЖ директори

Мазкур маъруза матни олий таълимнинг 110000 – "Педагогика" таълим соҳасининг 5111008 – “Касб таълими: бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Маъруза матни Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг 2017 йил 26 январ 6-сон баён йиғилишида муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Институт ЎУКнинг 2017 йил 17 феврал 6-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

Кириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳукуратимиз томонидан олиб борилаётган қатор тадбирлар ўз навбатида, катта миқдорда моддий, молиявий, интеллектуал инвестициялар манбаларини излаш, шакллантириш ва қулай бўлган инвестициявий фаолиятни йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлмоқда.

Ушбу жараёни ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим чора-тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб келинсада ҳам, инвестиция фаолиятини ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириб борилишини талаб этмоқда. Хориждан жалб қилинадиган инвесторлар учун турли кафолатлар берувчи қонун ва меъёрий ҳужжатлар яратилиши ва улар бозор иқтисодиёти ривожлана бориши билан такомиллаштирилиб борилишини таъминлаш ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Шуни айтиш жоизки, инвестиция анча мураккаб жараён бўлиб ҳисобланганлиги боис уни ҳуқуқий асосларини таъминлаб бориш биринчи даражали масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бу борада халқаро ва миллий даражада инвестицияларни жалб қилиш ва молиялаштиришда етарли тажрибалар мавжуд. Инвестицияни молиялаштириш асосан, мамлакатдаги қонунчилик, иқтисодий сиёсат, инвестицияни жалб қилишнинг инфратузилмасини ривож, даражаси ва мамлакатнинг иқтисодий аҳволига боғлиқдир. Сифатли хом-ашёнинг бой ресурслари мамлакатимизда мавжудлиги иқтисодиётимиз учун инвестицияларни жалб қилиш ўта зарурлиги ва шу билан бирга, хом ашё ресурслар базасини тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратиш яққол намоён бўлиб келмоқда.

Юртимизда яратилган қулай ва проференциялар тизими туфайли иқтисодиётимизга катта миқдордаги хорижий инвестициялар жалб этилмоқда.

Чет эл инвестицияларини мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш бу нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги истиқболли лойиҳаларни, шу жумладан янги замонавий техника, дастгоҳ, ускуналар ва технологияларни жорий этиш, орқали сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга имконият яратилмоқда.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ва олиб борилаётган инвестиция сиёсати ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва воқеаларни сифат жиҳатдан янгича фикрлашни тақозо этилишини талаб этмоқда. Иқтисодиётни техник-иқтисодий модернизациялаш, халқ хўжалигининг устувор тармоқларини ривожлантириш, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган, яъни ташқи ва ички бозордаги талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарлар ва хизматларни кўпайтириш ва инновацион маҳсулотларни яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Миллий иқтисодиёт тармоқларини инвестициялашнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, назарий ва амалий асосланган инвестицион қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг оптимал вариантларини жорий этиш лойиҳаларнинг самарадорлигини оширишга иқтисодиётнинг барқарор ўсишига эришиш

имкониятларига замин яратади. Шу боис инвестиция сиёсатининг самарадорлигини таъминлаш иқтисодиётнинг устувор йўналишлари ва ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган мукаммал инвестиция дастурини ишлаб чиқишни талаб этади.

Бу эса инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларни устувор инвестиция лойиҳаларига жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилишини талаб этади. Инвестиция фаолиятининг эркинлиги ва ривожлантиришини таъминлаш мақсадида хорижий инвестицияларни мамлакатимизга жалб қилишни, хорижий шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашни ва ривожлантиришни устувор инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни ва мамлакатда инвестицион фаолликни оширишни рағбатлантиришга йўналтирилган муносабатларни мукаммал ўрганилишини талаб этади.

Шу боис “Инвестиция” фанидан маърузалар матни юқоридаги муаммоларни ўз ичига қамраб олган ҳолда фаннинг мазмуни, предмети ва методи, инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти, инвестиция жараёнларининг мазмуни ва асосий босқичлари, инвестиция фаолияти ва инвестиция сиёсати, иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг роли, инвестиция фаолиятини ривожлантиришда инвестиция муҳитининг ўрни, инвестиция фаолиятида капитал қурилиш, давлат инвестиция дастури, инвестиция лойиҳаларининг молиявий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолашва шу каби мавзулар узвийлик ва узлуксизлик нуқтаи-назаридан мантиқий кетма-кетликда ўзида акс эттирган. “Инвестиция” фанини чуқур ўрганиш тегишли соҳалар муаммоларини ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди.

1-мавзу. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти

Режа

1. “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” фанининг предмети, мақсади, вазифалари, таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги.
2. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти.
3. Инвестициялаш мақсадлари ва диверсификацияланиши. Инвестицияларнинг таснифланиши.
4. Асосий фондларнинг шаклланишида капитал қўйилмаларнинг роли.
5. Молиявий ва реал инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлиги. Жамғармалар – инвестициялар манбаси сифатида.
6. Инвестицияларнинг макро ва микроиқтисодий ривожлантиришдаги роли.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция, фан предмети, капитал қўйилмалар, молиявий инвестиция, реал инвестиция, жамғарма.

1. “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” фанининг предмети, мақсади, вазифалари, таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги.

Миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, асосий ишлаб чиқариш фондларини модернизация қилиш, техник қайта таъмирлаш, ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни қўллаш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва шу орқали мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” фани муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фаннинг ўқув дастури инвестицияларнинг мазмун-моҳияти, турлари, инвестиция сиёсати, давлат инвестиция дастурини шакллантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва усуллари, инвестиция фаолиятида капитал қурилиш, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, инвестиция рисклари ва уларни пасайтириш йўллари ўз ичига қамраб олган.

Фанни ўқитишдан мақсад талабаларда инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти, инвестицияларни молиялаштириш манбалари, инвестицияларни жалб этиш, давлат инвестиция дастурини шакллантириш, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш бўйича йўналишга мос билим, қўникма ва малака шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси талабага инвестициялар, уларнинг туркумланиши ҳамда инвестицияларни молиялаштиришда муносиб инвестиция лойиҳаларини танлаб олишга ўргатишдан иборат.

“Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба:

- инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш усуллари;

- инвесторлар учун яратилган ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар;
- инвестиция дастурини шакллантириш ва назорат қилиш тартибини;
- капитал қўйилмаларни молиялаштириш тартибини;
- капитал қурилишда лойиҳалаштириш ва капитал қурилиш ишларини олиб бориш усулларини;
- инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш очиш шартларини;
- лизинг операцияларини ташкил этиш ва лизинг тўловлари суммасини аниқлашни;
- инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш ва инвестиция рискларини бошқаришни билиш керак;
- инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни, турлари, функциялари, объектлари ва субъектлари тўғрисида;
- хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётга жалб қилишнинг объектив зарурлиги тўғрисида;
- инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омиллар тўғрисида;
- инвестиция сиёсати, унинг мазмуни ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитидаги хусусиятлари ҳамда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида;
- инвестиция фаолиятининг қонуний-меъёрий базаси тўғрисида;
- Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури тўғрисида;
- инвестицияларни молиялаштириш усуллари;
- инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш, кредитлаш, лизинг, форфейтинг, инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш тўғрисида;
- капитал қурилиш ва “қурилиш индустрия”си тўғрисида;
- инвестиция рисклари ва уларни бошқариш йўллари тўғрисида кўникмаларга эга бўлиши керак;
- инвестиция фаолиятини ташкил этиш бўйича;
- инвестиция фаолиятини молиялаштириш бўйича;
- инвестиция дастурини шакллантириш бўйича;
- капитал қурилишнинг смета қийматини аниқлаш бўйича;
- капитал қўйилмаларни кредитлаш бўйича;
- инвестиция рискларини бошқариш бўйича малакага эга бўлиши.

“Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” фани умумқасбий фани ҳисобланади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий-илмий (Олий математика, Эхтимоллар назарияси ва математик статистика, Математик программалаштириш, Информатика ва ахборот технологияла), умумқасбий (Иқтисодий таълимотлар тарихи, Микроиқтисодиёт, Макроиқтисодиёт, Менежмент ва маркетинг асослари, Миллий ва жаҳон иқтисодиёти, Пул, кредит ва банклар ва ҳ.к.) ва ихтисослик (Молия, Банк иши, Суғурта иши, Молиявий ҳисоб, Аудит, Солиқлар ва солиққа тортиш, Молиявий менежмент ва ҳ.к.) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

2. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишини белгилаб олди.

Бугунги кунда ривожланган инвестицион фаолиятнинг йўлга қўйилиши ҳукуматимиз олиб бораётган оқилona инвестиция сиёсатининг натижаларидан бири эканлигини юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, “Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади!”¹

Э.Д. Долан ва Д.С. Линдсейлар инвестиция моҳиятини микроиқтисодий нуқтаи назардан талқин қилиб, улар инвестициянинг мазмунини “шаклланаётган иқтисодий тизимда капитал ҳажмининг ўсиши, одамлар амал қиладиган ишлаб чиқариш ресурслари таклифини юксалишида” деб биладилар².

Инвестицияларнинг иқтисодий мазмун-моҳияти тўғрисида иқтисодчи олимлар ўртасида хилма - хил фикрлар мавжуд.

Инвестицияларга аниқ бир таъриф берилмаган. Жумладан, проф. Д.Ғ. Ғозибеков инвестицияларнинг иқтисодий мазмун-моҳиятини молиявий категория сифатида талқин этиб, қуйидагича таъриф бериб ўтган:

“Инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рисклар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади”³.

Проф. Н.Ҳ. Ҳайдаров инвестицияларнинг мазмун - моҳиятига қуйидаги таърифни беради: “Инвестиция - бу мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир!”

Россиялик иқтисодчи-олим Л.Игошина томонидан: «инвестициялар – пулни сақлаш, қўпайтириш ёки ижобий миқдордаги даромадни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уни жойлаштириш мумкин бўлган ҳар қандай восита сифатида ифодаланади»⁴, деб таърифланган. «Инвестиции» дарслигининг муаллифи, профессор А.Нешистой инвестицияларнинг мазмунини қуйидагича тавсифлайди: «фойда олиш ёки бошқа самараларга эришиш мақсадида ўз ёки ўзга мамлакатнинг турли тармоқларига, тадбиркорлик лойиҳалари, ижтимоий-иқтисодий дастурлар ҳамда инновация лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган пул маблағларини (капитални) узок муддатга жойлаштиришдир»⁵.

Инвестиция атамасининг иқтисодий моҳияти яна бир қатор рус олимлари томонидан қуйидагича тавсифланган:

- «инвестициялар иқтисодий фойда ва ижтимоий самара олиш мақсадида

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 1993, 16-17 б.

² Долан Э.Дж., Линдсей Д.Е. Микроэкономика. – Спб., 1994. – 448с.

³ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: Молия, 2003, 26 б.

⁴ Игошина Л.Л. Инвестиции. Уч. пос. – М.: Экономист, 2005. – С. 23.

⁵ Нешистой А.С. Инвестиции: Учебник. – 4-е изд. – М.: Дашков и К⁰, 2006. – С. 13.

инвестиция соҳаси объектларига киритиладиган барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликларни акс эттиради»⁶;

- «инвестициялар деганда фойда (даромад) олиш ва инвесторларнинг индивидуал мақсадлари сингари ижобӣ ижтимоӣ самарага эришиш мақсадида иқтисодийнинг турли тармоқлари ва соҳаларига, тадбиркорлик ва бошқа турдаги фаолият объектларига муайян муддатга капиталнинг мақсадли йўналтирилган қўйилмаси шаклида амалга ошириладиган харажатлар йиғиндиси тушунилади»⁷;

- «инвестициялар ўзини фойда (даромад) олиш мақсадида миллий ва хорижий иқтисодийнинг турли тармоғига хусусий ёки давлат капиталининг узок муддатли қўйилмаси сифатида намоён этади»⁸;

- «инвестиция тушунчаси фойда олиш мақсадида қандайдир корхона, ташкилот, узок муддатли лойиҳалар ва шу кабиларга капитал, пул маблағларини узок муддатга киритишни англатади»⁹;

Инвестициялар кенг маънода ўзини маблағлар ва ресурсларнинг келгусида қўпайиши ва иқтисодий самара ёки бошқа режалаштирилган натижалар олиш (ижтимоӣ, экологик ва бошқа самаралар) мақсадида уларнинг сафарбар этилиши сифатида намоён этади.

Хорижлик иқтисодчи-олимлардан У.Шарп, К.Еклунд, Кемпбелл Р.Макконелл, Станли Л.Брю кабилар инвестицияларнинг мазмун-моҳияти юзасидан турлича таърифларни баён этишган. Жумладан, Нобел мукофотининг иқтисодий бўйича лауреати (1990 йил) У.Шарп таъкидлашича: «инвестициялар келгусида (ехтимол, номуайян) қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматликдан воз кечишдир»¹⁰. «Инвестициялаш» атамасининг маъносини мана бундай шарҳлайдилар: «Келажакда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишдир» ва ҳисоблайдиларки, маблағларни ёки реал ёхуд молиявий активларга инвестициялаш мумкин. Улар инвестициялаш атамаси мазмунини келажакда фойда олиш мақсадида бугун пул билан «хайрлашиш»да кўрадилар.

Швед иқтисодчи-олими К.Еклунд фикрича: «инвестиция – бу келажакда кўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кунга қолдирилган нарса. Унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан захирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир»¹¹.

«Инвестициялар атамасини капиталнинг келгусида қўпайиши мақсадида унинг турли хил шаклда жойлаштирилиши сифатида белгилаш мумкин»¹². «Инвестициялар – қўйилманинг келгусида ўсиш мақсадида бугунги

⁶ Староверова Г.С., Медведов А.Ю., Сорокина И.В. Экономическая оценка инвестиций: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2006. – С. 11.

⁷Подшиваленко и др. Инвестиции: учеб.пос. – 3-е изд. – М.: КНОРУС, 2006. – С.7.

⁸Колмыкова Т.С. Инвестиционный анализ: учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009. – С. 7.

⁹ See bank for International Settlements (2014).

¹⁰ Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции. Пер. с. англ. – М.: Инфра-М, 1997.– С. 16, 979.

¹¹SeeWorldbank (2014).

¹²Ткаченко И.Ю. Инвестиции: учеб. пособие. – М.: Академия, 2009. – С. 6.

истеъмолдан воз кечиш»¹³. «Инвестиция – ишлаб чиқариш даври давомида пайдо бўлган капитал қўйилма қийматининг жорий ўсиши. Бу ўша даврдаги фойданинг истеъмол учун ишлатилмаган қисми ҳисобланади»¹⁴. «Инвестициялар – пул маблағлари, мақсадли банк жамғармалари, қимматли қоғозлар, технологиялар, машина, асосий воситалар ва бошқа мулк кўринишидаги капитал қўйилмалар, шунингдек, пул қийматига эга бўлган мулкӣ ва номулки ҳуқуқларни инвесторларнинг стратегик мақсадларини кўзлаб ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият объектларига киритиш»¹⁵.

Иқтисодчи-олимлардан Кемпбелл Р.Макконелл, Станли Л.Брю инвестиция тушунчасини қуйидагича шарҳлайдилар, яъни «инвестиция (инвестмент) – бу моддий захираларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга харажатлар»¹⁶. Ушбу таъриф ўз мазмунига кўра, кўпроқ, «капитал қўйилмалар» тушунчасига мос келишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қайта таҳрирдаги қонунида инвестицияга қуйидагича таъриф берилган: “Инвестиция -иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритилган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқдир”¹⁷ сифатида таърифланади.

Шундай қилиб, “Инвестиция” деганда келгусида даромад (фойда) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида қонун доирасида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва бошқа соҳаларига инвесторлар томонидан қўйиладиган барча турдаги мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади.

Бошқача айтганда, инвестициялар - мулкчиликнинг ҳар хил кўринишларидаги моддий, молиявий ва номоддий бойликларни иқтисодий - ижтимоий даромад олиш мақсадида муомалага киритишдир.

Иқтисодий категория сифатида инвестициялар қуйидагича ҳарактерланади:

- бирламчи авансланган капитални кўпайтириш мақсадида капитални тадбиркорлик объектларига жойлаштириш;
- инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида инвестиция фаолияти иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар.

Асосий капиталга инвестициялар капитал қўйилмалар шаклида амалга оширилади ҳамда ўзида янги қурилишга, кенгайтиришга, реконструкцияга ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлашга, ускуналар, инвентарлар, лойиҳавий маҳсулотлар сотиб олишга сарф-харажатларни мужассамлаштиради. Иқтисодий фанлар ва амалиёт «инвестиция» ва «капитал қўйилма» терминларини бир хил нарса эмаслигини, яъни синоним сўзлар

¹³ Самуэльсон П.А. Экономика: пер. с англ. – М.: БИНОМ, 1997. – С. 783.

¹⁴ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: пер. с англ. – М.: Гетос АРВ, 1999.– С. 352.

¹⁵ See bank for International Settlements (2014).

¹⁶ Кэмпбелл Р. Макконелл, Станли Л. Брю. Экономикс, принципы, проблемы и политика. 2-том.– М.: «Республика», 1992.– С. 388.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 1998, 24 декабр, 2-модда.

эмаслигини таъкидлайди. Инвестициялар капитал қўйилмага нисбатан кенг мазмунли, камровли тушунчадир. Ғарб адабиётларида инвестициялар борасида сўз юритилганда асосий эътибор фонд бозорига қаратилади, чунки ривожланган мамлакатларда инвестициялар, асосан, қимматли қоғозлар ёрдамида амалга оширилади.

У.Шарп инвестицияларга қуйидагича таъриф беради: «Истиқболда янада кўпроқ миқдордаги маблағ олиш учун маълум миқдордаги пул билан бугун ажралишдир. Реал инвестициялар, асосан, моддий активларга (ер, ускуналар, заводлар) қилинган инвестициялардир. Молиявий инвестициялар бу қоғозда битилган шартномалардир. Буларга оддий акциялар ва облигациялар киради. Ривожланаётган иқтисодиётда инвестицияларнинг асосий қисми реал инвестицияларга тегишлидир. Ривожланган иқтисодиётда эса инвестицияларнинг асосий қисми молиявий инвестициялаш институтларининг кенг миқёсда ривожланиши реал инвестицияларнинг ўсишига сабабчи бўлади. Инвестицияларнинг бу икки шакли бир-бири билан рақобатлашувчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчидир».

Инвестиция тушунчасига ягона ва тўлиқ тариф бериш анчагина кенг тушунча бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий фаннинг турли қисмларида ва амалий фаолиятнинг турли соҳаларида инвестиция мазмуни ўзининг хусусиятларига эга.

Макроиқтисодиётда инвестициялар ишлаб чиқаришда янги воситаларга, турар-жойларга инвестициялар ва моддий захираларининг ўсишига қилинадиган харажатлардан ташкил топадиган ялпи харажатларнинг бир қисми ҳисобланади. Инвестициялар - бу жорий даврда истеъмол қилинмаган ва иқтисодиётда капитал ўсишини таъминловчи ЯИМ нинг бир қисмидир.

Ишлаб чиқариш назарияси ва умуман макроиқтисодиётда инвестициялар янги капитални (ишлаб чиқариш воситаларини ҳамда инсон капиталини қўшиб ҳисобланганда) яратиш жараёнидир.

Молия назариясида эса инвестиция деганда реал ёки молиявий активларни олиш тушунилади, яъни бугунги сарфларни мақсади келажакда даромад олиш бўлиб ҳисобланади. Бошқача сўз билан айтганда, инвестициялар - муайян қийматни, бўлиши ноаниқроқ бўлган келажак қийматга алмашишдир.

Лоренс Дж. Гитман ва Майкл Д. Джонкнинг «Инвестициялаш асослари» (М. «Дело» нашриёти-1997) китобида инвестицияларга қуйидагича таъриф берилади: Инвестиция молиявий натижалар олишни кўзлаб акция ва облигацияларни сотиб олишни англатади: булар реал активларни белгилайди, масалан, у ёки бу молни ишлаб чиқариш ва сотиш учун машиналарни олишни назарда тутди. Умуман кенг маънода инвестициялар мамлакат иқтисодиётини ўстириш ва ривожлантиришни молиялаштириш учун зарур бўладиган механизмларни таъминлайди.

Маълумки, «Инвестициялар» тушунчаси иқтисодиёт учун янги эмас. Бугунги кунда «Инвестициялар» тушунчасининг маъносини англаш, унинг моҳиятини тўғри таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Собиқ советлар иқтисодий тузуми даврларида инвестициялар тушунчаси кўпроқ капитал қўйилмалар билан боғланиб, капитал қурилишлар, капитал таъмирлашлар ва

илмий-техника тараққиёти учун сарфланадиган капитал қўйилмаларини англатар эди ва бу қўйилмалар асосан марказлашган фондлар ва давлат бюджетидан юқори давлат идоралари тасдиқлаган режалар асосида ажратилар эди.

Кўпгина адабиётларда «инвестиция» терминида ноаниқликлар учрайди. Биринчидан, «инвестициялар»га фуқароларнинг «истеъмолчилик инвестициялари» (маиший техника, автомобил, қўчмас мулк ва бошқ) қўшиб юборилади. Бундай инвестициялар эса капитални ўсишини ва фойда олиншини таъминламайди. Иккинчидан, «инвестициялар» ва «капитал қўйилмалар» терминларини тенглаштиришади. Капитал қўйилмалар корхонанинг молиявий маблағларини асосий капиталга аванслаштириш билан боғлиқ инвестиция фаолиятининг шаклидир. Инвестициялар эса номоддий ва молиявий активларга ҳам қўйилиши мумкин. Учинчидан, кўпгина манбаларда инвестицияларни пул маблағларини қўйиш деб таърифланади. Амалиётда эса, барча ҳолларда бундай бўлмайди. Инвестициялашни бошқа шаклларда ҳам амалга ошириш мумкин. Масалан, корхонанинг устав капиталига бадал кўринишида кўчиб юрувчи ва қўчмас мулк, қимматли қоғозлар, номоддий активлар ва бошқалар. Тўртинчидан, кўпгина таърифларда инвестицияларни маблағларнинг узок муддатли қўйилмалар кўринишида бўлишини таъкидлашади. Тўғри, капитал қўйилмалар узок муддатга инвестицияланади. Лекин қисқа муддатли инвестициялар ҳам бўлади (масалан, монтаж қилишга зарурат бўлмаган ва қурилиш сметасига кирмаган машина ва ускуналарни сотиб олиш).

Инвестицияларнинг ўсиш суръатлари кўп омилларга боғлиқ. Авваламбор, инвестициялар ҳажми олинган даромадни истеъмол ва жамғармага тақсимланишига боғлиқ. Аҳолини ўртача даромади паст бўлган ҳолда уларнинг асосий қисми (70-80%) истеъмолга сарфланади. Аҳоли даромадларини ўсиб бориши жамғаришга юбориладиган қисмни ортиб боришига сабаб бўлади. Умумий даромадда жамғариш улушининг ортиб бориши инвестициялар ҳажмини ўсишига олиб келади ва аксинча. Аммо бу шарт аҳолини давлатга ишончи юқори бўлганда давлат фуқароларнинг инвестицион фаоллигини таъминлаганда ва кафолатлаганда бажарилади. Инвестициялар ҳажмига кутилаётган даромад нормаси ҳам таъсир кўрсатади, чунки кўрилаётган фойда инвестициялашга ундайди. Кутилаётган фойда нормаси қанчалик юқори бўлса, инвестициялаш ҳажми шунчалик юқори бўлади ва аксинча.

Инвестициялар ҳажмига ссуда фоизи ставкасига катта таъсир кўрсатади, чунки инвестициялаш жараёнида қарзга олинган маблағлардан ҳам фойдаланилади. Агар кутилаётган соф фойда нормаси ўртача ссуда фоизи ставкасидан юқори бўлса, бу қўйилмалар инвестор учун даромадлидир. Шунинг учун ўртача фоиз ставкасини ўсиши инвестициялаш жараёнини сусайишига олиб келади.

Инвестициялар ҳажмига кутилаётган инфляция суръатлари ҳам ўз таъсирини ўтказади. Бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса инвесторнинг келажақдаги фойдаси шунчалик қадрсизланади ва инвестицияларни рағбатлантирувчи омиллар қисқариб боради.

3. Инвестициялаш мақсадлари ва диверсификацияланиши. Инвестицияларнинг таснифланиши.

Инвестициялар турли шаклларда амалга оширилади ва уларни таҳлил қилиш, режалаштириш учун алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаштирилади.

Биринчидан, қўйилиш объектига қараб инвестициялар реал ва молиявий шаклларга ажратилади (1 – чизмага қаранг).

Реал инвестициялар (капитал қўйилмалар) - пул маблағларини корхонанинг моддий ва номоддий активларига сарфланишидан иборат.

Моддий инвестициялар асосий капиталнинг элементларини сотиб олиш билан боғлиқ бўлиб, кўпчилик ҳолларда, инвестицион лойиҳалар доирасида амалга оширилади. Шунинг учун ўз маблағлари билан бирга қарзга олинган маблағлар ҳам фойдаланилиши мумкин. Қарзга маблағ олинган ҳолда инвестор ролини аниқ лойиҳаларга кредит маблағларини ажратаётган банк бажаради. Номоддий (потенциал) инвестициялар номоддий бойликлар яратилаётганда амалга оширилиб, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини (НИОКР) амалга ошириш, янги маҳсулотларнинг намуналарини яратишга сарфларни мужассамлаштиради (шу мавзунинг 3 саволида кенгроқ ёритилади).

Иккинчидан, инвестицияда қатнашиш характериға кўра бевосита ва портфел инвестициялар фарқланади. Бевосита инвестициялар инвесторни ўз молиявий маблағларни жойлаштириш объектини танлаш имкониятини беради. Портфел инвестициялар тижорат банклари, инвестицион компаниялар, фондлар ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади. Молиявий воситачилар тўпланган маблағларни самарали, даромад келтирадиган қилиб жойлаштирадилар. Портфел инвестициялар бошқа эмитентларнинг андеррайтинг ёрдамида қимматли қоғозларга жойлаштириш шаклида намоён бўлади.

Учинчидан, инвестициялаш давриға қараб инвестициялар қисқа муддатли (бир йилгача бўлган муддатга берилади) ва узоқ муддатли (бир йилдан ошиқ муддатга берилади) бўлади. Масалан, оддий акциялар умуман бирор - бир муддат билан чекланмайди. Масалан, депозит сертификати олти ой муддатга берилади - буоблигациялар 20 йилгача қайтариш муддати билан узоқ муддатли қўйилмалар воситасидир. Лекин, узоқ муддатли қимматли қоғозларни сотиб олиш ва қисқа муддатдан, масалан олти ой ўтгандан сўнг, инвестор узоқ муддатли қуролни қисқа муддатли мақсадлар учун фойдаланиши мумкин. Кўпинча, инвесторлар ана шундай қуролларни танлайдилар ва ўз пулларини қисқа муддатларга қўйишни хоҳлайдилар. Масалан, яқин олти ой мобайнида инвесторга керак бўлмайдиган суммаға, у олти ойлик муддатга эға бўлган депозит сертификати сотиб олиши мумкин: қирқ ёшга тўлган инвестор пенсияға чиққунча пул йиғиш учун бирон-бир компанияни облигациясини 20 йилга сотиб олиш мумкин. Одатда, узоқ муддатли инвестициялар капитал қўйилмалар шаклида намоён бўлади.

Тўртинчидан, мулк шаклларидан келиб чиқиб инвестициялар хусусий, давлат, қўшма ва хорижий шаклларга ажратилади. Хусусий инвестициялар


нодавлат юридик шахсларининг ва фуқароларнинг маблағларини тадбиркорлик фаолияти объектларига қўйилишини англатади. Давлат инвестициялари давлат бюджети ва давлат корхоналарининг маблағларини жойлаштириш орқали намоён бўлади.

Бешинчидан, ҳудудий жойлаштирилиш бўйича инвестициялар ички ва ташқи инвестицияларга бўлинади.

Олтинчидан, инвестициялар таваккалчилик даражаси бўйича юқори таваккалли (рискли) ва паст таваккалли (рискли) инвестицияларга ажратилади. Молия соҳасида таваккалчилик (рискли) деганда инвестицияларга мутлақ ёхуд нисбий миқдордаги фойда кутилганидан анча кам бўлади, бошқача айтганда, «таваккаллик» атамаси кутилмаган натижа олиш имкониятини англатади. Қўйилма маблағларига фойдани мутлақ ёхуд нисбий миқдорларини ёйилиши қанчалик кенг бўлса, таваккаллик шунчалик катта бўлади ва аксинча. Якка инвестор энг кам таваккалчиликка эга бўлган давлат қимматли қоғозлардан тортиб энг юқори таваккалли товарларгача бўлган қуролларни кенг танлаш имкониятига эга. Капитални жойлаштиришнинг ҳар бир типи таваккални таърифидир, аммо ҳар бир муайян ҳолатда таваккалчилик ўша воситанинг аниқ хусусиятлари билан белгиланади. Масалан, облигацияларга қараганда акцияларга қўйилмалар юқори таваккалчилик билан боғлиқ эканлиги маълум, шу билан бирга йирик компаниялар акцияларига қўйилмалар киритилишига қараганда юқори таваккалчилик облигацияларни топиш ҳам қийин эмас. Албатта, таваккалчилик, кўп ҳолларда, эмитентнинг, воситачининг ёки муайян молидвий воситаларни сотувчисини софдиллигига боғлиқ. Паст таваккалчилик инвестициялар муайян даромад олишнинг хавфсиз воситаси ҳисобланади. Аксинча, юқори таваккалли инвестициялар чайқовчилик ҳисобланади. Инвестициялаш ва чайқовчилик атамалари инвестициялашга икки турлича ёндашувни англатади. Айтиб ўтилгандек, инвестициялаш деганда қиймати барқарор турадиган ва нафақат даромадни ижобий миқдорини олиш, балки олдиндан даромадни айтиш мумкин бўлган қимматли қоғозлар ва бошқа активларни сотиб олиш жараёни тушунилади. Чайқовчилик шундай активлар билан операцияларни амалга оширишдан иборат бўлиб, фақат уларни бўлажак қиймати ва кутилаётган даромад даражаси ишончли бўлмаган ҳолатидир. Албатта, таваккалчиликни юқори даражасида чайқовчиликдан юқори даромад олиш ҳам мумкин.

Инвестиция фаолиятини амалга оширувчилар қуйидаги белгилар бўйича таснифланади (2—чизмага қаранг). 1. Жорий фаолиятнинг йўналишлари бўйича институционал ва индивидуал инвесторлар. Институционал инвесторлар ролида саноат, савдо, транспорт, алоқа ва бошқа соҳалардаги акционер жамиятлар намоён бўлсалар, индивидуал инвесторлар ролида фуқаролар намоён бўлади.


2. Инвестициялаш мақсадлари бўйича стратегик ва бевосита инвесторлар ўз олдига компанияларни бошқариш ҳуқуқини олишни мақсад қилиб қўядилар. Буни улар бошқа компаниялар акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш ёки уларнинг устав капиталини катта қисмини эгаллаш орқали амалга оширадилар. Улар яна компанияларнинг қўшилиб ва банкрот бўлиб кетишля-



1.1-чизма. Инвестицияларнинг таснифланиши.

рини амалга оширадилар. Портфел инвестициялар дивиденд ва фоиз шаклида даромад олиш мақсадида ўз капиталини турли молиявий воситаларга жойлаштирадилар.

3. Резидентликка тегишлилиги бўйича миллий ва хорижий инвесторлар ажратилади.



1.2-чизма. Инвестиция фаолятини амалга оширувчилар куйидаги белгилари бўйича таснифланади

4. Асосий фондларнинг шаклланишида капитал қўйилмаларнинг роли

Асосий капиталга инвестициялар капитал қўйилмалар шаклида амалга оширилади ҳамда ўзида янги қурилишга, кенгайтиришга, реконструкцияга ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлашга, ускуналар, инвентарлар, лойиҳавий маҳсулотлар сотиб олишга сарф-харажатларни мужассамлаштиради. Иқтисодий фанлар ва амалиёт «инвестиция» ва «капитал қўйилма» терминларини бир хил нарса эмаслигини, яъни синоним сўзлар эмаслигини таъкидлайди. Инвестициялар капитал қўйилмага нисбатан кенг мазмунли, қамровли тушунчадир. Ғарб адабиётларида инвестициялар борасида сўз юритилганда асосий эътибор фонд бозорига қаратилади, чунки ривожланган мамлакатларда инвестициялар, асосан, қимматли қоғозлар ёрдамида амалга оширилади.

У.Шарп инвестицияларга қуйидагича таъриф беради: «Истиқболда янада кўпроқ миқдордаги маблағ олиш учун маълум миқдордаги пул билан бугун ажралишдир. Реал инвестициялар, асосан, моддий активларга (ер, ускуналар, заводлар) қилинган инвестициялардир. Молиявий инвестициялар бу қоғозда битилган шартномалардир. Буларга оддий акциялар ва облигациялар киради. Ривожланаётган иқтисодиётда инвестицияларнинг асосий қисми реал инвестицияларга тегишлидир. Ривожланган иқтисодиётда эса инвестицияларнинг асосий қисми молиявий инвестициялаш институтларининг кенг миқёсда ривожланиши реал инвестицияларнинг ўсишига сабабчи бўлади. Инвестицияларнинг бу икки шакли бир-бири билан рақобатлашувчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчидир».

Инвестиция тушунчасига ягона ва тўлиқ тариф бериш анчагина кенг тушунча бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий фаннинг турли қисмларида ва амалий фаолиятнинг турли соҳаларида инвестиция мазмуни ўзининг хусусиятларига эга.

5. Молиявий ва реал инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлиги. Жамғармалар – инвестициялар манбаси сифатида.

Реал инвестициялар (капитал қўйилмалар) - пул маблағларини корхонанинг моддий ва номоддий активларига сарфланишидан иборат.

Моддий инвестициялар асосий капиталнинг элементларини сотиб олиш билан боғлиқ бўлиб, кўпчилик ҳолларда, инвестицион лойиҳалар доирасида амалга оширилади. Шунинг учун ўз маблағлари билан бирга қарзга олинган маблағлар ҳам фойдаланилиши мумкин. Қарзга маблағ олинган ҳолда инвестор ролини аниқ лойиҳаларга кредит маблағларини ажратаётган банк бажаради. Номоддий (потенциал) инвестициялар номоддий бойликлар яратилаётганда амалга оширилиб, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини (НИОКР) амалга ошириш, янги маҳсулотларнинг намуналарини яратишга сарфларни мужассамлаштиради.

Фан-техника тараққиётини тезлашуви билан интеллектуал салоҳият ишлаб чиқаришни энг кучли омилига айланди, унинг жиддий унсури бўлиб қолди. XX аср бошларида фанга ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун сарфланадиган қўйилмалар ошиб боради. Шунинг учун ҳам жаҳонда реал инвестициялар таркибида илмий изланишлар, фан, таълим, кадрлар тайёрлаш учун сарфланадиган харажатлар ўсиб бормоқда. Масалан, АҚШ, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда фан ва илмий изланишга сарфланадиган қўйилмалар ўсиш суръатлари асосий фондларга сарфланадиган инвестициялардан устундир. Жаҳон бозорига кириб бориш, кенг қўламда маркетингни ривожлантириш, батафсил ахборотга эга бўлиш, юқори даражадаги компьютер тизимларини ташкил этишни, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва мазкур соҳада дунёдаги ривожланган давлатлар даражасига эришишни талаб этади. Шунинг учун ҳам жадал суръатлар билан ривожланиш реал инвестициялар таркибида фан, техника, таълим, кадрларни қайта тайёрлаш учун сарфланадиган реал инвестициялар асосий ўринлардан бирини эгаллаши зарур.

Мутахассисларни тайёрлаш, тажриба, илмий текшириш, лизенсия ва ноу - хоу бериш, авторлик ҳукуқи ва умуман олганда номоддий активларга йўналтирилган инвестицияларни қўпгина иқтисодчи - олимлар интеллектуал инвестициялар деб атамоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунида инвестиция мўлжалланган объектига кўра, "капитал, инновация ва ижтимоий" инвестицияларга бўлинади (3-модда).

Асосий фондларга сарфланган реал инвестициялар мақсадли сарфланиш йўналишлари ва бошқа кўрсаткичларга кўра ҳудудлараро, тармоқлараро, технологик, қайта ишлаб чиқариш таркибларига эга. Асосий фондларга сарфланган инвестицияларни, актив (машиналар, асбоб-ускуналар) ва пассив (бино, иншоотлар) қисмларини ташкил этиш учун сарфланган умумий харажат йиғиндисидagi улуши инвестицияларнинг технологик таркибини ташкил этади. Қайта ишлаб чиқариш таркиби инвестиц турган корхоналарни кенгайтиришга, реконструкцияга ва янги техника билан қайта қуроллантиришга жалб қилинган харажатларни умумий харажатлардаги ҳар бирининг нисбий жиҳатдан улушини кўрсатади. Инвестицияларнинг ҳудудлараро ва тармақлараро таркиби эса уларнинг нисбий жиҳатдан ҳудудлар ва тармоқлар бўйича тақсимотини билдиради.

Ривожланган мамлакатларда реал инвестицияларнинг асосий қисмини хусусий инвестициялар ташкил этади.

Давлат секторида реал инвестициялар сарфи муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий мувофиқлаштириш сиёсати асосида кредитлар, субсидиялар ажратилади, давлат капитал қўйилмалари мувозанатлаштирилади ва реал инвестициялар ўзлаштирилади.

Давлат томонидан ўзлаштириладиган инвестициялар, дастлабки бозор инфратаркибини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга сарфланади. Инвестицияларни самарадорлигини ошириш асосий капитални актив элементларини вужудга келтириш ва ўстириш ҳисобига амалга оширилади.

Реал инвестицияларни тавсифлаш, уларни ҳажми ва даромад меъёрлари асосида олиб борилади. Инвестициялар ҳажми ўзлаштириладиган қўйилмалар қийматини ифодалайди, инвестициялар миқдори эса уларнинг ҳажмини ЯММга ёки ЯИМга бўлган нисбатини ифодалайди. Инфляция юқори ва чуқурлашган даврда эса айtilган кўрсаткичларга унинг таъсири тўғридан-тўғри бўлади. Инвестиция меъёри ишлаб чиқарилган ЯИМ ёки ЯММ қанчалик капитал сиғимкорлигини, яъни қай даражада капитал харажатларини талаб қилинишини билдиради. Жамғариш самараси капитал " сиғимкорлигини ўсиши коэффицентлари асосида аниқланади.

Молиявий инвестициялар капитални, тўлов ва молиявий мажбуриятларнинг барча турларини ўзида мужассамлаштирувчи, молиявий активларга жойлаштирилишини англатади. Ушбу молиявий воситаларнинг энг муҳимлари қимматли қоғозлардир: улушли (акциялар) ва қарз (облигациялар). Реал инвестициялардан фарқли ўлароқ молиявий инвестицияларни кўпроқ портфел инвестициялар деб аташади, чунки бу ҳолда инвесторнинг асосий мақсади бўлиб молиявий активларнинг мукаммал йиғмасини (инвестициялар портфелини) шакллантириш ва қимматбаҳо қоғозлар билан амалга ошириладиган турли операциялар молиявий инвестициялар шахсий компаниялар ва давлат идоралари томонидан муомалага чиқарилган акциялар, облигациялар, бошқа қимматли қоғозлар ва банк депозитларига, узоқ муддатга жалб қилинадиган қўйилмалардир. Молиявий инвестицияларнинг асосий қисми, капитални ноишлаб чиқариш соҳасига сарфланишини билдиради. Молиявий инвестициялар аксарият ҳолатларда реал инвестицияларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Молиявий инвестициялар эркин бозор инфратаркиби ривожланган мамлакатларда, қимматли қоғозлар бозори орқали капитални соҳалар бўйича тақсимланишида муҳим аҳамиятга бўлган давлатларда кўпроқ тарқалган. Ривожланган мамлакатларнинг молиявий инвестицияларининг таркибида хусусий инвестициялар, тадбиркорлар, хусусий фирмалар, консернлар ва акционер ташкилотлар томонидан тақиқланмаган фаолиятларга сарфланадиган мулкдорлик ва интеллектуал бойликларни англатади. Ривожланган қимматли қоғозлар бозори мавжуд бўлган мамлакатларда хусусий инвестицияларни кўпгина қисми махсус инвестиция фондлари томонидан сарфланади. Хорижий инвестицияларнинг молиявий шакли (портфел инвестициялар) миллий иқтисодиётда истиқболли корхоналарни аниқлаш ва кенг миқёсда инвестициялашни амалга оширишга асос бўла олади. Асосий ўринни хусусий инвестициялар ташкил қилади.

6. Инвестицияларнинг макро ва микроиқтисодиётни ривожлантиришдаги роли

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция ресурслари манбалари макро ва микродаражада фарқланишидан қатий назар, мамлакат инвестиция бозорида ўзига хос мавқега ва иқтисодий чегараларига эга. Бозор муносабати шароитида инвестиция ресурслари манбалари ичида кредитлар ўта муҳим

стратегик аҳамиятга эгадир. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг ўз маблағ манбалари чекланган бўлиб, улар, асосан, жорий харажатларни қоплаш учун сарфланади, қолган қисми эса чекланган маблағ сифатида инвестиция фаолиятини чегаралаб қўяди. Шу боис ҳозирда инвестиция ресурслари бозорида таклифни, нафақат, барқарорлаштириш, балки етарли миқдорда ошириш учун унинг манбалари таркибида давлат улушини камайтирган ҳолда чет эл кредитлари ва маҳаллий банклар кредитларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция фаолияти ва унинг манбалари иқтисодиёт ривожининг жадал суръатларини белгилаб бериш билан бирга у ҳар қандай тизимда қўп жиҳатдан минтақа ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиб боришини ва тараққий этиш даражасини ифода этиши лозим.

Инвестиция кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосий негизини ташкил этар экан, ўз навбатида, бу такрор ишлаб чиқаришга инвестор (субъектлар) инвестиция ресурсларини иқтисодиёт соҳаларига (объектларга) ўзи кўзлаган мақсадни, асосан, даромад (фойда) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш учун жойлаштиради ва инвестор амалга оширган бундай фаолиятни илмий нуқтаи назардан инвестиция фаолиятидир.

Шу боис инвестицияни амалга оширадиган давлат, юридик ёки жисмоний шахсларни, шу жумладан чет эл юридик ёки жисмоний шахсларини ҳам инвестор деган мақом бериш мақсадга мувофиқдир.

Инвестор инвестициялашни амалга ошириш учун маълум миқдордаги маблағ ёки инвестиция ресурсларига эга бўлишни ёки жамғаришни талаб этади. Бунинг учун жамғарма маблағларини банкларда тўплаш ва улар орқали капитал маблағларни иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларига йўналтирилишини таъминлашга эришиш мумкин. Бу, аввало, инвестиция фаолиятида банклар иштирокини оширишни талаб этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президентимиз И.А.Каримов «Банклар инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, бинобарин, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи лозим», - деб таъкидлаб ўтган эди. Бозор иқтисодиёти шароитида банклар инвестиция фаолиятининг энг фаол иштирокчиларидан бири сифатида қуйидаги фаолиятларнинг у ёки бу турлари бўйича иштирок этмоқдалар:

- инвесторларга тегишли ҳамда инвестицион мақсадларга йўналтириладиган маблағлар ҳаракати бўйича молиялаштириш ҳисоб-варақлари очиш ва улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- фойда олиш ва банк ликвидлилигини ошириш мақсадида ўз ва жалб қилинган маблағларни давлат ва корпоратив қимматли қоғозларга қўйиш;
- ўз ва жалб қилинган маблағларни инвестиция лойиҳаларига бевосита қўйиш, яъни хўжалик субъектлари инвестиция фаолиятини кредитлаш;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш орқали корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришда иштирок этиши.

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестициясини фаол жалб этиш учун, нафақат, ҳудудлар балки, тармоқларда, шунингдек

инвестиция фаолиятининг субъекти ва объектларида ҳам инвестицион жозибадорлик рейтингларини таҳлил этиб, ҳисоблаб чиқиш зарурдир.

Бунда, асосан, чет эл инвестициясини иқтисодиёт соҳалари бўйича мутаносиб жалб этишнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва унда тармоқларни, асосан, 3 гуруҳга, яъни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга бўлиб, инвестицияни устувор даражада реал секторга йўналтириб, сўнг қолган соҳаларни ривожлантиришга ҳамда иқтисодиёт ривожланиши ва заруриятдан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга ҳам жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ватанимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва инвестиция фаолияти тараққиётини таъминлаш қулай инвестиция муҳитини барпо этишни талаб қилади. Қулай инвестиция муҳити анча кенг тушунча бўлиб, у чет эл инвестицияларнинг кириб келиши ва ўзлаштирилишида кўплаб ижобий шароитлар бўлишлигини талаб қилади. Республикамиз олимларининг инвестиция соҳасида олиб борган илмий ишларида қулай инвестиция муҳитини барпо этиш ва унга таъсир этувчи омиллар маълум бир асосда гуруҳлаштирилган. Булар иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий омиллардир. Лекин мазкур омилларнинг инвестиция фаолиятига ижобий ёки салбий таъсир этиши етарлича очиқ берилмаган. Шу боис қулай инвестиция муҳитига таъсир этувчи омилларни ижобий ва салбий таъсир этувчи омиллар тарзида гуруҳлаштириш уларнинг хусусиятини тўлароқ ва кенгроқ очиқ беришга имкон беради.

Иқтисодиётга чет эл инвестициясининг барча шакллари фаол жалб қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни бериш мақсадга мувофиқдир:

- мамлакатнинг ҳудудий ва тармоқ тизимини такомиллаштириш нуктаи назардан инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестицион муҳитни яратиш;

- гуруҳланган омиллар натижасида, нафақат, ҳудудларнинг балки барча микробосқичларда чет эл инвестициясини жалб этиш бўйича рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олиш;

- асосий капиталга инвестициялар микдорида банк кредитлари салмоғини ошириш мақсадида бу борада белгиланган имтиёзларни қайта кўриб чиқиш;

- чет эл инвестициясини жалб этувчи хўжалик субъектларига мулк қийматидан тўланадиган имтиёзли солиқ ставкасини ўрнатиш орқали уларнинг мол-мулкни қисқа муддатда қайта баҳолашга қизиқтириш;

- чет эл инвестициясини жалб этувчи ҳамда шу асосда товар экспорт қилишни кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёзларни кенгайтириш;

- инвестиция лойиҳаларини иқтисодиётнинг макро ва микро даражасидаги эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқиш асосида Халқаро молия институтларининг республикада очган кредит линияларидан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаш;

- маҳаллий «масъул» муассасаларнинг чет эл инвестицияларини ҳудудларга жалб қилишдаги фаоллигини ошириш;

- чет эл инвестицияларини тез қарор қабул қилишлари учун ҳисоб ва ҳисобот тизими самарадорлигини ошириш каби қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур.

Шундай қилиб, «инвестиция» тушунчасининг моҳиятини ёритганда уни жамғариш (бойликлар, ресурслар), қўйиш (солиш, жойлаштириш, сарфлаш), капи таллашув (капитализация, маҳсулот яратилиши) ва иқтисодий ёки ижтимоий самара олишдек динамик ҳаракатда бўлишлигини таъкидлаш лозим. Уларнинг бундай динамик ҳаракати инвестиция фаолияти орқали амалга оширилади. Инвестиция фаолияти эса капитал қўйиш (жойлаштириш, солиш) ва инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча амалий ҳаракатлар йиғиндисидир.

Инвестиция ва инвестициялашнинг моҳияти бўйича юқорида келтирилган мулоҳазаларимиздан уларнинг бир неча қоидалари мавжудлигини кўришимиз мумкин. Бу қоидалар қуйидагилардан иборат:

- қўйилмадан келадиган соф фойда маблағларни банк депозитига жойлаштиришдан келадиган соф фойдадан кўп бўлиши;
- инвестицияларнинг рентабеллик даражаси инфляция даражасидан юқори бўлиши.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестициянинг моҳияти ва мазмуни нималардан иборат?
2. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларга бўлган объектив зарурат нималар билан белгиланади?
3. Инвестициялар капитал қўйилмалардан қандай фарқланади?
4. Инвестицияларни таснифлаш деганда нимани тушунасиш?
5. Реал инвестициялар деганда нимани тушунасиш?
6. Молиявий инвестициялар деганда нимани тушунасиш?

Топшириқлар

1. Инвестициялар капитал қўйилмалари тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Инвестиция портфелини шакллантириш жараёнини тўлиқ ўрганиш.
3. Инвестиция фаолиятлари объектлари, субъектларини ўрганиб чиқиш

Масала

Инвестор Самарқанд шаҳридаги «Respect Invest» фирмасига янги лойиҳани амалга ошириш учун 15,0 млн. сўм инвестиция қўйди. Лойиҳа 5 йилга мўлжалланган бўлиб, йиллик 10 фоиз ставка белгиланган. Ҳар йилги фоиз суммаси инвестиция суммасига қўшилиб боради.

Йиллар	Инвестиция суммаси, минг сўм	Фоиз ставкаси, %	Фоиз суммаси, минг сўм
1	15000,0	10	1500000
2		10	
3		10	
4		10	

5		10	
Жами:	х	Х	

Юқоридаги маълумотлардан фойдаланиб жадвални тўлдиринг, йиллик инвестиция суммаси ва қайтарилиши лозим бўлган инвестиция суммасини аниқланг ва қисқача хулоса ёзинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

2-мавзу. Инвестиция жараёнларининг мазмуни ва асосий босқичлари

Режа

1. Инвестиция жараёнининг мазмун-моҳияти.
2. Инвестициялаш мақсадлари ва йўналишлари. Инвестициялаш объектларини танлаш.
3. Реал инвестицияларни амалга ошириш. Реал инвестицияларни ўзлаштириш жараёнлари.
4. Молиявий инвестицияларни амалга ошириш хусусиятлари.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция, инвестиция жараёни, инвестициялаш объекти, молиявий инвестиция, реал инвестиция, жамғарма, инвестор.

1. Инвестиция жараёнининг мазмун-моҳияти.

Инвестиция жараёни - пул таклиф қилувчилар (вақтинча бўш маблағларга эга бўлганлар)ни пул талаб қилаётганлар (уларга эҳтиёж сезаётганлар) билан учраштириш механизмидир. Иккала томон одатда молиявий институтларда ёки молиявий бозорда учрашадилар. Айрим вақтда, хусусан мулк кийматлар (масалан, кўчмас мулк) билан битим имзоланганда сотувчи ва харидорлар бевосита муомалага киришадилар. Молиявий институтлар - масалан, банклар ва ссуда омонат ассоциациялари - одатда, омонатларни қабул қиладилар ва кейин пулни кредитга берадилар ёки бошқа пул билан маблағларни инвестициялайдилар. Молиявий бозорлар - молиявий ресурсларни таклиф қилувчиларни ва уларга эҳтиёж сезаётганлар одатда фонд биржаларига ўхшаш воситачилар ёрдамида битим тузиш учун бирлаштириш механизмидир. Акциялар бозори, облигациялар бозори, аукционлар бозори каби молиявий бозорларнинг қатор турлари бор. Уларни умумий хусусияти молиявий воситани баҳоси турли ҳолатларда талаб ва таклифни мувозанат нуқтасини топишлиқдadir. Даромадлилик, таваккалчилик, инфляциялар, дунёдаги турли вазиятлар ҳақида янги ахборотларни эълон қилиниши туфайли талаб ва таклиф нисбатининг ўзгариши янги мувозанатни ёки янги бозор баҳосини ўрнатилишига олиб келади.

2.1-чизмада инвестиция жараёнини акс эттирувчилар келтирилган. Чизмадан кўринишича пул ресурсларини таклиф қилаётган шахслар унга эҳтиёж сезаётганларга молиявий институтлар, молиявий бозорлар орқали ёки тўғридан-тўғри бериши мумкин. Молиявий институтлар молиявий бозорда талаб томонида ва таклиф томонида туриб иштирок этиши мумкин. Молиявий бозорни қисқа муддатли пул сектори бозори деб аталади, узоқ муддатли эса капитал бозори деб аталиб, унда фонд биржасининг ўрни салмоқлидир.

Инвестиция жараёни иштирокчилари. Инвестиция жараёнининг бош иштирокчилари - давлат, компаниялар ва хусусий шахслар бўлиб, уларнинг ҳар бири инвестиция жараёнида талаб томонида ёки таклиф томонида туриб иштирок этиши мумкин.


Давлат. Ижроия ҳокимиятининг ҳар бир даражасига ўз фаолиятини молиялаштиришга катта миқдорда пул керак бўлади. Ушбу фаолият мактаб,

касалхона, турар жойлар, катта йўллар каби ижтимоий иншоотларни қуришга сарфланаётган капитал қўйилмалар билан боғлиқдир. Юқоридаги лойиҳалар кўп ҳолларда, турли кўринишдаги узоқ мустақил қарз мажбуриятлар-облигациялар чиқариш йўли билан молиялаштирилади. Давлатнинг жорий эҳтиёжлари пулга бўлган талабни бошқа манбаи бўлиб ҳисобланади. Масалан, ҳукумат солиқ кўринишида давлат бюджети даромадига тўланганга қараганда кўп харажат қилиши мумкин. Ёки, шаҳар ҳокимияти жорий фаолияти учун пул керак бўлган ҳолда бюджетга солиқлар тўланмаган ҳолатлар бўлиши мумкин.

Устун даражада ҳокимликлар ўз эҳтиёжларини қисқа муддатли облигациялар чиқариш ёрдамида молиялаштирадilar. (Ривожланган мамлакатларда).

Айрим вақтда, ижроия ҳокимияти идоралари пулни таклиф қилувчилар томонида қатнашадилар. Масалан, шаҳарда маълум вақтга келиб қандайдир пул суммаси бўшаб қолса, уни жорий ҳисоб рақамида ушлаб турмасдан, шаҳар ҳокимияти маблағни қисқа муддатли молиявий бозорга қуроолларга қўйиб даромад олишлари мумкин.

Ижроия ҳокимиятлари идораларини молиявий маблағларга эҳтиёж сезаётган томонда ва таклиф томонида молиявий институтлар ва молиявий бозорлар ҳолатига кучли таъсир кўрсатади. Аксарият ҳолларда, давлат - бу пул маблағларини истеъмолчисидир, яъни у маблағ беришга қараганда кўп маблағни ишлатади.



2.1-чизма. Инвестициялаш жараёни

Компаниялар. Кўпгина компаниялар мулк шаклларида қатъий назар ўз фаолиятини юритиш учун йирик молия маблағларига муҳтож бўлади. Ижроия ҳокимияти идоралари сингари, уларни молиявий эҳтиёжлари узоқ ва қисқа муддатлига бўлинади. Узоқ муддатли мақсадларни амалга ошириш учун компанияларга заводлар қуришга, асбоб-ускуналар ва иншоотлар олишга, янги

махсулотларни ишлаш учун пул керак бўлади. Қисқа муддатли эҳтиёжлар товар захираларини таъминлаш, дебитор қарзларини ва бошқа жорий харажатларни қоплаш заруратларидан юзага келади. Қисқа ва узоқ муддатли эҳтиёжларни молиялаштириш учун компаниялар муомалага турли хил қарз қимматли қоғозларни ва акцияларни чиқарадилар. Қачонки уларда вақтинча ортиқча пул маблағлари пайдо бўлса, улар пулларни бошқаларга таклиф қиладилар. Амалда кўпгина йирик компаниялар нақд пулларини бошқаришда фаол ва мураккаб стратегияни амалга оширадилар ва қисқа муддатли қимматли қоғозларни асосий харидорлари ҳисобланадилар.

Давлатга ўхшаб компаниялар, умуман, пул маблағларини соф харидорлари ҳисобланади.

Хусусий шахслар. Хусусий шахслар инвестиция жараёнига турли усуллар билан: масалан, омонат ҳисобларга пул жойлаштириш, облигация ва акциялар сотиб олиш, суғурта полислари олиш билан пул етказиб беришлари мумкин. Молиявий қуролларни танлаш жудаям оддий вазифа эмас, у якка инвестор ўз олдига қандай мақсад қўяётганига боғлиқ. Пул маблағларига хусусий шахсларнинг талаби асосан мулкни, одатда, уй, автомобил харид қилишни молиялаштириш учун заём шаклига эга бўлади. Ваҳоланки, ундай талабни миқдори жуда катта, хусусий шахслар - пул соф етказиб берувчилардир, бошқача қилиб айтганда улар инвестиция жараёнига олганига қараганда кўп берадилар. Давлат ва компаниялар пул маблағларининг соф харидорлари ҳисобланар экан, хусусий инвесторларнинг иқтисодий ўсиш ва ривожланишни молиялаштириш учун пул етказиб беришдаги роли жуда салмоқлидир.

Инвесторлар тип. Икки турдаги инвесторлар бор: улар институционал ва якка инвесторлар.

Институционал инвесторлар- муассасалар бўлиб, уларга бошқаларнинг пулини бошқаргани учун ҳақ тўлайдилар. Уларни молиявий муассасалар, масалан, банклар, суғурта компаниялари, ўзаро ва пенсия фондлари ҳамда йирик номолиявий корпорациялар, айрим ҳолларда хусусий шахслар йўллайдилар. Молиявий институтлар ўз омонатчиларига яхшигина даромадни таъминлашга ҳаракат қилиб катта суммани инвестициялайдилар. Масалан, банкнинг траст бўлими унга ишониб топширилган маблағга етарли даромад тўлаши лозим; ҳаётни суғурталаш компанияси мижозларга ҳамда мижоз вафот этган ҳолатларда, уларнинг меросхўрларига ва олувчиларига суғурта мукофоти тўлайдиган даромадни тўлашга суғурта бадалларини инвестициялаш лозим. Саноат ёки савдога ўхшаш номолиявий компаниялар ҳам кўпинча ортиқча пул маблағларига эга бўладилар, бўш пуллар даромад келтириши ёки жорий операцияларга ва истиқболга капитал қўйилмалари талабни қоплашга ёрдам бериш учун омонатга қўядилар.

Якка инвесторлар ўз молиявий манфаатлари учун шахсий маблағларини тасарруф этадилар. Якка инвестор, кўпинча, пенсияга кетганда ёки унинг оиласини молиявий барқарорлигини таъминлашда даромад манбаи бўлишлиги учун бўш турган пуллари фойда келтиришидан манфаатдордир. Якка инвесторларнинг кўпчилиги фақат шахсий қимматли қоғозлар портфелини нима билан тўлдириш ёки шахсий пенсия фондини қандай таъминлашга изланиш

билан банд бўладилар. Катта суммадаги пулларни қўйиши мумкин бўлганлар инвестиция соҳасида касбий таёргарликка эга бўлмаганликлари туфайли ўз маблағларини бошқаришни институционал инвесторларга, масалан, банкларни траст бўлимларига ёки инвестициялар бўйича малакали маслаҳатчиларга топширадилар.

Институционал ва якка инвесторлар учун асосий иш тамойиллари ягонадир: тўғри институционал инвесторлар, одатда, пул эгалари номидан анчагина йирик суммалар билан иш қиладилар, шунинг учун улар юқори малакага эга бўладилар ва мураккаб ва нозик усулларни қўллайдилар.

Инвестициялаш. Махсус танланган молиявий курулларга пулни қийматини кўпайтириш ёки ижобий даромад олиш мақсадида жойлаштириш жараёнини инвестициялаш деб аталади. Ушбу фаолият катта иқтисодий аҳамиятга эга, у мантикий кетма-кет харажатлар сифатида бажарилиши мумкин, уни натижаси эса даромад олиш ҳисобланади. Кейинги вақтларда бир қатор янгиликлар киритилдики, улар инвестициялашни рағбатлантиради ва ушбу жараёни анчагина мақбуллантиради.

Инвестициялашнинг ижодий аҳамини. Иқтисодиётнинг амал қилиши ва ўсиши давлатни ва компанияларни, шунингдек, хусусий шахсларни ўсиб бораётган талабларини молиялаш учун қанчалик пул маблағларини енгил жалб қилишга боғлиқ. Масалан, агар ипотека заёмларини ишонч тариқасида бўлмаганда эди, кўпчилик уйларни сотиб олиш имкониятига эга бўлмасдилар, заём маблағларисиз уйларни қурилишида ва қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришда жудаям кам ишчи банд бўлган бўлур эди. Шунинг учун, агар кўчмас мулкни кафолациз кредитлаш ҳажми камайса, пировардида бу мамлакатда умумий иқтисодий фаолликни пасайишига олиб келган бўлар эди: бу тушунарли, чунки айнан пулларни мақбул тасарруф қила олиши мумкин бўлганларга уларни олиш енгил бўлса, иқтисодий ўсишни зарур шароитини таъминлаган бўлур эди. Ҳамон хусусий шахслар пулларни етказиб берувчилар бўлиб ҳисобланар экан, давлат ва компаниялар уларни соф харидорлари ҳисобланадилар, инвестициялаш жараёни жуда салмоқли натижаларга эга бўлди.

Инвестиция мукофоти. Инвестицияларга даромад ёки фойда жорий даромад ёки қўйилган маблағларни қийматини ўсиши сифатида ролиниши мумкин. Масалан, банкни омонат ҳисобига жойлаштирилган пуллар мунтазам ҳисобланадиган фоизлар шаклида жорий даромад беради, шу билан бир пайтда, бўш турган ер участкаси сотиб олишга қўйилган пуллар, уни сотиб олиш ва сотиш орасидаги ўтган пайтда участкани қийматини ўсими кўринишида даромад келтиради. Маблағларга муҳтож бўлаётганлар кимда улар ортиқча бўлса жалб қилишлари мумкин, даромад ёки фойда пул етказиб берувчиларни таваккалини қоплаши лозим. Соддароқ қилиб айтганда, инвестициялаш жараёни бир текис кетиши учун пул етказиб берувчилар мукофот олиши лозим, пул харидорлари эса ушбу мукофотни таъминлашлари лозим.

Инвестициялашда харажатлар кетма-кетлиги. Амалда инвестициялашга хилма-хил ёндашувлардан фойдаланилади. Улардан бири аниқ мақсадларга эришишга йўналтирилган харажатларни чуқур режалаштиришдан иборат.

Бошқаси, қарама-қарши ёндашув бўлиб харажатлар тасодифидан иборат, унда қарорлар интуиция асосида қабул қилинади. Тажрибани кўрсатишича лойиҳага мақбул ёндашгандагина натижалар одатда юқори бўлади. Шунинг учун инвестор дастлаб режа тузиши, кейин умумий молиявий мақсадларга мувофиқ инвестиция дастурини бажариши керак. Ундай дастурни амалга ошириш натижаси таваккалчиликни қониқарли даражасида мўлжалланган даромадни берувчи инвестиция портфелини шакллантириш лозим.

Қулай портфелни шакллантириш учун, турли тарифга эга бўлган бир қанча молиявий инструментларни йиғиндисини киритиш кўзда тутилади. Хилма-хил қуролларни қўллаб, инвестор охир оқибатда қўйилмаларни юқори даромадлилигига эришиши мумкин ёхуд молиявий қуроллар сонини кучайтириш ҳисобига таваккални камайтириши мумкин.

Портфелни бошқариш. Портфел шаклланиб бўлиши биланок, инвестор кутилаётган натижаларга мувофиқ портфел кўрсаткичлари динамикасини аниқлаши ва баҳолаши лозим. Масалан, агар даромадлилик, таваккал ва қўйилмалар қиймати инвесторни мақсадлари ёки мўлжалларига мувофиқ келмаса портфел ўзгартирилиши мумкин. Одатда, бу бир молиявий қуролларни сотиб ва тушган пулга бошқа молиявий қуролларни олишни англатади. Шундай қилиб, портфелни бошқариш – бу фақатгина молиявий қуролларни мақбул йиғиндисини яратиш эмас, балки унинг орқасидан у ёки бу қуролларни ҳақиқий динамикасига мувофиқ портфел таркибини ўзгартириш ҳамдир.

2. Инвестициялаш мақсадлари ва йўналишлари. Инвестициялаш объектларини танлаш.

Маблағларни, яъни қонун доирасидаги барча бойликларни сафарбар этаётган объектлар Инвестициянинг объекти бўлиб тушунилади. Улар янги корхоналар ёки амалда фаолият кўрсатаётган корхоналар, қимматли қоғозлар, банк депозитлари, интеллектуал мулк ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ғарб адабиётида¹⁸ инвестициялашнинг энг кенг тарқалган тўрт мақсади келтирилади: жорий даромадни кўпайтириш; келгусида йирик харажаталар учун маблағ жамғариш; пенсия фондларида маблағ тўплаш; даромадларни солиққа тортишдан ҳимоялаш.

Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонунида (6 - модда) инвестиция фаолияти объектларига қуйидаги таъриф берилган: "Моддий ва номоддий неъматлар, ишлаб чиқариш объектлари инвестиция фаолиятининг объектларидир"¹⁹.

Инвестиция субъекти бўлиб, инвестиция фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. Улар: хорижий давлатлар, халқаро молия институтлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқарув мулкчилиги шаклидаги корхона ва ташкилотлар, мулк эгаси бўлган фуқаролар, шу жумладан, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши

¹⁸ Массимо Гиулиодори, Фредерик С. Мишкин Кент Маттхевс-Тхе Экономикс оф Монеи, Банкинг & Финанкиал Маркец-Пearсон Эдукатион Лимитед. 2013.

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. -Т.: 1998 й. 24 декабр.

мумкин. Инвесторлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бу (маблағ киритувчи), кредитор, сотиб олувчи бўлишлар шунингдек, инвестиция фаолияти иштирокчиси вазифасини бажарувчи бўлишлари мумкин.

Инвестиция фаолиятини ташкил этишда унинг объект ва субъектлари иштирок этади.

Инвестиция субъектлари - инвестиция фаолиятида иштирок этувчи мулкӣ ва интеллектуал бойликларга эга бўлган жисмонӣ, ҳуқуқӣ шахслар ва давлатдир.

Капитал қўйилмалар шаклида инвестиция фаолиятини амалга ошириш субъектлари қуйидагилардир: инвесторлар, буюртмачилар, пудратчилар, капитал қўйилма объектларидан фойдаланувчилар ва бошқалар.

Инвесторлар ўз маблағи ёки жалб қилинган маблағ ёрдамида капитал қўйилмаларни амалга оширади. Юридик ва жисмонӣ шахслар ёки уларнинг бирлашмаси, давлат органлари ва чет эллик юридик ва жисмонӣ шахслар инвестор бўлишлари мумкин.

Инвесторлар қуйидагиларни амалга оширишда тенг ҳуқуққа эга:

- капитал қўйилмалар шаклида инвестиция фаолиятини амалга оширишда капитал қўйилмалар ҳажми ва йўналишларини мустақил белгилаш ҳамда инвестиция субъектлари билан шартномалар тузишда капитал қўйилмалар ҳисобига яратилган, сотиб олинган объектларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш;

- шартнома ёки давлат шартномаси орқали капитал қўйилмаларни амалга ошириш ва унинг натижаларига бўлган ҳуқуқни юридик ва жисмонӣ шахсларга, давлат ва маҳаллий ҳокимиятга ўтказиш;

- имзоланган шартномалар асосида биргаликда капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун ўзининг ва жалб қилинган маблағларни бошқа инвесторларнинг маблағлари билан бирлаштириш;

- капитал қўйилмаларга йўналтирилган маблағларни мақсадга мувофиқ ишлатилишини назорат қилиш ва бошқалар.

Буюртмачилар - инвесторлар томонидан инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун вакил этилган юридик ва жисмонӣ шахслар. Шу билан бирга, улар инвестиция фаолияти субъектларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашмайдилар. Буюртмачилар ролида инвесторларнинг ўзлари ҳам намоён бўлишлари мумкин. Инвесторлар бўлмаган буюртмачилар эса шартномада белгиланган тартибда ва даврда капитал қўйилмаларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Пудратчилар—юридик ва жисмонӣ шахслар бўлиб, улар буюртмачилар тузган шартномалар асосида ишларни бажарадилар. Пудратчилар қурилиш—монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатномага (лицензияга) эга бўлишлари керак. Қурилиш фаолиятинилицензиялашқурилиш маҳсулотлари истеъмолчиларини ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида амалга оширилади.

Капитал қўйилма объектларидан фойдаланувчилар - булар юридик ва жисмонӣ шахслар ҳамда давлат органлари, маҳаллий ҳокимият, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар бўлиб, ушбу объектлар улар учун яратилади.

Инвесторлар капитал қўйилма объектларидан фойдаланувчилар ролида намоён бўлиши мумкин. Инвестиция фаолияти субъекти унинг икки ва ундан ортиқ функцияларини қўшиб олиб бориш имкониятини беради. Инвестиция фаолияти суд давлат органлари томонидан қўйилган талабларни бажариши ҳамда мақсадли равишда. Инвестиция фаолияти инвестор томонидан танланган соҳалар ҳамда инвестициялар сарфланиши лозим бўлган мақсадлар билан, яъни инвестиция объектлари билан боғлиқдир.

Инвестицияларни йўналтириш соҳалари ишлаб чиқаришда иштироки ва сарфланиш ишларига биноан инвестиция фаолиятининг қуйидаги объектларини фарқлаш мумкин:

- халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги янгидан яратилган ва модернизациялаштирилган (янгиланган) асосий фондлар ва айланма маблағлари;
- фан-техника маҳсулотлари, изланишлар, таълимот, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- интеллектуал ғоявий бойликлар, муаллифлик, ихтиро, кашфиёт ҳуқуқлари, тажриба;
- қимматбаҳо қоғозлар, мақсадли пул жамғармалари;
- бошқа мулкчилик объектлари;
- мулкӣ ҳуқуқлар.

Қонун ва қонуниятларда тақиқланган экологик ва бошқа меъёрларга, санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган, яратилиши ва ишлатилиши мумкин бўлмаган воситалар учун инвестицияларни йўналтириш ман этилади ва бу ишлар инвестицияларни сарфлаш объекти бўла олмайди. Фуқаролар, ҳуқуқӣ шахслар ва давлатни қонунӣ манфаатларига путур етказадиган ишлар учун ҳам инвестициялар сарфлаш ман этилади.

Инвестицияларни жалб этиш ва сарфлаш соҳаларига асосланиб инвестиция фаолияти объектлари туркумини тузиш мумкин.

Инвестиция фаолияти объектлари туркуми инвестицияларни сарфланиш соҳаларига биноан таснифланиши 2.2-чизмада келтирилган.

Инвесторлар инвестиция фаолиятида соҳалардан бирини ёки бир нечтасини танлаб олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Уларни ҳеч ким соҳа ёки инвестиция объектларни танлашга мажбур эта олмайди. У ёки бу соҳани танлаш ва инвестицияларни маълум бир соҳага сарфлашдаги қарорларни инвесторларнинг ўзлари қабул қиладилар. Бир инвестор, бир нечта тадбиркорлик ва бошқа фаолият билан шуғулланувчи иштирокчи инвесторлар Инвестиция фаолияти субъектлари бўлиши мумкин. Инвестиция фаолиятидаги субъектлар инвесторлар бўлиб, маҳаллий ва чет эллик фуқаролар инвестицияларни амалга оширишни эса, қабул қилинган буюртмаларни бажарувчиси сифатида, инвесторни топшириғи асосида инвестиция фаолиятини иштирокчилари таъминлайдилар.

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун улар фуқароларни ва ҳуқуқӣ шахсларни ўз хоҳишлари билан шартномалар асосида жалб қиладилар.

Қонунларга таянган ҳолда шартномалар асосида инвестицияларга эга бўлиш, улардан фойдаланиш ва ушбу фаолият натижалари бўйича қарорлар қабул қилишни инвесторлар, бошқа фуқаро ва ҳуқуқий шахслар зиммасига топшириш тўғрисида қарорлар қабул қилишлари ҳам мумкин. Бундай ҳолларда мажбурият гарови сифатида (инвесторнинг мажбуриятини таъминлаш) инвесторнинг мулки қабул қилинади. Гаровга фақат қарзга олувчининг шахсий мулки ёки тўла хўжалик олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган мулк қўйилади.

Инвесторлар инвестиция натижаларига, инвестиция объектларига эга бўлиш, фойдаланиш, фармойиш чиқариш ва реинвестициялаш ҳуқуқларига эгадир.

Инвестиция фаолиятидаги жараёнда субъектлар ўртасида бўладиган муносабатлар шартномалар асосида мувофиқлаштирилади. Шартномалар тузиш, шерикларни танлаш, мажбуриятларни аниқлаш ва бошқа хўжалик муносабатларини ўрганиш, улар қабул қилинган қонунларга зид бўлмаса, фақат инвестиция фаолияти субъектлари зиммасида бўлади. Ҳар икки томоннинг келишувига биноан, шартномалар инвестиция фаолиятининг умумий муддатига тузилади.

Қабул қилинган қонунларда инвесторнинг қатор мажбуриятлари бор. Бу мажбуриятлар давлат идора ва муассасалари олдида бажарилиши лозим бўлиб, қуйидагилардан иборатдир:

- инвесторлар инвестициялар ҳажми ва уларнинг манбалари тўғрисида молия органларига декларация топширишлари лозим;
- капитал қўйилишни амалга ошириш учун, тегишли раҳбар ва махсус хизмат органлари томонидан рухсат олиниши керак;
- инвестиция лойиҳасининг санитария-гигиена ва экологик талабларга жавоб бериши тўғрисида экспертиза ҳулосасига эга бўлиши шарт.

Юқорида қайд қилинганлардан ташқари, инвестиция субъектларининг мажбуриятларига қуйидагилар ҳам киради:

- виждонан рақобат қилиш ва яқка ҳокимликка қарши мувофиқлаштириш талабларини бажариш;
- давлат, раҳбар ходим ва органлар томонидан юклатилган талабларни баҳолаш ва уларга бўйсунуш;
- белгиланган тартибда бухгалтерлик ва статистик маълумотлар ҳамда ҳисоботларни тегишли идораларга ўз вақтида етказиб бериш.

Булардан ташқари инвестиция фаолиятини ҳар бир иштирокчиси махсус ишларни бажариш учун лицензияга эга бўлиши лозим. Лицензия олиш учун бажариш лозим бўлган ишларнинг рўйхати ва уларни амалга ошириш тартиби мумкин қадар қонунчиликда белгиланади.



2.2-қизма.Инвестиция фаолияти объектларини туркумлаш

Инвестициялашнинг асосий босқичлари қўйидагилардир:

1. Ресурсларни капитал харажатларига айлантйриш, яъни инвестицияларни аниқ инвестиция фаолияти объектларига инвестициялаш;
2. Қўйилган маблагларни капитал қийматининг ўсишиға айлантйриш, бу инвестицияларни пировард истеъмолй ва янги истеъмол қийматини олиш билан ҳаракатланади:
3. Капитал қийматини фойда қўринишида ўсиши, яъни инвестициялашнинг якуний мақсади амалға оширилади.

Шундай қилиб, бошланғич ва якуний бўғинлари бирлашиб, янги ўзаро боғлиқликни яратади; даромад-ресурс-якуний натижа (самара), яъни жамғариш жараёни қайта такрорланади.

Капитални ўсиш манбаси, инвестициялаш мақсадида амалга оширилаётган лойиҳалардан олинadиган даромаддир.

Амалиётда инвестицияларнинг самарадорлигини (ИС) аниқлаш учун фойда массасининг (Ф) инвестиция харажатларига (ИХ) бўлган нисбати фоиз кўринишида олинади;

$$ИС = Ф / ИХ \times 100 \quad (2.1)$$

Инвестиция харажатларини фойда билан солиштириш жараёни доимий равишда инвестициялаш амалга ошгунча қадар (инвестицион лойиҳанинг бизнес-режасини ишлаб чиқариш даврида)га, инвестициялаш даврида (объектни қурилиши даврида) ва инвестициялашдан сўнг (янги объектдан фойдаланиш даврида) давом этади.

3. Реал инвестицияларни амалга ошириш. Реал инвестицияларни ўзлаштириш жараёнлари.

Реал инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш турли шакл ва усулларда олиб борилади. Ҳозирги вақтда инвестицияларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш, инвестиция фаолиятининг бош муаммоларидан бири ҳисобланади. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилмоқда.

1. Инвесторнинг ўз молиявий ресурслари ва ички хўжалик резервлари (фойда, амортизация ажратмалари, махсус захира фондлари);

2. Инвесторнинг қарз маблағлари (банк кредити, бюджет кредити, облигация бўйича қарзлар);

3. Жалб қилинган молиявий ресурслар (акцияларни сотиш, меҳнат жамоасининг пай ва бошқа кўринишдаги бадаллари, юридик ва жисмоний шахсларнинг пай ва бошқа бадаллари);

4. Бюджетдан инвестицион ассигнациялари (маҳаллий, давлат ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари).

5. Чет эл инвестициялари (чет эл кредитлари, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси);

6. Лизинг ва селенг инвестицияси (инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг бир тури бўлиб, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, бино ва иншоотларни ижарига олиш ёки интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тушунилади).

Ушбу молиялаштириш шакллари ва манбаларининг ҳар бири ўзининг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатларига эга, шу сабабли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш шакллари таҳлил қилиб, энг қулай шакл ва усул танланади.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг энг ишончли манбаси бу ўз маблағлари ҳисобланади. Ҳар қандай тижорат ташкилоти доимо инвестицияларни ўз ҳисобидан молиялаштиришга интилади. Бу ҳолатда, молиялаштириш манбаларини қаердан олиш керак деган муаммо вужудга келмайди ва унинг банкротлик хавф-хатари (риски) камаюди. Бундан ташқари, ижобий томонлари ҳам мавжуд. Хусусан, ўз-ўзини молиялаштириш корхонани

ривожланганлиги ва унинг яхши молиявий ҳолатини билдиради ва яна рақобатчилардан маълум бир устунликка эга бўлади, бошқа корхоналарда бундай имконият бўлмаслиги мумкин. Ҳар қандай тижорат ташкилотининг асосий ўз-ўзини молиялаштириш манбаи бу, асосан, соф фойда ва амортизация ажратмаси ҳисобланади.

4. Молиявий инвестицияларни амалга ошириш хусусиятлари.

Молиявий инвестициялар капитални, тўлов ва молиявий мажбуриятларнинг барча турларини ўзида мужассамлаштирувчи, молиявий активларга жойлаштирилишини англатади. Ушбу молиявий воситаларнинг энг муҳимлари қимматли қоғозлардир: улушли (акциялар) ва қарз (облигациялар). Реал инвестициялардан фарқли ўлароқ молиявий инвестицияларни кўпроқ портфел инвестициялар деб аташади, чунки бу ҳолда инвесторнинг асосий мақсади бўлиб молиявий активларнинг мукаммал йиғмасини (инвестициялар портфелини) шакллантириш ва қимматбаҳо қоғозлар билан амалга ошириладиган турли операциялар молиявий инвестициялар шахсий компаниялар ва давлат идоралари томонидан муомалага чиқарилган акциялар, облигациялар, бошқа қимматли қоғозлар ва банк депозитларига, узоқ муддатга жалб қилинадиган қўйилмалардир. Молиявий инвестицияларнинг асосий қисми, капитални ноишлаб чиқариш соҳасига сарфланишини билдиради. Молиявий инвестициялар аксарият ҳолатларда реал инвестицияларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Молиявий инвестициялар эркин бозор инфратаркиби ривожланган мамлакатларда, қимматли қоғозлар бозори орқали капитални соҳалар бўйича тақсимланишида муҳим аҳамиятга бўлган давлатларда кўпроқ тарқалган. Ривожланган мамлакатларнинг молиявий инвестицияларининг таркибида хусусий инвестициялар, тадбиркорлар, хусусий фирмалар, консернлар ва акционер ташкилотлар томонидан тақиқланмаган фаолиятларга сарфланадиган мулкдорлик ва интеллектуал бойликларни англатади. Ривожланган қимматли қоғозлар бозори мавжуд бўлган мамлакатларда хусусий инвестицияларни кўпгина қисми махсус инвестиция фондлари томонидан сарфланади. Хорижий инвестицияларнинг молиявий шакли (портфел инвестициялар) миллий иқтисодиётда истиқболли корхоналарни аниқлаш ва кенг миқёсда инвестициялашни амалга оширишга асос бўла олади. Асосий ўринни хусусий инвестициялар ташкил қилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестициянинг моҳияти ва мазмуни нималардан иборат?
2. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларга бўлган объектив зарурат нималар билан белгиланади?
3. Инвестициялар капитал қўйилмалардан қандай фарқланади?
4. Инвестицияларни таснифлаш деганда нимани тушунасиш?
5. Реал инвестициялар деганда нимани тушунасиш?
6. Молиявий инвестициялар деганда нимани тушунасиш?

Топшириқлар

1. Инвестициялар капитал кўйилмалари тўғрисида кўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Инвестиция портфелини шакллантириш жараёнини тўлиқ ўрганиш.
3. Инвестиция фаолиятлари объектлари, субъектларини ўрганиб чиқиш
4. Қуйидаги жадвалда келтирилган тадбирлар инвестициянинг қайси турига киришини аниқланг.

Тадбирлар	Моддий активга йўналтирилган инвестициялар	Номоддий активга йўналтирилган инвестициялар	Молиявий активга йўналтирилган инвестициялар
Корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун ускуна сотиб олди			
Инвестор банкнинг жамғарма депозит ҳисобрақамига маблағ жойлаштирди			
Корхона эскирган ускуналарини замонавий техника-технологияларга алмаштирди			
Фирма концессия олди			
Компания товарларини сотиш учун масъулияти чекланган жамият ташкил этди			
Компания ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари учун хом ашё сотиб олди			
Инвестор корхона облигацияларини сотиб олди			
Компания табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказди			
Корхона илмий техник салоҳиятни кенгайтиришга маблағ сарфлади			

Масала

Инвестор Самарқанд шаҳридаги « Respect Invest » фирмасига янги сеҳни жиҳозлаш учун 18,0 млн. сўм инвестиция кўйди. Инвестиция 5 йилга мўлжалланган бўлиб, йиллик 8 фоиз ставка белгиланган. Ҳар йилги фоиз суммаси инвестиция суммасига қўшилиб боради.

Йиллар	Инвестиция суммаси, минг сўм	Фоиз ставкаси, %	Фоиз суммаси, сўм
1	18000,0	8	
2			

3			
4			
5			
Жами:	X	X	

Юқоридаги маълумотлардан фойдаланиб жадвални тўлдириш, қайтарилиши лозим бўлган инвестиция суммасини аниқланг ва қисқача хулоса ёзинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломова Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

3-мавзу. Инвестиция фаолияти ва инвестиция сиёсати

3.1. Инвестицион фаолият ва унинг таркибий тузилиши.

Режа

1. Инвестицион фаолият тушунчаси. Инвестиция фаолиятининг таркибий тузилиши.

2. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда давлатнинг роли.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция, инвестицион фаолият, инвестор, буюртмачи, пудратчи, капитал қўйилма объектларидан фойдаланувчи, инвестиция фаолияти.

1. Инвестицион фаолият тушунчаси. Инвестиция фаолиятининг таркибий тузилиши.

Инвестиция фаолиятини ташкил этишда унинг объект ва субъектлари иштирок этади.

Инвестиция субъектлари - инвестиция фаолиятида иштирок этувчи мулкӣ ва интеллектуал бойликларга эга бўлган жисмоний, ҳуқуқӣ шахслар ва давлатдир.

Капитал қўйилмалар шаклида инвестиция фаолиятини амалга ошириш субъектлари қуйидагилардир: инвесторлар, буюртмачилар, пудратчилар, капитал қўйилма объектларидан фойдаланувчилар ва бошқалар.

Инвесторлар ўз маблағи ёки жалб қилинган маблағ ёрдамида капитал қўйилмаларни амалга оширади. Юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг бирлашмаси, давлат органлари ва чет эллик юридик ва жисмоний шахслар инвестор бўлишлари мумкин.

Инвесторлар қуйидагиларни амалга оширишда тенг ҳуқуққа эга:

- капитал қўйилмалар шаклида инвестиция фаолиятини амалга оширишда капитал қўйилмалар ҳажми ва йўналишларини мустақил белгилаш ҳамда инвестиция субъектлари билан шартномалар тузишда капитал қўйилмалар ҳисобига яратилган, сотиб олинган объектларга эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш;

- шартнома ёки давлат шартномаси орқали капитал қўйилмаларни амалга ошириш ва унинг натижаларига бўлган ҳуқуқни юридик ва жисмоний шахсларга, давлат ва маҳаллий ҳокимиятга ўтказиш;

- имзоланган шартномалар асосида биргаликда капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун ўзининг ва жалб қилинган маблағларни бошқа инвесторларнинг маблағлари билан бирлаштириш;

- капитал қўйилмаларга йўналтирилган маблағларни мақсадга мувофиқ ишлатилишини назорат қилиш ва бошқалар.

Буюртмачилар - инвесторлар томонидан инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун вакил этилган юридик ва жисмоний шахслар. Шу билан бирга, улар инвестиция фаолияти субъектларининг тадбиркорлик фаолиятига

аралашмайдилар. Буюртмачилар ролида инвесторларнинг ўзлари ҳам намоён бўлишлари мумкин. Инвесторлар бўлмаган буюртмачилар эса шартномада белгиланган тартибда ва даврда капитал қўйилмаларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Пудратчилар—юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, улар буюртмачилар тузган шартномалар асосида ишларни бажарадилар. Пудратчилар қурилиш—монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатномага (лицензияга) эга бўлишлари керак. Қурилиш фаолиятинилицензиялашқурилиш маҳсулотлари истеъмолчиларини ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида амалга оширилади.

Капитал қўйилма объектларидан фойдаланувчилар - булар юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлат органлари, маҳаллий ҳокимият, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар бўлиб, ушбу объектлар улар учун яратилади.

Инвесторлар капитал қўйилма объектларидан фойдаланувчилар ролида намоён бўлиши мумкин. Инвестиция фаолияти субъекти унинг икки ва ундан ортиқ функцияларини қўшиб олиб бориш имкониятини беради. Инвестиция фаолияти суд давлат органлари томонидан қўйилган талабларни бажариши ҳамда мақсадли равишда. Инвестиция фаолияти инвестор томонидан танланган соҳалар ҳамда инвестициялар сарфланиши лозим бўлган мақсадлар билан, яъни инвестиция объектлари билан боғлиқдир.

Инвестицияларни йўналтириш соҳалари ишлаб чиқаришда иштироки ва сарфланиш ишларига биноан инвестиция фаолиятининг қуйидаги объектларини фарқлаш мумкин:

- халқ ҳўжалигининг барча тармоқларидаги янгидан яратилган ва модернизациялаштирилган (янгиланган) асосий фондлар ва айланма маблағлари;

- фан-техника маҳсулотлари, изланишлар, таълимот, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

- интеллектуал ғоявий бойликлар, муаллифлик, ихтиро, кашфиёт ҳуқуқлари, тажриба;

- қимматбаҳо қоғозлар, мақсадли пул жамғармалари;

- бошқа мулкчилик объектлари;

- мулкрий ҳуқуқлар.

Қонун ва қонуниятларда тақиқланган экологик ва бошқа меъёрларга, санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган, яратилиши ва ишлатилиши мумкин бўлмаган воситалар учун инвестицияларни йўналтириш ман этилади ва бу ишлар инвестицияларни сарфлаш объекти бўла олмайди. Фуқаролар, ҳуқуқий шахслар ва давлатни қонуний манфаатларига путур етказадиган ишлар учун ҳам инвестициялар сарфлаш ман этилади.

Инвестицияларни жалб этиш ва сарфлаш соҳаларига асосланиб инвестиция фаолияти объектлари туркумини тузиш мумкин.

2. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда давлатнинг роли

Халқ хўжалигини узоқ йиллар мобайнида экстенсив (жадал) усулда ривожланиши давлат томонидан мувофиқлаштириб бўлмайдиган инвестиция харажатларига олиб келди. Натижада, хаддан ташқари кўп асосий ишлаб чиқариш фондлари барпо этилди. Асосан улар ҳарбий саноат мажмуида ва тугалланмаган қурилишда ўлчамсиз молиявий ресурсларни қайтарилишига (маблағ ажратилишини тўхтатилишига) ва тугалланмаган қурилишларни тўхтатилишига (консервациясига) олиб келди. Бундай аҳволнинг асосий сабаблари собиқ иттифоқ худудида узоқ йиллар давомида марказлашган режалаштиришни мавжуд бўлганлиги, ҳамда унинг оқибатида ижтимоий ва саноат маҳсулотларнинг таркибида ишлаб чиқариш қуролларининг хаддан ташқари ўсишидир. Марказлашган режалаштиришни ривожланишни асосий усули қилиб олиниши, ашёлар ва пул оқимлари орасидаги мутаносибликни бузилишига олиб келди. Охирги йилларда эса моллар билан пул ўртасидаги нисбатни бузилиши, бюджет қопламаларининг ўсиб бориши ҳисобига бўлди. Баҳо сиёсатини ўз вақтида тартибга солинмаганлиги бюджет қопламаларини талаб этилишига ва унинг ҳисобига корхоналар ҳамда аҳоли даромадларини тез ўсишига олиб келди. Маъмурий режалаштириш доирасида бу даромадларга нисбатан моддий бойликлар етарли бўлмай қолди. Умумлаштириб айтганда, халқ хўжалигини номутаносиблигини учта кўрсаткич билан ифодалаш мумкин; давлат бюджетининг камомадлиги, хўжалик ташкилотларини банклар олдида истиқболсиз қарзларининг пайдо бўлиши, ҳамда аҳоли даромадларининг харажатларига нисбатан кўпайиб бориши.

Аҳоли даромадларининг ўсиб бориш даври ишлаб чиқаришни пасайиб бориши билан тўғри келади. Шундай қилиб, халқ хўжалигида ишлаб чиқариш билан боғланмаган ҳолда турли хил пул даромадларининг ўсиб бориши жараёни юзага келди. Биржалар, аукционлар, қимматбаҳо қоғозлар бозорини барпо этилиши бу жараённи янада тезлаштирди. Давлат томонидан олиб борилаётган аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш сиёсати эса ушбу жараёнга қўшимча бўлди. Тадбиркорликни йўлга қўйилишида эса рақобат мухити ташкил этилмади, бу эса асосан тадбиркорлар томонидан млрд. сўмлаб молиявий капитални ҳамда ноишлаб чиқариш мулкани жамғаришга олиб келди. Инфляция асосида жамғарилган тижорат капитали ишлаб чиқаришга киритилмади, бу эса ўз навбатида гиперинфляцияни ривожланишига, ҳамда мутлоқ мол камомадлигига олиб келди.

Шунинг учун ҳам бугунги куннинг асосий вазифаси тадбиркорларнинг тижорат капиталини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга, яъни ишлаб чиқариш инвестицияларига айлантиришга даъват этади.

Марказлашган иттифоқ бошқарув тизими барбод бўлган ва янги мувофиқлаштириш тизимлари мустақил республикаларда вужудга келмаган бир даврда инвестиция фаолиятида кескин ўзгаришлар рўй берди. 1990-1992 йиллар бир томондан давлат инвестицияларининг кескин қисқариши билан иккинчи томондан эса тижорат тизимлари капиталларини ноишлаб чиқариш соҳасида жалб қилиниши билан тавсифланади. Оқибатда чуқурлашиб бораётган инвестиция инқирозини бартараф этиш, давлат томонидан инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришни талаб этади.

Собиқ иттифокда ва шу жумладан Ўзбекистонда инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатлар 1991 йилнинг январидан кучга кирган «Инвестиция фаолиятини қонуний асослари» ҳужжатлари билан мувофиқлаштириб борилди.

Қабул қилинган ва 1991 йилдан бошлаб кучга кирган бу ҳужжатда инвестиция фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириш кўзда тутилган. Унда мувофиқлаштиришни мақсадлари ва шакллари тасдиқланган. Ушбу ҳужжатга кўра, инвестиция фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириш қуйидаги мақсадларда олиб борилади:

- бозор иқтисодиётига кириб бориш жараёнида давлатни иқтисодий сиёсатини амалга ошириш;
- давлат фан-техника сиёсатини ўтказиш ва унинг асосида дунё хўжалик алоқаларини мустахкамлаш ҳамда жаҳон бозорига чиқиш;
- мамлакат ижтимоий сиёсатини юргизиш.

Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришнинг муҳим йўналишида қулай шароитлар яратишга қаратилган. Авваламбор, ижтимоий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан такомиллаштириш, янгилик ва ихтироларни тадбиқ этиш асосида ижтимоий талабларни қондиришга қаратилган. Бу борада мувофиқлаштиришни ташкил этиш инвестиция фаолиятини шароитларини аниқлаш йўли билан ҳамда давлат инвестицияларини бошқариш билан бирга олиб борилади. Давлат томонидан инвестиция фаолияти шароитларини мувофиқлаштириш бир қатор тадбир ва чораларни қўллаш ва ҳаётга тадбиқ этиш негизида амалга оширилиши кўзда тутилади.

Ҳужжатда кўрсатилган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

1. Солиқлар тизимини қулайлаштириш. Солиқ субъектлари, объектларини ҳамда унинг миқдорларини табақалаш ва енгилликлар бериш;
2. Амортизация сиёсатини тубдан ўзгартириш, шу жумладан асосий фондларни амортизациясини тезлаштириш (иқтисодиётни соҳалари, баъзи тармоқлари, асосий фондларни қисмлари, асбоб-ускуналарни турлари бўйича табақалашган ҳолда амортизация янгиликлари ўрнатилади);
3. Айрим минтақаларни, тармоқларни, ишлаб чиқаришларни ривожлантириш учун дотациялар, субсидиялар, субвенсиялар, бюджет ссудалари орқали молиявий ёрдам кўрсатиш;
4. Кредит сиёсатини, давлат меъёри ва андозаларини, яқка ҳокимликка қарши тадбирларини амалга ошириш. Давлат мулкани, шу жумладан тугатилмаган қурилишларни хусусийлаштириш (давлат тасарруфидан чиқариш) ҳамда баҳоларни ташкил этиш сиёсати;
5. Ер ҳамда бошқа табиий бойликлардан фойдаланиш шарт-шароитларини аниқлаш;
6. Инвестиция лойиҳаларини текширувдан ўтказиш.

Бугунги кунда юқорида қайд этилган тадбир ва чораларни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида республикада бу борада бир неча қонунлар қабул қилинди. Афсуски, инвестиция фаолиятини тўла-тўқис равишда мувофиқлаштиришни маълум объектив ва субъектив сабабларга кўра жорий этилиши қийин

бўлмоқда. Айниқса, инфляция кучайган даврда, ҳамда янги банклар тизими вужудга келаётган жараёнда кредит сиёсатини бозор муносабатларига мослашиши оғир бўлмоқда. Мустақил мамлакатимизни ўз кредит сиёсатини юритиш бўйича тажрибасизлиги, ҳамда уни амалга ошириш, иқтисодиётни заифлашган бир даврга тўғри келиши муносабати билан деярли таъсир кўрсатганича йўқ. Молия сиёсатини юргизишда шу жумладан солиқлар тизимини такомиллаштиришда ҳам анчагина ишлар қилиниши лозим. Бозор муносабатлари ривожланаётган даврда, инвестиция лойиҳаларини экспертизалаш соҳасида ҳам тажриба йўқлиги туфайли, кўзланган самарага эришиш тўла-тўқис таъминланганича йўқ. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда ҳам анчагина муаммолар ечилиши лозим. Республикамизда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда давлатни эътибори биринчи навбатда қайд қилинган муаммоларни бартараф этишга қаратилиши зарур.

Бюджетдан ташқари инвестиция фондларини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш ҳам давлат томонидан инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда иқтисодий усуллардан бири ҳисобланади. Мулкчиликни шаклланиши ва унинг турли хил шакллари вужудга келиши муносабати билан бу борада ҳам давлат олдида, янгидан ташкил топаётган тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича амалиётда биринчи маротаба ҳал қилинадиган муаммоларнинг келиб чиқиши маълум.

Давлат инвестицияларини тўғридан-тўғри бошқариш, инвестиция фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштиришни яна бир шакли бўлиб ҳисобланади. Бунда, бошқариш бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, бошқа жалб қилинадиган маблағлар ҳисобига инвестицияларни башаротлаштиришни, инвестициялашни шарт-шароитларини аниқлашни ва аниқ фаолиятларни амалга оширишни ўз ичига қамраб олади.

Собиқ иттифоқ парчаланишига қадар, инвестиция фаолиятини давлат томонидан бошқариш марказдан олиб борилар эди. Ўзбекистонни мустақилликка эришиши муносабати билан республикамизда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш эндиликда мустақил равишда олиб боряпмиз. Бу борада ҳам айниқса бозор муносабатларини йўлга қўйилишини ҳисобга оладиган бўлсак, тажрибамиз етарли эмас. Шунинг учун бугунги кунда бу фаолиятда тажриба орттириш, инвестиция фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш иқтисодиётимизни барқарорлаштиришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Инвестиция фаолиятидаги субъектлар ҳуқуқларининг доимийлиги давлат томонидан кафолатланиши зарурдир. Давлат идоралари ва ундаги ходимлар инвестиция фаолиятидаги субъектлар фаолиятига аралашиши ҳуқуқига эга эмаслар. Агарда инвестиция фаолиятига субъектлар шартномалардаги мажбуриятларини бажармасалар қонунчилик, ҳамда битилган шартномаларга биноан мулкӣ ва бошқа жавобгарликларга тортиладилар.

Барча инвесторларнинг инвестицияларининг муҳофазаси, мулк шаклларида қатъий назар давлат томонидан таъминланади.

Инвестициялар тўловсиз миллийлаштирилмайди, реквизиция этилмайди. Агарда қабул қилинган қонунчилик актларига асосан инвесторларнинг

банкларга қўйилган мақсадли банк жамғармалари, акциялар ва бошқа турли хилдаги қимматбаҳо қоғозлари давлат томонидан олинса, у ҳолда инвесторларнинг тўловлари ёки бўлмаса ижара ҳуқуқлари таъминланади. Фақатгина инвесторларнинг ўзларининг хатти-ҳаракатлари оқибатида ёки уларнинг иштироклари билан йўқотилган қийматлар давлат томонидан қайтарилиши таъминланмайди.

Маълумки, бозор муносабатлари ривожланиши билан молия бозори ҳам аста-секинлик билан ривожланиб ва такомиллашиб боради.

Ҳар бир мамлакатда қонунчиликни ривожланиши унинг тизимига, танланган йўлига, бозор муносабатларининг ривожланиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқдир. Бу соҳада чет элга чиқиш, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, уларнинг қонунларини ўрганиб чиқиб, республика хусусиятлари, анъаналарини ҳисобга олган ҳолда, тез, қисқа вақт ичида ишга солиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Маълумки иш юритишнинг аниқ шакл ва мурватлари ҳар бир соҳада қабул қилинган қонунларда ўз аксини топади.

Хорижий инвестицияларнинг тўғри йўналишларда кириб келишида «лойиҳа молиялаштиришни» йўлга қўйишда, лойиҳаларни таҳлил қилишда, умумиқтисодий изланишларни олиб бориш, таваккалчиликни баҳолаш, ижобий ҳал қилиш ва ўлчаш ҳамда молиявий ҳисоб-китобларни тўғри йўлга қўйиш жуда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таҳлил қилишда, халқаро амалиётда қабул қилинган кўрсаткичлар асосида, ҳисоб-китобларни олиб бориш, лойиҳаларни ҳаётий қобилиятларини аниқлаш имкониятларини яратади.

Молиявий таҳлилнинг мақсади лойиҳа сиклининг бутун давомида инвестициялардан келадиган фойдага баҳо беришдан иборатдир. Агар олинадиган даромад лойиҳа қийматидан юқори бўлса унда лойиҳа мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Инвестицияларни жалб қилиш мурватлари анча мураккаб ҳисобланади: халқаро ва миллий иқтисод даражасида инвестицияларни жалб қилишда етарли тажрибалар мавжуд. Бу масалада бой тажрибага эга бўлган Жаҳон банки инвестицион фаолият олиб боришда сезиларли натижаларга эришган: Жаҳон банки бир доллар инвестицияга, четдан қўшимча равишда 7-8 долларни жалб қилиш имкониятига эга.

Жаҳон банки молия билан таъмин этувчи лойиҳалар устида ишловчи ташкилот ва шахсларнинг назоратига асосланган ва банк томонидан «лойиҳа сикли» деб номланган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларни амалга оширишни чекланган жараёнга мажбурий киритилган деб ҳисобланадилар. Ушбу тушунчага биноан сикл тажрибага бир-биридан фарқ қилувчи лойиҳани тайёрловчи, ишлаб чиқиш, экспертиза қилувчи ва баҳоловчи босқичлар, ҳамда турли нуқтаи-назарлар ва ўлчамлар тўплами киради. Улар асосида лойиҳани амалга ошириш ҳулосаларини баҳолаш мумкин бўлади. Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган усуллар нимани, қандай қилишни, инвестицияларни қаердан келишини, лойиҳа бўйича яратиладиган маҳсулотни сотиш ва етказиб бериш, янги келажак лойиҳаларни амалга оширишда қўлга киритилган тажрибаларни қандай ҳисобга олиш масаласини ечишда

ишлатиладиган ягона ёндашувдан фойдаланиш имконини беради. Баҳо усули лойиҳаларни амалга ошириш харажатларини ва турли ҳолатлардан олинган натижаларни ўрганишга йўналтирилган: яъни меҳнат жамоаси томонидан ёки акционер томонидан; лойиҳани амалга оширувчи ташкилот томонидан; лойиҳани амалга ошириш табиати ёки ижтимоий меҳнат, Жаҳон банки томонидан таклиф қилинган усуллар, ишлаб чиқилган лойиҳани иқтисодий ва техник нуқтаи-назаридан фойдали бўлиши учун ва бунда фақат лойиҳани технологик ва жиддий техник томонларини ҳисобга олиб қолмасдан, балки инвестициялаш, бошқарув ва молия таъминот тизимини, шунингдек лойиҳани яшай олиш қобилиятини ва узоқ хизмат қилиши натижаларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Миллий мулкка хорижийлар эгалик қилишига ҳамма вақт ва ҳамма жойда хавотирлик билан қаралган ва зийраклик талаб қилинган. Ҳар қандай кўчмас мулкни хорижий шахс томонидан сотиб олиниши анъанавий гумонсираш ва хавф билан қабул қилинади. Эркин капитал, янги техника ва дастгоҳларни олиб келишга қўшимча иш жойларни яратишга қарамасдан хорижий инвесторларга нисбатан хушёр бўлиш давлатни инвестиция сиёсатини ва инвестиция муҳитини шаклланишига ҳақиқий омил бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, асосан экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни ҳамкорлик асосида йўлга қўйиш муваффақият қозонишга олиб келади ва корхоналарни валюта жихатдан ўз-ўзини қоплашни таъминлайди.

Юқорида қайд этилган масалаларни ва муаммоларни ечишда давлат тизимлари томонидан инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш йўлини тўғри аниқлаш айниқса иқтисодиётни инқироздан олиб чиқиш даврида муҳим масаладир.

Инвестицияларни йўналишларини аниқлашда мавжуд бўлган вазиятни ҳисобга олиш, Ўзбекистон иқтисодиётини қайта қуриш, чет мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамланиши, жаҳон бозорига ўз маҳсулоти билан чиқишни асосий масала қилиб олиш лозимдир. Иқтисодиётни барқарорлаштириш масаласи инвестиция фаолиятини ташкил қилишни мавжуд моддий ва молиявий ресурслар билан боғланган ҳолда олиб боришни талаб қилади ва ишлаб чиқариш инвестицияларини энг зарур бўлган тармоқларни ривожлантиришга қаратилишини тақозо этади. Бу борада айниқса пахтачилик билан боғлиқ бўлган ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш зарурдир. Ўзбекистон шароитида инвестициялар янги технологияларни ўзлаштиришга, ҳамда намунавий машина, асбоб-ускуналарни кириб келишига қаратилиши жуда ҳам самаралидир.

Инвестиция фаолиятини амалга оширишни муҳим шартларидан бири муомалада бўлган пул бирлигини қадрсизланишини олдини олишдир.

Инвестиция фаолиятидан олинadиган самарани кўпайтириш мақсадида инвестициялар хажмини, йўналишларини ва манбаларини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан биргаликда янги молиялаштириш, кредит билан таъминлаш, баҳони таҳлил қилиш, солиққа тортиш тизимларини такомиллаштиришдир. Таркибий ўзгаришларни ўтказиш мақсадида чет эл инвесторлари учун сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароитларни яратиш,

уларни қўйилмаларини давлат томонидан суғурталаш, турли имтиёзлар бериш муҳим ҳисобланади.

Инвестициялар бозорини барпо этилиши турли кичик, ўрта ва йирик қурувчи пудрат ташкилотларини вужудга келишини таъминлайди. Улар турли хилдаги мулкчилик эгалари томонидан ташкил этилади ва рақобатни ривожланишига олиб келади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, мавжуд бўлган кўпгина зарарли, паст рентабелли корхоналарни тугатилишини талаб қилади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида инвестиция фаолиятини ташкил этишни мувофиқлаштириш мақсадида давлат молия ва кредит мурватлари кенг равишда фойдаланиш лозимдир. Молия ва кредит мурватлари турли хил тармоқлардаги турли хил якка ҳокимликни тугатилишига қаратилмоғи керак.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестиция фаолиятини ташкил этишда унинг объект ва субъектлари иштироки қандай?
2. Инвестиция фаолияти объектларини туркумлаб беринг?
3. Инвестиция фаолияти йўналишлари қандай ва уларнинг молиявий манбалари?
4. Инвестиция фаолияти деганда нимани тушунасиш?
5. Инвестиция сиёсатининг моҳияти, мақсади ва устувор йўналишларига нималар киради?
6. Инвестицион муҳит ва уни ташкил этишнинг шартлари қандай?

Топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикаси инвестиция жараёнини амалга ошириш тизими тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Инвестиция жараёни моҳиятини тўлиқ ўрганиш.
3. Инвестиция жараёнини ташкил этиш жараёнини, унинг объектлари, субъектларини ўрганиб чиқиш.
4. Таянч ибора ва тушунчаларга изох беринг.

1.	Инвестицион фаолият турлари	15.	Ҳуқуқий мақом
2.	Инвестицион фаолиятга доир меъёрий ҳуқуқий асослар	16.	Инвестиция муносабатлари қатнашчиларининг ҳуқуқий ҳолати
3.	Инвесторларга давлат томонидан кафолатларнинг берилиши	17.	Халқаро ҳуқуқ
4.	Инвестицион сиёсатнинг амалга оширилиши	18.	Ичкиваташқиинвесторлар
5.	Кўп томонлама халқаро конвенциялар ва келишувлар	19.	Инвестиция фаолияти ва инвестиция сиёсати орасидаги ўзаро боғлиқлик

6.	Инвестицион фаолиятни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий асослар	20.	Қўшма корхоналар
7.	Глобаллашув ва иқтисодий интеграциялашув жараёнлари	21.	Давлат инвестициялари ва хусусий инвестициялар
8.	Турли иқтисодий тизимларда инвестиция жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари	22.	Бевосита инвестициялар
9.	Халқаро ва миллий молия тизимлари	23.	Портфел инвестициялар
10.	Жаҳон бозорининг инвестиция жараёнига таъсири	24.	Молиявий инвестициялар
11.	Миллий инвестиция ресурслари	25.	Капитал, инновация, ижтимоий инвестициялар
12.	Инвестицион сиёсатни амалга ошириш босқичлари	26.	Маҳсулотларни бўлишиш бўйича келишув
13.	Инвестиция жараёнларини ривожлантириш моделлари	27.	Концессия шартномалари
14.	Хорижий корхоналар	28.	Реал инвестициялар

Масала

Инвестор «Афросиёб» хусусий корхонасига янги лойиҳани амалга ошириш учун 40,0 млн. сўмлик инвестиция киритди. Лойиҳа 8 йилга мўлжалланган бўлиб, ҳар йилги олинган фойдадан 40 %и инвесторга тўланилиши ва 7 йилдан кейин жорий қилинган инвестиция тўлиқ қайтарилиши келишиб олинган. «Афросиёб» хусусий корхонаси қуйидаги кўрсаткичларга эга:

Йиллар	Олинган даромад, минг сўм	Харажатлар, минг сўм	Фойда, минг сўм	Инвесторга тўланиши лозим бўлган сумма, минг сўм
1	68500,0	53050,0		
2	68100,0	54020,0		
3	69200,0	54010,0		
4	65800,0	52320,0		
5	64500,0	49500,0		
6	64600,0	50300,0		
7	67700,0	55200,0		
8	68050,0	58600,0		
Жами:	536450,0	427000,0		

Юқоридаги маълумотлардан фойдаланиб аниқланг:

1. Корхона фойдасини
2. Инвесторга тўланиши лозим бўлган суммани.

3.Қисқача хулоса ёзинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

3.2. Инвестицион фаолиятга таъсир этувчи омиллар

Режа

1. Инвестиция фаолиятга таъсир этиш омиллари ва усуллари.
2. Ўзбекистонда инвестицион фаолиятнинг меъёрий-қонуний базаси. “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция, инвестиция сиёсати, инвестиция фаолияти, қонун, инвестор.

1. Инвестиция фаолиятга таъсир этиш омиллари ва усуллари.

Инвестиция сиёсати – бу иқтисодийнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб – қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устувор инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндиси ҳисобланади. Давлат инвестиция сиёсатини амалга оширишда кўпроқ устуворлик кичик бизнес субъектлари, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар тузишга қаратилган. Давлат инвестиция сиёсати ҳақиқатда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва, шу асосда, инвестиция иштирокчиларининг эркин ҳаракат қила олишлари учун қулай иқтисодий, инвестицион муҳит яратишга қаратилган.

Инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- инвестициялар, уларнинг ҳаракатланиши, инвестиция фаолияти иштирокчилари муносабатлари, уларни тартибга солиб туриш бўйича қулай ҳуқуқий базани яратиш, амалдаги қонунчилик — ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
- иқтисодий туб ислохотларни амалга ошириш, мақсадли инвестицион сиёсатни юргизиш;
- инвестицион жараёни яхшилаш ва барча инвестицион жараён иштирокчиларининг фаоллигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш;
- давлат бошқарув органлари, ҳукумат ташкилотларининг назорат қилиш функцияларини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон иқтисодийнинг барча соҳаларида ўзгаришлар, таркибий ислохотлар олиб борилмоқда. Бундай ислохотларнинг олиб борилиши бевосита мамлакатдаги инвестицион жараён, давлатнинг инвестицион сиёсати, унинг устувор йўналишлари ва мамлакатдаги корхоналар инвестицион фаоллигига боғлиқ. Мустақилликнинг қисқа даврида инвестицион фаолиятни ошириш, уни кучайтириш борасида қатор амалий чора -тадбирлар ўтказилди, инвестицион фаолиятни тартибга солиб турувчи қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари чиқарилди ва ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича ҳам қатор вазифалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, иқтисодиётда янги бир термин "инвестицион лойиҳа" киритилди ва унинг иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши учун аҳамияти белгилаб берилди.

2. Ўзбекистонда инвестицион фаолиятнинг меъёрий-қонуний базаси. “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий, молиявий барқарорлик чет эл инвестицияси учун ҳар томонлама қулай шароит яратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати натижасида қабул қилинаётган имтиёзли муҳитни яратувчи қонунлар чет эллик инвесторларда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда. Хусусан, 2008 йил 8 апрелда матбуотда эълон қилинган “Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қонун чет эл инвесторларини жалб қилиш бўйича изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Маълумки, чет эл инвесторлари мамлакатимиз ҳудудида ўз ишлаб чиқариш фаолиятини, қоидага кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш йўли билан амалга оширадилар. Ўз эҳтиёжлари учун юртимиз ҳудудига замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар, уларга бутловчи буюмлар, шунингдек, хомашё ва материаллар олиб кираётган хорижий инвесторлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида муайян имтиёзлар назарда тутилган. Жумладан, "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддаси ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка божхона божи солинмас эди. Янги қонун асосида - чет эллик инвесторлар учун янада қулай муҳит яратиш мақсадида - юқорида қайд этилган ҳар икки қонунга ўзгартишлар киритилди. Эндиликда наинки чет эллик инвесторлар, айни чоғда, устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳам ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кирадиган мол-мулк бўйича бож ундирилишидан озод қилиндилар. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддасида ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида белгиланган имтиёзлар устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарга ҳам татбиқ этиладиган бўлди. Янги қонунда кўзда тутилган имтиёзлар ана шу хайрли мақсадларга эришишимизда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Ушбу қонун халқимиз фаровонлигини оширишда ҳам улкан ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади. Хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш

ўринлари очиш, энг замонавий технология ва жиҳозларни келтириш ҳисобига иш унуми ва самарадорлиги ошиши муқаррар. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятига доир ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида хорижий инвестициялар масаласига бевосита тааллуқли бўлган қонунлар муҳим ўрин тутади. Вақт ўтиши билан иқтисодий ўсишнинг жадал боришини таъминлаш, республика иқтисодиётига хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларини жалб қилиш ва умуман жаҳон андозаларига эришиш учун хорижий инвестициялар соҳасидаги мавжуд қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш зарурати объектив равишда пайдо бўлди. Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш стратегияси бўлажак чет эллик инвесторларнинг манфаатларини ҳамда миллий иқтисодиётга зарар келтирмаган ҳолда уларни қондириш имкониятларини ўрганишга асосланади. Бунинг учун бир томондан, иқтисодиётни таркибан қайта қуришга қаратилган бир қатор аниқ, лойиҳаларни амалга ошириш зарур бўлади ва иккинчи томондан, ички инвестиция ресурслари чекланган бир шароитда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти жуда юқори баҳоланади. Инвестиция муҳитини янада яхшилаш шартларидан бири банк тизимини такомиллаштириш, молия бозорида рақобатни вужудга келтириш, нақд пулдаги ва нақд бўлмаган пулдаги операцияларни амалга оширишни яхшилаш, шунингдек хорижий инвесторларни ахборот билан таъминлашни яхшилашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларни бошланиш давридан чет эл инвестицияларини жалб қилишга тузилмавий қайта қуришнинг ҳамда умумжаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кириб боришини тезлаштирувчи омил сифатида асосий устуворлик берилди. Ҳозирда, Республикада хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳуқуқий база яратилди, инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма барпо қилинди ва бу жараён такомиллашиб бормоқда. Бу борада, «Валютани тартибга солиш» тўғрисидаги қонун қабул қилинди, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг вазифалари қайта кўриб чиқилди, ва унинг миллий валютани конвертацияси ҳамда импорт контрактларини рўйхатдаи ўтказиш билан боғлиқ бўлган вазифалари бекор қилинди. Жумладан, 2003 йилни 15 октябридан миллий валютани жорий халқаро операциялар бўйича эркин конвертациясининг очилиши мамлакатдаги инвестиция иқлиминини яхшилашга ва хорижий инвестициялар оқимининг кўпайишига катта имкониятлар яратди. 1998 йил 30 апрелда Олий Мажлис томонидан янги ҳужжат — "Хорижий инвестициялар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва "Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" Қонун қабул қилинди.

Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоялаш мақсадида яратилган шарт-шароитлардан ташқари, Республика томонидан Адлия вазирлигига уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат органи ваколати берилди. Жумладан, Адлия вазирлигининг таркибида 2003 йилдан бошлаб чет эл инвесторлари манфаатларига зарар етиш ҳолатларини олдини олиш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилди. Олиб борилаётган амалий

ишлар натижасида, иқтисодиёт тармоқлари бўйича хорижий капиталнинг таркибида маълум бир силжишлар юз берди.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестиция фаолиятини ташкил этишда унинг объект ва субъектлари иштироки қандай?
2. Инвестиция фаолияти объектларини туркумлаб беринг?
3. Инвестиция фаолияти йўналишлари қандай ва уларнинг молиявий манбалари?
4. Инвестиция фаолияти деганда нимани тушунасиз?
5. Инвестиция сиёсатининг моҳияти, мақсади ва устувор йўналишларига нималар киради?
6. Инвестицион муҳит ва уни ташкил этишнинг шартлари қандай?

Топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикаси инвестиция жараёнини амалга ошириш тизими тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Инвестиция жараёни моҳиятини тўлиқ ўрганиш.
3. Инвестиция жараёнини ташкил этиш жараёнини, унинг объектлари, субъектларини ўрганиб чиқиш.

Масала

Инвестор «Алпомиш» хусусий корхонасига янги лойиҳани амалга ошириш учун 34,0 млн. сўмлик инвестиция киритди. Лойиҳа 8 фоизлик ставка билан 6 йилга мўлжалланган бўлиб, ҳар йилги олинган фойдадан 40 %и инвесторга тўланилиши ва 4 йилдан кейин жорий қилинган инвестиция тўлиқ қайтарилиши келишиб олинган. Корхона қуйидаги маълумотларга эга:

Йиллар	Инвестиция суммаси, минг сўм	Йиллик фоиз суммаси, минг сўм	Олинган даромад, минг сўм	Харажатлар, минг сўм	Фойда, минг сўм	Инвесторга тўланиши лозим бўлган сумма, минг сўм
1	34000,0	2720,0	53200,0	32100,0		
2			54100,0	30920,0		
3			54340,0	31250,0		
4			50100,0	31000,0		
5			49980,0	30350,0		
6			48600,0	30490,0		
Жами:	X		310320,0	186110,0		

Юқоридаги маълумотлардан фойдаланиб аниқланг:

- 1.Инвестициянинг йиллик фоиз суммасини
- 2.Корхона фойдасини
- 3.Инвесторга тўланиши лозим бўлган суммани.
- 4.Қисқача хулоса ёзинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

3.3-мавзу. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолияти Режа

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолиятини ташкил этиш.
2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаоллигини таъминлаш вазифалари.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция, инвестицион фаоллик, хўжалик юритувчи субъект, инвестицион лойиҳа.

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолиятини ташкил этиш

Инвестицион лойиҳаларни кредит асосида молиялаштиришнинг афзалроқ томони шундаки, фаолият юритаётган корхона учун модернизация, реконструкция ишлари ва керакли меъёрга ишлаб чиқариш қувватини таъминлашда, яъни корхона ишлаб чиқариш фаолиятни кенгайтирмоқчи бўлса, кредитдан фойдалангани маъқул, чунки, ишлаб турган корхона активлари, ушбу, кредитлар қайтарилишига гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Янги ташкил этилаётган корхона, ташкилотлар учун эса инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун, аксианер капиталидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки янги ташкил этилган корхоналар учун банк кредитидан фойданиш юқори риск билан боғлиқ бўлиб, кредит олишда корхона уни қайтариш учун етарли даражада молиявий ресурслар билан ёки бошқа активлар билан таъминланмаган бўлиши мумкин, бундай шартларни янги корхона бажармаслиги сабабли, аксианерлик капиталидан фойдаланадилар. Ликвидлик билан боғлиқ бундай вазиятларда янги корхона қийин вазиятларга тушиб қолади. Лойиҳа яхши баҳоланганда ҳам, яхши техник асосланганда ҳам банклар юқори фоиз ставкасида кредит беришлари мумкин. Аксианер капитали эса бундай муаммолар келтириб чиқармайди, аммо уни йиғиш анча мураккаб вазифадир, банк кредитлари эса бундан мустаснодир.

Инвестицион лойиҳаларни кредитлаш шarti, фоиз ставкаси ўзгариши билан лойиҳа иқтисодий кўрсаткичларларининг ўзгариши орасидаги муносабат билан аниқланади. Маълумки, фоиз ставкаси ўзгармас ва ўзгарувчан бўлади. Шу сабабли, корхона инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда кредит олмақчи бўлса, у узоқ муддатли бўлса, у ҳолда ўзгармас фоиз ставкасидаги кредитдан фойдаланади.

Яхши асосланган лойиҳа учун қарз маблағлари олиш бир мунча осонроқ бўлади. Молиялаштириш жараёнини қарзга олинadиган маблағларни ҳажмини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади, бу кредит олишни кафолатлаши мумкин. Ушбу ссуда капиталини қуйидагиларга йўналтирилиши мумкин: асбоб-ускуналар харид қилиш; ишлаб чиқаришни кенгайтиришга; модернизация; реконструкция қилиш ва бошқаларга. Ссуда капиталини қуйидаги турларга ажратиш мумкин: айланма маблағларни ташкил қилиш

мақсадида тижорат банки ёки мол-етказиб берувчиларнинг турли хил шаклдаги кредитлари ёки миллий ва хорижий молиявий институтларининг узоқ муддатли кредитлари.

Корхона ва ташкилотлар доимо асосий фондларни кенгайтириб бориши ёки реконструкция қилиши, шу билан бирга янги технологик жараёнларни ўзлаштириб бормоғи лозим. Бунинг учун катта миқдордаги маблағлар керак бўлади.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги асосий фондларни сотиб олиш, уларни қайта қуриш ва таъмирлаш, янги технологияларни сотиб олиш, уларни ўрнатиш учун сарфланадиган пул маблағлари капитал қўйилмалар бўлиб ҳисобланади.

2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаоллигини таъминлаш вазифалари

Корхоналарни молиялаштиришнинг инвестиция усулларида кенг фойдаланишга ҳаракат қилиши лозим. Ўзини ўзи молиялаштириш инвестицион усулида корхонанинг ўз капитали (фойда, амортизация) ва ички активларни сафарбар этиш (харажатларни ва айланма маблағларни камайтириш) инвестицион манбаини ташкил этади. Кўриниб турибдики, ўз фаолиятини қанчалик самарали ташкил этганлиги ва ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этилганлиги корхонанинг ўз-ўзини молиялаштириш салоҳиятини белгилайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан корхоналар фаолиятининг ўзгариши, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари, аҳоли қобилятининг пасайиши, рақобат муҳитининг тўла шаклланмаганлиги, бундай шароитда нархлар шаклланишидаги нисбатларнинг бузилиши, хом-ашё базасининг кескин камайиб кетиши ва шу кабилар саноат корхоналарида ташкилий бошқарув муносабатларига янада юқорироқ талабларни қўймоқда. Чунки ушбу муносабатларнинг такомиллашиши, пировард натижада, корхоналарнинг самарали ҳаракатланиши таъминлайди.

Бундан ташқари, ҳозирги даврда хўжалик юритувчи субъектлар олдида қатор вазифалар қўйилади:

- иқтисодий ўсишни ҳар хил муқобилларидан бирини танлаш ва амалга ошириш;
- корхона ўз маблағлари, айниқса айланма маблағлари дефицити шароитида ҳаракатланмоқда, бу эса шубҳасиз, капитал айланиш ва уни ички жамғаришга йўналтирилишини чеклаб қўйиш;
- бозор ноаниқлиги шароитида моддий. меҳнат харажатлари, инфляция индексларини аниқлаш ва ҳисоблаш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш, харажатлар қийматини прогнозлаш, молия-иқтисод омилларни мувофиқ нисбатини таъминлаш ва х.к.

Бу ҳол саноат корхоналарида янги шароитга мослашиш механизми тўла шаклланмаганлигидан далолат беради, бунг эришиш эса корхоналардан ўз фаолиятларини бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ислоҳ этишни талаб этади. Саноат корхоналарида ушбу жараён бошланган, аммо охирига

етказилмаган. Амалиётда саноат корхоналарининг ҳаракатланиши жараёнларида уларга бир қатор ташқи муҳит омиллари таъсир этади.

Бунда энг муҳими, бозорнинг реал эҳтиёжларини ва корхонанинг потенциал имкониятларини баҳолаш корхонанинг унга мос стратегиясини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни таъминловчи механизмини яратишдир.

Саноат корхоналарининг ташқи муҳит омилларига қуйидагиларни кииритиш мумкин: улар ички ва ташқи бозор конъюктурасидаги ўзгаришлар; иқтисодиётда иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ва меъёрий база; ишлаб чиқариш ресурсларининг қимматлашишига олиб келадиган бошқарилмайдиган инфляциян жараёнлар; корхоналарни хусусийлаштириш оқибатлари; хўжалиу юритувчилар ўртасидаги рақобат кураши; ўзаро боғлиқ тармоқ ва корхоналардаги аҳвол; ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва инновацион даражаси; бозор инфратузилмаси ва товар ҳаракати каналларидаги ўзгаришлар; корзона маҳсулотига бўлган талабнинг ўзгаришидан иборат.

Ташқи муҳитдаги ўзгаришлар саноат корхоналарига икки ёқлама таъсир этиши мумкин, яъни ривожланишига янги имкониятлар ёки хавф туғдириши мумкин. Шунинг учун корхонанинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда ташқи муҳитнинг таҳлили комплекс таснифга эга бўлиб, иқтисодий, сиёсий, бозор, технология, ижтимоий ва халқаро соҳаларни қамраб олиши лозим. Бунда икки масалани аниқлаб олиш муҳимдир: биринчидан, ташқи муҳитда вужудга келган имкониятлардан фойдаланиш учун корхона ички имкониятларга эга эканлиги масаласи, иккинчидан эса, корхонанинг қайси бир заиф жиҳатдан ташқи хавф билан боғлиқ муаммоларни кескинлаштириб юбориши мумкинлиги масаласи.

Шундай қилиб, саноат корхоналарини ўраб турган ташқи муҳитдаги ўзгаришлар бир тарафдан ишлаб чиқаришни бир тарафдан ишлаб чиқаришни узок давр мобайнида бир сифат даражасида ҳаракатланиб туришига имкон бермайди, иккинчи тарафдан эса, такрор ишлаб чиқаришни эски усул ва механизмларини такомиллаштириш асосида ҳар доим янада юқорироқ сифат даражасига ўтиб ҳаракатланишини талаб этади. Аслини олганда янги шаролитларга мослашиб бориш бошқаришни стратегик шаклига ўтишни назарда тутати ва у қуйидаги тамойилларга таянади: қонунийлик, бошқарув стратегиясининг узлуксизлиги, мақсадга йўналганлиги, стратегик янгиланиш, ижтимоий йўналганлиги, тизимийлик. Агар ушбу тамойилларга назар ташласак, бундай бошқарув турида ишлаб чиқаришнинг доимо янгиланиб туриши, ташқи муҳитга мослашиши ундаги ўзгаришларга муносиб жавоб қайтаришга асосланганлигини кўришимиз мумкин.

Саноатда ишлаб чиқаришга чиқитсиз, хом-ашёни комплекс қайта ишлайдиган технологияларнинг татбиқ этилиши юқори сифатга эга бўлган ёғлар, унинг асосида ишлаб чиқариладиган мой маҳсулотлари ва бошқа турдаги хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон беради.

Бундан ташқари, саноат корхоналаридаги ишлаб чиқариш омилларини инновация асосида такомиллаштириб бориш ҳар доим истеъмолчи дидига мос, яъни бозор талабига мос келадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

Республикамызда асосий капиталга жалб қилинган инвестицияларнинг умумий ҳажмида саноат, транспорт ва алоқа тармоқларига жалб қилинган инвестициялар юқори салмоқни эгаллайди ва ушбу ҳолат саноат ва инфратузилмани ривожлантириш масаласига мамлакатимиз ҳукумати томонидан катта эътибор қаратилаётганлиги билан изоҳланади. Аммо, қишлоқ хўжалиги ва қурилишга жалб қилинган инвестицияларнинг жами инвестициялардаги салмоғи жуда паст. Бу эса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг инвестиция талабларини қондирилмаётганлигидан ва қурилиш индустриясини ривожлантиришга етарли даражада эътибор берилмаётганлигидан далолат беради.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолияти қандай ташкил этилади?
2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаоллигини таъминлаш вазифалари нималардан иборат?
3. Инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
4. Замонавий инвестицион сиёсатни амалга оширишда чет эл инвестициялари кўчишини нималарда кўриш мумкин?
5. Инвестицион лойиҳалар ва уларни ташкил этишнинг шартлари қандай?

Топшириқлар

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Инвестицион сиёсатнинг моҳиятини тўлиқ ўрганиш.
3. Инвестиция сиёсатини амалга ошириш босқичларини ўрганиб чиқиш.

Масала

Лойиҳанинг қиймати 800,0 млн. сўм, муддати 7 йилга мўлжалланган. Фоиз ставкаси 16%. Қуйидаги пул оқимига эга:

1–3 йилда 350,0 млн. сўм.

4–5 йилда 300,0 млн. сўм.

6–7 йилда 320,0 млн. сўм.

Ушбу маълумотлар асосида лойиҳанинг жорий қийматини ва унинг қайси йилда қопланишини аниқланг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.

4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

3.4-мавзу. Инвестиция сиёсати

Режа

1. Инвестиция сиёсати: унинг мазмуни, роли, асосий йўналишлари ва амалга ошириш босқичлари.

3. Глобаллашув ва чет эл капитал миграциясининг кучайиши. Замонавий инвестицион сиёсатни амалга оширишда чет эл инвестициялари кўчишини ҳисобга олиш.

1. Инвестиция сиёсати: унинг мазмуни, роли, асосий йўналишлари ва амалга ошириш босқичлари.

Инвестиция сиёсати – бу иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб – қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устувор инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндиси ҳисобланади. Давлат инвестиция сиёсатини амалга оширишда кўпроқ устуворлик кичик бизнес субъектлари, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар тузишга қаратилган. Давлат инвестиция сиёсати ҳақиқатда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва, шу асосда, инвестиция иштирокчиларининг эркин ҳаракат қила олишлари учун қулай иқтисодий, инвестицион муҳит яратишга қаратилган.

Инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- инвестициялар, уларнинг ҳаракатланиши, инвестиция фаолияти иштирокчилари муносабатлари, уларни тартибга солиб туриш бўйича қулай ҳуқуқий базани яратиш, амалдаги қонунчилик — ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

- иқтисодий туб ислоҳотларни амалга ошириш, мақсадли инвестицион сиёсатни юргизиш;

- инвестицион жараёни яхшилаш ва барча инвестицион жараён иштирокчиларининг фаоллигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш;

- давлат бошқарув органлари, ҳукумат ташкилотларининг назорат қилиш функцияларини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳаларида ўзгаришлар, таркибий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бундай ислоҳотларнинг олиб борилиши бевосита мамлакатдаги инвестицион жараён, давлатнинг инвестицион сиёсати, унинг устувор йўналишлари ва мамлакатдаги корхоналар инвестицион фаоллигига боғлиқ. Мустақилликнинг қисқа даврида инвестицион фаолиятни ошириш, уни кучайтириш борасида қатор амалий чора -тадбирлар ўтказилди, инвестицион фаолиятни тартибга солиб турувчи қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари чиқарилди ва ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича ҳам қатор вазифалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, иқтисодиётда янги бир термин "инвестицион лойиҳа" киритилди ва унинг иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши учун аҳамияти белгилаб берилди.

Инвестицион лойиҳалар Вазирлар Махкамасининг 09.04.99 йилдаги 165 - сонли "Чет эл инвестицияси иштирокидаги устувор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тузилади. Унга кўра инвестицион лойиҳа бу маълум ижтимоий - иқтисодий мақсадларга йўналтирилган, техник - иқтисодий, бизнес - бошқарув, маркетинг ва ишлаб чиқариш режалари каби аспектлари асосланган, турли молиявий манбалар маблағлари иштироки назарда тутилган комплекс ҳужжатлар йиғиндиси ҳисобланади. Инвестицион лойиҳалар турли мақсадларда тузилади ва амалга оширилади, уларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

- янги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатишни кенгайтириш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- давлат ташкилотлари талабини қондириш, уларни маҳсулот ва хизматлар билан таъминлаш.

Инвестицион лойиҳаларни амалиётда, 4 хил турдаги давр учун тузиш ва молиялаштириш мумкин:

- қисқа муддатли лойиҳалар, муддати 1 йилгача;
- ўрта муддатли лойиҳалар, муддати 1-3 йилгача;
- узоқ муддатли лойиҳалар, муддати 3-7 йилгача;
- стратегик лойиҳалар, муддати 7-12 ва ундан кўп йилларни ташкил этади.

Лойиҳаларда юқоридаги ҳаётийлик даври муддатлари лойиҳа иштирокчиларининг оптимал фойда олиш бўйича мақсадлари ва режаларидан келиб чиқиб белгиланади.

Лойиҳаларни 3 турдаги активлар (мулк) ҳисобига молиялаштирилади:

1) молиявий инвестициялар ва қарзлар. Буларга қимматбаҳо қоғозлар, банкдаги депозитлар, кредитлар, пул маблағлари, юқори ликвидли қимматбаҳо предметлар киради;

2) материал (моддий) активлар. Буларга кўчмас мулк, асосий воситалар, ер, ишлаб чиқариш техникаси, линиялари, хом ашё, ва материаллар киради;

3) номоддий активлар. Буларга ноу-хау, ҳимояланган фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқи, интеллектуал мулк, инновациялар, ишчи капитали ақлий маҳсули киради.

Инвестиция тўғрисидаги қонунга кўра лойиҳа хусусий капитал баъдал сифатида таъсисчилар билан келишган ҳолда хоҳлаган турдаги предмет киритилиши мумкин. Инвестицион лойиҳани молиялаштирарканлар, инициаторлар, аввало, лойиҳадан кўзланган мақсадига ета олиши мумкинлиги ёки йўқлиги ҳақида ўйлайди, уларнинг реаллигига ишонгач, лойиҳада қатнашади ва уни молиялаштиради.

Ҳар бир лойиҳа, асосан, икки турдаги капитал ҳисобига молиялаштирилади:

- 1) инвестор ўз капитали ҳисобига;
- 2) қарз капитали ҳисобига. (Давлат аҳамиятига эга лойиҳалар бундан

мустасно).

Қарз капитали ўзига хос хусусиятларга эга, бу унинг тамойиллари билан ифодаланади; қайтаришнинг зарурлиги, муддатга берилгани, тўловлилик, мақсадлилик ва таъминланганлик. Бундан ташқари, унинг маълум фоизга берилиши ва лойиҳа муваффақиятли ёки муваффақияtsiz амалга оширилишидан қатий назар, уларни қайтариш зарурлиги билан ҳам ифодаланади. Бу турдаги капиталдан фойдаланиш учун инициатор учун пухта, мукаммал тузилган бизнес режа ёки ТИА зарур бўлади, бизнес режанинг иқтисодий асосланганлиги ва самарадорлиги, рисклардан ҳимояланганлигидан келиб чиқиб маблағлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Қарз капитали, кредитларнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, кредит тўловлари белгиланган муддат ва даврлар давомида ундириб олинаверади, инициатор ўз капиталини эса оборотдан чиқармай, келгуси йилларда ҳам оборотда ишлатилиши, реинвестицияланиши мумкин.

2. Глобаллашув ва чет эл капитал миграциясининг кучайиши. Замонавий инвестицион сиёсатни амалга оширишда чет эл инвестициялари кўчишини ҳисобга олиш

Ўзбекистон иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб қилишда бевосита хорижий инвестицияларнинг улушини оширишга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Шу сабабли, тўғридан - тўғри хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- айрим тармоқлар ва минтақаларда хорижий инвесторлар учун реал амал қилиш учун имтиёзлар тизимини яратиш;
 - хўжалик юритувчи субъектлар, юқори турувчи органлар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида мулк ва ваколатни аниқ чегаралаб қўйиш;
- барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилигини, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани яратиш;
- солиқларни камайтириш ва солиқ тузилмасини соддалаштириш;
- хорижий инвестицияларни суғурталашнинг самарали механизмини яратиш;
- иқтисодиёт тармоқларини монополиядан чиқариш бўйича тадбирларни амалга ошириш;
 - иқтисодиётнинг базавий тармоқларини индивидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш;
- биржа бозорида ва бошқа бозорларда акционерлик жамиятлари акциялари пакетларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш;
- маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга сотиш.

Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб этилишига ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга имкон беради.

2007 йилнинг 14 мартдан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник - технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилгай маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш мақсадидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора - тадбирларлар тўғрисида" ги Фармони қабул қабул қилинди. Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши хорижий инвестициялар асосида иқтисодиёт тармоқларини жадал модернизация қилишни кучайтириш йўлидаги навбатдаги амалий қадам бўлди. Фармонда қуйидаги имтиёзлар кўзда тутилган:

- хўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдадан олинадиган солиқ базасини камайитириш ҳуқуқи берилган;

- ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод қилинган;

- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани ҳарид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилган;

- технологик жиҳозларни олиб киришда қўлланиладиган имтиёзлар, агар технологик жиҳозларни етказиб бериш бўйича шартнома шартларида кўзда тутилган бўлса, бутловчи ва эҳтиёт қисмларга нисбатан ҳам татбиқ этилган.

Ўзбекистонда бугунги кунда Давлат инвестиция сиёсати ўзига хос икки йўналишга таянади:

- 1) солиқ юкини енгиллаштириш, маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратиш;

- 2) маблағларни давлат бюджети ва буџетдан ташқари фондлар орқали тўплаш ва давлат инвестиция дастурларини амалга ошириш. Бу борада олиб борилаётган сиёсатда давлат корхоналарига нисбатан амалда бўлган буџетдан молиялаштириш тизими муайян даражада боқимандаликни келтириб чиқариши инobatга олинмоқда ва инвестиция фаолиятида уларга нодавлат сектори субъектларига қараганда имтиёзли шароит яратиши мумкинлиги ҳам эътиборга олинмоқда.

Ўзбекистонда Давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган давлат ташкилоти бу Молия вазирлигидир. Айнан Молия вазирлиги бошқа давлат ташкилотлари, органлари, банклар ва компаниялар билан ҳамкорликда Давлат инвестиция сиёсатини амалга оширади ва бошқариб боради (3.4.1 – жадвал).

Ўзбекистонда Давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш тизими

Бошқарув даражаси	Бошқарувчи орган	Бошқарув объекти ва субъекти	Бошқариш мақсади	Бошқариш механизми
Қонунчилик соҳаси	Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия Вазирлиги	Иқтисодиёт - тадбиркорлик субъектлари ва инвестицион муҳит	Қулай, самарали инвестицион муҳит яратиш	Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар
Молиявий-иқтисодий соҳа	Молия вазирлиги, тегишли вазирликлар билан	Инвестицион-инжиниринг хизматлари бозори	Инвестицион фаолиятни назорат этиш	Ҳимоявий важазо чоралари
Функционал соҳалар	Марказий банк, ТИАИ ва СВ, ДСК, ДБК, Ўзстандарт	Пул-кредит бозори, хорижий ва маҳаллий инвесторлар, стандартлаш	Инвесторлар иқтисодий муносабатлари	Тартиблар, йўриқномалар, стандартлар

Хулоса қилиб айтганда, республикамызда инвестиция фаолиятининг тартибга солиш, унинг самарали механизмларини жорий этиш, чет эл инвесторлари учун қулай инвестицион муҳит яратиш ва шу асосда қулай инвестиция сиёсатини олиб бориш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолияти қандай ташкил этилади?
2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаоллигини таъминлаш вазифалари нималардан иборат?
3. Инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
4. Замонавий инвестицион сиёсатни амалга оширишда чет эл инвестициялари кўчишини нималарда кўриш мумкин?
5. Инвестицион лойиҳалар ва уларни ташкил этишнинг шартлари қандай?

Топшириқлар

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Инвестицион сиёсатнинг моҳиятини тўлиқ ўрганиш.
3. Инвестиция сиёсатини амалга ошириш босқичларини ўрганиб чиқиш.

Масала

Лойиҳанинг қиймати 800,0 млн. сўм, муддати 7 йилга мўлжалланган. Фоиз ставкаси 16%. Қуйидаги пул оқимига эга:

1–3 йилда 350,0 млн. сўм.

4–5 йилда 300,0 млн. сўм.

6–7 йилда 320,0 млн. сўм.

Ушбу маълумотлар асосида лойиҳанинг жорий қийматини ва унинг қайси йилда қопланишини аниқланг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.

2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.

3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.

4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.

5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.

6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.

7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.

8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

4-мавзу. Иқтисодий ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг роли

4.1. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти

Режа

1. Хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳияти ва турлари.
2. Хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишнинг объектив зарурлиги.
3. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш турлари ва шакллари.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция, хорижий инвестиция, инвестицион лойиҳа, реал инвестиция, молиявий инвестиция.

1. Хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳияти ва турлари.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси уларнинг иқтисодий юксалишида фаол инвестиция сиёсати марказий ўринни эгаллашини тасдиқлайди. Шу боис Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлари унинг инвестиция сиёсатида тўлиқ акс эттирилишини тақозо этади.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Мулкчиликнинг турли шакллари таркиб топиши инвестицияларнинг ривожланишига катта туртки бўлди. Мулкчиликнинг турли шаклларининг вужудга келиши муносабати билан капиталнинг соҳалардаги ўзгарувчанлиги, унинг оқими, ҳудудларга тақсимланиши тезлашди.

Чет эл инвесторлари, асосан, даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

Хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлақ бошқа давлат иқтисодиётининг, қонун билан тақиқланмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликларидир. Чет эл инвестициялари ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молиялаштириш манбаига киради. Улар миллий иқтисодиётга четдан, уларнинг келишини рағбатлантирган ҳолда жалб қилинади. Лекин чет эл капиталини жалб қилишнинг ҳамма шакллари ҳам молиялаштиришнинг ташқи манбаи бўлмаслиги мумкин. Бу биринчи навбатда, фойиз тўловлари билан қайтаришни талаб этадиган чет эл кредитлари ва қарзларига тааллуқли. Чунки,

чет эл кредитлари ва халқаро молия институтлари қарзлари маълум вақт ўтгач асосий қарз билан уларга белгиланган фоизларининг қайтарилишини талаб этади. Четдан жалб этиладиган хорижий инвестициялар билан чет элдан киритиладиган кредитларнинг ўзига хос фарқлари мавжуддир. Бу борада хорижий инвестициялар рисклар доираси билан чет эл кредитлари рисклари кенглиги фарқланади.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;

- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

- чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;

- чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чора - тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади.


“Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир. 2008 йилги 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўп демакдир. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этди”²⁰ – деб Президентимиз И.Каримов асарларида таъкидлаб утганлари. 2009 йилда эса 1963 млн. АҚШ долларида кўпроқ хорижий инвестициялар жалб этилган бўлиб, шундан 684 миллион АҚШ доллардан кўпроқ ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялардир. Тўғридан - тўғри чет эл инвестициялари ва кредитлар ҳажмининг ошганлиги ижобий ҳолдир. (4.1.1 - диаграмма).

4.1.1 – диаграмма

Ўзбекистон Республикасига жалб этилган чет эл инвестицияларининг динамикаси.

²⁰ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 18 б.

(млн. АҚШ долларида)



Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида 2007 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора - тадбирлари тўғрисида" ги қарори эълон қилинди.

Бу қарорга асосан, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритиладиган маблағ ва мулк даромад (фойда), ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда қўшилган қиймат солиқларига тортилмайди, хорижий валютадаги қўйилмалар эса мажбурий тарзда сотилмайди, шунингдек, инвестиция даври мобайнида тузиладиган олди - сотди шартномасига мувофиқ корхонанинг олдинги қарзини қоплаш ҳисоб - рақамига мажбурий тарзда ундириб олинмайди. Бундан ташқари давлат улуши потенциал инвесторларга сотилаётган корхонанинг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлари реструктуризация қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу Қарори Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан юксалиши ва халқаро жаҳон ҳўжалик муносабатларига интеграциялашувининг ғоят муҳим ва техник қайта жиҳозлашга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш йўлидаги стратегик йўналишини ҳам белгилаб беради.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта куроллантиради;

- бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга қўмаклашади ва ҳ.к.

Инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефт ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакат иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган, жумладан:

- хорижий инвесторлар капиталини сақланиши учун кафолатлар;
- қўрилган зарарларни қопланиши учун кафолатлар;
- солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар;
- фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги;
- миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти;
- божхона имтиёзларининг мавжудлиги;
- хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимини яратилганлиги.

Мамлакатимизда хорижий инвесторлар капиталларининг сақланиши ва ҳимоя қилиниши қонун томонидан таъминланади. Инвестициялар ва инвесторларнинг бошқа активлари давлат мулкига айлантирилмайди, реквизиция қилинмайди ва мусодара этилмайди. Агарда инвестиция давлат мулкига айлантирилса ёки реквизиция қилингудек бўлса, у ҳолда хорижий инвесторга тегишли компенсация тўланади. Бундай тоvon инвестиция қилинган валютада ёки инвесторнинг розилиги билан бошқа валютада тўланади. Товон тўланган вақтга қадар инвесторнинг фойдасига фоизлар ҳисобланади. Давлат ва маҳаллий валюта жамғармалари ва захиралари бу тоvon пулининг манбаси ҳисобланади. Инвестиция фаолияти субъектининг инвестиция фаолияти натижасида олинган даромади (фойдаси) солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангач, унинг хоҳишига кўра реинвестиция қилиниши ёки бошқа ҳар қандай усулда ишлатилиши мумкин. Инвестицияларнинг қўшимча кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари ҳукумат томонидан кафолатлар беришни, инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлашда қўмаклашишни, махсус солиқ ва тўлов режимини яратилишини, лойиҳалар амалга оширилишида давлат мониторинги юритилишини ўз ичига олиши мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга амалдаги солиқлар ва божлар

юзасидан қатор енгилликлар, имтиёзлар белгиланган. Ушбу имтиёзларнинг амал қилиши бевосита мамлакатимизда юритилаётган инвестиция сиёсатининг асосий негизларидан бирини ташкил этиб, ўз ижобий самарасини бермоқда. Масалан, Республикамизда хорижий инвесторлар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкидан бож тўлови олинмайди, Республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга сарф этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари даромад (фойда) солиғидан 7 йил муддатга озод этилган (устав капитали 3 млн. евродан 10 млн. еврогача), корхона жамғармасида хорижий инвестиция маблағлари ҳиссаси 50% ва ундан юқори бўлса, улар 2 йил муддатга даромад (фойда) солиғидан озод қилинган ва бошқа солиқ имтиёзлари белгиланган.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳукумат ташқи иқтисодий фаолиятини диққат марказида бўлди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда ҳукумат қуйидаги тамойилларга асосланди:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;
- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳукуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;
- республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юргизиш;
- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

Шунингдек, республика иқтисодиётига хорижий инвестицияни жалб этишни фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- инвестиция лойиҳаларини малакали экспертлар назоратидан ўтказиш ва мукамал тайёрланишига эришиш;
- қўшма корхоналар ва хорижий инвестиция иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш.

Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишда қуйидаги устувор йўналишларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;
- минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефт ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг барча тармоқларида илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнини фақат давлат таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллаштиришни назарда тутди. Очик бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шарт-шароитлар Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга бўлган қизиқишининг ортиб боришини таъминламоқда.

1998 йил Республикамизда инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи 3 та - 1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ва «Чет эл инвесторларининг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги ҳамда 1998 йил 24 декабрда «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилашга ва унинг иқтисодиётга инвестиция жойлаштириш ҳажмларини оширишга йўналтирилган.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар қатнашган корхоналар ичида қўшма корхоналар етакчи ўринда туради. Тўлиқ хорижий инвестициялар билан ташкил этилган корхоналар кам. Кўпчилик давлатларда хорижий инвестициялар қатнашган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ҳар хил. Баъзи давлатларда бу вазифани Молия вазирлиги бажарса, бошқаларида Адлия вазирлиги бажаради. Ўзбекистонда бу вазифани Адлия вазирлиги амалга оширади. Ўзбекистондаги хорижий инвестиция қатнашган корхоналар республика ҳудудида ўзининг филиаллари ёки вакил корхоналарини ташкил этишлари мумкин. Бундан ташқари улар бошқа давлатларда ҳам ўз филиалларини очишлари мумкин.

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ хорижий инвестиция қатнашган корхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик ассоциациялари, консернлар ва бошқа бирлашмалар тузишлари мумкин. Хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланган. Бу ҳимоя ҳар бир корхонада бўлгани каби хорижий инвестиция қатнашган корхоналарга ҳам тааллуқли. Миллий иқтисодиётнинг устувор соҳалари ва ҳудудларига инвестиция киритган хорижий инвесторларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан қўшимча имтиёзлар берилиши мумкин. Шу билан бирга, қонунда хорижий инвесторларнинг фаолият турлари ҳам белгиланган. Хорижий инвесторлар ёки хорижий инвестиция қатнашган корхоналар мавжуд қонунчиликка мувофиқ, ўз мақсадлари ва низомларидан келиб чиқиб, барча турдаги фаолиятларни олиб боришлари мумкин.

Хорижий инвесторлар инвестиция ҳажмини, -турларини, йўллариини белгилайдилар ва уларни хоҳлаган корхонага мустақил равишда киритишлари мумкин. Инвестор ўзи киритган инвестиция объектлари ва натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга реинвестиция ва савдо операцияларини Ўзбекистон ҳудудида миллий қонунчилик асосида, ундан ташқарида эса халқаро қонунлар асосида амалга ошириш ҳуқуқларига эга. Инвестор эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини қонун бўйича бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсга бериши мумкин. Томонларнинг ўзаро ҳуқуқларини бир-бирига ўтказиш вақтидаги алоқаларни фақат улар

ўртасида тузилган ҳужжат-шартномалар ҳал қила олади. Хорижий инвесторлар ва корхоналар қонунчиликда кўрсатилган ҳолатларда ер участкаларини сотиб олишлари мумкин. Хорижий инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишда қуйидагиларга риоя этиш зарур:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган қонунчиликка амал қилиши;
- Ўзбекистонда мавжуд қонунчилик талаблари асосида солиқ тўлаш ва бошқа тўловларни амалга ошириши;
- Инвестиция лойиҳасининг санитария-гигиеник экология талабларига амал қилиш бўлимидаги экспертиза хулосаларини олиши.

Хорижий инвестицияни ўз иқтисодиётига жалб этаётган ҳар бир давлат хорижлик шерикларига ҳуқуқий ва ташкилий кафолатлар яратиб беради. Бу жараён жаҳон тажрибасида синовдан ижобий равишда ўтган. Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялар тўғрисида”ги қонунининг 9- моддасида шундай ёзилган: Республика ҳудудида ўз инвестиция фаолиятини олиб бораётган хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини Ўзбекистон Республикаси кафолатлайди. Бу кафолат, албатта, халқаро ҳуқуқ нормалари асосида берилади. Агарда Ўзбекистоннинг янги қабул қилинган қонунчилиги инвестиция шароитларини ёмонлаштира, ўн йилгача хорижий инвестициялар улар жалб қилинган даврда қабул қилинган қонунчилик шартлари сақланиб қолади. Бу талаб муҳофаа, миллий хавфсизлик, жамоат тартибини сақдаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ қонунчиликни ўзгартирмайди. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларига путур етказадиган ҳуқуқий нормативларни қабул қилган тақдирда, инвесторларга етказилган зарар шу органлардан суд орқали ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси, Россия, Германия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Туркия, Индонезия, Малайзия, Исроил, АҚШ ва бир қатор бошқа мамлакатлар билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисида битимлар тузди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини амалга оширишда дунёнинг 25 дан ортиқ мамлакатлари иштирок этмоқда. Инвестицияларни жалб этиш вазифасини давлатимиз кўп укладли бозор иқтисодиётини яратиш ва ривожлантириш асосида ҳақиқий мулкдорларни шакллантириш билан боғлайди.

Ўзбекистонда хорижий инвесторларга қонуний фаолият натижасида олган фойдалари ва бошқа даромадларини бирор-бир чекловларсиз исталганча чет давлатга ўтказиш имконияти кафолатланади. Бундан ташқари хорижий инвесторлар Республика банкларида ҳеч бир чекловларсиз исталган валютада ҳисоб рақамига эга бўлишлари мумкин.

Хорижий инвестицияси бўлган корхона амалдаги қонунларга биноан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспортга чиқариш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар импортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Хорижий инвесторларга табиий бойликларни қидириш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ва бошқа хўжалик ишларини юритиш учун концессиялар

берилиши мумкин. Концессион шартномалар хорижий инвесторлар билан Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг вакил қилинган органлари ўртасида тузилади.

Ўзбекистон Республикасида барпо этилаётган корхоналар устав сармоясига хорижий инвесторларнинг ҳиссаси сифатида ёки хорижий ходимларнинг ўз эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган мулк божхона тўловидан озод қилинади ва импорт солиғи ундирилмайди.

Хорижий инвесторлар Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг акциялари, ҳиссалари ва пайларини, шунингдек, юридик шахслар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олишлари мумкин.

Хорижий инвестициялари бўлган корхонадан чиқиш ёки бундай корхонанининг тугатилиш ҳолларида хорижий инвесторлар шу корхона мулкидан ўзининг ҳиссасини корхона мулки билан қийматига мутаносиб равишда пул ёки натура тариқасида қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хорижий инвестициялар иштирокида тузилган корхоналарнинг хўжалик ишларида ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг Ўқонунчилиги асосида олиб борилиши лозим. Бу ҳолатлар ҳам қонунда кўрсатилган. Бу корхоналар банкрот ҳолатига тушиб қолганда у ўз мулки, яъни савдо объектлари, хизмат кўрсатиш соҳалари, ер участкаси, бинолари, қурилишлари, ускуналаридан келиб чиқиб мажбуриятлари таъминланади. Ердан фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган шарт-шароитлар халқаро шартнома ва хорижий инвесторлар билан келишувларда кўрсатилган шарт-шароитлар фарқ қилса, халқаро шартнома ва келишувга асосан фаолият юргизилади.

Шундай қилиб, яратилган ҳуқуқий асослар хорижий ҳамкорларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва сарфлаган инвестициясини ҳимоя қилади.

Ҳозирга келиб, Ўзбекистон ҳудудида хорижий компаниялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни асосан ниҳоясига етказилди ва амалда қўлланилмоқда. Бу фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг қуйидаги тизими ишлаб чиқилган:

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларнинг қатнашиши;
- техникавий қайта қуrollаниш;
- халқ истеъмоли ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестицияларни миллийлаштириш ва реквизиция қилинмаслигига кафолат беради. Хорижий инвестициялар фақат фавқулодда ҳолатларда, авария, эпидемия тарқалган вақтларда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан реквизиция қилиниши мумкин. Бу ҳолат инвесторга кўрсатилган зарар миқдорида компенсация қиланади.

Хорижий инвесторларга учун зарур молиявий-иқтисодий кафолатларни таъминлаш учун ҳукумат томонидан хорижий инвесторларни ҳимоялашнинг Миллий сугурта жамғармасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу

жамғарма республика ҳудудида таъсис этилган чет эл банкларида Ўзбекистон Республикаси, хорижий инвестиция иштирокидаги суғурта компаниялари валюта қадриятларининг бир қисмини депонентлаш йўли билан ҳосил қилинади.

Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолиятлари орқали қилинган даромадлари хорижий валютада, чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтишлари давлат томонидан қафолатланади.

2. Хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишнинг объектив зарурлиги.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштиришга катта эътибор қаратилиб, инвесторларга қўмаклашиш ва қафолатлар бериш учун уларга инвестиция, солиқ тизимида ва божхона тўловлари соҳаларида маълум имтиёзлар, шароитлар ва қафолатлар тизими шакллантирилди. Бундай тизимнинг таркибий қисми бўлган суғуртанинг шакллантирилиши хорижий инвесторларга сиёсий ва тижорат хатарларидан суғурта қафолатини тақдим этиш имкониятини яратди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан суғурта соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилиб, суғурта бозорини босқичма-босқич ислоҳ қилиш амалга оширилмоқда.

Ҳозирги пайтга келиб, суғурта фаолиятини тартибга солувчи амалдаги, умумий, махсус қонунчилик ҳамда қонунга асосланган ва маъмурий - меъёрий ҳужжатларни ўз ичига оловчи қонунчилик тизими яратилди. Бундай суғурталаш ҳуқуқий тизимининг мавжудлиги республика суғурта бозорини ривожлантиришга ва такомиллаштиришга асос бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг суғурта қонунчилиги Ўзбекистон ҳудудида хорижий юридик ва жисмоний шахсларга суғурта ташкилотларини ташкил этишда инвесторларнинг низом сармоясида қатнашиш улушини қаттиқ чегаралашни назарда тутмайди.

2000 йилнинг охирига келиб республикада 32 та суғурта ташкилоти фаолият кўрсатди. 2008 йилга келиб, улардан 28 таси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 400 дан ортиқ бўлинмаси, шу жумладан, чет эл суғурта бозори вакиллари иштирокида тузилган тўртта суғурта ва брокерлик компанияси иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларининг устувор йўналишлари амалга оширилиши инвестиция фаолиятини жадаллаштиришга хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва экспортнинг ўсишига қўмаклашишга қаратилган. Бу эса, суғурта компаниялари фаолиятини кенг қамровда ривожлантиришни тақозо этади.

Хусусан, маҳсулот ва хизматлар бозорларида Ўзбекистон экспортчиларига суғурта ҳимоясини тақдим этиш мақсадида, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ташкил этилди. Бу суғурта компанияси миллий экспорт қилувчиларнинг иқтисодий манфаатларини чет элларда хорижий ҳамкорлар томонидан қабул қилинган контракт мажбуриятларининг бажарилишига тўсқинлик қилувчи сиёсий, тижорат ва тадбиркорлик

хатарларидан суғуртавий ҳимоя қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига сармоя сарфлаётган хорижий инвесторларнинг мулкӣ ва шахсий манфаатларини комплекс суғуртавий ҳимоя қилишни таъминлайди.

Сиёсий хатарлардан суғурталаш бўйича халқаро тамойилларга асосланган ҳолда «Ўзбекинвест-интернационал» АЖ хорижий инвестицияларни ва савдони суғурталаш соҳаларида ўзининг суғурта хизматларини тақдим этади. Бугунги кунда, бу компания хорижий инвестицияларни қуйидаги сиёсий хатарлардан суғурталамоқса: мулкни мусодара қилишдан; экспроприациядан; мулкдан маҳрум қилишдан ёки миллийлаштиришдан; қўшимча хатарлар сифатида - танловли камситишлардан; активлардан мажбурий маҳрум этилишдан; экспорт - импорт эмбаргосидан; лицензия бекор қилинишидан; уруш ва фуқаролар ғалаёнидан; ҳукумат шартномаси бекор қилинишидан ҳукумат кафолатларининг ноқонуний равишда йўқ қилинишидан ва қоказолардан. Узоқ муддатли хатарларни қоплаш бўйича компания жаҳон суғурта бизнесининг етакчи суғурта ва қайта суғурталаш компаниялари, халқаро молиявий институтлари ҳамда давлат экспорт - кредит агентликлари билан, қисқа муддатли хатарлар бўйича сиёсий хатарларни суғурталовчи хусусий бозор компаниялари билан фаол ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Йирик инвестиция лойиҳаларини қоплаш бўйича қўшма корхонанинг АИГ (АҚШ) суғурта компанияси ва Ллойдс бозоридаги хусусий компаниялар билан шартномалари бор.

Компания фаолияти давомида қайта суғурталашни кенг йўлга қўйган ҳолда, ташқи савдо шартномалари ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига йўналтирилаётган инвестициялар бўйича умумий ҳисобда 884,76 млн АҚШ доллари миқдорида суғурта ҳимояси тақдим этилди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар ва ташқи савдо шартномаларини• хорижий банклар томонидан ушбу давлатларнинг экспорт-кредит агентликларининг кафолатларисиз молиялаштириш учун қулай шароит яратиш бўйича қўшимча тарзда компания томонидан мақсадли стратегик режа амалга оширилмоқда. Сиёсий бўҳронлардан имтиёзли шартлар асосида суғурталашнинг тақдим этилиши нефт қазиб олиш ва газ - кимё тармоқлари, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобилсозлик, телекоммуникация соҳаси ҳамда пахта толаси ва республика металлургия саноати маҳсулотларининг экспорт шартномалари бўйича аванс тўловларини ўз вақтида олиш учун ушбу банклар ресурсларини жалб этиш ва улардан фойдаланиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда хорижий инвестицияларни, умуман, инвестиция фаолиятини суғурталаш механизми яратилди. Мавжуд механизмни янада такомиллаштириш, хорижий инвесторларга сифатли, арзон ва қулай суғурта хизматларини кўрсатиш миллий ва қўшма суғурта компанияларимизнинг асосий мақсадидир. Ушбу мақсадларни амалга ошириш ва жаҳон талабларига тўла жавоб бера оладиган суғурталаш тизимини яратиш учун:

Биринчидан, суғурта бозорида маълумотларнинг очик намоён этилиши, яъни суғурталанувчи ва суғурта назорати органларининг суғурта

компанияларининг ишончилилик даражаси тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши;

иккинчидан, суғурта компаниялари фаолиятини бошқаришни тўғри йўлга қўйиш, яъни самарали бошқарувни ташкил этиш;

учинчидан, хорижий суғурта институтлари устидан фаол назорат олиб борилиши;

тўрттинчидан, хўжалик - молиявий аҳволи ёмон ҳолатда бўлган ёки банкротлик эҳтимоли юқори бўлган суғурта компаниялари билан ишлаш услубларини яратиш;

бешинчидан, суғурта соҳаси бўйича етук мутахассисларни тайёрлаш, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларни бошланиш давридан чет эл инвестицияларини жалб қилишга тузилмавий қайта қуришнинг ҳамда умумжаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кириб боришини тезлаштирувчи омил сифатида асосий устуворлик берилди.

Ҳозирда, Республикада хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳуқуқий база яратилди, инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторларга хизмат кўрсатувчи инфраструктура барпо қилинди ва бу жараён такомиллашиб бормоқда.

Бу борада, «Валютани тартибга солиш» тўғрисидаги қонун қабул қилинди, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг вазифалари қайта кўриб чиқилди, ва унинг миллий валютани конвертацияси ҳамда импорт контрактларини рўйхатдаи ўтказиш билан боғлиқ бўлган вазифалари бекор қилинди. Жумладан, 2003 йилни 15 октябридан миллий валютани жорий халқаро операциялар бўйича эркин конвертациясининг очилиши мамлакатдаги инвестиция иқлимини яхшилашга ва хорижий инвестициялар оқимининг кўпайишига катта имкониятлар яратди

Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоялаш мақсадида яратилган шарт-шароитлардан ташқари, Республика томонидан Адлия вазирлигига уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат органи ваколати берилди. Жумладан, Адлия вазирлигининг таркибида 2003 йилдан бошлаб чет эл инвесторлари манфаатларига зарар етиш ҳолатларини олдини олиш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилди.

3. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш турлари ва шакллари.

Хорижий инвестицияларнинг қуйидаги турлари мавжуд: капитал, инновация ва ижтимоий инвестиция.

Капитал инвестиция жумласига, асосий фондларни вужудга келтиришга ва такрор ишлаб чиқаришга жалб этиладиган инвестициялардир.

Инновация инвестициялар жумласига, техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестициялар жумласига, инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Хорижий инвестициялар кўламига қараб халқаро доирадаги, яъни халқаро инвестициялар кўринишига ҳам эга бўлади. **Халқаро инвестициялар** – жаҳон мамлакатлари ўртасида ҳаракатда бўлган инвестициялардир.

Инвестицияларни хорижга чиқариш, уларнинг мамлакатлар ўртасидаги фаол ҳаракати, замонавий жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралиб турувчи хусусиятларига айланди. Инвестицияларни четга чиқариш жаҳон ҳўжалигидаги товарларни четга чиқариш монополиясини тугатди. Ҳозирги вақтда халқаро инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 30%дан ошади. Бу кўрсаткич жаҳон савдоси ўсиши суръатларидан деярли 5 маротаба ортиқдир. Халқаро инвестициялар ўзида моддий бойлик барпо этиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш, пул ва товар шаклларида жамғарилган заҳираларни мужассамлаштиради. Ушбу инвестициялар доимий равишда мамлакат ичида бир тармоқдан бошқасига ҳамда давлатларaro ҳаракатда бўлади.

Инвестициялар турли шаклларда амалга оширилади ва уларни таҳлил қилиш, режалаштириш учун алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаштирилади. Қуйида келтирилган 2.1-чизмада хорижий инвестицияларнинг таснифланиш белгилари келтирилган.

Шунингдек, инвестиция фаолиятини амалга оширувчилар (инвесторлар) қуйидаги белгилари бўйича ҳам таснифланади:

Жорий фаолиятнинг йўналишлари бўйича институционал ва индивидуал инвесторлар. Институционал инвесторлар ролида саноат, савдо, транспорт, алоқа ва бошқа соҳалардаги акционер жамиятлар намоён бўлсалар, индивидуал инвесторлар ролида фуқаролар намоён бўлади.

Инвестициялаш мақсадлари бўйича стратегик ва бевосита инвесторлар. Улар ўз олдига компанияларни бошқариш ҳуқуқини олишни мақсад қилиб қўядилар. Буни улар бошқа компаниялар акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш ёки уларнинг устав капиталининг катта қисмини эгаллаш орқали амалга оширадилар. Портфель инвесторлар дивиденд ва фоиз шаклида даромад олиш мақсадида ўз капиталини турли молиявий воситаларга жойлаштирадилар.

Резидентликка тегишлилиги бўйича инвестициялар миллий ва хорижий инвесторларга ажратилади.

Номоддий (интеллектуал) инвестициялар номоддий бойликлар яратилаётганда амалга оширилиб, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш, янги маҳсулотларнинг намуналарини яратишга сарфларни мужассамлаштиради.

Фан-техника тараққиётини тезлашуви билан интеллектуал салоҳият ишлаб чиқаришни энг кучли омилига айланди, унинг жиддий унсури бўлиб қолди. XX аср бошларида фан ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун сарфланадиган қўйилмалар ошиб борди. Шунинг учун ҳам жаҳонда реал инвестициялар таркибида илмий изланишлар, фан, таълим, кадрлар тайёрлаш

учун сарфланадиган харажатлар ўсиб борди. Масалан, АҚШ, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда фан ва илмий изланишга сарфланадиган кўйилмалар ўсиш суръатлари асосий фондларга сарфланадиган инвестициялардан устундир. Жаҳон бозорига кириб бориш, кенг кўламда маркетингни ривожлантириш, батафсил ахборотга эга бўлиш, юқори даражадаги компьютер тизимларини ташкил этишни, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва мазкур соҳада дунёдаги ривожланган давлатлар даражасига эришишни талаб этади. Шунинг учун ҳам жадал суръатлар билан ривожланиш реал инвестициялар таркибида фан, техника, таълим, кадрларни қайта тайёрлаш учун сарфланадиган инвестициялар асосий ўринлардан бирини эгаллаши зарур.


Асосий фондларга сарфланган реал инвестициялар **мақсади, сарфланиш йўналишлари** ва бошқа кўрсаткичларга кўра ҳудудлараро, тармоқлараро, технологик, қайта ишлаб чиқариш таркибларига эга. Инвестицияларнинг ҳудудлараро ва тармоқлараро таркиби эса уларнинг нисбий жиҳатдан ҳудудлар ва тармоқлар бўйича тақсимотини билдиради.

Асосий фондларга сарфланган инвестицияларни, уларнинг фаол (машиналар, асбоб-ускуналар) ва пассив (бино, иншоотлар) қисмларини ташкил этиш учун сарфланган умумий ҳаракат йиғиндисидagi улуши инвестицияларнинг технологик таркибини ташкил этади. Қайта ишлаб чиқариш таркиби инвестицияларнинг қандай мақсадларга йўналтирилганлиги; янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтиришга, реконструкцияга ва янги техника билан қайта қуроллантиришга жалб қилинган харажатларни умумий харажатлардаги ҳар бирининг нисбий жиҳатдан улушини кўрсатади. Ривожланган мамлакатларда реал инвестицияларнинг асосий қисмини шахсий инвестициялар ташкил этади. Давлат секторида реал инвестициялар сарфи муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий мувофиқлаштириш сиёсати асосида кредитлар, субсидиялар ажратилади, давлат капитал кўйилмалари мувозанатлаштирилади ва реал инвестициялар ўзлаштирилади.

Интеллектуал инвестициялар фан-техника маҳсулотлари, кашфиёт ва ихтиролар, кадрлар тайёрлаш ва инсониятни билиш соҳасини ривожлантириш учун жалб қилинмоқда.

Реал инвестицияларни тавсифлаш уларни ҳажми ва даромад келтириши асосида амалга оширилади. Молиявий инвестициялар капитални, тўлов ва молиявий мажбуриятларнинг барча турларини ўзида мужассамлаштирувчи, молиявий фаолиятга жойлаштирилишини англатади. Ушбу молиявий воситаларнинг энг муҳимлари қимматли қоғозлардир: улушли (акциялар) ва қарз (облигациялар). Реал инвестициялардан фарқли ўлароқ, молиявий инвестицияларни кўпроқ **портфель инвестициялар** деб аташади, чунки бу ҳолда инвесторнинг асосий мақсади бўлиб молиявий фаолларнинг мукамал йиғмасини (инвестициялар портфелини) шакллантириш ва қимматбаҳо қоғозлар билан амалга ошириладиган турли операцияларни бошқариш ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни таснифланиш белгилари



Молиявий инвестициялар шахсий компаниялар ва давлат идоралари томонидан муомалага чиқарилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар ва банк депозитлари, узоқ муддатга жалб қилинадиган қўйилмалардир. Молиявий инвестицияларнинг асосий қисми, капитални ноишлаб чиқариш соҳасига сарфланишини билдиради. Молиявий инвестициялар аксарият ҳолларда реал инвестицияларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Молиявий инвестициялар эркин бозор инфратузилмаси ривожланган мамлакатларда, қимматли қоғозлар бозори орқали капитални соҳалар бўйича тақсимланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлатларда кўпроқ тарқалган. Ривожланган мамлакатларнинг молиявий инвестицияларининг таркибида асосий ўринни шахсий инвестициялар кўпроқ ташкил қилади.

Шахсий инвестициялар тадбиркорлар, хусусий фирмалар, концернлар ва акционер ташкилотлар томонидан тақиқланмаган фаолиятларга сарфланадиган мулкдорлик ва интеллектуал бойликларни англатади. Етук қимматли қоғозлар бозори мавжуд бўлган мамлакатларда шахсий инвестицияларни кўпгина қисми махсус инвестиция фондлари томонидан сарфланади. Хорижий инвестицияларнинг молиявий шакли (портфель инвестициялар) миллий иқтисодиётда истиқболли корхоналарни аниқлаш ва кенг миқёсда инвестициялашни амалга оширишга асос бўла олади.

Инвестицияда қатнашиш ҳарактерига кўра инвестициялар бевосита ва портфель инвестицияларга ажратилади. Бевосита инвестициялар инвесторни ўз молиявий маблағларини жойлаштириш объектини тиклаш имкониятини беради. Портфель инвестициялар тижорат банклари, инвестицион компаниялар ва фондлар ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади. Молиявий воситачилар тўпланган маблағларни самарали, даромад келтирадиган қилиб жойлаштирадilar. Портфель инвестициялар бошқа эмитентларнинг ёрдамида қимматли қоғозларга жойлаштириш шаклида намоён бўлади.

Инвестициялаш даврига қараб инвестициялар қисқа муддатли (бир йилгача бўлган муддатга берилади) ва узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ муддатга берилади) бўлади. Масалан, оддий акциялар умуман бирор-бир муддат билан чекланмайди. Масалан, депозит сертификати олти ой муддатга берилади – бу қисқа муддатли қўйилмалар воситасидир, облигациялар 20 йилда қайтариш муддати билан узоқ муддатли қўйилмалар воситасидир. Лекин, узоқ муддатли қимматли қоғозларни сотиб олиш ва қисқа муддатдан, масалан олти ой ўтгандан сўнг, инвестор узоқ муддатли воситалардан қисқа муддатли мақсадлар учун фойдаланиши мумкин. Кўпинча инвесторлар ана шундай воситаларни танлайдилар ва ўз пулларини қисқа муддатларга қўйишни афзал кўрадilar. Масалан, яқин олти ой мобайнида инвесторга керак бўлмайдиган суммага у олти ойлик муддатга эга бўлган депозит сертификати сотиб олиши мумкин, қирқ ёшга тўлган инвестор пенсияга чиққунча пул йиғиш учун бирон-бир компанияни облигациясини 20 йилга сотиб олиш мумкин. Одатда узоқ муддатли инвестициялар капитал қўйилмалар шаклида намоён бўлади.

Мулк шаклларидан келиб чиқиб инвестициялар хусусий, давлат, қўшма ва хорижий шаклларга ажратилади. Хусусий инвестициялар нодавлат ҳукуқий

шахсларининг ва фуқароларнинг маблағларини тадбиркорлик фаолияти объектларига қўйилишини англатади. Давлат инвестициялари давлат бюджети ва давлат корхоналарининг маблағларини тадбиркорлик фаолияти объектларига қўйилишини англатади.

Худудий жойлаштирилиш бўйича инвестициялар ички ва ташқи инвестицияларга бўлинади.

Хорижий инвестициялар **давлат ёки хусусий инвестициялар** шаклида ҳам бўлиши мумкин. Биринчи шаклда давлат инвестициялари иштирок этиб, бунда бир давлат бошқа давлатга кредитлар ёки бошқача шаклдаги қарзлар бериши мумкин. Бундай муносабатларга халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланилади. Иккинчи шаклда эса, бир мамлакат хусусий фирмалари, компаниялари ёки фуқаролари бошқа мамлакатнинг тегишли субъектларига берадиган инвестициялар тушунилади. Давлат инвестициялари деб давлат томонидан миллий даромаднинг давлат бюджетининг маблағлари кўринишида мамлакат иқтисодининг ривожланиши учун сарфлаётган мабалағлари тушунилади. **Хусусий инвестициялар** деб хусусий компаниялар, аҳоли ва тадбиркорлар томонидан маблағларнинг қўйилишига айтилади. Инвестиция муносабатлари шу даражада мураккаб ва кўп қирралики, кўпинча давлатлар ўртасидаги муносабатлар хусусий шахслар ўртасидаги муносабатлар билан узвий боғланган бўлади. Бундай алоқа инвестор ҳуқуқ ва талабларни давлатга топширганда яққол кўринади.

Иқтисодий адабиётларда инвестицияларни қўллаш кўлами ва инвестицияга маблағ ажратиш жиҳатидан ҳам турларга ажратишади. Моддий ишлаб чиқариш жарёнидаги инвестициялардан ташқари мамлакатда ижтимоий-маданий соҳалар учун, фан тармоқлари учун, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳалари учун, информатика соҳаси, табиатни муҳофаза қилиш учун, юқорида кўрсатилган соҳалар учун қурилишларга, техника ва технологияларни янги турларини қўллаш учун катта миқдорда инвестиция маблағлари ажратилмоқда. Бу инвестицияларни ҳозирги вақтда хорижий мамлакатлар адабиётида «инсон инвестицияси», «инсон капиталига инвестиция қўйиш» деб аташмоқда. Бу инвестициянинг алоҳида бир кўриниши бўлиб, асосан кишиларнинг соғлигини сақлаш, ақлий ва маънавий ривожланиши учун, ҳаётини узайтириш ҳамда кишиларнинг иш фаолиятида ижодий қатнашиши ва унинг самарадорлиги ошиши учун сарфланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида инвестициянинг асосий қисмлари соғлиқни сақлаш, маориф учун сарфланмоқда. Бунга қишлоқ жойларда врачлик амбулатория пунктлари, коллеж ва лицейлар қуриш дастурларини мисол қилиб олиш мумкин.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Хорижий инвестициялар деганда нимани тушунасиз?
2. Хорижий инвестицияларни бошқаришни чет эл тажрибасини хусусиятлари нималардан иборат?
3. Хорижий банклар кредит линиялари орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг қандай аҳамияти бор?

4. Хорижий банклар кредит линиялари орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг қандай тамойилларини биласиз?

5. Иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестициянинг аҳамияти нималардан иборат?

Топшириқлар

1. Хорижий инвестиция тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.

2. Халқаро инвестиция лойиҳаларида рискларни тўлиқ ўрганиш.

3. Республикамизда хорижий инвестицияларни жалб этишни амалга оширилаётган чора-тадбирларни ўрганиб чиқиш.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунига кўра хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиш шаклларини ўрганинг ва уларнинг ҳар бири бўйича республикамизда фаолият юритаётган корхоналардан мисол келтиринг.

5. Республикамизда хорижий инвесторларга берилган имтиёзлар, кафолатлар ва рағбатлантириш омиллари ўрганинг.

6. Дунёга машҳур трансмиллий корпорацияларнинг ўнтасини танланг, уларнинг фаолиятини ўрганинг ва Ўзбекистон билан ҳамкорлигини таҳлил қилинг.

Масала

Лойиҳани амалга ошириш учун 48,0 млн. сўмлик инвестиция киритилди. Лойиҳа 18 фоизлик ставка билан 4 йилга мўлжалланган бўлиб, ҳар йилги олинган фойданинг 18 %и инвесторга тўланилиши, 12 %и корхона ҳисобига ўтказилиши ва фойданинг қолган қисми янги цех барпо этишга йўналтирилиши келишиб олинди. Корхона қуйидаги маълумотларга эга:

Йиллар	Олинган даромад, минг сўм	Харажатлар, минг сўм	Фойда, минг сўм	Инвесторга тўланиши лозим бўлган сумма, минг сўм	Корхона ҳисобида қоладиган сумма, минг сўм	Янги цех барпо этиш учун, минг сўм
1	63000,0	52150,0				
2	67400,0	54700,0				
3	65100,0	50650,0				
4	62950,0	53820,0				
Жами:						

Юқоридаги маълумотлардан фойдаланиб аниқланг:

1. Корхона фойдасини

2. Инвесторга тўланиши лозим бўлган суммани.

3. Корхона ҳисобида қоладиган суммани.

4. Янги цехни барпо этиш суммасини.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

4.2. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг иқтисодий ва модернизациялашдаги роли

Режа

1. “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ва “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг мазмуни, мақсади ва аҳамияти.

2. Хорижий инвесторларга берилган имтиёзлар ва кафолатлар.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция, хорижий инвестиция, инвестицион лойиҳа, реал инвестиция, молиявий инвестиция, имтиёз, кафолат.

1. “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ва “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг мазмуни, мақсади ва аҳамияти.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий, молиявий барқарорлик чет эл инвестицияси учун ҳар томонлама қулай шароит яратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати натижасида қабул қилинаётган имтиёзли муҳитни яратувчи қонунлар чет эллик инвесторларда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда. Хусусан, 2008 йил 8 апрелда матбуотда эълон қилинган “Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қонун чет эл инвесторларини жалб қилиш бўйича изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Маълумки, чет эл инвесторлари мамлакатимиз ҳудудида ўз ишлаб чиқариш фаолиятини, қоидага кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш йўли билан амалга оширадилар. Ўз эҳтиёжлари учун юртимиз ҳудудига замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар, уларга бутловчи буюмлар, шунингдек, хомашё ва материаллар олиб кираётган хорижий инвесторлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида муайян имтиёзлар назарда тутилган. Жумладан, "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддаси ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка божхона божи солинмас эди. Янги қонун асосида - чет эллик инвесторлар учун янада қулай муҳит яратиш мақсадида - юқорида қайд этилган ҳар икки қонунга ўзгартишлар киритилди. Эндиликда наинки чет эллик инвесторлар, айни чоғда, устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл

инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳам ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кирадиган мол-мулк бўйича бож ундирилишидан озод қилиндилар. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддасида ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида белгиланган имтиёзлар устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарга ҳам татбиқ этиладиган бўлди. Янги қонунда кўзда тутилган имтиёзлар ана шу хайрли мақсадларга эришишимизда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Ушбу қонун халқимиз фаровонлигини оширишда ҳам улкан ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади. Хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари очиш, энг замонавий технология ва жиҳозларни келтириш ҳисобига иш унуми ва самарадорлиги ошиши муқаррар. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятига доир ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида хорижий инвестициялар масаласига бевосита тааллуқли бўлган қонунлар муҳим ўрин тутди. Вақт ўтиши билан иқтисодий ўсишнинг жадал боришини таъминлаш, республика иқтисодиётига хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларини жалб қилиш ва умуман жаҳон андозаларига эришиш учун хорижий инвестициялар соҳасидаги мавжуд қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш зарурати объектив равишда пайдо бўлди. Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш стратегияси бўлажак чет эллик инвесторларнинг манфаатларини ҳамда миллий иқтисодиётга зарар келтирмаган ҳолда уларни қондириш имкониятларини ўрганишга асосланади. Бунинг учун бир томондан, иқтисодиётни таркибан қайта қуришга қаратилган бир қатор аниқ, лойиҳаларни амалга ошириш зарур бўлади ва иккинчи томондан, ички инвестиция ресурслари чекланган бир шароитда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти жуда юқори баҳоланади. Инвестиция муҳитини янада яхшилаш шартларидан бири банк тизимини такомиллаштириш, молия бозорида рақобатни вужудга келтириш, нақд пулдаги ва нақд бўлмаган пулдаги операцияларни амалга оширишни яхшилаш, шунингдек хорижий инвесторларни ахборот билан таъминлашни яхшилашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларни бошланиш давридан чет эл инвестицияларини жалб қилишга тузилмавий қайта қуришнинг ҳамда умумжаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кириб боришини тезлаштирувчи омил сифатида асосий устуворлик берилди. Ҳозирда, Республикада хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳуқуқий база яратилди, инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма барпо қилинди ва бу жараён такомиллашиб бормоқда. Бу борада, «Валютани тартибга солиш» тўғрисидаги қонун қабул қилинди, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг вазифалари қайта кўриб чиқилди, ва унинг миллий валютани конвертацияси ҳамда импорт контрактларини рўйхатдаи ўтказиш билан боғлиқ бўлган вазифалари бекор қилинди. Жумладан, 2003 йилни 15 октябридан миллий валютани жорий халқаро операциялар бўйича эркин конвертациясининг очилиши мамлакатдаги инвестиция иқлимини

яхшилашга ва хорижий инвестициялар оқимининг кўпайишига катта имкониятлар яратди. 1998 йил 30 апрелда Олий Мажлис томонидан янги ҳужжат — "Хорижий инвестициялар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва "Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" Қонун қабул қилинди.

Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоялаш мақсадида яратилган шарт-шароитлардан ташқари, Республика томонидан Адлия вазирлигига уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат органи ваколати берилди. Жумладан, Адлия вазирлигининг таркибида 2003 йилдан бошлаб чет эл инвесторлари манфаатларига зарар етиш ҳолатларини олдини олиш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилди. Олиб борилаётган амалий ишлар натижасида, иқтисодиёт тармоқлари бўйича хорижий капиталнинг таркибида маълум бир силжишлар юз берди.

2. Хорижий инвесторларга берилган имтиёзлар ва кафолатлар.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга амалдаги солиқлар ва божлар юзасидан қатор енгилликлар, имтиёзлар белгиланган. Ушбу имтиёзларнинг амал қилиши бевосита мамлакатимизда юритилаётган инвестиция сиёсатининг асосий негизларидан бирини ташкил этиб, ўз ижобий самарасини бермоқда. Масалан, Республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга сарф этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари даромад (фойда) солиғидан 7 йил муддатга озод этилган, корхона жамғармасида хорижий инвестиция маблағлари ҳиссаси 50% ва ундан юқори бўлса, улар 2 йил муддатга даромад (фойда) солиғидан озод қилинган ва бошқа солиқ имтиёзлари белгиланган.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳукумат ташқи иқтисодий фаолиятини диққат марказида бўлди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда ҳукумат қуйидаги тамойилларга асосланади:

➤ ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

➤ республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

➤ республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юргизиш;

➤ маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

Шунингдек, республика иқтисодиётига хорижий инвестицияни жалб этишни фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

➤ инвестиция лойиҳаларини малакали экспертлар назоратидан ўтказиш ва мукамал тайёрланишига эришиш;

➤ қўшма корхоналар ва хорижий инвестиция иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш;

➤ Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишда қуйидаги устувор йўналишларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

➤ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;

➤ минерал хом-ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

➤ транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;

➤ иқтисодиётнинг барча тармоқларида илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

➤ туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

Ўзбекистонда хорижий инвесторларга қонуний фаолияти натижасида олган фойдалари ва бошқа даромадларини бирор-бир чекловларсиз исталганча чет давлатга ўтказиш имконияти кафолатланади. Бундан ташқари хорижий инвесторлар Республика банкларида ҳеч бир чекловларсиз исталган валютада ҳисоб рақамига эга бўлишлари мумкин.

Хорижий инвестицияси бўлган корхона амалдаги қонунларга биноан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспортга чиқариш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар импортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Хорижий инвесторларга табиий бойликларни қидириш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ва бошқа хўжалик ишларини юритиш учун концессиялар берилиши мумкин. Концессион шартномалар хорижий инвесторлар билан Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг вакил қилинган органлари ўртасида тузилади. Ўзбекистон Республикасида барпо этилаётган корхоналар устав сармоясига хорижий инвесторларнинг ҳиссаси сифатида ёки хорижий ходимларнинг ўз эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган мулк божхона тўловидан озод қилинади ва импорт солиғи ундирилмайди. Хорижий инвесторлар Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг акциялари, ҳиссалари ва пайларини, шунингдек, ҳуқуқий шахслар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олишлари мумкин. Хорижий инвестициялари бўлган корхонадан чиқиш ёки бундай корхонанининг тугатилиш ҳолларида хорижий инвесторлар шу корхона мулкидан ўзининг ҳиссасини корхона мулки билан қийматига муносиб равишда пул ёки натура тариқасида қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Хорижий инвестициялар иштирокида тузилган корхоналарнинг хўжалик ишларида ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида олиб борилиши лозим. Бу ҳолатлар ҳам қонунда кўрсатилган. Бу корхоналар банкрот ҳолатига тушиб қолганда у ўз мулки, яъни савдо объектлари, хизмат кўрсатиш соҳалари, ер участкаси, бинолари, қурилишлари, ускуналарида келиб чиқиб мажбуриятлари таъминланади. Ердан фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган шарт-шароитлар халқаро шартнома ва хорижий инвесторлар билан келишувларда кўрсатилган шарт-шароитлардан фарқ қилса, халқаро шартнома ва келишувга асосан фаолият юргизилади. Шундай қилиб, яратилган ҳуқуқий асослар хорижий ҳамкорларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай шароитлар яратиб, уларнинг ҳуқуқлари ва сарфлаган инвестициясини ҳимоя қилади.

Ҳозирга келиб, Ўзбекистон ҳудудида хорижий компаниялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни асосан ниҳоясига етказилди ва амалда қўлланилмоқда. Бу фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг қуйидаги тизими ишлаб чиқилган:

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларнинг қатнашиши;
- техникавий қайта қуrolланиш;
- халқ истеъмоли ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Хорижий инвесторлар учун зарур молиявий-иқтисодий кафолатларни таъминлаш учун ҳукумат томонидан хорижий инвесторларни ҳимоялашнинг Миллий суғурта жамғармасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу жамғарма республика ҳудудида таъсис этилган чет эл банкларида Ўзбекистон Республикаси, хорижий инвестиция иштирокидаги суғурта компаниялари валюта қадриятларининг бир қисмини депонентлаш йўли билан ҳосил қилинади.

Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолиятлари орқали қилинган даромадлари хорижий валютада, чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтишлари давлат томонидан кафолатланади.

Халқаро кафолатлар — товарлар ва капиталлар ҳаракатини узлуксиз ва доимий ҳаракат қилишини таъминланишига хизмат қилади. Халқаро кафолатлар импорт қилувчиларни сифатсиз товарлар қабул қилишдан, экспорт қилувчиларни эса товарлар ҳақини ололмай қолиш хавфидан сақлайди.

Халқаро кафолатлар халқаро операцияларнинг барча асосий турларида қўлланилади Жумладан, буларга:

- халқаро кредитлар бўйича бериладиган кафолатлар;
- экспорт-импорт операциялари бўйича бериладиган кафолатлар;
- тўғри ва портфелли инвестициялар бўйича бериладиган кафолатларни киритиш мумкин.

Халқаро кафолатлар марказий банклар, тижорат банклари, корпорациялар, ҳукумат ва халқаро ташкилотлар томонидан берилади.

Халқаро кафолатлар банклар ва бошқа кафолат берувчи ташкилотлар учун муҳим даромад манбаи ҳисобланади, аммо булар юқори таваккалчиликли операциялар ҳисобланади.

Халқаро кафолатларда учинчи бир томоннинг иштирок этиши шартдир. Айнан мана шу кафолат берувчи томоннинг тўловга лаёқатлилиги асосий масала бўлиб ҳисобланади. Халқаро кафолатлар халқаро миқёсда тан олинган субъектлар томонидан берилади.

Халқаро кафолатларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

Тўғри кафолатлар - кафолат берувчи томон бевосита экспорт-импорт операцияларига кафолат беради. Бунда мазкур тўлов бўйича мажбуриятларни тўлиқўз зиммасига олади. Бундай кафолатлар тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар, ҳужжатлаштирилган аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда кенг қўлланилади.

Воситалашган кафолатлар. Бунда кафолат берувчи ўзига хос тарзда воситачилик вазифасини ўтайди. Бундай кафолатлар экспорт-импорт операцияларида кенг ишлатилади.

Тасдиқланган кафолатлар. Бундай кафолатлар берилган кафолатларни тасдиқлаш шаклида намоён бўлади. Масалан, банк ўз миждози бўлган импорт қилувчининг тўлов мажбуриятлари бўйича кафолат берган бўлса, экспорт қилувчининг банки ҳам ушбу кафолатлар бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади. Бу эса мавжуд кафолатларни тасдиқлаш йўли билан амалга оширилади.

Халқаро кафолатларнинг яна қуйидаги асосий шакллари ҳам мавжуд:

1. Тўлов бўйича берилган кафолатлар;
2. Сифатли маҳсулотлар етказиб бериш бўйича берилган кафолатлар (жарима, қўшимча харажатлар).

Ўзбекистон Республикасида халқаро кафолатлардан фойдаланиш масаласи энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Республикада катта суммада молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг аксариятида давлат улушининг кўплиги сабабли, халқаро кафолатларни ишлатувчи субъект ҳукуматдир. Бундай йирик лойиҳаларга Кўкдумалоқ нефть мажмуи, Зарафшон-Ньюмонт қўшма корхонаси, UzGMDaewooAuto ва бошқаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Олинаётган халқаро кредитларнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати билан олинмоқда. Халқаро кафолатларни беришда тижорат тузилмалари ва банкларнинг аҳамияти каттадир. Ўзбекистон Республикасида халқаро кафолатлар ўрнини босувчи мажбуриятларни пул маблағлари билан таъминлаш тизими кенг қўлланилади. Ўзбекистон Республикасида ерга хусусий мулкчиликнинг мавжуд эмаслиги ва бир қатор юқори ликвидли объектларнинг йуқлиги халқаро кафолатлардан республика шароитида фойдаланишга жиддий таъсир этади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Хорижий инвестициялар деганда нимани тушунаси?
2. Хорижий инвестицияларни бошқаришни чет эл тажрибасини хусусиятлари нималардан иборат?
3. Хорижий банклар кредит линиялари орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг қандай аҳамияти бор?
4. Хорижий банклар кредит линиялари орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг қандай тамойилларини биласиз?
5. Иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестициянинг аҳамияти нималардан иборат?

Топшириқлар

1. Хорижий инвестиция тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Халқаро инвестиция лойиҳаларида рискларни тўлиқ ўрганиш.
3. Республикамизда хорижий инвестицияларни жалб этишни амалга ошириладиган чора-тадбирларни ўрганиб чиқиш.

Масала

Инвестиция бозорида 13% лик 8 йилга мўлжалланган лойиҳа мавжуд. Ушбу лойиҳанинг қиймати 100,0 млн. сўм. Шу 8 йиллик муддатда олинадиган даромад суммасини аниқланг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

5-мавзу. Инвестиция фаолиятини ривожлантиришда инвестиция муҳитининг ўрни

Режа

1. Инвестиция муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар. Инвестиция муҳитини баҳолаш усуллари.
2. Инвестиция муҳитида инвестицион салоҳиятни (табiiй ресурслар салоҳияти, меҳнат, ишлаб чиқариш, инновацион, молиявий салоҳиятлар ва истеъмолчилик салоҳияти) ўрни.
3. Инвестиция муҳитини шакллантиришда ҳуқуқий-меъёрий тизим.
4. Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳитини мунтазам равишда яхшилаб бориш вазифалари.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция, инвестиция муҳити, инвестиция фаолияти, БЕРИ индекси, инвестиция сиёсати.

1. Инвестиция муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар. Инвестиция муҳитини баҳолаш усуллари.

Давлат инвестиция сиёсатини юритишдан кўзланадиган мақсадлар қаторига шуни киритиш керакки, давлат доимий равишда инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратишга ҳаракат қилиб келмоқда. Инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва мажбуриятларини бажариши устидан назорат олиб бормоқда.

Инвестицион муҳит деганда, мамлакатнинг маълум бир регионига киритиладиган инвестицияларнинг самарадорлигини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий шарт-шароитлар мажмуаси тушунилади. Инвестицион муҳит ҳолати яратилган ҳуқуқий база ва унинг асослари, қонун ҳужжатларининг сифатли тузилиши ва уларга риоя қилиниши талаб этилади.

Республикада сиёсий - иқтисодий шароитнинг мавжудлиги, яъни қулай инвестиция муҳитининг яратилиши ва хорижий капитални қабул қилиш тизимининг самарали бўлиши хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурий шартидир. Инвестицион муҳит инвестицион ресурсларни жойлаштириш учун умумий мезон бўлиб, биринчи навбатда, капитал маблағларнинг даромадлилигини таъминлаб беради.

Инвестиция муҳитини баҳолаш жараёнида инвестор инвестициялашнинг риск даражасини қанчалик эканлигини аниқлайди. Инвестиция муҳити даражаси қанчалик ёмон бўлса, инвестор ўз тадбиркорлик рискини шунчалик юқори белгилайди. Инвестиция муҳитини макро иқтисодий даражада қуйидаги чизма кўринишида (5.1 – чизма) тасвирлаш мумкин. Шу боис Ўзбекистонда инвестиция муҳити ҳолатини баҳолашда уни ҳудудлараро тақсимотига ҳам эътибор бериш зарур бўлади. 5.1-жадвалда 2005-2008 йиллар мобайнида Ўзбекистонда инвестицияларни ҳудудий тузилмасидаги ўзгаришларни кўриш мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2008 йил мобайнида

асосий инвестиция Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келмоқда. Дарҳақиқат инвестиция муҳитини қулайлиги юқори даражадаги самарадорликни беради. Биринчи Президентимиз А.Каримов асарларида таъкидлаганларидек “Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. 2008 йилда иқтисодий ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Бу 2007 йил билан таққослаганда, 28,3 фоизга кўп бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан инвестициялар ҳажми 23 фоизни ташкил этди”²¹.

5.1-жадвал

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ХУДУДИЙ ТУЗИЛМАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (%)

№	Худудлар	Йиллар			
		2005	2006	2007	2008
	Республика бўйича жами	100	100	100	100
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	4,7	5,5	12,8	9,8
2.	Андижон вилояти	4,1	3,3	3,2	3,5
3.	Бухоров вилояти	8,2	8,4	7,6	10,1
4.	Жиззах вилояти	2,4	2,2	2,1	2,1
5.	Қашқадарё вилояти	14,4	18,2	18,7	18,0
6.	Навоий вилояти	7,2	7,8	7,6	5,5
7.	Наманган вилояти	3,4	3,3	3,0	4,0
8.	Самарқанд вилояти	6,4	6,1	5,5	5,4
9.	Сурхондарё вилояти	5,4	5,0	6,6	6,0
10.	Сирдарё вилояти	1,7	2,0	2,0	1,7
11.	Тошкент вилояти	2,6	3,0	7,7	8,7
12.	Фарғона вилояти	5,1	4,4	4,2	5,1
13.	Хоразм вилояти	2,7	2,0	2,4	2,5
14.	Тошкент шаҳри	23,4	19,3	16,6	17,9
	Тақсимланмаган маблағлар	8,3	9,5	1,3	-0,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисоботлари

Шу билан бирга, инвестицион фаолиятни амалга ошириш шарт-шароитларини яхшиловчи инвестицион муҳитнинг қуйидаги ташкил этувчиларнинг тавсифини келтирамиз (7 – чизма). Унинг асосий ташкил этувчилари сифатида инвестицион фаоллик ва ўз ичига инвестицион салоҳият ва инвестицион риск даражасини оловчи инвестицион жозибадорлик тушунчалари кўрсатиб ўтилади.

²¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 18 б.


Инвестицион жозибаторлик - мамлакат, тармоқ ёки алоҳида олинган бирор бир корхона инвестицияларининг даромадлилиги, ривожланиш истикболлари ва инвестицион риск даражаси нуктаи назаридан баҳоланишидир. Инвестицион жозибаторлик инвестицион салоҳият ва инвестицион риск даражасини шакллантирадиган икки гуруҳ омилларнинг бир вақтда таъсир этиши орқали аниқланади. Бу каби кўрсаткичларга баҳо бериш орқали инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлилиги ҳамда жозибаторлиги, инвестицион риск даражасини аниқлаш мумкин. Инвестицион риск даражаси инвестицион муҳитга бевосита, яъни тўғридан - тўғри боғлиқдир.



5.1-чизма. **Инвестицион муҳитни белгиловчи омиллар.**

Инвестиция муҳитни макроиқтисодиёт даражасида икки томонлама, яъни инвестор ва аниқ давлат органлари, хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топади. Инвестиция муҳити ҳар қандай аниқ вақт учун объектив ҳолат бўлиб, капитал қўйиш учун мавжуд шароитларнинг мажмуасини ўзида қамраб олади. Лекин инвестиция муҳити давлат органларининг бошқариш фаолияти таъсирида шаклланади. Шунинг учун давлатнинг инвестиция сиёсати энг асосий омиллардандир. Шу маънода ҳар бир давлат капитал импорт қилишда ўзининг аниқ капитал қабул қилиш тизими

эга бўлади. Капитал қабул қилиш тизими, бу хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсатининг ва қонунларининг, меъёрий ҳужжатларининг мажмуасидир. Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришга капитал қабул қилиш тизими йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда, хорижий инвестицияларга бўлган муносабатда замонавий халқаро ҳўжалик алоқалари қоидаларига асосланган ҳолда қонун ва қарорлар ишлаб чиқилмоқда, шунингдек, хорижий инвестицияларнинг инфратузилмалари яратилмоқда.




5.2-чизма. Инвестицион муҳитни шакллантириш.

2. Инвестиция муҳотида инвестицион салоҳиятни (табiiй ресурслар салоҳияти, меҳнат, ишлаб чиқариш, инновацион, молиявий салоҳиятлар ва истеъмолчилик салоҳияти) ўрни.

Хорижий инвестор учун юқорида қайд қилинган барча омиллар муҳимдир. Шунинг учун ҳам, ривожланган кўпгина мамлакатларда махсус инвестиция лойиҳаларини баҳолайдиган, инвестициялар кўйилишига талаб бўлган давлатларни инвестиция муҳитини ўрганадиган ва аниқ хулосаларни инвесторлар учун берадиган фирмалар, ташкилотлар мавжуддир. Масалан: Швейсария, Германия каби қатор мамлакатларнинг нуфузли ахборот хизматлари давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолатини баҳолаш учун ҳар бири қониқарсиз ва ўта қулайгача бўлган балли шкала бўйича баҳоланадиган 15 та муҳим кўрсаткични ҳисобга оладиган “БЕРИ” (бусинесс энвиронмент риск индекс)ни қўллайди. “БЕРИ” индекси 45-48 мамлакат бўйича йилига 3 марта эълон қилинади. Қуйидаги чизмада (2.4.-чизма) улар инвестиция қарорларини қабул қилиш бўйича аҳамиятидан келиб чиқиб акс эттирилган.

Чизмадан кўринишича, “БЕРИ” индексига кирган кўрсаткичлар орасида сиёсий барқарорлик (12 фоиз) энг катта аҳамиятга эга. Таҳлилларнинг кўрсатишича, ғарбий экспертлар айнан ҳарбий ҳаракатлар ёки ички вазиятнинг кескинлашуви юз бергани боис Грузия, Молдава ва Тожикистонга рейтингларда сўнгги ўринлар беришган.



5.3-чизма. **Хорижий инвестициялар учун ҳудуд жозибадорлигини (мафтункорлигини) баҳолашнинг “БЕРИ” индекси**

Умуман олганда, “БЕРИ” хизмати бу борада катта обрў қозонган ташкилотдир. Бу хизмат кўрсатувчи ташкилот, капитал импорт қилувчи Мамлакатлардаги инвестиция муҳитни таҳлил қилиб инвестицияларнинг таваккалчилик даражасини аниқлаб беради. “БЕРИ” хизмати матбуотлар орқали турлича хавф - хатарлилик, риск даражасини аниқлаб беради. Ҳозирда бу хизмат кўрсатувчи ташкилот 55дан ортиқ капитал импорт қилувчи мамлакатлардаги инвестиция муҳитини 15 та кўрсаткични қамраб олувчи мезон (балл) билан аниқламоқда. Бунда қанчалик юқори балга эга мамлакатлар шунчалик барқарор мамлакатлар ҳисобланади. Бу балл индексларини ҳисоблашда сиёсий, иқтисодий,

ижтимоий омиллари таъсири ҳам ҳисобга олинади. Бу ташкилот фақатгина жорий даврнигина эмас, балки истиқболда кутилаётган ўзгаришларни ҳам баҳолайди.

Иқтисодиётда сафарбар қилинган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичдан яна бири ИКОР (инкрементал капитал-оутпут ратио) бўлиб, у мамлакатдаги реал секторга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини аниқлашда ёрдам беради. Бу коэффицент асосий капиталга қўйилган маблағлар, яъни ЯИМдаги инвестициялар салмоғининг, кейинги йилдаги ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръатига нисбатини бидиради, яъни:

$$\text{ИКОР} = \text{И} / \Delta \text{ЯИМ} \quad (2.2)$$

Бу ерда, И – инвестиция ўсиш даражаси (ЯИМдаги салмоғи);

$\Delta \text{ЯИМ}$ – ялпи ички маҳсулотнинг қўшимча ўсиш даражаси.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун ИКОР кўрсаткичини қуйидаги 5.2-жадвал орқали кўриш мумкин.

5.2-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиёти учун ИКОР кўрсаткичлари

Йиллар	Ялпи инвестициянинг ЯИМга нисбатан (%) да	ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръати (%) да	ИКОР
2000	22.9	3.8	-
2001	26.8	4.2	5.4
2002	19.3	4.2	6.4
2003	19.3	4.4	4.4
2004	20.3	7.7	2.5
2005	19.8	7.0	2.9
2006	-	7.3	2.7

Шу билан бирга охириги йилликда Республикада ялпи ички маҳсулотнинг қўшимча ўсиш суръатлари аста-секин кўтарилиб борди. Натижада ИКОР кўрсаткичи йиллар давомида пасайиб бориб, 2006 йилда 2.7ни ташкил этган. Бу кўрсаткич қанчалик кичик бўлса, шунчалик аҳамиятли (ижобий) ҳисобланади.

3. Инвестиция муҳитини шакллантиришда ҳуқуқий-меъёрий тизим.

Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг экспортдаги ҳажмини кенгайтиришга қаратилган инвестиция фаолиятини тартибга солувчи 50 дан ортиқ ҳуқуқий-ҳужжат қабул қилинди, жумладан, “Концессиялар тўғрисида”ги, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет

эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 30.04.1998 йилдаги Қонуни; “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунлар айтиш мақсадга ҳизмат қилмоқда.

4. Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳитини мунтазам равишда яхшилаб бориш вазифалари.

Иқтисодиётимизга киритилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга ўсиб боришида юртимиздаги мавжуд инвестицион шароит ва қулай инвестиция муҳити алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Бунда айтишса қуйидаги асосий омилларни ҳам қайд этиш ўринлидир:

1. Сиёсий барқарорлик. Давлат томонидан барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган тизимли ислохотлар ва Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари учун яратиб берилаётган тенг имкониятлар, ҳар бир шахс, ҳар қайси хўжалик юритувчи субъектга ўз имкониятларини тўлақонли намойиш этиши учун барча шароитларнинг мавжудлиги.

2. Миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиб бораётгани. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган ўзига хос йўлини танлаб, уни изчил амалга ошириши натижасида МДҲ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) ҳудудидаги кўпгина давлатлардан фарқли равишда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўйилмасликка эришди. Ўзбекистон иқтисодиёти 1997-2003 йиллар давомида йилига 3,8-5,2 фоиз ўсиш суръатлари билан ривожланди. Қулай ишчан муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларининг натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2004 йилдан эътиборан йилига 7-9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади²². Айтиш пайтда жаҳонни ларзага солган, кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига катта талофатлар етказиб, издан чиқарган глобал молиявий-иқтисодий инқироз жараёнларининг мураккаб ва оғир синовларидан ўтаётган мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш орқали янада самарали ва мустаҳкам бўлиб бормоқда.

3. Географик ва геосиёсий жойлашуви. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг чорраҳасида жойлашган бўлиб, самарали минтақавий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, минтақавий ва трансмиллий лойиҳаларда иштирок этиш учун қулай транспорт коридорларига эга мамлакатдир²³.

²² Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 13-б.

²³ Юлдашев Р.З. Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 93 с.

4. Ривожланган инфратузилманинг мавжудлиги. Мамлакатимизда транспорт инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми бўлмиш темир йўллар, автомобиль йўллар ҳамда ҳаво йўллари яхши ривожланган. Темир йўлларимизнинг узунлиги 6,5 минг километр, автомобиль йўлларимизнинг узунлиги 43,5 минг километрга тенг. Миллий авиакомпаниямиз томонидан мунтазам равишда дунёнинг 40 дан ошiq шаҳарларига тўғридан-тўғри рейслар амалга оширилади, шунингдек, жаҳоннинг 24 та давлатида унинг 43 дан ошiq ваколатхонаси бор. Республикамизда йилига 48 миллиард киловат саот электр энергияси ва 10 миллион килокалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Бу нафақат ички эҳтиёжимизни тўла таъминлаш, балки хорижга экспорт қилишимиз учун ҳам имкон яратади.

5. Қулай солиқ ва божхона сиёсати. Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар учун инвесторларга қатор имтиёз ва преференциялар яратилган ва уларнинг қафолати қонун билан мутаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, улар мулк солиғидан, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад солиғидан ҳамда бир қатор божхона божларини тўлашдан озод этилган.

6. Юксак салоҳиятга эга ишчи кучининг мавжудлиги. Ўзбекистон юқори салоҳиятга эга бўлган мутахассис кадрларга эга бўлиб, юртимизда аҳоли саводхонлиги даражаси 100 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда ҳар тўрт кишидан бири олий ёки ўрта махсус маълумотга эгадир. Биргина таълим соҳасини оладиган бўлсак, мамлакатимизда ўз мазмун ва моҳиятига қўра ноёб бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли амалга оширилди. Ушбу дастур ўн икки йиллик яхлит мажбурий узлуксиз таълим тизимига ўтиш ҳамда таълим жараёнларининг сифатини тубдан ва тизимли равишда оширишга, кадрларнинг юксак даражадаги умумий ва касбий маданиятга эга бўлган янги авлодини тарбиялашга қаратилган махсус чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Аҳолининг турмуш шароитини ошириш, билим олиш имкониятларини кенгайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ишчи кучи сифатида ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш салоҳиятини юксалтириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу маънода, юртимизда аҳоли муҳофазасини таъминлашдаги биринчи ва асосий вазифа инсонни камол топтириш, унинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини кўтариш билан боғлиқ. Бинобарин, жамиятнинг инсонпарварлиги мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг қанчалик юксаклиги билангина эмас, балки бу салоҳият ҳар бир кишининг фаровон яшаши ва ҳар томонлама ривожланиши учун йўналтирилгани билан ҳам баҳоланади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестиция фаолиятини ташкил этишда унинг объект ва субъектлари иштироки қандай?
2. Инвестиция фаолияти объектларини туркумлаб беринг?
3. Инвестиция фаолияти йўналишлари қандай ва уларнинг молиявий манбалари?
4. Инвестиция фаолияти деганда нимани тушунаси?


5. Инвестиция сиёсатининг моҳияти, мақсади ва устувор йўналишларига нима қиради?

6. Инвестицион муҳит ва уни ташкил этишнинг шартлари қандай?

Топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикаси инвестиция жараёнини амалга ошириш тизими тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Инвестиция жараёни моҳиятини тўлиқ ўрганиш.
3. Инвестиция жараёнини ташкил этиш жараёнини, унинг объектлари, субъектларини ўрганиб чиқиш.

Инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар



Масала

Инвестор «Афросиёб» хусусий корхонасига янги лойиҳани амалга ошириш учун 40,0 млн. сўмлик инвестиция киритди. Лойиҳа 8 йилга мўлжалланган бўлиб, ҳар йилги олинган фойдадан 40 %и инвесторга тўланилиши ва 7 йилдан кейин жорий қилинган инвестиция тўлиқ қайтарилиши келишиб олинган. «Афросиёб» хусусий корхонаси қуйидаги кўрсаткичларга эга:

Йиллар	Олинган даромад, минг сўм	Харажатлар, минг сўм	Фойда, минг сўм	Инвесторга тўланиши лозим бўлган сумма, минг сўм
1	68500,0	53050,0		
2	68100,0	54020,0		

3	69200,0	54010,0		
4	65800,0	52320,0		
5	64500,0	49500,0		
6	64600,0	50300,0		
7	67700,0	55200,0		
8	68050,0	58600,0		
Жами:	536450,0	427000,0		

Юқоридаги маълумотлардан фойдаланиб аниқланг:

1. Корхона фойдасини
2. Инвесторга тўланиши лозим бўлган суммани.
3. Қисқача хулоса ёзинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломова Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

6-мавзу. Инвестиция фаолиятида капитал қурилиш

6.1. Капитал қурилиш ва капитал қўйилмалар

Режа

1. Капитал қурилиш ва капитал қўйилмалар. Янги қурилиш, таъмирлаш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш. “Қурилиш индустрия”си тушунчаси.

2. Мамлакат иқтисодиёти учун қурилиш муддатини қисқартиришнинг аҳамияти.

3. Қурилишнинг уч босқичи: тайёргарлик босқичи, қурилиш босқичи, қурилиш маҳсулотини реализацияси.

4. Қурилиш ишлаб чиқаришнинг давомийлиги. Қурилишда хўжалик юритишнинг ҳиссадорлик жамиятлари шакллари жорий этиш.

Таянч сўз ва иборалар

Капитал қурилиш, капитал қўйилма, қурилишнинг аниқ рўйхати, қурилишнинг титул рўйхати, қурилишнинг хўжалик усули, шартномавий нарх.

1. Капитал қурилиш ва капитал қўйилмалар. Янги қурилиш, таъмирлаш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш. “Қурилиш индустрия”си тушунчаси.

Капитал қурилиш ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларининг асосий фондларини яратувчи ва шакллантирувчи тармоқ ҳисобланади. Капитал қурилиш мазкур фондларни тайёрлашда сарф қилинадиган меҳнат, молиявий ва материал харажатларни ўз ичига олади.

Иқтисодий нуқтаи назардан капитал қўйилма ва капитал қурилиш фарқини аниқлаб олиш зарур.

Капитал қурилиш - бу халқ хўжалигининг алоҳида бир тармоғи бўлиб, унинг тайёр маҳсулоти бўлиб асосий фондлар ҳисобланади. Жамиятнинг моддий техник-базасини яратишнинг асосий йўналишлари - янги корхоналарни қуриш, яратиш билан биргаликда ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш чора-тадбирларига бевосита боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, давлат инвестиция сиёсати нафақат, янги объектларни вужудга келтириш, балки мавжуд корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятида капитал қурилиш буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатлар асосида тузилган шартнома асосида олиб борилади.

Объект қурилишига шартнома танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган қурилишнинг бутун даврига янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга тузилади.

Шартнома Кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда капитал қурилиш соҳасидаги бошқа норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тузилади.

Қурилишда пудрат шартномаси танлов савдолари натижалари бўйича аниқланган шартномавий жорий нарх бўйича белгиланган тартибда танлов савдолари натижалари тасдиқлангандан кейин ўн кун муддат ичида тузилади.

Инвестиция фаолиятида капитал қурилишни маблағ билан таъминлашни очиш учун буюртмачи томонидан хизмат кўрсатувчи банкка қуйидагиларни тақдим этади:

- ◆ Қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати);

- ◆ Қурилишнинг титул рўйхати;

- ◆ Буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;

- ◆ Пудратчи ташкилотининг қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан шартномаси нусхаси;

- ◆ Қурилиш - монтаж ишларини бажаришга "Давархитектқурилиш" қўмитасининг рухсати.

Қурилишларнинг аниқ рўйхати - объектлар рўйхатини, шунингдек, улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича ишлар ва харажатлар ҳажмини ўз ичига олувчи ҳар йили буюртмачилар томонидан ажратилган лимитлар доирасида тузиладиган молиявий ҳужжат.

Қурилишнинг титул рўйхати - қурилишнинг бутун даврига капитал қўйилмалар ҳажмини ва уни сарфлаш йўналишларини кўрсатган, унинг техник - иқтисодий кўрсаткичларини акс эттирган ҳолда ҳар бир объект бўйича тузиладиган молиявий ҳужжатдир.

Қурилишда иш ҳужжатлари - алоҳида бинолар ва иншоотларга ҳамда иш турларига иш чизмалари комплектидир.

Инвестиция фаолиятида капитал қурилишни маблағ билан таъминловчи органга (муассасага) буюртмачи томонидан қуйидагилар тақдим этилади:

- ◆ Қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати);

- ◆ Қурилишнинг титул рўйхати;

- ◆ Буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;

- ◆ Қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан пудрат ташкилоти томонидан тузилган шартнома нусхаси ва танлов савдолари натижалари тўғрисида буюртмачининг ҳисоботи;

- ◆ Ҳар қайси инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун очилган молиялаштиришнинг ҳар бир ҳисоб рақами бўйича банк реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар.

Инвестиция фаолиятида капитал қурилишни маблағ билан таъминловчи орган буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида инвестиция лойиҳасини маблағ билан таъминлашни амалга оширади.

Хизмат кўрсатувчи банк капитал қурилишга маблағлар ўз вақтида ўтказилиши учун жавоб беради.

Буюртмачи эса тўлов топшириқлари қурилишнинг титул рўйхатига қатъий мувофиқ бўлиши учун жавоб беради.

Капитал қўйилма - бу, янги корхоналарни барпо этиш, мавжуд ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини техник жиҳатдан қайта

қуроллантириш билан боғлиқ бўлган молиявий, иқтисодий, моддий ва меҳнат харажатлари йиғиндисига айтилади. Капитал қўйилмалар иқтисодий жиҳатдан капитал инвестицияларни англатади, улар деярли бир мазмунни билдиради. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида киритиладиган инвестицияларни - қўйилмаларни - харажатлар мажмуасини англатади. Шу ўринда, капитал қўйилма ёки капитал инвестицияларнинг реал инвестициялардан фарқлаб олиш зарур. Реал инвестициялар физик объектларга киритиладиган инвестициялар мажмуасини билдириб, улар нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш объектларига киритиладиган инвестицияларни англатади, балки бошқа турдаги ноишлаб чиқариш объектларига ва тижорат мақсадлари кўзланмайдиган соҳаларга, хусусан, ижтимоий самара олиб келувчи соҳаларга ҳам киритиладиган инвестициялардан иборат бўлади. Реал капитал қўйилмалар эса, фақат ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади.

Капитал қўйилмаларнинг таркибий тузилиши қуйидагилардан иборат:

1. Капитал қўйилмаларнинг тармоқ тузилиши, яъни жамият миқёсида капитал қўйилмаларнинг тармоқлар бўйича сарфланган қийматини англатади;

2. Капитал қўйилмаларнинг технологик тузилиши, яъни асосий фондларнинг актив элементлари ва пассив элементларига сарфланган харажатлар нисбатини англатади. Актив элементлар деганда, ўз қийматини бевосита маҳсулот ёки хизматлар таннархига ўтказувчи, бевосита амортизацияланувчи элементлар ва объектлар тушунилади, буларга технологик ускуналар, машина ва қурилмалар қиймати мисол бўлади. Пассив элементлар эса ўз қийматини таннарх таркибига билвосита киритиб боровчи объектлар ва воситалар қийматини англатади. Уларга бино-иморатлар, мебел, офис жиҳозлари, компьютер техникаси ва моддий ва номоддий объектлар мисол бўла олади;

3. Капитал қўйилмаларнинг такрор ишлаб чиқариш тузилиши, яъни мавжуд объектларни қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, янги объектларни барпо этиш ва ҳаракатдаги корхоналарни кенгайтириш бўйича қилинган харажатларнинг нисбатига айтилади.

Капитал қўйилмалар қиймати давлат, корпоратив ва хусусий инвестицияларни режалаштириш жараёнида қўлланилади, улар асосида инвестицион фаолият прогнозлаштирилади. Йиллик ўзлаштирилиш зарур бўлган капитал қўйилмалар ҳажми Давлат инвестиция дастурида кўрсатиб ўтилади. Капитал қўйилмалар ҳажми Дастур таркибидаги дастлабки ҳужжат Прогнозда акс эттирилади. Капитал қўйилмалар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланади, қўйилмалар қийматини аниқлашда, Молия вазирлиги ва Марказий банк ҳам иштирок этади.

2. Мамлакат иқтисодиёти учун қурилиш муддатини қисқартиришнинг аҳамияти

Капитал қурилишни молиялаштириш ҳисоб рақамларидан буюртмачи эҳтиёжи таъминоти бўйича харажатларга маблағ тўланишига йўл қўйилмайди.

Қурилиши янгидан бошланаётган тайёр ҳолда фойдаланишга топшириладиган объектларни қуришда:

- ◆ Қурилишнинг дастлабки икки ойи мобайнида аванс тўловлари танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизгача миқдорда

тенг улушларда ажратилиши;

- ◆ Жам бўлган ҳолда аванс тўлови ҳам ҳисобланадиган аванс беришни ҳисобга олган ҳолда объект қийматининг 50 фоизгача миқдорда жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

Қолган 50 фоизини пудратчига йўллаш буюртмачи томонидан объект қурилиши тугаллангандан кейин шартномага мувофиқ икки босқичда:

- ◆ Объект қабул комиссияси томонидан қабул қилиб олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - камида 45 фоиз миқдорида;

- ◆ Шартномада қайд этилган кафолат муддати тамом бўлгач -молиявий йил тамом бўлишидан кечикмай 5 фоизгача миқдорда тўланади. Объектларни шартнома асосида қурилишда (объектларни фойдаланишгатайёр ҳолда қуриш ҳоллардан ташқари):

- ◆ Жорий ойма-ой молиялаштириш ишларнинг амалда бажарилишидан келиб чиқиб, 5 фоиз миқдоридаги қолган қисмини шартномада қайд этилган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, бироқ молиявий йил тамом бўлишидан кечикмай тўлаган ҳолда объект қийматининг камида 95 фоизи миқдорида амалга оширилади.

Пудратчй билан узил - кесил ҳисоб - китоб қилиш буюртмачи томонидан қурилиш тамом бўлгандан ва объект фойдаланишга топширилганидан кейин амалга оширилади. Унгача қурилишни тўлиқ тугаллаш пудратчининг ўз маблағлари ва банкларнинг кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

Буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги ҳисоб - китоб шакли бош пудрат шартномасида келишиб олинади. Агар пудратчи ва буюртмачи ўртасида ҳисоб - китоблар ҳар бир бажарилган ишлар бўйича амалга оширилган бўлса, ундай ҳолда пудратчи ташкилотлар қурилишнинг ҳар бир объектини бажаргандан сўнг бажарган ишлар тўғрисида маълумотнома тайёрлайди. Бу маълумотномага буюртмачини розилик имзоси қўйилгандан сўнг, банк муассасалари маълумотномада келган суммани капитал қўйилмаларни махсус молиялаштириш ҳисоб рақамидан пудратчи ташкилотларнинг жорий ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Шунингдек, банк муассасалари шартномага кўра маълумотномада кўрилган суммани 90 - 95 %ини пудратчига ўтказиб бериш ва охириги ҳисоб - китобни объект фойдапанишга топширилганлиги тўғрисидаги далолатномага кўра амалга ошириши мумкин.

Буюртмачи ва пудратчи ўртасида ҳисоб-китоблар амалга оширилганда қурилиш объекти тўлиқ фойдаланишга топширилиб, бу тўғрисида қабул комиссиясининг далолатномасиимзолангандан сўнг, банк муассасалари далолатномада кўрсатилган суммани, яъни объектни тўлиқ смета қийматини пудратчига ўтказиб беради.

Қурилишда хўжалик усули - деганда, қурилишнинг монтаж ишларини корхона ва ташкилотларнинг ўз кучлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириш

тушунилади. Бундай ҳолда, корхона ва ташкилотлар капитал қурилиш бўлими (ОКС) ёки капитал қурилиш бошқармасини (УКС) ташкил этади. Қурилиш монтаж ишлари амалга ошириш жараёнида корхона раҳбарлари ва капитал қурилиш бошлиғи ўртасида шартнома тузилади. Йирик ҳажмидаги капитал қўйилмаларни амалга оширишда банкларда корхона раҳбари номида капитал қўйилмаларнинг махсус ҳисоб рақами очилади. Хўжалик усулида капитал қўйилмаларни молиялаштириш ҳам икки усулда олиб борилади:

1. Харажат элементлари бўйича;
2. Бажарилган ишлар бўйича олиб борилади.

Харажат элементлари бўйича молиялаштиришда махсус молиялаш ҳисоб рақамидан ёки корхонанинг жорий ҳисоб рақамидан ҳар хил харажат, иш ҳақи харажатлари, ускуна ва транспорт воситаларига қилинадиган харажатлар, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган ҳолда молиялаштирилади. Бажарилган ишлар бўйича молиялаштиришда амалга оширилган ҳар бир иш босқичи учун капитал қурилиш бўлими ёки қурилиш бошқармаси бажарган ишлар бўйича маълумотномалар тайёрлайди ва банк муассасаларига такдим этилади. Бу маълумотлар асосида банк молиялаштиришни ташкиллаштиради.

Қурилишда хўжалик усулида ишлар олиб борилганда, мустақил равишда ёки махсус ихтисослашган ташкилотлар ёрдамида қурилишнинг лойиҳа смета ҳужжатларини тузиб чиқилади ва ушбу лойиҳа смета ҳужжати буюртмачи ва хўжалик корхонаси томонидан имзоланади.

Қурилишнинг бу усулида ҳам қурилиш корхонаси бажариладиган ишлар бўйича ерданчи пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда улар билан шартнома тузиши мумкин ёки бўлмаса ўзида капитал қурилиш бўлинмалари ёки бошқармалари мавжуд бўлган ҳолларда улар ўртасида қурилиш монтаж ишлари

бўйича шартнома тузилади. Ушбу қурилиш бошқармаларини молиялаштириш эса, кўпинча, қурилиш корхонаси томонидан амалга оширилади. Чунки, ушбу ҳолатда молиялаштириш жараёнида қилинган харажатларнинг тўғри сарфланаётганлигини ва улар устидан назорат ўтказиш орқали текшириб бориш имконияти мавжуд бўлади.

Хўжалик усулида капитал қурилиш ишлари олиб борилганда қуйидагига кўра, хўжалик корхонаси қурилиш ишларини охирига етказиб, сўнг объектни "подключ" топширади. Тузилган махсус комиссиянинг ижобий баҳосидан сўнг объект буюртмачи томонидан қабул қилинади. Сўнг буюртмачи объектни қуриш учун қилинган барча харажатларни ўзаро келишилган ҳолда, ўрнатилган фойда нормаси суммасини хўжалик корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Лекин бундан олдин қурилишнинг смета харажатлари суммаси ўзгарган бўлса, хўжалик корхонаси унинг ўзгарганлигини асослаши ва қайта тузилган смета ҳужжатини буюртмачига тасдиқлатиб олиши шартдир.

Қурилиш тармоқдаги ҳуқуқбузарликлар учун буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг "Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида"ги 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган № 173-11 сонли Қонуни асосида жавоб берадилар.

Хусусан, аҳоли пунктларини режалаш ва қурилишнинг бош режаларини, лойиҳаларини, турар жой даҳалари, кичик даҳалар ва шаҳарларнинг саноат зоналари, қишлоқ аҳоли пунктлари қуриш ва ободонлаштириш сифатини, шунингдек, бинолар ва иншоотларнинг меъморчилик ечимларини бузиш - энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Лойиҳалаш, қурилиш - монтаж ишларини бажариш чоғида қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларини бузиш: Агар бу ҳол бинолар, иморотлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг чидамлик ёки мустаҳкамлик параметрлари йўқолишларига сабаб бўлса, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Юридик шахснинг жавобгарликка тортилиши уни ўзи йўл қўйган қоидабузарликларини бартараф этиш ва зарарларнинг ўрнини қоплаш мажбуриятдан, шунингдек, айбдор мансабдор шахсларни интизомий, маъмурий, фуқаровий-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка тортишдан озод этмайди.

3. Қурилишнинг уч босқичи: тайёргарлик босқичи, қурилиш босқичи, қурилиш маҳсулотини реализацияси.

Капитал қурилишда шартномавий нархлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 12 сентябр 2003 йилдаги №395 сонли *«Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»*ги қарорига асосан амалга оширилади.

Мазкур қарорга асосан, Ўзбекистонда капитал қурилишдаги шартномавий нархлар ягона услубияти барча мулк шакллари учун қабул қилиниб келади. **Шартномавий нархлар** - бозордаги мавжуд шароитларни ҳисобга олган, материал қийматнинг конъюнктураси, ишлатиладиган машина ва механизмлар қиймати ҳамда пудрат ташкилотларини фойдасини англади. Буюртмачи ва пудратчи ташкилотларнинг келишувига асосан, қурилишда қуйидаги икки нарх тури қўлланилиши мумкин:

- қатъий ва якуний шартномавий нарх. Бунда қурилишнинг бутун муддатига қабул қилинган шартномавий баҳо ўзгармайди. Бундай баҳолар, асосан, муддати бир йилдан ошмайдиган қурилиш объектлари учун тавсия этилади. Ушбу нархлар таркибида прогноз ўзгартиришлар киритишни инобатга олувчи пудратчи ташкилотларнинг rischi ҳам ҳисобга олинади;

- очиқ шартномавий нархлар. Бундай нархлар қурилиш шартномаси шартлари асосида қурилиш материаллари, иш ҳақи тўловлари шартлари ва бошқа харажатларнинг вужудга келиши ҳисобига аниқлаштириладиган нархларга айтилади.

Қурилиш маҳсулотларида шартномавий баҳоларни бутун қурилиш объектига алоҳида объектларнинг шартномавий баҳоси асосида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Айрим ҳолларда, махсус капитал қурилиш объектларида

шартномавий нархлар иш ҳажмига мос ҳолда локал смета асосида ҳам шаклланиши мумкин.

Шартномавий нархлар қурилиш буюртмачиси ва пудратчисининг ўзаро келишувчи асосида белгиланади.

Амалиётда, баъзи ҳолларда қурилишда нархларни аниқдашда тармоқдаги ишчилар ўртача ойлик иш ҳақи фонидан келиб чиқиб аниқланади.

Қурилишшартномасиинвестиционфаолият иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини тартибга солиб туради, мазкур ҳужжат бўйича пудратчи буюртмачи буюртмасини белгиланган муддатларда бажаради.

Бош пудрат шартномаси объектларнинг қурилиш даври учун тузилади ва томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини акс эттиради. Шартномада қурилиш қиймати, унинг келиб чиқиш ҳисоб-китоби, форс-мажор ҳолатлари, томонлар мажбуриятлари кўрсатиб ўтилади.

Шартнома уни имзоловчи иштирокчиларнинг ташкилий-ҳуқуқий, технологик мажбуриятларини белгилаб беради. Қурилиш шартномалари қуйидаги хусусиятларни ўз ичига олади:

- инвестицион фаолиятда қурилиш муносабатлари қуйидагилар асосида шаклланади: томонларнинг мустақиллиги, шартнома предметини аниқлаш, томонлар мажбуриятларини белгилаш ва бошқалар;

- шартномавий муносабатларининг бажарилишининг ҳуқуқий негизи, хўжалик рискларини суғурталаш, кафолатлар тақдим этиш;

- буюртмачи ва пудратчининг ҳуқуқларини белгилаб олиш;

Бош пудрат шартномасида қуйидагилар акс эттирилади:

- томонларнинг мажбуриятлари, етказилган зарарларни қоплаш тартиби;

- мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари, хўжалик судига даъво аризасини киритиш тартиби;

- шартнома иштирокчиларининг малакасини тасдиқлаш.

Қурилишда пудрат шартномалари танлов асосида тузилади ва имзоланади. Конкурс шартлари буюртмачи томонидан аниқлаб олинади. Шартнома имзоланишигача қурилишни молиялаштириш ва ҳужжатлаштириш ишлари ҳам аниқлаб олиниши талаб этилади.

Қурилиш ишларида олиб бориладиган тендерлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.09.1998 й.даги 375-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилади. Тендерларнинг тартиби қарорнинг 5-илоvasида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилиш ишларида конкурс савдолар -тендерларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги Низомда келтирилган. Қурилиш ишларида тендер ўтказишдан мақсад белгиланган муддат ва қиймат доирасида қурилиш, монтаж, таъмирлаш ишларини сифатли амалга оширувчи қурилиш ташкилотини танлов асосида танлаб олишдан иборат. Тендер савдоларини ўтказиш марказлаштирилган давлат маблағларидан, маҳаллий ҳукумат маблағларидан фойдаланган ҳолда қурилиш ишларини бажариш учун мажбурий шарт қилиб белгиланган. Тендерда қуйидаги томонлар қатнашади:

- буюртмачи - қурилиш ишларига буюртма берувчи ва тендерни чақирувчи, буюртмаловчи юридик шахс;

- тендерни уюштирувчи - буюртмачи томонидан тендерни ташкил этиш, уюштиришга буюртма олган шахс;

- "даъвогар" - тендерда ғолиб чиқиш мақсадида қатнашувчи қурилиш ташкилоти;

- тендер комиссияси - тендердаги таклифларни баҳоловчи ва ғолибни аниқловчи доимий ёки вақтинчалик таркибга эга орган.

Буюртмачи тендерни ташкил этиш мақсадида Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва инженер-консультатив фирмаларни ёллаши мумкин. Тендер уюштирувчи томон қуйидаги функцияларни бажаради:

-тендер савдоси жараёнини ташкил этиш ва расмийлаштириш;

- тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

- тендергатаклифномалар тарқатиш, тендерни эълон қилиш;

- тендер комиссияси таркибини белгилаш;

- тендерга келиб тушувчи таклифларни қабул қилиш. Тендерни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар буюртмачи томонидан тўланади. Тендерни ўтказишда буюртмачига қулайлик яратиш ва даъвогарларнинг ўз мажбуриятларини бажаришни таъминлаш мақсадида тендер ҳужжатлари тўплами пулга сотилади. Тендер ҳужжатлари қуйидагилардан иборат бўлади:

-тендер эълонининг матни;

-тендерга таклифномалар;

-қурилиш шартномасининг шартлари;

-савдода қатнашиш учун ариза формаси;

-савдода қатнашиш инструкцияси;

-пудратчи тўғрисидаги маълумотларга талаблар;

-таклифларни техник, молиявий баҳолаш ва ғолибни аниқлаш мезонлари;

-қурилиш шартномаси лойиҳаси;

-тендернинг техник ҳужжатлари.

Тендер комиссияси таркиби буюртмачи томонидан белгиланади. Комиссияга буюртмачи вакиллари, лойиҳалаштириш, илмий изланиш, инженер-консультацион, молиявий ташкилотлар, маҳаллий назорат органлари мутахассислари аъзо бўлиши мумкин. Комиссияга тендерда ғолибни аниқлаш вазифаси юклатилади. Қурилиш ишларига тендер объект қурилиши молиявий маблағлар билан таъминланган ва зарур ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳолдагина ўтказилади, улар кредит шартномаси, ҳисоб-китоб счётидан кўчирма, банк маълумотномаси, маҳаллий ҳокимият органлари қарорлари бўлиши мумкин. Тендер очик ва ёпиқ шаклда ўтказилади, очик шаклда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча субъектлар қатнашиши мумкин, ёпиқ шакл иштирокчилари ва унинг ўтказилиши фақатгина Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Очик тендерлар ўтказилишидан 1 -3 ой олдин эълон қилинади, эълонлар чоп этиладиган даврий нашрлар руйхати Дав. Арх.қурилиш қўмитаси билан келишиб олинади. Ёпиқ тендерларда эса буюртмачи аввалдан белгиланган даъвогарларга савдода қатнашишга таклифномалар жўнатади ва тендер фақатгина уларнинг орасида ўтказилади.

Тендерлар буюртмачи жойлашган бинода ўтказилади, айнан шу ерда тендерга келиб тушган таклифлар - оферталар баҳоланади, таҳлил қилинади. Оферталар ёпиқ конвертларда тендер комиссияси номига юборилади, улар бир

вакtda бир жойда очилади ва ўқилади. Тендер форумида даъвогарлар ёки оферентлар вакиллари қатнашиши мумкин. Оферталар куйидаги мезонлар бўйича баҳоланади: таклиф қилинаётган қурилишлар хизматлари қиймати; қурилишни бажариш муддати; қурилиш ишлари тартиби; тажрибали субпудратчиларни жалб қилиш имкониятлари; бошқа техник, тижорат аспекти ва афзалликлари. Тендерда ғолиб яширин овоз бериш йўли билан аниқланади. Тендер натижалари комиссия томонидан тасдиқлангач, тендер савдолари тугалланган деб ҳисобланади.

Тендерга биронта ҳам оферта келмаса ёки келган оферталар тендер талабларига мос келмаса, тендерлар ўтказилмайди, кейинга қолдирилиши мумкин. Шунингдек, таклиф этилаётган нархларнинг энг кичиги объектнинг ҳақиқий баҳосидан сезиларли даражада катта бўлса ҳам, тендерлар қайтадан ўтказилиши мумкин. Тендер муваффақиятли тугагач, ғолиб аниқланган, буюртмачи ғолибга хабарнома - тендер офертасининг аксептини йўллайди ва у билан қурилиш шартномасини имзолайди.

Оферентларга бериладиган тендер ҳужжатлари экспертизадан ўтказилиши зарур, экспертиза ҳужжатларнинг тўлиқлигини, тендер регламентига мослигини, конкурс савдолари шартларининг бажарилишини назорат қилиш мақсадида ўтказилади. Экспертиза ўтказувчи орган - Дав.арх. қурилиш кўмитаси. Республикамизда тендер ҳужжатлари экспертизаси ушбу кўмитанинг 2002.16.09 йилдаги №7 қароридаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Қурилиш ҳажми катта ва мураккабликларга эга бўлса, кўмита четдан экспертларни жалб қилиши мумкин. Тендер ҳужжатлари экспертизаси ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг одатда 2 кун ичида ўтказилади, экспертизанинг умумий муддати 10 кундан ошмаслиги керак, қайта экспертизанинг умумий муддати эса 5 кундан ошмаслиги керак. Экспертизада куйидагилар текширилади:

- тендер ҳужжатлари тўлиқлиги;
- ҳужжатларда ягона терминология қўлланилиши;
- референтларга қўйиладиган талабларга риоя қилиш;
- офертани техник ва молиявий баҳолаш мезонларининг обективлиги;
- тендер ҳужжатларининг техник қисмини тузишда фойдаланиладиган ҳужжатлар таҳлили;
- тендеркомиссиясини тузиш тўғрисидаги қарор;
- молиялаштириш манбаларини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Экспертиза билан боғлиқ барча харажатлар буюртмачи томонидан қопланади, кейинчалик улар тендер предметининг умумий қийматига қўшиб юборилади. Тендер якуни бўйича хулоса тайёрланади.

Экспертиза тақдим этилган тендер ҳужжатларига асосан олиб борилди. Экспертизага куйидагилар тақдим этилди:

1. Савдода қатнашишга таклифнома;
2. Контракт умумий шартлари;
3. Савдо қатнашчилари - оферентларга инструкция;
4. Оферентнинг тендерда қатнашишига буюртмаси формаси;

5. Контракт лойиҳаси;
6. Тендернинг техник қисми;
7. Эълон матни.

Экспертиза натижалари ижобий бўлса, объектнинг тендер ҳужжатлари тасдиқлашга тавсия қилинади. Агар камчиликлар бўлса, объектнинг тендер ҳужжатларини қайта ишлашга юборилади.

3. Қурилиш ишлаб чиқаришнинг давомийлиги. Қурилишда хўжалик юритишнинг ҳиссадорлик жамиятлари шакллари жорий этиш.

Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида" ги Қонунига асосан Давлат бюджетидан қуйидаги устувор йўналишлар бўйича инвестиция лойиҳаларига бюджетдан маблағлар ажратилиши мумкин: маҳаллий хом ашё ва минерал ресурсларни тежовчи ишлаб чиқариш инфратузилмасининг замонавий тизимларини ривожлантириш, истеъмол бозорларини энг зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдириш (ёқилғи энергетика, металлургия, машинасозлик, газ, кимё, қайта ишлаш саноати, аграр – саноат комплекси, сув хўжалиги қурилиши, фармацевтика саноати, ва ҳ.к.)

Ноишлаб чиқариш объектлари бўйича: аҳолининг ижтимоий инфратузилма хизматларига бўлган биринчи навбатдаги эҳтиёжларини қондириш (соғлиқни сақлаш, фан, таълим соҳаси, маданий - маиший объектларини қуриш), аҳоли учун уй-жой қурилиши, магистрал ва кўчаларни қурилиши учун сарфланади.

Бюджет маблағларига бўлган эҳтиёжни аниқлашда қуйидаги харажатлар ҳисобга олинади:

-ўтган йилда бажарилган ишлар ҳажми учун кредиторлик қарзларини тўлаш;

-қурилишларнинг аниқ рўйхатларига киритилган объектларда бажариладиган ишлар бўйича жорий йилнинг ҳисобот ойидаги кредиторлик қарзларини тўлаш;

-ҳисобот оyi капитал қўйилмалари ҳажмларини ўзлаштириш асосида кутилаётган ўзлаштиришнинг 50% миқдорда аванс тўлаш, яъни, фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда объектни маблағ билан таъминлаш, маблағ билан таъминлаш жадвалига мувофиқ буюртмачининг аванси (30 фоизгача), жорий маблағ билан таъминлаш (аванс бериш ҳисобга олинган ҳолда 50 фоизгача), пудратчининг ўз маблағлари ва банкнинг кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

Пудратчи билан узил - кесил ҳисоб - китоб қилиш, буюртмачи томонидан қурилиш тамом бўлганда ва бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган объект фойдаланишга топширилганидан кейин амалга оширилади. (Ўз.Р.ВМ 12.05.2004 йилдаги 226 - сон Қарори).

Бундан аванс миқдори ҳарид қилинадиган асбоб-ускуналар, буюртмачи томонидан материаллар етказиб бериш, пудрат ташкилотларига аванс тўлаш миқдорини ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилиши мумкин.

Капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун буюртмалари ҳар чоракда Молия Вазирлигига тўловлар схемаси билан биргаликда маблағ билан таъминлаш ҳисоб-китобини ҳамда марказлаштирилган капитал қўйилмаларини маблағ билан таъминлашга ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида ҳисобнинг белгиланган шакли бўйича ахборот ҳам тақдим этадилар. Давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминлашни расмийлаштириш учун буюртмачилар маблағ билан таъминловчи банкларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395 - сонли қароридаги 2 - иловасига мувофиқ қуйидагиларни тақдим этадилар:

- қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати;
- қурилишнинг титул рўйхати;
- буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;
- пудрат ташкилотининг қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан шартнома нусхаси;
- қурилиш - монтаж ишларини бажаришга Давлат архитектура қурилиш қўмитасининг рухсати.

Бюджет маблағларини ўтказиш юзасидан буюртмачиларнинг топшириғини бажаришда банк шифрлари ва суммалари бўйича харажат жадвалига мувофиқлигини текширади, лойиҳа-смета ва қурилиш - монтаж ишларига, асосий фондларни сотиб олишда харажатларга ҳақ тўлашнинг йиғма ҳисобини юритади.

Ҳисоб – китоб операцияларини амалга ошириш ва капитал қўйилмаларини маблағ билан таъминлаш жараёнида маблағ билан таъминловчи банклар марказлаштирилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини, қурилиш муддатларига, ажратилган маблағларини қайтариш муддатларига риоя қиладилар, бажарилган ишлар ҳажмини назорат тартибида ўлчайдилар. Назорат банклар томонидан маблағ билан таъминловчи томон билан тузилган шартнома асосида банкка воситачилик ҳақи тўланган ҳолда амалга ошираверади.

Мамлакатимизда инвестицияларни бюджетдан молиялаштиришни босқичма-босқич камайтириш, бюджет маблағларидан фақат ижтимоий аҳамиятга эга ва муҳим стратегик лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилган чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Давлат аҳамиятига эга бўлган объектларни барпо этиш, ишга тушириш, қайта қуrolлантириш, замонавийлаштириш, янги фаолият объектига айлантириш мақсадида маблағлар қуйидагилар капитал қўйилмалар ҳисобига таъминланади:

1. Марказлаштирилган капитал қўйилмалар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат бюджети маблағлари;
- давлат бюджетидан ташқари фондлар маблағлари;
- ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар;
- ҳукумат қарорларига кўра белгиланадиган бошқа манбалар.

2. Марказлаштирилмаган капитал қўйилмалар:

- мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар маблағлари;
- тижорат банкларининг, шу жумладан, хорижий тижорат

банкларининг кредитлари;

- жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий жисмоний шахслар маблағлари;
- конун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Капитал қўйилмалар ва капитал қурилиш деганда нимани тушунасиш?
2. Марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмаларнинг бир биридан фарқи нимада?
3. Капитал қўйилмаларни амалга оширишнинг аҳамияти нимада?
4. Қурилишда нархни шакллантириш қандай амалга оширилади?
5. Капитал қурилишда тендерларнинг ташкил этилиши тартиби қандай?
6. Капитал қурилишни маблағ билан таъминлашни очиш учун буюртмачи хизмат кўрсатувчи банкка қандай ҳужжатларни тақдим этади?

Топшириқлар

1. Марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмалар тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Капитал қўйилмаларнинг аҳамиятини тўлиқ ўрганиш.

Масала

Инвестиция бозорида 4 та лойиҳа мавжуд. Ҳаммасининг ставкаси 16% дан. Аммо биринчисининг қиймати 30,0 млн. сўм, иккинчисининг қиймати 28,0 млн. сўм, учинчисининг қиймати 33,0 млн. сўм, тўртинчисининг қиймати 37,0 млн. сўм. Барча лойиҳаларнинг муддати 6 йилга мўлжалланган. Қайси инвестиция самарали эканлигини аниқланг ва тегишли хулоса ёзинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломова Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.

6.2. Капитал қурилишнинг ташкилий шакллари ва уни лойиҳалаштириш Режа

1. Қурилишнинг ташкилий шакллари. Капитал қурилишда лойиҳалаштириш. Капитал қурилишда танловни ташкил этиш. Буюртмачи ва пудратчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2. Қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати таркиби ва тузилиши. Қурилиш объектининг шартнома нархлари.

3. Капитал қўйилмалар самарадорлигини баҳолаш. Капитал қурилишда назорат ишларини олиб бориш.

Таянч сўз ва иборалар

Капитал қурилиш, капитал қўйилма, қурилишнинг аниқ рўйхати, қурилишнинг титул рўйхати, қурилишнинг хўжалик усули, шартномавий нарх.

1. Қурилишнинг ташкилий шакллари. Капитал қурилишда лойиҳалаштириш. Капитал қурилишда танловни ташкил этиш. Буюртмачи ва пудратчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Капитал қўйилмалар иқтисодий жиҳат дан капитал инвестицияларни англатади, улар деярли бир мазмунни билдиради. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва ҳизмат лар кўрсатиш соҳасида киритиладиган инвестицияларни – қўйилмаларни – ҳаражат лар мажмуасини англатади. Шу ўринда, капитал қўйилма ёки капитал инвестицияларнинг реал инвестициялардан фарқлаб олиш зарур. Реал инвестициялар физик объектларга киритиладиган инвестициялар мажмуасини билдириб, улар нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ёки ҳизмат лар кўрсатиш объектларига киритиладиган инвестицияларни англатади, балки бошқа турдаги ноишлаб чиқариш объектларига ва тижорат мақсадлари кўзланмайдиган соҳаларга, хусусан ижтимоий самара олиб келувчи соҳаларга ҳам киритиладиган инвестициялардан иборат бўлади. Реал капитал қўйилмалар эса, фақат ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаражат ларни ўз ичига олади.

Капитал қўйилмаларнинг таркибий тузилиши қуйидагилардан иборат:

1. Капитал қўйилмаларнинг тармоқ тўзилиши, яъни жамият миқёсида капитал қўйилмаларнинг тармоқлар бўйича сарфланган қийматини англатади;

2. Капитал қўйилмаларнинг технологик тўзилиши, яъни асосий фондларнинг актив элементлари ва пассив элементларига сарфланган ҳаражат лар нисбатини англатади. Актив элементлар деганда, ўз қийматини бевосита маҳсулот ёки ҳизмат лар таннархига ўтказувчи, бевосита амортизацияланувчи элементлар ва объектлар тушунилади, буларга технологик ускуналар, машина ва қурилмалар қиймати мисол бўлади. Пассив элементлар эса ўз қийматини таннарх таркибига билвосита киритиб боровчи объектлар ва воситалар қийматини англатади. Уларга бино-иморатлар, мебель, офис жиҳозлари, компьютер техникаси ва моддий ва номоддий объектлар мисол бўла олади;

3. Капитал қўйилмаларнинг такрор ишлаб чиқариш тўзилиши, яъни мавжуд объектларни қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, янги объектларни барпо этиш ва ҳаракат дағи корхоналарни кенгайтириш бўйича қилинган ҳаражат ларнинг нисбатига айтилади.

Капитал қўйилмалар қиймати давлат, корпоратив ва хусусий инвестицияларни режалаштириш жараёнида қўлланилади, улар асосида инвестицион фаолият прогнозлаштирилади. Йиллик ўзлаштирилиш зарур бўлган капитал қўйилмалар ҳажми давлат инвестиция дастурида кўрсатиб ўтилади. Капитал қўйилмалар ҳажми дастур таркибидаги дастлабки ҳужжат прогнозда акс эттирилади. Капитал қўйилмалар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланади, қўйилмалар қийматини аниқлашда, Молия вазирлиги ва Марказий банк ҳам иштирок этади. Капитал қурилиш ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларининг асосий фондларини яратувчи ва шакллантирувчи тармоқ ҳисобланади. Капитал қурилиш мазкур фондларни тайёрлашда сарф қилинадиган меҳнат, молиявий ва материал ҳаражат ларни ўз ичига олади.

Капитал қурилиш - бу халқ хўжалигининг алоҳида бир тармоғи бўлиб, унинг тайёр маҳсулоти бўлиб асосий фондлар ҳисобланади. Жамиятнинг моддий техник-базасини яратишнинг асосий йўналишлари - янги корхоналарни қуриш, яратиш билан биргаликда ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш чора-тадбирларига бевосита боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, давлат инвестиция сиёсати нафақат, янги объектларни вужудга келтириш, балки мавжуд корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятида капитал қурилиш буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатлар асосида тузилган шартнома асосида олиб борилади.

Объект қурилишига шартнома танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган қурилишнинг бутун даврига янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга тузилади.

Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқоролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда капитал қурилиш соҳасидаги бошқа норматив – ҳуқуқий ҳаражатлар талабларига мувофиқ тузилади.

Қурилишда пудрат шартномаси танлов савдолари натижалари бўйича аниқланган шартномавий жорий нарх бўйича белгиланган тартибда танлов савдолари натижалари тасдиқлангандан кейин ўн кун муддат ичида тузилади.

Инвестиция фаолиятида капитал қурилишни маблағ билан таъминлашни очиш учун буюртмачи томонидан хизмат кўрсатувчи банкка қуйидагиларни тақдим этади:

- ❖ Қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати);
- ❖ Қурилишнинг титул рўйхати;
- ❖ Буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;

❖ Пудратчи ташкилотининг қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан шартномаси нусхаси;

❖ Қурилиш – монтаж ишларини бажаришга “Давархитектқурилиш” қўмитасининг рўйхати.

Қурилишларнинг аниқ рўйхати – объектлар рўйхатини, шунингдек улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича ишлар ва ҳаражат лар ҳажмини ўз ичига олувчи ҳар йили буюртмачилар томонидан ажратилган лимитлар доирасида тузиладиган молиявий ҳужжат.

Қурилишнинг титул рўйхати - қурилишнинг бутун даврига капитал қўйилмалар ҳажмини ва уни сарфлаш йўналишларини кўрсатган, унинг техник – иқтисодий кўрсаткичларини акс эттирган ҳолда ҳар бир объект бўйича тузиладиган молиявий ҳужжатдир.

Қурилишда иш ҳужжатлари – алоҳида бинолар ва иншоотларга ҳамда иш турларига иш чизмалари комплектидир.

Инвестиция фаолиятида капитал қурилишни маблағ билан таъминловчи органга (муассасага) буюртмачи томонидан қўйидагилар тақдим этилади:

❖ Қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати);

❖ Қурилишнинг титул рўйхати;

❖ Буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;

❖ Қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан пудрат ташкилоти томонидан тузилган шартнома нусхаси ва танлов савдолари натижалари тўғрисида буюртмачининг ҳисоботи;

❖ Ҳар қайси инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун очилган молиялаштиришнинг ҳар бир ҳисоб рақами бўйича банк реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар.

Инвестиция фаолиятида капитал қурилишни маблағ билан таъминловчи орган буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида инвестиция лойиҳасини маблағ билан таъминлашни амалга оширади.

Ҳизмат кўрсатувчи банк капитал қурилишга маблағлар ўз вақтида ўтказилиши учун жавоб беради.

Буюртмачи эса тўлов топшириқлари қурилишнинг титул рўйхатига қатъий мувофиқ бўлиши учун жавоб беради.

Капитал қўйилма – бу, янги корхоналарни барпо этиш, мавжуд ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини техник жиҳатдан қайта қурулантириш билан боғлиқ бўлган молиявий, иқтисодий, моддий ва меҳнат ҳаражат лари йиғиндисига айтилади. Капитал қўйилмалар иқтисодий жиҳатдан капитал инвестицияларни англатади, улар деярли бир мазмунни билдиради. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва ҳизмат лар кўрсатиш соҳасида киритиладиган инвестицияларни – қўйилмаларни – ҳаражат лар мажмуасини англатади. Шу ўринда, капитал қўйилма ёки капитал инвестицияларнинг реал инвестициялардан фарқлаб олиш зарур. Реал инвестициялар физик объектларга киритиладиган инвестициялар мажмуасини билдириб, улар нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ёки ҳизмат лар кўрсатиш объектларига киритиладиган инвестицияларни англатади, балки бошқа турдаги ноишлаб чиқариш

объектларига ва тижорат мақсадлари кўзланмайдиган соҳаларга, хусусан ижтимоий самара олиб келувчи соҳаларга ҳам киритиладиган инвестициялардан иборат бўлади. Реал капитал қўйилмалар эса, фақат ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаражат ларни ўз ичига олади.

Қурилишда пудрат ва ҳўжалик услубида бажариладиган ишлар:

Қурилишда пудрат муносабатлари - бу пудрат шартномалари асосида буюртмачи ва пудратчилар томонидан амалга ошириладиган муносабатлар. Қурилиш асосан икки ҳил усулда олиб борилади:

1. Пудрат усули;
2. Ҳўжалик усулида.

Пудрат усули – бу пудрат шартномалари асосида махсус қурилиш ташкилотларини жалб қилиш орқали бажариладиган усулдир. Пудрат усулида буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар иштирок этиб, буюртмачиларга вазирликлар, концернлар, ассосациялар, мулкчиликни турли шаклидаги корхона ва фирмалар, хусусий тадбиркорлар бўлиши мумкин. Пудратчи ташкилотлар эса мулкчиликнинг турли шаклларидаги махсус қурилиш ташкилотларидир. Пудрат муносабатлари бугунги кунда кенг тарқалган усуллардан бири бўлиб, у қуйидаги йўналишларда такомиллаштирилмоқда:

-пудрат шартномалари қурилишнинг бутун муддатига тузилади. Бундан мақсад қурилиш учун жавобгар шахсни олдиндан белгилаб олишдир.

-қурилиш маҳсулотлари шартнома баҳо ларида олиб борилади. Бу пудратчи ташкилотларни рағбатлантиради.

-капитал қўйилмаларни кўпроқ корхоналарни техник қайта жиҳозлаш, таъмирлаш ишларига йўналтириш ва улардан фойдаланиш самарасини оширишдан иборат.

Қурилишда ҳўжалик усули – деганда қурилишнинг монтаж ишларини корхона ва ташкилотларнинг ўз кучлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тушунилади. Бундай ҳолда корхона ва ташкилотлар капитал қурилиш бўлими (ОКС) ёки капитал қурилиш бошқармасини (УКС) ташкил этади. Қурилиш монтаж ишлари амалга ошириш жараёнида корхона раҳбарлари ва капитал қурилиш бошлиғи ўртасида шартнома тузилади. Йирик ҳажмидаги капитал қўйилмаларни амалга оширишда банкларда корхона раҳбари номида капитал қўйилмаларнинг махсус ҳисоб рақами очилади. Ҳўжалик усулида капитал қўйилмаларни молиялаштириш ҳам икки усулда олиб борилади:

1. Ҳаражат элементлари бўйича;
2. Бажарилган ишлар бўйича олиб борилади.

2. Қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати таркиби ва тузилиши. Қурилиш объектининг шартнома нархлари.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятида капитал қурилиш буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатлар асосида тузилган шартнома асосида олиб борилади.

Объект қурилишига шартнома танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган қурилишнинг бутун даврига янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга тузилади.

Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқоролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда капитал қурилиш соҳасидаги бошқа норматив – ҳуқуқий ҳаражатлар талабларига мувофиқ тузилади.

Қурилишда пудрат шартномаси танлов савдолари натижалари бўйича аниқланган шартномавий жорий нарх бўйича белгиланган тартибда танлов савдолари натижалари тасдиқлангандан кейин ўн кун муддат ичида тузилади.

Инвестиция фаолиятида капитал қурилишни маблағ билан таъминлашни очиш учун буюртмачи томонидан хизмат кўрсатувчи банкка қуйидагиларни тақдим этади:

- ❖ Қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати);
- ❖ Қурилишнинг титул рўйхати;
- ❖ Буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;
- ❖ Пудратчи ташкилотининг қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан шартномаси нусхаси;
- ❖ Қурилиш – монтаж ишларини бажаришга “Давархитектқурилиш” қўмитасининг рўйхати.

Қурилишларнинг аниқ рўйхати – объектлар рўйхатини, шунингдек улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича ишлар ва ҳаражат лар ҳажмини ўз ичига олувчи ҳар йили буюртмачилар томонидан ажратилган лимитлар доирасида тузиладиган молиявий ҳужжат.

Қурилишнинг титул рўйхати - қурилишнинг бутун даврига капитал қўйилмалар ҳажмини ва уни сарфлаш йўналишларини кўрсатган, унинг техник – иқтисодий кўрсаткичларини акс эттирган ҳолда ҳар бир объект бўйича тузиладиган молиявий ҳужжатдир.

Қурилишда иш ҳужжатлари – алоҳида бинолар ва иншоотларга ҳамда иш турларига иш чизмалари комплектидир.

Инвестиция фаолиятида капитал қурилишни маблағ билан таъминловчи органга (муассасага) буюртмачи томонидан қўйидагилар тақдим этилади:

- ❖ Қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати);
- ❖ Қурилишнинг титул рўйхати;
- ❖ Буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;
- ❖ Қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан пудрат ташкилоти томонидан тузилган шартнома нусхаси ва танлов савдолари натижалари тўғрисида буюртмачининг ҳисоботи;
- ❖ Ҳар қайси инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун очилган молиялаштиришнинг ҳар бир ҳисоб рақами бўйича банк реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар.

Инвестиция фаолиятида капитал қурилишни маблағ билан таъминловчи орган буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида инвестиция лойиҳасини маблағ билан таъминлашни амалга оширади.

Ҳизмат кўрсатувчи банк капитал қурилишга маблағлар ўз вақтида ўтказилиши учун жавоб беради.

Буюртмачи эса тўлов топшириқлари қурилишнинг титул рўйхатига қатъий мувофиқ бўлиши учун жавоб беради.

Капитал қурилишда шартномавий нархлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 12 сентябрь 2003 йилдаги №395 сонли *«Капитал қурилишда ҳўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»*ги қарорига асосан амалга оширилади.

Мазкур қарорга асосан, Ўзбекистонда капитал қурилишдаги шартномавий нархлар ягона услубияти барча мулк шакллари учун қабул қилиниб келади. **Шартномавий нархлар** - бозордаги мавжуд шароитларни ҳисобга олган, материал қийматнинг конъюнктураси, ишлатиладиган машина ва механизмлар қиймати ҳамда пудрат ташкилотларини фойдасини англатади. Буюртмачи ва пудратчи ташкилотларнинг келишувига асосан қурилишда қўйидаги икки нарх тури қўлланилиши мумкин:

- қатъий ва якуний шартномавий нарх. Бунда қурилишнинг бутун муддатига қабул қилинган шартномавий баҳо ўзгармайди. Бундай баҳолар асосан муддати бир йилдан ошмайдиган қурилиш объектлари учун тавсия этилади. Ушбу нархлар таркибида прогноз ўзгартиришлар киритишни инобатга олувчи пудратчи ташкилотларнинг риси ҳам ҳисобга олинади;

- очиқ шартномавий нархлар. Бундай нархлар қурилиш шартномаси шартлари асосида қурилиш материаллари, иш хақи тўловлари шартлари ва бошқа ҳаражат ларнинг вужудга келиши ҳисобига аниқлаштириладиган нархларга айтилади. Қурилиш маҳсулотларида шартномавий баҳоларнинг қўллаш бутун қурилиш объектига алоҳида объектларнинг шартномавий баҳоси асосида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Айрим ҳоллар да махсус капитал қурилиш объектларида шартномавий нархлар иш ҳажмига мос ҳолда лоқал смета асосида ҳам шаклланиши мумкин. Шартномавий нархлар қурилиш буюртмачиси ва пудратчисининг ўзаро келишувчи асосида белгиланади.

3. Капитал қўйилмалар самарадорлигини баҳолаш. Капитал қурилишда назорат ишларини олиб бориш.

Инвестиция мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун зарур бўлган механизмларни таъминлайди. Бошқача қилиб айтганда, инвестициялар капитал қийматинининг ўсишини ва даромад келтиришини таъминлайди.

Капитал қўйилмалар қиймати давлат, корпоратив ва хусусий инвестицияларни режалаштириш жараёнида қўлланилади, улар асосида инвестицион фаолият прогнозлаштирилади. Йиллик ўзлаштирилиш зарур бўлган капитал қўйилмалар ҳажми Давлат инвестиция дастурида кўрсатиб ўтилади. Капитал қўйилмалар ҳажми Дастур таркибидаги дастлабки ҳужжат Прогнозда акс эттирилади. Капитал қўйилмалар ҳажми Ўзбекистон

Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланади, қўйилмалар қийматини аниқлашда, Молия вазирлиги ва Марказий банк ҳам иштирок этади.

Капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини баҳолашда вақт омилини ҳисобга олмайдиган қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- капитал қўйилмаларнинг мутлоқ иқтисодий самарадорлиги;
- сарфланган маблағнинг қопланиш муддати;
- келтирилган сарф.

Капитал қўйилмаларнинг мутлоқ иқтисодий самарадорлиги қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\mathcal{E} = \Pi / K \quad (6.1)$$

Бу ерда: Π – ҳар йилги даромад;

K – маблағлар сарфи.

Бу кўрсаткич самарадорлик белгиланганлик меъёридан катта бўлиш керак, $\mathcal{E} \geq E_n$.

Аввал E_n – ҳукумат ташкилотлари томонидан марказлаштирилган ҳолда жорий этилган. Ҳозирги кунда E_n сифатида банк фоиз ўлчовидан (i) фойдаланмоқда ёки ўз лойиҳасини учун белгиланган катталикини олишлари мумкин.

Мисол. 6.1. Завод цехини қайта таъмирлаш учун 50 млн. сўм капитал қўйилма сарф этилган, қайта таъмирлашдан сўнг завод цехи 10 млн. сўм микдорида фойда олмоқчи. Банк фоиз ставкаси йилига 10 фоизга тенг. Завод цехини қайта таъмирлаш учун маблағ сарфлаш маъқулми?

Бу мисолни ечишда аввало капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини ҳисоблаймиз:

$$\mathcal{E} = \frac{10 \text{ млн}}{50 \text{ млн}} * 100\% = 0,2 * 100\% = 20\%$$

Демак, лойиҳани тасдиқлаш мумкин.

Сарфланган маблағнинг қопланиш муддати қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$T = \frac{K}{\Pi} \leq T_n \quad (6.2)$$

Бир неча таққосланиши мумкин бўлган инвестиция лойиҳалари учун қуйидаги формуладан фойданилади:

а) бир йилга келтирилган, $КС = K * E_n + C$; (6.3)

б) қопланиш муддатига келтирилган,

$$КС = T * C + K; \quad (6.4)$$

Бу ерда: K – капитал қўйилмалар ҳажми;

C – ишлаб чиқарилган маҳсулот таннари;

E_n – норма ёки капитал қиймати.

Капитал қўйилмалар ҳажми, асосан, икки манба ҳисобидан шакллантирилади: марказлашган ва марказлаштирилмаган қўйилмалар. Марказлашган қўйилмалар устивор инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилади, хусусан, инженер - техник инфраструктурасини яхшилаш,

уй-жой курилишини ташкил этиш, моддий ва техник базани яхшилаш учун ишлатилади.

Давлат аҳамиятига эга бўлган объектларни барпо этиш, ишга тушириш, қайта қуроллантириш, замонавийлаштириш, янги фаолият объектига айлантириш мақсадида маблағлар қўйидагилар капитал қўйилмалар ҳисобига таъминланади:

1. Марказлаштирилган капитал қўйилмалар, улар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат бюджети маблағлари;
- давлат бюджетидан ташқари фондлар маблағлари;
- ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар;
- ҳукумат қарорларига кўра белгиланадиган бошқа манбалар.

2. Марказлаштирилмаган капитал қўйилмалар:

- мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар маблағлари;
- тижорат банкларининг, шу жумладан, хорижий тижорат банкларининг кредитлари;
- жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий жисмоний шахслар маблағлари;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар.

Инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси инвестиция нормаси деб аталади. Бу қўйидаги формула асосида ҳисоб ланади;

$$\text{ЯИН} = \frac{\text{ЯИС}}{\text{ЯММ}} \times 100$$

Бу ерда ЯИН- ялпи инвестиция нормаси

ЯИС- ялпи инвестиция суммаси

ЯММ- ялпи миллий даромад

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Капитал қўйилмалар ва капитал қурилиш деганда нимани тушунаси?
2. Марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмаларнинг бир биридан фарқи нимада?
3. Капитал қўйилмаларни амалга оширишнинг аҳамияти нимада?
4. Қурилишда нархни шакллантириш қандай амалга оширилади?
5. Капитал қурилишда тендерларнинг ташкил этилиши тартиби қандай?
6. Капитал қурилишни маблағ билан таъминлашни очиш учун буюртмачи хизмат кўрсатувчи банкка қандай ҳужжатларни тақдим этади?

Топшириқлар

1. Марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмалар тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Капитал қўйилмаларнинг аҳамиятини тўлиқ ўрганиш.

Масала

Инвестиция бозорида 4 та лойиҳа мавжуд. Ҳаммасининг ставкаси 16% дан. Аммо биринчисининг қиймати 30,0 млн. сўм, иккинчисининг қиймати 28,0 млн. сўм, учинчисининг қиймати 33,0 млн. сўм, тўртинчисининг қиймати 37,0 млн. сўм. Барча лойиҳаларнинг муддати 6 йилга мўлжалланган. Қайси инвестиция самарали эканлигини аниқланг ва тегишли хулоса ёзинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

7-мавзу. Давлат инвестиция дастури

Режа

1. Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури, унинг мазмуни, асосий мақсади, шакллантириш тартиби, тамойиллари ва муддатлари.
2. Капитал қўйилмаларни режалаштириш. Муҳим инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати.
3. Инвестиция лойиҳаларининг адрес дастурлари, адрес рўйхатлари, уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби.
4. Инвестиция дастурлари асосида капитал қўйилмаларни молиялаштириш (марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар).
5. Инвестиция дастурни амалга ошириш устидан назорат.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция дастури, инвестицион лойиҳа, капитал қўйилма, хорижий инвестиция.

1. **Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури, унинг мазмуни, асосий мақсади, шакллантириш тартиби, тамойиллари ва муддатлари.**

Инвестиция дастури (кейинги ўринларда дастур деб аталади) - бу республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республиканинг айрим тармоклари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир - бири билан ўзаро боғланган чора - тадбирлар комплекси.

Ўзбекистонда инвестиция дастурининг устуворликларини белгилашда ва мамлакатимизга чет эл капиталини жалб этишда давлатнинг устуворлиги сақланиб келинмоқда. Биринчи босқичда (1991 - 1994 йиллар) ислохотлар сиёсатида кенг инвестициялар дастури ва давлат корхоналарига марказлаштирилган кредитлар ажратиш назарда тутилди, бу эса каттагина бюджет тақчиллигига олиб келди. Иккинчи босқичда (1995 - 2003 йиллар) ислохотлар сиёсати бюджет бошқарувини кенгайтиришга қаратилган қаттиқ молия сиёсати билан ажралиб турди. Ислохотларнинг учинчи босқичида (2003 - ҳозирги йиллар) савдо ва валюта чеклашларининг либераллашуви, очиқ валюта курсининг жорий қилиниши, молия секторини ислоҳ қилиш, солиқ тизимини мустаҳкамлаш, импорт қатий чеклашларнинг жорий қилиниши билан тавсифланди. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида савдо, валюта чеклашларини эркинлаштириш ва солиқ ислохотларини ўтказиш (солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш) қишлоқ хўжалиги ва молия секторини ислоҳ қилиш йирик корхоналарни хусусийлаштириш суръатларини жадаллаштириш, иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва яшашга қобил давлат корхоналарини қайта ташкил қилиш ҳамда зарар кўриб ишлайдиганларни тугатиш ва бошқаларни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг таркибий қисми ҳисобланади ва давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўнапишларини акс эттиради. Шу билан бирга, инвестиция дастури лойиҳа-қидирув ишларидан бошлаб мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумдавлат дастурлари бажарилишини таъминлаш учун объектни фойдаланишга топширишгача бўлган босқичларни ҳисобга олган ҳолда, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мудсатларини ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиб, ҳар йили дастурнинг асосий кўрсаткичлари аниқлаштирилган ва аниқ рўйхати янгиланган ҳолда 3 йиллик даврга шакллантирилади.

Инвестиция дастурини шакллантиришнинг асосий тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

- инвестиция жараёнларини бошқариш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, мақбул шартларда хорижий инвестицияларни ва кредитларни жалб этиш, шунингдек, лойиҳаларни танлаб олиш ва уларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш асосида улардан самарали фойдаланиш механизмини яратиш;
- белгиланган давлат устуворликлари асосида энг муҳим тармоқларни ва фаолият соҳаларни қўллаб-қувватлаш;
- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тармоқларни (таълим, соғлиқни сақлаш) биринчи навбатда, молиялаштириш;
- минерал хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни, тайёр маҳсулотни ташқи бозорда рақобатбардошлик даражасига етказишга йўналтирилган ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;
- транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- таркибий ўзгаришлар вазифалари ва амалга оширилаётган инвестиция сиёсатига мувофиқ маблағ қўйишнинг ўзаро манфаатлилиги асосида хорижий сармояларни жалб қилиш, томонларнинг инвестиция мажбуриятлари асосида шартномалар тузиш амалиётини жорий этиш;
- инвестиция лойиҳаларни инвестиция дастурининг аниқ рўйхатига олдиндан белгиланган мезонлар асосида киритиш;
- илгари бошланган объектларни тугаллаш учун марказлаштирилган инвестицияларни, биринчи навбатда, ажратиш.

Лойиҳаларни танлаб олишда уларнинг самарадорлиги, республика иқтисодиёти айрим тармоқларини ва минтақаларини ривожлантириш устуворликлари, маҳсулот сотиш кўрсаткичлари, шу жумладан, экспортга йўналтирилганлик, бутловчи буюмлар ва компанентлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда қатнашиш ва шу кабилар асосий мезонлар ҳисобланади.

Инвестиция дастурида лойиҳанинг баҳолаш қиймати, тугалланмаган қурилиши ва қурилишни тугаллаш ҳамда фойдаланишга топшириш учун йиллар бўйича жорий нархларда молиялаштиришга эҳтиёж, молиялаштиришнинг тасдиқланган манбалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Инвестиция дастурини ишлаб чиқишда йирик ва ўта муҳим лойиҳалар алоҳида, катта бўлмаган бир типдаги лойиҳалар яхлит киритилиши мумкин (масалан: мактаблар, қишлоқ, врачлик пунктлари қурилиши ва бошқалар).

Инвестиция дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши бўйича барча ишларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги мувофиқлаштириб боради.

Инвестиция дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурида назарда тутилган капитал қурилишни маблағ билан таъминлаш ва уни кредитлаш ишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги қарорида кўрсатилган тартибга асосан амалга оширилади. Унга мувофиқ инвестиция лойиҳасини марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминлаш ҳар қайси объект бўйича ажратилган капитал қўйилмалар лимитлар доирасида қатъий амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати ва қурилишларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган титул рўйхати асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури бу давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чора - тадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукамал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир.

Устувор йўналишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчи устувор йўналиш - оммавий турар жой қурилиши;

Иккинчи устувор йўналиш - замонавий коммуникация воситалари, транспорт ва алоқа воситаларини ишлаб чиқариш, транспорт ва информация тармоқларини яратиш ва модернизация қилиш;

Учинчи устувор йўналиш - юқори технологиялар. Юқори технологик ва жаҳон бозорларида рақобатбардош, импорт молларининг ўрнини боса оладиган товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

Тўртинчи устувор йўналиш - захираларни тежовчи экологик тоза технологиялар. Минерал бойликларни ер остидан қазиб олиш ва табиий хом ашёни тўлиқ ва комплекс қайта ишлаш учун энг янги фан - техника ютуқларидан фойдаланиш;

Бешинчи устувор йўналиш - фермерлик ва дехқон хўжаликлари тармоғи, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, қадоклаш, транспортировка қилиш, сотиш ва шифобахш қўшилмалари бўлган экологик ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича андозаларга амал қилган ҳолда назорат қилиш технологиясини ўзлаштириб олган қайта ишловчи ва савдо корхоналарнинг кўмаги асосида экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини чиқариш.

2016 йилнинг инвестиция дастури прогноз кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, жами капитал қўйилмалар 23 679 70 миллион сўмни ташкил

этиши режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан 14,2 фоизга кўп демакдир. Режа бўйича марказлашган инвестициялар умумий капитал қўйилмаларнинг 24,2 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 75,8 фоизни ташкил қилиши белгилаб қўйилган. Бу йилги инвестицион дастурда молиялаштиришнинг яна бир манбаси бўлмиш Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини ривожлантириш жамғармаси²⁴ ҳисобидан 46997,6 миллион сўм маблағ иқтисодиётимизга йўналтирилиши кўзда тутилган.

Ҳар доимгидек, корхона ва аҳоли маблағларининг улуши бошқа манбаларга нисбатан юқори бўлиб, марказлашмаган инвестицияларнинг 56,1 фоизини ташкил этмоқда. Маълумки, инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича таркибининг шаклланиши иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнлари билан боғлиқ. Ишлаб чиқарувчиларга солиқ юкини пасайтиришга қаратилган солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар корхоналарнинг ўз маблағлари кўпайишига имконият яратди. Молиялаштириш манбалари бўйича марказлашмаган инвестициялар умумий таркибида уларнинг улуши 2000 йилда 27,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 38,1 фоиз бўлиши режалаштирилган.

7.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилдаги инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари²⁵

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2016 йил прогнози, миллион сўм
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	23 679 701
1.	Марказлашган инвестициялар:	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	1 059 354,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан:	1 431 777
	- Республика йўл жамғармаси	680 796
	- Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	158 147
	- Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	545 836
	- Олий таълим муассасаларининг моддий-	46 997,6

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 сентябрдаги Ф-3501 сонли фармойишига биноан ишлаб чиқилган “2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассис тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш Дастури”га мувофиқ ташкил этилган жамғарма хусусида гап бормоқда.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори. 1-илова.

	техник базасини ривожлантириш жамғармаси	
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: <i>Қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш (сўм эквивалентида)</i>	1 701 901 301 564
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	17 938 809
2.1.	Корхона маблағлари	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: <i>АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш учун имтиёзли кредитлари</i>	3 524 824 222 070
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	4 340 656
2.4.	Аҳоли маблағлари	3 237 604

Мамлакатимизда инвестиция муҳитининг барқарорлиги ва инвестицион жозибadorликнинг тўғри йўлга қўйилгани ҳам хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун замин бўлмоқда. 2016 йилда сўм қийматида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ажратилиши 4 340 656 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Инвестицион жозибadorлик объект сифатида муайян бир миқёсда, яъни биронта лойиҳа, корхона, минтақа, тармоқ ҳамда мамлакат даражасида қўрилиши мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур тизимда корхона асосий таянч нукта ҳисобланиб, ҳар бир инвестиция лойиҳаси муайян бир корхона миқёсида амалга оширилади, ушбу корхона эса иқтисодий фаолият туридан келиб чиқиб, муайян тармоққа (соҳага) тегишли бўлади. Шунингдек, у маълум бир минтақада жойлашгани сабабли минтақавий инвестиция жозибadorликни акс эттирса, барча минтақалар бирлаштирилганда мазкур кўрсаткич мамлакат даражасида акс эттирилади²⁶.

2. Капитал қўйилмаларни режалаштириш. Муҳим инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати.

Президентимизнинг мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2015 йилнинг асосий яқунлари ва 2016 йил Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузасида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида чет эл

²⁶ Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибadorликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 2-сон, 122 б.


инвестицияларини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган.

Ҳукуматимиз томонидан қулай инвестиция сиёсатини олиб бориш мақсадида қуйидаги тамойилларга устувор аҳамият қаратилмоқда: ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш; республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри капитал қўйилмаларнинг кенг жалб қилинишини таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни янада такомиллаштириш; юртимизга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб кирувчи, миллий хўжаликнинг замонавий тузилмасини ташкил этишга кўмаклашувчи чет эл инвесторларига нисбатан қулай шароитлар яратиш сиёсатини изчил олиб бориш; энг муҳим устувор йўналишларга маблағларни йўналтириш²⁷. Бундан кўринадики, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, замон талабларига мос бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кейинги тўлқинлари зарбасига ижтимоий-иқтисодий талофатларсиз бардош бериш, уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда комплекс ёндашувларга урғу берилмоқда. И.А. Каримов таъкидлаганидек, "... жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётнинг тикланиш ва ўсиш суръатларига таъсир кўрсатмоқда"²⁸.

2016 йилда ҳудудий инвестиция дастури доирасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мутлоқ қиймати 402 миллион долларни ташкил этган. Ҳудудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг катта қисми Тошкент шаҳри (39,2 фоиз) ҳиссасига тўғри келган ва хорижий сармоялар иштирокида фаолият олиб бораётган корхоналар сони мазкур йилда 273 тага кўпайган. Умумий ҳисобда мамлакатимиз бўйича 2015 йилда хориж сармояси иштирокидаги корхоналар сони 372 тани ташкил этган. Бошқа ҳудудларимиз бўйича маълумотлар 7.1-диаграммада келтирилади.

7.1-диаграмма

Ҳудудий инвестиция дастури доирасида 2016 йилда жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми.



²⁷ Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й, 3-сон.

²⁸ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз таракқиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. - Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 4-бет.

2015 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони жами 4575 тани, шундан фаолият олиб бораётган корхоналар сони 4203 тани ташкил этган. Фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг 1600 таси ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар ҳисобланади.

Юртимизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёнининг фақат давлатнинг таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашувини назарда тутди. Эркин бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароит Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга барқарор қизиқишини уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвесторларни ҳамкорликка жадал жалб этмоқда.

Айни вақтда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар барпо этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олмоқда: корхонани ташкил этиш сабабларини инобатга олиш; ишончли шерик танлаш; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона барпо этиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташкил этиш сабабларининг асосан уч туркумини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар ички, ташқи ва стратегик сабаблардир.

Ички сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат: яратилган инвестиция муҳитидан фойдаланиш; бошқарувнинг янги усуллари ўзлаштириш; замонавий ва энг қулай тартибга эришиш; маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш; хориж бозорига кириб боришни тезлаштириш; ижтимоий, маданий ва сиёсий билимларни кенгайтириш; ходимлар малакасини ошириш.

Ташқи сабаблар таркиби қуйидагича: жаҳон бозорига чиқиш; соғлом ва самарали рақобат муҳити; хорижий иқтисодий алоқаларнинг яхшилиги; маҳаллий ҳокимиятнинг талаблари.

Стратегик сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат: мамлакатда замонавий иш юритиш усулларидан фойдаланиш имконияти; мустаҳкам хомашё базасига эга бўлиш; технологиялар трансферти; ишлаб чиқаришни кенгайтириш²⁹.

3. Инвестиция лойиҳаларининг адрес дастурлари, адрес рўйхатлари: уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби.

Ҳар йилги Ўзбекистон Давлат инвестиция дастурининг қабул қилиниши алоҳида инвесторларнинг имкониятларини ва режаларини мувофиқлаштириш имконини беради. Ўзбекистон Давлат инвестиция дастурлари инвесторлар учун ишлаб чиқариш тармоқлари ва йирик инвестиция лойиҳалари тўғрисида янги маълумотлар берувчи манба сифатида ҳам аҳамиятлидир.

²⁹ Маҳмудов Н.М., Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 89-90-б.

Инвестиция дастурининг таҳлилий қисми республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари билан ўзаро боғланган ҳолдаги капитал қўйилмалар ҳажмлари ва молиялаштириш манбаларини асослашдан, дастур самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни танлаб олиш мезонларидан иборат бўлади.

Дастурнинг таҳлилий қисми таркибида инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш ва технологик таркибини ҳисобга олган ҳолда, умуман Дастурда, иқтисодиёт секторлари ва тармоклари, молиялаштириш манбалари ва ҳудудлар, амалга ошириш йўллари бўйича капитал қўйилмалар таркиби белгиланади.

Дастурнинг янги ички маҳсулот ўсишига, иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий ўзгаришига ва импорт таркибига, ишлаб чиқариш қувватларини ва ижтимоий соҳа объектларини ишгатушириш ҳажмларига таъсирининг прогнозлаштирилган натижалари ҳисоб-китоб қилинади.

Дастурнинг барча ҳисоб-китоблари тадрижий тарзда, республикани уч йиллик даврда ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш прогнозлари ва инвестиции лойиҳаларининг аниқ дастури асосида ишлаб чиқилади.

Мамлакатимиз инвестиция дастурини 2008 йил ҳолати ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни таъкидлаш лозимки, Биринчи Президентимиз И.Каримов айтганларидек “Мамлакатимиз бўйича инвестиция дастурини амалга ошириш натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та объект, жумладан, озиқ-овқат саноатида 145 та, қурилиш материаллари саноатида 65 та, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида 58 та, кимё ва нефть-кимё саноатида 13 та, фармацевтика тармоғида 8 та объект ишга туширилди”³⁰. Шунингдек, 2010 йил 29 январ куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида Президентимиз И.Каримов айтганларидек, “2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил қилади. Бунда биргина ишлаб чиқариш соҳасига мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун барча капитал қўйилмаларнинг 75 фоиздан зиёди йўналтирилади.

2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларидан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилинишини эътиборга оладиган бўлсак, ўйлайманки, амалга ошириладиган лойиҳаларнинг кўлами ва салмоғи ўз-ўзидан аён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46 фоизга ошади”³¹.

Дастурнинг аниқ рўйхатида марказлаштирилган манбалар, ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ва тўғридан - тўғри

³⁰ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 20 б.

³¹ Каримов И.А. 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари. //Халқ сўзи, 30 – январ 2010 йил.

хорижий инвестициялар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари киритилади.

Дастурнинг аниқ рўйхати қуйидагилардан иборат бўлади:

- иқтисодиётни, ижтимоий соҳани ва мамлакат муҳофафза қудратини таркибий ўзгартиришни таъминловчи республика иқтисодиёти устувор йўналишларини ривожлантириш дастурларини молиялаштиришга йўналтириладиган марказлаштирилган инвестициялар лимитларидан;

- хорижий инвестициялар ва ҳукумат кафолати остида кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастуридан;

- тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастуридан;

- устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатидан иборат бўлади.

Ижтимоий соҳа объектларининг прогнозлаштирилаётган ҳажмлари дастурга йириклаштирилган, буюртмачилар ва объектлар бўйича тақсимланмаган ҳолда киритилади.

Қуйидагилар лойиҳаларни амалга оширишнинг биринчи йилда уларни аниқ дастурга киритишнинг мажбурий шартлари ҳисобланади.

- белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳанинг (инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослашлари, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари) мавжуд бўлиши;

- молиялаштириш манбаларининг ва кредитларнинг шартномада белгиланган муддатда қайтарилишининг тасдиқланиши.

Аниқ дастурни шакллантириш жараёни ҳар бир лойиҳа бўйича батафсил ахборот тайёрлаш, лойиҳани устуворлиги бўйича танлаб олиш ва рўйхатни шакллантиришдан иборат бўлади.

4. Инвестиция дастурлари асосида капитал қўйилмаларни молиялаштириш (марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар).

“Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилга мўлжалланган инвестиция дастури тўғрисида”ги Президент қарорининг бажарилиши йўлида қишлоқ ва сув хўжалиги тизимини янада ривожлантириш учун тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2015-2015 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган 27 та истиқболли лойиҳа бўйича 990 миллион АҚШ долларлик молиялаш манбаи белгиланди. XXP ҳукумати, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки ва Франция ҳукумати ушбу лойиҳаларни молиялаш учун потенциал хорижий инвесторлар ҳисобланади.

Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 500 минг гектардан ортиқ суғориладиган ҳудуд сув билан таъминланиб, 100 минг гектардан ортиқ ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, 2010 йилда Ўзбекистон 1976 йил 13 июнда имзоланган Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди (IFAD)ни ташкил этиш тўғрисидаги келишувга қўшилди, бу қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини молиялашнинг қўшимча манбаи ҳисобланади.

**Марказлашган ва марказлашмаган маблағлар ҳисобидан амалга
оширилган тадбирлар (2016 йил)**

	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган йирик тадбирлар	Ўзлаштирилган маблағлар, миллиард сўм
1	Бюджет маблағлари	- сув хўжалиги тизими (ирригация ва мелиорация тадбирлари, янги сув хўжалиги иншоотлари қурилиши учун ва бошқа) ривожлантирилди - соғлиқни сақлаш тизими ислохотлари учун - таълим тизимини ривожлантириш учун - қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида - шаҳар типигаги посёлкалар, қишлоқ қурилиши учун бош режа ва архитектура лойиҳалари учун	272,3 282 31,4 41,5 2,5
2	Республика йўл жамғармаси	- замонавий йўللарни қуриш, мавжудларини қайта таъмирлаш учун	348,8
3	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	- сув хўжалиги иншоотларини қуриш, ирригация ва мелиорация тадбирлари учун	80,7
4	Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	- таълим тизимини ривожлантириш, янги турдаги таълим муассасаларини қуриб битказиш, мавжудларини қайта реконструкция қилиш, шунингдек, таълим даргоҳларининг ўқув-лаборатория хоналарини жиҳозлаш учун	162,1
5	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	- ўрта махсус таълим мактаблари учун спорт мажмуаларини қуриш, мавжудларини қайта таъмирлаш, мусиқа ва санъат мактабларини ташкил этиш, улар учун замонавий бинолар барпо этиш	150,8
6	Хорижий инвестициялар, тижорат банклари кредитлари, Ўзбекистон Республикаси тараққиёт ва тикланиш жамғармаси, корхоналарнинг хусусий маблағлари	Янги қурилишлар, модернизация ва реконструкция учун ўзлаштирилган жами маблағлар, <i>миллиондоллар</i>	6016,97

Фонд ривожланаётган мамлакатларга қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш мақсадида имтиёзли шартларда молиявий ресурсларга беришга ихтисослашган. Хусусан, фонд 50 йилгача бўлган муддатга фақат бир фоиз миқдорида хизмат ҳақини тўлаш шарти билан фоизсиз қарзлар беради³².

³² Қосимов М. Дунё андозаси даражасида ривожланаётган агросаноат. /Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. № 3/2011 й., 23-б.

5. Инвестиция дастурни амалга ошириш устидан назорат.

Мониторинг, энг аввало, лойиҳани молиялаштиришга маблағ бериш битимига тегишли барча ҳужжатларни ва уларнинг шартлари бажарилишини, уларнинг банк-кредит сиёсати, қабул қилинган меъёрлар ва тартибларга мувофиқлигини даврий текшириб боришни ўз ичига олади. Навбатдаги қадам қарздорнинг молиявий лаёқатини баҳолаш бўлиб, унинг балансини, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда мижознинг молиявий -ҳўжалик фаолиятини тавсифловчи бошқа ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Мониторингнинг яна бир муҳим томони кредитни қоплашнинг иккиламчи манбаи унинг қайтарилишининг таъминотини текшириш ҳисобланади.

Бугунги кунда республикада ҳар йили юзлаб лойиҳаларни молиялаштириш амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари кредит линиялари маблағлари ҳисобига, бюджетдан ташқари фондлар, банклар, чет эллик ва хусусий инвесторлар томонидан молиялаштилар экан, албатта, бу маблағларининг қайтарилиши ва маълум миқдорда уларнинг фойда билан таъминланиши талаб этилади. Ушбу маблағларнинг муайян фойдаси билан қайтишлигини аниқлаш, текшириб бориш ва таҳлил қилиб туриш учун кредиторлар томонидан, шунингдек, мол етказиб берувчилар, хусусан, лизинг, суғурта компаниялари ва кафиллик берувчи ташкилотлар томонидан лойиҳаларнинг мониторинги олиб борилади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам молиялаштирилаётган барча лойиҳалар устидан мониторинг олиб боришнинг умумий тизими жорий қилинган.

Ҳар бир молиялаштирувчи ёки кредитлашни амалга оширувчи ташкилотлар ўзларининг фаолият тури ва хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзларига хос бўлган мониторинг ўтказиш тартибини ишлаб чиқадилар ва шу асосида фаолият юритадилар.

Мониторингнинг мазмуни "кўзгу" деган маънони англатади.

Мониторингни юритишда қуйидагилар кўздатутилади:

1. Амалга оширилмоқчи бўлган лойиҳада нима ишлаб чиқариш кўзда тутилганлиги.
2. Ишлаб чиқариш жараёнини билишлик, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини бошидан охиргача кузатиб бориш.
3. Ишлаб чиқариш корхонасининг ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик жиҳатдан асосланиши ва ташкил этилиши.
4. Лойиҳани молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва уни молиялаштиришни амалга ошириш.

Мониторинг олиб бориш босқичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг молиявий - хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш;
- олинган маълумотлар асосида корхоналарнинг молиявий -хўжалик ҳолатини таҳлил этиш;

- таҳлил натижалари бўйича хулосалар қилиш ва таклифлар бериш.

Дастурни амалга оширилиши мониторинги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 январдаги 1 -сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги Низомга ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251 - сонли "Инвестиция Лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юқларини ва техник қўмаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора - тадбирлари тўғрисида" ги Қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Дастурнинг давлат мониторинги:

Инвестиция лойиҳаларни ва, биринчи навбатда марказлаштирилган инвестициялардан фойдаланган ҳолда рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш;

- лойиҳаларни белгиланган тартибда тасдиқланган параметрларга (техник-иқтисодий асослар, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар), танлов савдолари (тендерлар) шартларига риоя қилиш;

- амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ахборот базасини шакллантириш;

- инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда пайдобўладиган муаммоли масалаларни кузатиб бориш;

- инвестиция иқлимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади.

Мониторинг:

вазирликлар, идоралар томонидан ташаббус кўрсатилган инвестиция лойиҳалари ва таклифлари юзасидан - Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот — таҳлил департаментлари билан биргаликда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда хорижий инвестициялар жалб этилган корхоналар томонидан ташаббус Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан;

хорижий инвенстициялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан -хорижий инвестициялар иштирокидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан мониторинг:

♦ инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари томонидан ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига тақдим этиладиган тасдиқланган режа - жадвалларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни;

♦ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ҳажмда ва муддатларда тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси бўйича хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисидаги йиғма статистика ахборотини;

◆ мавжуд ва потенциал хорижий инвесторлар фаолиятининг норматив - ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича уларнинг таклифларини ўрганиш асосида вақти - вақти билан тайёрланадиган инвестиция муҳити шарҳини;

◆ манфатдор вазирликлар ва идоралар томонидан тақдим этиладиган тезкор ахборотларни;

◆ марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳаларни ўз вақтида маблағ билан таъминлаш масалалари бўйича ахборотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторинги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан:

Тасдиқланган режа - жадваллар бажарилишини, лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан зарур ишлар комплексини олиб боришнинг технологик изчиллигига риоя этилишини назорат қилиш;

Техник - иқтисодий асослашларининг асосий қоидаларини кўриб чиқиш, лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлиги юзасидан умумий қарорлар қабул қилиш;

Алоҳида йирик лойиҳалар, шу жумладан, техник – иқтисодий асослашлар кўрсаткичлариганисбатанлоийиҳаларнинг қимматлашиши ёки арзонланишиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда базавий лойиҳалаштиришни тасдиқлаш;

Марказлаштирилган манбалар ҳисобига ажратиладиган маблағларнинг ўз вақтида молиялаштирилишини; ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш, Ҳукумат қафолати остида жалб этиладиган қарз маблағларнинг ўз вақтида қайтарилиши таъминланишини назорат қилиш;

Манфаатдор вазирликлар ва буюртмачи идоралар томонидан ишлаб чиқылган эҳтиёт қисмлар ва компонентлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини, шунингдек, ишлаб чиқарылган маҳсулотларнинг ташқи бозорларга кириб бориши бўйича маркетинг дастурларини экспертизадан ўтказиш;

Айрим стратегик муҳим ва йирик лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб - қувватлаш чора - тадбирлари, қурилиши амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда амалга оширилатган лойиҳаларни маблағ

билан таъминлашни тўхтатиб қўйиш, шунингдек инвестиция дастури бажарилиши барбод бўлишига йўл қўювчи вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва буюртмачи ташкилотларнинг раҳбарларини жавобгарликка тортиш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида рўёбга чиқаришга қўмаклашуви бошқа асосий масалаларни кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва ваколатли банклардан олинган маълумотлар асосида инвестиция дастурининг амалга оширилиши тўғрисида йиғма ахборот тайёрлайди, хусусан, инвестициялашдан олдинги тадқиқотларнинг ўз вақтида ўтказилиши, техник - иқтисодий асослашлар ва инвестиция лойиҳалари ташаббускорларидан олинган ахборот;

Техник - иқтисодий асослашлар ва лойиҳа - смета ҳужжатлари ваколатли экспертиза органлари томонидан экспертиза қилинганлиги тўғрисидаги ахборот тайёрлайди.

Дастурнинг мониторинг натижалари Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳар чораклик ахборотларни тайёрлашда ҳамда навбатдаги уч йиллик даврга дастурни шакллантиришда фойданилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Капитал қўйилмалар ва капитал қурилиш деганда нимани тушунасиз?
2. Марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмаларнинг бир биридан фарқи нимада?
3. Капитал қўйилмаларни амалга оширишнинг аҳамияти нимада?
4. Қурилишда нархни шакллантириш қандай амалга оширилади?
5. Капитал қурилишда тендерларнинг ташкил этилиши тартиби қандай?
6. Капитал қурилишни маблағ билан таъминлашни очиш учун буюртмачи хизмат кўрсатувчи банкка қандай ҳужжатларни тақдим этади?

Топшириқлар

1. Марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмалар тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Капитал қўйилмаларнинг аҳамиятини тўлиқ ўрганиш.

Масала

Лойиҳанинг қиймати 90,0 млн. сўм. Ушбу лойиҳанинг фоиз ставкаси 20%. 3 йилда, 5 йилда ва 7 йилда қанчадан фойда олиб туриши мумкинлигини аниқланг. Шу муддатга қўйилган инвестиция қайси ҳолатда самарали эканлигини аниқланг?

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 б.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломова Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.

8. Эргашева Ш., Узоков А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

МУСТАҚИЛ ТОПШИРИҚ

1.Қуйидагикелтирилганмоддаларбалансингқайсибўлимигакиришини аниқлангважадвалда (+) белгисибиланбелгиланг.

Моддалар	Мажбуриятлар	Ўз маблағлари манбаси	Узоқ муддатли активлар	Жорий активлар
Мақсадли тушумлар				
Дебитор қарздорлик				
Бюджетга солиқлар бўйича аванс тўловлари				
Устав капитали				
Сотиб олинган хусусий акциялар				
Қисқа муддатли банк кредитлари				
Ишлаб чиқариш заҳиралари				
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз				
Қимматли қоғозлар				
Кассадаги пул маблағлари				
Капитал қўйилмалар				
Жорий мажбуриятлар				
Келгуси давр тўловлари учун заҳиралари				
Тақсимланмаган фойда				

8-мавзу. Инвестиция лойиҳаларининг молиявий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

Режа

1. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг моҳияти ва аҳамияти. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш усуллари.

2. Инвестиция лойиҳаларини молиявий ва иқтисодий баҳолаш. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг оддий ва дисконт усуллари.

Таянч сўз ва иборалар

Иқтисодий самара, инвестицион лойиҳа, капитал қўйилма, хорижий инвестиция, инвестиция нормаси.

1. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг моҳияти ва аҳамияти. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш усуллари.

Инвестициялар иқтисодиётнинг ўсишини, ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминловчи муҳим омилдир. Иқтисодий ислохотларнинг самараси ҳам оқилона ва бақувват инвестиция сиёсатини ўтказишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ҳозирги кунда умуман ўзгача шаклга келди. Банк - молия тизими такомиллашмоқда. Иқтисодиётга кўпгина янги тушунчалар кириб келмоқда. Шулар жумласидан инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш тушунчасидир.

Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш - бу пул маблағлари мобилизацияси шакллариининг бир кўриниши бўлиб, унда йирик масшабли лойиҳаларни амалга оширишда бир қанча молия-кредит институтлари иштирок этади ва инвестицион сарф-харажатлар эса қайтадан ташкил этилаётган объектларнинг бўлажак даромадлари ҳисобига қопланади.

Мазур ва бошқаларнинг "Управление проектами" китобида эса "лойиҳавий молиялаштириш, бу инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида молиявий ресурсларни кредит кўринишида тақдим этишдир" деб таъриф берилган. Бу ерда, кредит қарз олувчига нисбатан ҳеч қандай регрессиз, чекланган ёки тўлиқ рефессли бўлиши мумкин деб ёзилган.

Регресс деганда, қарзга олинган суммани тақдим этилишига бўлган талаб тушунилади.

Йирик лойиҳаларни молиялаштиришини ташкил этиш учун лойиҳа ташаббусчиси лойиҳанинг бошқа иштирокчилари ва банклар билан биргаликда мўлжалланган лойиҳанинг техник иқтисодий асоси (ТИА) ва бизнес - режасини батафсил ўрганадилар.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг қуйидаги тамойиллари мавжуд:

◆ Инвестицион лойиҳада лойиҳани амалга оширишга тайёр ишончли шерикларнинг иштирок этиши;

◆ Лойиҳанинг техник - иқтисодий асосланиши ва лойиҳа смета ҳужжатларининг юқори талаб даражасида ишлаб чиқилиши;

◆ Лойиҳани етарли даражада капитализацияси;

◆ Лойиҳанинг қурилиш-монтаж ва эксплуатация мезонларини батафсил ўрганиб чиқиш (транспорт, маҳсулотни ишлаб чиқариш, маркетинг ва бошқалар);

◆ Лойиҳа рискин баҳолаш ва уни лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаш;

◆ Гаров ёки бошқа таъминотнинг мақсадга мувофиқ мавжудлиги.

Лойиҳавий молиялаштиришда лойиҳани амалга оширишга керак бўладиган пул маблағларининг асосий ҳисоб – китоб ишлари, лойиҳа ташаббускорларининг имкониятлари, қарз маблағларига бўлган эҳтиёж, бўлажак (кутиладиган) фойда, потенциал инвестицион ва савдо - сотиқ рисклари лойиҳалаштиришнинг олди, инвестиция ва эксплуатацияга берилиши брққичларида баҳоланиши мумкин.

Лойиҳавий молиялаштириш усуллари Ғарбий Европа мамлакатларида ўтган асрнинг 80 - йилларининг бошида турли хил молиявий операцияларни бажариш мақсадида фойдалана бошланди. Бу операциялар лойиҳа ташаббусчиларига қарз тўловларига бўлган харажатларни камайтиришга, молия - кредит институтларининг ёрдамидан фойланишга имконият яратган эди.

Демак, лойиҳавий молиялаштириш деганда – бу корхона ва ташкилотнинг иқтисодий ва техник ҳаётийлигини таъминлаш, ўз навбатида корхона қарзини тўлашга етарли бўлган пул тушумларини бошқариш тушунилади.

Амалиётдаги кредит операциялари жараёнида банк биринчи ўринга қарз олувчининг кредит тарихини ўрганишга, унинг иқтисодий, молиявий аҳволига ва таъминот турлари ва гаровга берилаётган мулкни баҳолашга диққат-эътиборини қараца, лойиҳавий молиялаштиришда эса асосий эътибор лойиҳа таҳлилига ажратилади.

Лойиҳавий таҳлилнинг асосий объекти, бу лойиҳавий ҳужжатлар (лойиҳани техник - иқтисодий асослаш)дир. Лойиҳавий таҳлилнинг асосий мақсади бу инвестицион лойиҳасини молиявий ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаб бериш, инвестицион лойиҳасининг смета - харажатлари ва молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаш ҳамда рискларни баҳолашдир.

Лойиҳа таҳлилининг асосий йўналишларига техник ташкилий, ҳуқуқий, экологик, тижорат иқтисодий, молиявий йўналишларини киритишимиз мумкин.

Йирик масшабли лойиҳаларни амалга оширишда кўпгина иштирокчилар жалб қилинган бўлади:

◆ лойиҳа ташкилотчилари;

◆ ташкилотчилар таъсис этган лойиҳавий компания;

◆ кредиторлар (тижорат банклари, банк консорсиуми);

◆ пудратчилар (бош пудратчи, субпудратчилар);

◆ асбоб - ускуналарни етказиб берувчилар;

◆ суғурта компаниялари;

◆ лойиҳавий компания чиқараётган акция ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олувчи институционал инвесторлар;

◆ молиявий маслаҳатчилар;

◆ оператор – компаниялар, объектни эксплуатация (ишлаб чиқариш) га киритгандан сўнг, унинг инвестицион фаолиятини бошқаради.

Инвестицион лойиҳаларни баҳолашда лойиҳанинг ишончилигини таъминловчи қуйидаги мезонлардан фойдаланилади:

- ◆ Техник - иқтисодий асосланганлик ва молиявий режанинг қониқарлилиги;
 - ◆ Лойиҳа томонидан ишлатиладиган маҳсулот ва хом ашё манбалари ва қийматларининг кафолатланганлиги;
 - ◆ Лойиҳанинг маъқул нархларда ёқилги билан таъминлаганлиги;
 - ◆ Лойиҳа маҳсулотлари ва хизматларини сотиш учун бозорнинг мавжудлиги ва бозоргача транспорт харажатлари маъқул нархларда мавжудлиги;
 - ◆ Қурилиш материалларини кутилган нархларда сотиб олишмумкинлиги;
 - ◆ Пудратчи, фойдаланувчи ва бошқарувчи персоналлартажрибали ва ишончилиги;
 - ◆ Лойиҳа ишончсиз технологияларини ўз ичига олмаслиги;
 - ◆ Ҳамкорлар ва манфаатдорлар томонлар билан шартномавий келишувлар тузилган, лицензия ва рухсатномалар олинганлиги;
 - ◆ Валюта рискларининг тақсимланганлиги;
 - ◆ Лойиҳа қўшимча таъминоти сифатида қимматли активларга эгалиги;
 - ◆ Етказилаётган ресурс ва активларнинг тегишли сифатлари таъминланганлиги;
 - ◆ Тегишли суғурта тўловлари қараб чиқилганлиги;
 - ◆ Форс — мажор ҳолатлари, тўхтаб қолишлар хавфи (етказиб беришда, қурилишда ва бошқалар) харажатларнинг ўсиши ҳисобга олинган ва уларнинг тақсимланганлиги;
 - ◆ Лойиҳанинг инвесторларни қониқтирувчи кўрсаткичларга эгалиги;
 - ◆ Фоиз ставкалари ва инфляциянинг ҳақиқий ҳолати ҳисобга олинганлиги.
- Ҳақиқий инвестицион лойиҳа ҳар доим ҳам юқорида санаб ўтилган барча мезонларга мос келавермайди. Юқоридаги мезонлар лойиҳавий молиялаштиришни муваффақиятли кечиши учун бешта асосий тамойилларни белгилаб олишни тақозо этади.

- ◆ Инвестицион лойиҳаларнинг ҳаётийлиги;
- ◆ Лойиҳани амалга оширишда тажрибали, кучли ва виждонли ҳамкорларнинг иштироки;
- ◆ Лойиҳа барча рискларининг ҳисоби ва тақсимоти;
- ◆ Барча ҳуқуқий жиҳатларни тартибга солиб бориш;
- ◆ Лойиҳани амалга оширишда сифатли бизнес - режанинг мавжудлиги ва аниқ мувофиқлашган ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш. Тижорат банклари инвестицион кредитларининг асосий қисми инвестицион лойиҳаларни кредитлаш (ёки лойиҳавий кредитлаш) асосида амалга оширилади.

2. Инвестиция лойиҳаларини молиявий ва иқтисодий баҳолаш. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг оддий ва дисконт усуллари.

Иқтисодий самарадорлик — инвестицияга жалб этилган капиталдан фойдаланилганлиги учун олинган фойда, даромад тушунилса, **ижтимоий**

самара эса инвестицияни ишлатишдан олинган фойдадан ташқари, кишиларнинг ҳаёти яхшиланиши, табиатни сақлаш, илмий-техникавий тараққиётнинг ривожланиши ҳам тушунилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда «иқтисодий самара» ва «иқтисодий самарадорлик» атамаларига эътибор бериш лозимдир.

Иқтисодий самара - қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси бўлса, **иқтисодий самарадорлик** эса олинган иқтисодий самара ёки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги нисбатни билдиради.

Иқтисодий самара бу инвестиция ҳисобига олинган даромаддан қўйилган капитал суммаси айирилиб топилади ва қуйидагича ҳисобланади;

$$\mathcal{E} = D - K$$

Бу ерда $\mathcal{E}$ - иқтисодий самара

D - қўйилган капиталдан даромад

K - қўйилган капитал суммаси

Иқтисодий самарадорлик қўйилган инвестициядан олинган фойда, даромадни қўйилган капитал суммасига бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \frac{If}{K}$$

Бу ерда: $\mathcal{E}$ - иқтисодий самарадорлик

If – инвестициялашдан олинган фойда

K - қўйилган капитал

Мамалакат иқтисодиёти миқёсида инвестициянинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи мамалакатда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдорини мамалакат миқёсида қўйилган инвестиция миқдорига бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \frac{YMM}{K}$$

Бу ерда: YMM – ялпи миллий маҳсулот

K - YMM ни яратиш учун қўйилган капиталнинг суммаси.

Иқтисодий самара вақт функцияси ҳисобланиб, бошланишида у салбий кўринишда бўлади, чунки қўйилган капиталдан ҳали даромад олинмаган бўлади. Вақт ўтиши билан капитал қайтими бўлган сари даромад орта боради ва бу ижобий натижага эришилади, яъни қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капитал миқдоридан орта боради.

Қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капиталга тенглашади. Бу давр **инвестицияни қоплаш даври** деб аталади. Бу кўрсаткич иқтисоднинг ишлаб чиқариш соҳасига қўйилган капитал қўйилманинг самарадорлигини кўрсатади. Инвестицияни қоплаш даври кичик бизнес соҳасида 2-3 йил, узоқ муддатли қўйилмалар эса 10-15 йилгача давом этади. Капитал қўйилмаларни қоплаш даврининг меъёрлари деган тушунча мавжуд бўлиб, бу халқ хўжалиги ёки тармоқларда қўйилган капитал қўйилмаларнинг қоплаш даврининг ўртача миқдори деб тушунилади. Ўрта ҳисобда инвестицияни қоплаш даври қилиб иқтисодда 6-8 йил деб қабул қилинган.

Инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси **инвестиция нормаси** деб аталади. Бу қуйидаги формула асосида ҳисобланади;

$$ЯИН = \frac{ЯИС}{ЯММ} \times 100$$

Бу ерда, *ЯИН*- ялпи инвестиция нормаси

ЯИС- ялпи инвестиция суммаси

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб турган чет эллик ташкилотлар ваколатхоналарининг бизнесга техникавий ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш салоҳиятидан тўлиқроқ фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Масалан, немис иқтисодиёти ваколатхонасида замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, ускуналар ишлаб чиқарадиган фирмалар реквизитлари бўйича ахборотлар олиш мумкин. Бундан ташқари, катта экспертлар жамияти маркетинг соҳаси, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш менежменти бўйича немис мутахассисларининг бепул маслаҳатларини ташкил этади. GTZ, ICE, TIKA, JICA ва хоказолардаги худди шунга ухшаш мутахассисларнинг молиявий ва ташкилий ёрдамларидан фойдаланган ҳолда чет элда экспорт маҳсулотини реклама қилиш ва олға силжитиш бўйича кўргазмалар, шунингдек ўқув семинарлари ташкил этиш мумкин. Энди инвестиция лойиҳаларини молиялаш борасидаги айрим масалаларни кўриб чиқамиз. Ҳозир Ўзбекистонда молия бозори етарлича ривожланмаганлиги сабабли, лойиҳавий молиялаш кўпчилик ҳолларда банк кредитлаши шаклида амалга оширилмоқда. Бунда жаҳонда кенг ёйилган бошқа усуллар - қимматли қоғозлар чиқариш (ўз капитали), инвестиция фондлари, банк консорциумлари, нафақа жамғармалари, лизинг компаниялари ва хоказолардан етарлича фойдаланилмаяпти. Қатор афзалликларга, шу жумладан, солиқ соҳасида имтиёзларга эга бўлган лизинг инвестиция лойиҳаларини молиялашнинг кенг тарқалган усулларида биридик, Лекин у ҳали етарлича ривожлангани йўқ. Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаш корхоналарнинг, айниқса, кичик бизнес корхоналарининг ўз маблағлари етишмаслиги, шунингдек тижорат банклари берадиган кредитнинг нархи амалда барча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги унинг молиявий самарасидан юқорида эканлиги туфайли олға силжимаяпти. Ҳозирги пайтда инвестиция лойиҳаси қарз маблағлари қайтарилишининг ўртача муддати 5-8 йилдир. Экспортга йўналтирилган лойиҳалар устувор деб топилганлиги сабабли, лойиҳаларнинг катта қисми рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш имконини берадиган замонавий юқори унумли технологиялар ва ускуналарни жорий этиш йўли билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун асосан тижорат банкларининг кредитлари жалб этилмоқда. Бунда ускунанинг пировард қиймати ускунанинг ҳисоблаб чиқилган нархи (етказиб бериш ва монтаж қилишни ҳам ҳисобга олган ҳолда), кредит линиялари экспорт суғурта мукофотининг қиймати, кредит учун тўланадиган фоизлар, маҳсулот етказиб берувчи фирмалар хизматларининг қиймати, инвестиция давридаги фоизлар ва банк комиссиялари, шунингдек ускуналарни суғурталаш қийматидан таркиб топади.

Лойиҳани баҳолашда ушбу лойиҳани таклиф этувчи компаниянинг молиявий-иқтисодий таҳлили зарурий компонент бўлади. Компаниянинг лаёқати ва барқарорлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина лойиҳанинг ўзини таҳлил қилиш ва унинг молияланиши тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин бўлади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Лойиҳаларни молиявий ва иқтисодий баҳолаш деганда нимани тушунасиз?
2. Марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмаларнинг бир биридан фарқи нимада?
3. Капитал қўйилмаларни амалга оширишнинг аҳамияти нимада?
4. Қурилишда нархни шакллантириш қандай амалга оширилади?
5. Капитал қурилишда тендерларнинг ташкил этилиши тартиби қандай?
6. Капитал қурилишни маблағ билан таъминлашни очиш учун буюртмачи хизмат кўрсатувчи банкка қандай ҳужжатларни тақдим этади?

Топшириқлар

1. Марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмалар тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Капитал қўйилмаларнинг аҳамиятини тўлиқ ўрганиш.

Масала

Лойиҳанинг қиймати 90,0 млн. сўм. Ушбу лойиҳанинг фоиз ставкаси 20%. 3 йилда, 5 йилда ва 7 йилда қанчадан фойда олиб туриши мумкинлигини аниқланг. Шу муддатга қўйилган инвестиция қайси ҳолатда самарали эканлигини аниқланг?

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 б.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломова Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

9-мавзу. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва усуллари

9.1. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари Режа

1. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва уларнинг таркиби.
2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари (фойда, амортизация ажратмалари, мақсадли тушумлар ва бошқалар).

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция фаолияти, хўжалик юритувчи субъект, фойда, кредит маблағлари, мақсадли тушумлар, акция, облигация.

1. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва уларнинг таркиби.

Бозор муносабатлари шаклланган шароитда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари таркибини 9.1.1-чизмада кўриш мумкин.



9.1.1-чизма. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари таркиби

Инвестиция манбаларини мулкчилик шаклларида катъий назар қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- инвесторларни ўз молиявий ресурслари (фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари, фуқаролар, ҳуқуқий шахсларни жамғармалари ва бошқа манбалар);
- инвесторларни қарзга олган молиявий маблағлари (заём облигациялари, банк кредитлари);
- инвесторларни жалб қилган молиявий маблағлари (акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағлар, фуқаро ва юридик шахсларни пайлари ва турли хил бадаллар);

- давлат бюджетининг ажратмалари ажратмалар ва бюджетдан тақари фондлар маблағлари ҳисобига;
- хорижий инвестициялар ва кредитлари.

Иқтисодий таркибнинг қайта қурилиши фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш билан чамбарчас боғлиқдир. Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислохотлар стратегиясининг муҳим шартидир. Иқтисодиёт тузилиши, қурилишининг белгиланган йўналишлари экспорт имкониятининг кенгайтирилишига, бақувват инвестиция сиёсатини ўтказиш йўли билангина эришиш мумкин. Бунинг учун ўз сармояларимизни ҳам, ташқи кредитларни ҳам бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш инвесторлар томонидан ташкил этилган ҳар хил манбалар, шу жумладан, молиявий ресурсларни жалб қилиш йўли билан, кредитлар эвазига қонунчиликда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар ва заёмлар чиқариш ҳисобига амалга оширилади.

Умумий ҳисобга олганда, реал инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари қуйидаги шаклларга бўлинади:

- 1) инвесторнинг ўз молиявий ресурслари;
- 2) инвесторнинг қарзга олган маблағлари;
- 3) инвесторни жалб қилган молиявий ресурслари;
- 4) давлат бюджети маблағлари (шу жумладан, маҳаллий бюджет маблағлари); ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари;
- 5) чет эл инвестициялари ва кредитлари;
- 6) Ноанъанавий молиялаштириш. (синдикатли кредитлаш, селенг, венчурли молиялаштириш ва бошқалар).

Капитал молиялаштириш манбаларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) марказлаштирилган қўйилмалар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат бюджети ва давлат бюджетидан ташқари фондлар маблағлари;
- ташқи қарзлар лимитларидан келиб чиқиб ҳукумат кафолати остидаги чет эл инвестициялари ва кредитлари.

б) марказлаштирилмаган капитал қўйилмалар ўз ичига, улар қуйидагиларни олади:

- корхоналар маблағлари, шу жумладан, қўшма корхоналар, хорижий корхоналар ва хусусий корхоналарнинг маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг норезидентларининг маблағлари;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари маблағлари, банкларнинг, шу жумладан, хорижий банкларнинг кредитлари;

- аҳоли маблағлари.

Реал инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш турли шакл ва усулларда олиб борилади. Ҳозирги вақтда инвестицияларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш, инвестиция фаолиятининг бош муаммоларидан бири ҳисобланади. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилмоқда.

7. Инвесторнинг ўз молиявий ресурслари ва ички хўжалик резервлари (фойда, амортизация ажратмалари, махсус захира фондлари);

8. Инвесторнинг қарз маблағлари (банк кредити, бюджет кредити, облигация бўйича қарзлар);
9. Жалб қилинган молиявий ресурслар (акцияларни сотиш, меҳнат жамоасининг пай ва бошқа кўринишдаги бадаллари, юридик ва жисмоний шахсларнинг пай ва бошқа бадаллари);
10. Бюджетдан инвестицион ассигнациялари (маҳаллий, давлат ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари).
11. Чет эл инвестициялари (чет эл кредитлари, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси);
12. Лизинг ва селенг инвестицияси (инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг бир тури бўлиб, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, бино ва иншоотларни ижарига олиш ёки интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тушунилади).

Ушбу молиялаштириш шакллари ва манбаларининг ҳар бири ўзининг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатларига эга, шу сабабли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш шакллари таҳлил қилиб, энг қулай шакл ва усул танланади.

2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари (фойда, амортизация ажратмалари, мақсадли тушумлар ва бошқалар).

Инвестицияларни молиялаштиришнинг энг ишончли манбаси бу ўз маблағлари ҳисобланади. Ҳар қандай тижорат ташкилоти доимо инвестицияларни ўз ҳисобидан молиялаштиришга интилади. Бу ҳолатда, молиялаштириш манбаларини қаердан олиш керак деган муаммо вужудга келмайди ва унинг банкротлик хавф-хатари (риски) камаяди. Бундан ташқари, ижобий томонлари ҳам мавжуд. Хусусан, ўз-ўзини молиялаштириш корхонани ривожланганлиги ва унинг яхши молиявий ҳолатини билдиради ва яна рақобатчилардан маълум бир устунликка эга бўлади, бошқа корхоналарда бундай имконият бўлмаслиги мумкин. Ҳар қандай тижорат ташкилотининг асосий ўз-ўзини молиялаштириш манбаи бу, асосан, соф фойда ва амортизация ажратмаси ҳисобланади.

а) *"Фойда инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатида".*

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг асосий мақсади, бу максимал фойда олишдир. У корхона фаолиятининг асосий молиявий натижаси ҳисобланади.

Корхонанинг баланс фойдаси (Фб) қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

$$\text{Фб} = \text{Фс} + \text{Фм} + (\text{Дб} - \text{Хб}) \quad (5.1)$$

Бу ерда, Фс-маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган фойда, Фм-корхона мулкни сотишдан тушган фойда Дб.-бошқа операциялардан тушган даромад, Хб.-бошқа операциялар бўйича харажатлар.

Ялпи фойда-фойда солиғи олиш учун солиқ тўланадиган база ҳисобланади. Корхона ўз ихтиёрида қоладиган фойда, яъни соф фойда (Фс) қизиқтиради ва қу й идагича тен г бўлади:

$$\Phi_c = \Phi_b - C\Phi \quad (5.2)$$

Бу ерда,. Φ_b -баланс фойда $C\Phi$ -фойда солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар. Замонавий шароитда корхона ўз ихтиёрида қоладиган фойдани ўзи мустақил тақсимлайди ва бу ерда шундай савол келиб чиқади, бу фойдани қандай қилиб энг самарали

тақсимлаш мумкин? Уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга: уй-жой, дам олиш уйи, боғча ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектларни куришга; агар аксианерлик жамияти бўлса дивиденд тўлашга; хайрия мақсадларига ва бошқаларга йўналтирилиши мумкин. Фойдадан самарали фойдаланиш учун корхонанинг айна вақтдаги ва истикболдаги техник ҳолатини ва корхона жамоасини ижтимоий ҳолатини яхши билиш лозим.;

Агар корхона ишчилари ижтимоий соҳада, шу жумладан, иш ҳақи даражаси бўйича, бошқа корхоналарга нисбатан яхшироқ таъминланган бўлса, бу ҳолда фойда, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилиши лозим.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, агар корхонанинг техник ривожланиш даражаси паст бўлиб, бу корхонанинг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилиб, корхонани банкротликка олиб келса, бундай ҳолда, фойдани корхонани ривожлантириш учун йўналтириш лозим. Шундай қилиб, корхона фойдаси унинг иқтисодий ва ижтимоий даражасига асосланган ҳолда тақсимланиши лозим.

Корхонада ушбу муҳим қоидага амал қилишлари лозим яъни, «фойда корхонанинг истикболда ривожлантиришини амалга оширишга туртки бериши лозим». Шундай қоида борки, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, охир оқибатда корхона даромади ҳажмини ўсишига олиб келади, бу эса келажақда корхона жамоасини ижтимоий муаммоларини ҳал бўлишига ва корхона инвестиция имкониятларини кенгайтиришига олиб келади.

б) *«Амортизация ажратмалари инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаи сифатида»*

Амортизация - асосий воситаларни ва номоддий активларни норматив хизмати муддати давомида қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга ўтказиб бориш жараёнидир.

Амалиётда, асосий воситалар таркибига хизмат муддати бир йилдан кам бўлмаган, қиймати 50 минимал маошдан юқори бўлган ва ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига аста-секинлик билан ўтказиб борадиган ишлаб чиқариш воситалар киради. Улар: бино, иншоот, асбоб- ускуна, машина, транспорт воситалари, ўлчовчи ускуналар ва ҳ.к.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида ҳам жисмонан, ҳам маънавий эскиради. Объектлар қиймати ҳисобланган амортизация ажратмалари ҳисобидан қопланади.

Амортизация ажратмалари инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Улар қайта ишлаб чиқаришни (яъни такрор ишлаб чиқариш) ташкил қилиб қолмай, балки маълум даражада уларни кенгайтиришга ҳам мўлжалланган бўлади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида амортизация корхонанинг инвестиция эҳтиёжини 70-80%ини

қондиради. Мамлакатимизни бозор иқтисодиётига ўтиши билан амортизация ажратмаларини инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатидаги аҳамияти ҳам ўсди. Бу биринчи навбатда, асосий фондларнинг тез-тез қайта баҳоланиши ва кўп корхоналарнинг зарарга ишлаётганлиги билан боғлиқ.

Инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатида бошқаларига нисбатан устунлик томони шундаки, корхонанинг ҳар қандай молиявий ҳолатида, бу манба ўз ўрнига эга бўлади ва доимо корхона ихтиёрида бўлади.

рақобат жараёни, асосий фондларни янгилаб туришни талаб этади, бу эса келгусидаги инвестициялар учун жадаллаштирилган амортизация ажратмаларини ҳисоблашни тақозо этади. Лекин, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида жадаллаштирилган амортизация усулини қўллаш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, интенсив тарздаги қайта ишлаб чиқариш амалга оширилади. Бунинг натижасида амортизация ажратмалари, ўзи алоҳида бир шаклни ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқариш кенгайди ва инвестициялаш учун олдингисига нисбатан барқарор молиявий базага айланади. Шундай қилиб, амортизация ажратмалари корхонанинг инвестиция фаолиятини тартибга солувчи муҳим воситага айланади.

в) Корхонанинг инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ички молиявий ресурслари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-хўжалик усулида бажарилган қурилиш-монтаж ишларидан келган фойда (қилинган иқтисод);

-асосий воситаларни ликвидация қилинган вақтда олинган яроқли материаллар;

-айланма маблағларнинг айланишини тезлашиши ҳисобига, муомаладан бўшатишган айланма маблағларнинг бир қисми;

-корхонанинг ўзидаташқилинган махсусрезерв фондлари ва бошқалар.

Инвестицион лойиҳаларни баҳолашда шуни ҳисобга олиш лозимки, ишлаб чиқарилган маҳсулот реализациясидан, солиқларайириб ташланади. Аммо, бу ҳисобланган солиқлар, амортизация ажратмалари сингари маълум муддат корхона оборотида қўшимча ишлатилиши ва вақтинча молиявий ресурс бўлиши мумкин.

г) Агар инвестиция фаолиятини молиялаштиришда корхонанинг ўз маблағлари етарли бўлмаса, бундай ҳолда, корхона маблағларни қимматли қоғозлар чиқариш ёки банк кредити орқали жалб қилиши мумкин. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш-нинг кенг тарқалган ва молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бўлиб, қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар чиқариш, инвесияларни молиялаштиришда марказлашган маблағлар ва банк кредитларининг ҳиссасини пасайишига олиб келади.

Қимматли қоғозлар бозори ва кредит бозори, пул маблағларига эҳтиёжи бўлган тармоқларга (корхоналарга) пул маблағларини тақсимлаб корхоналарнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиради.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан ҳарид қилинадиган қимматли қоғозлар ичида кенг тарқалган тури аксионерлик жамиятлари томонидан чиқариладиган акциялардир.

Акция - бу корхона мулкига аксионерларнинг қўшган ҳиссасини тасдиқловчи ҳужжат. Акциялар бўйича даромадлар дивиденд шаклида олинади. Акциялар чиқариш орқали зарур бўлган пул маблағлари жалб қилинади. Аксионерлик капиталини шакллантиришда икки хил акция эмиссия қилинади: оддий ва имтиёзли акциялар.

Оддий акция бу-аксионерлик жамиятини бошқариш ҳуқуқини беради (аксионерларнинг умумий йиғилишида қатнашиш, дивиденд олиш ҳуқуқи, жамиятни ликвидация қилаётганда акциялар қийматига тенг миқдорда корхона мулкани олиш). Барча оддий акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

Имтиёзли акциялар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди, лекин унинг афзаллик томони шундаки, у аксионерга олдиндан маълум бўлган, қатъий белгиланган фоиз бўйича даромад билан таъминланган бўлади. Даромад ҳажми аксионерлик жамияти фаолият натижасига боғлиқ бўлмайди. Аксионерлик жамиятлари очик ёки ёпиқ турдаги жамиятларга бўлинади. Очик турдаги аксионерлик жамиятлари ўз акцияларини барча хоҳловчиларига ҳам, ёпиқ турдаги аксионерлик жамиятлари фақат ўз ишчиларига сотиши мумкин. Мулкчиликнинг аксионерлик шаклида корхонанинг хўжалик фаолияти натижаси учун аксионерларнинг жавобгарлик масъулияти ошади. Ишчиларнинг бўш пул маблағларини акцияларга жойлаштириши, уларнинг маблағларини инфляциядан ҳимояласа, бошқа томондан ишлаб чиқариш натижаси учун масъулиятини оширади. Чунки, ўзи бундан манфаатдор бўлади. Банк кредити учун албатта, фоиз тўланиши шарт, корхонанинг молиявий натижасидан қатъий назар (фойда кўрадими ёки зарар). Акциялар (оддий акция) учун корхона фаолияти натижасига қараб аксионерларга дивиденд тўланади. Корхона зарар кўрса, дивиденд тўламайди. Аксионерлар йиғилиши қарорига биноан, ҳисобот йилида дивидендлар тўланмасдан корхона фаолиятини кенгайтиришга ёки бирор инвестицион лойиҳани молиялаштириш учун йўналтирилиши мумкин. Бундан ташқари, аксионерлик жамияти устидан давлат ва аксионерларнинг назорат сифати ошади. Қимматли қоғозлар орқали зарур маблағлар банк кредитига нисбатан кўпроқ тўпланади. Аксионерлик капитали нафақат пул шаклида, балки, техника, технологиялар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Лойиҳани молиялаштиришнинг қимматли қоғозлар эмиссия қилиш шаклининг ижобий томони шундаки, инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун асосий зарур молиявий ресурслар ёки бошқа ресурслар лойиҳани амалга оширишдан олдин ёки уни амалга ошириш жараёнида келиб тушади.

Корхоналар ўз инвестиция фаолиятини жалб қилинган маблағлар ҳисобига молиялаштириш учун бир қатор имтиёзлар жорий этилди, хусусан, юридик шахс бўлган акциядорнинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав фондини (капиталини) кўпайтириш учун йўналтириш чоғида кўшимча акциялар қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олинган даромадлари (фойдаси) солиқ солиш объекти бўлмайди.

Акциядан ташқари корхона облигация чиқариш йўли билан маблағларни жалб этади.

Облигация - бу қарздорлик мажбурияти бўлганлиги сабабли акцияга нисбатан риск камроқ бўлади ва облигациялар шу сабабли, акцияга нисбатан тезроқ сотилади. Бу эса, корхонага зарур маблағларни бир мунча қисқа вақт ичида тўплаш имконини беради. Облигациянинг акцияга нисбатан rischi камроқ бўлганлиги сабабли, облигацияга тўланадиган фоиз акция бўйича дивидендга нисбатан пастроқ бўлади. Корхона учун эса, акция чиқариш, облигация чиқаришга нисбатан қулайроқдир. Чунки, фойда миқдорида қараб, дивидендни ўзгартириши мумкин, облигацияда эса фоиз қатъий белгиланган бўлади.

Аҳоли оддий акцияга нисбатан имтиёзли акция олишга қизиқади. Шундай экан, корхона имтиёзли акцияларини оддий акцияларга нисбатан тезроқ сота олади. Лекин имтиёзли акциялар номинал қиймати, жамият устав капиталини 20% идан ошмаслиги керак.

Айрим ҳолларда, акционерлик капитали фақатгина бошланғич капитал қўйилмаларни қоплабгина қолмай, яна корхонанинг соф айланма маблағларга бўлган эҳтиёжининг катта қисмини қоплайди. Бу ҳолат, одатда, корхонанинг молиявий ресурсларни фақат юқори фоиз остида олиш мумкин бўлган шароитдагина юз беради. Бу вазиятда, депозитларга тўланадиган фоиз ставкалари ҳам жуда юқори бўлади, шунинг учун, корхона етарли ресурсларни ташкил қилиш учун инвестицион лойиҳа юқори даромадлиги ва ўзига жалб қилувчи бўлиши керак. Бошқа ҳолатларга нисбатан арзонроқ қарз ёки муддатли кредитлар олиш мумкин бўлган ҳолатда, лойиҳаларни ссудалар ёрдамида молиялаштиришга интилиш ўсади.

Ҳар қандай ҳолатда узоқ муддатли қарзлар ва акционер капитали ўртасида баланс тутиб туриш лозим. Акционер капитали ҳиссаси қанчалик юқори бўлиб, қарз мажбуриятлари ҳиссаси кам бўлса, солиқ тўлагунга қадар фойда шунчалик юқори бўлади. Молиялаштиришда қарз мажбуриятлари ҳиссаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик, мажбуриятлар бўйича фоиз тўловлари юқори бўлади. Ўзбекистон Республикасининг 23 июл 2007 йилдаги "Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ: "Корхоналарнинг облигациялари" деган сўзлар "Корпоратив облигациялар" деган сўзлар билан алмаштирилди ("Қимматли қоғозлар тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси).

Корпоратив облигацияларни фақат очик акциядорлик жамиятлари аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси билан тасдиқланган ўз капиталининг облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги миқдори доирасида чиқаришлари мумкин.

Корпоратив облигациялар чиқаришга фақат очик акциядорлик жамиятининг устав фонди тўлиқ тўланганидан кейин йўл қўйилади.

Ҳар бир лойиҳада молиялаштиришнинг турли хил шакллариининг оқибатларини тубдан баҳолаш лозим ва шундай молиялаштириш манбасини аниқлаш лозимки, унда ресурслар ва иқтисодий қайтим мос келсин, яъни:

- аксионерлик капитали билан биргаликда қарзга олинган маблағлар ҳам инвестицион лойиҳани молиялаштириш манбаи бўлади.

- молия бозорларининг асосий вазифаси - жамғармаларни ишлаб чиқариш инвестицияларига йўналтиришдир. Молиявий бозорларсиз корхоналар ўз маблағларига таянишга мажбур бўлар эдилар, бу эса уни ривожланишини кескин чегаралиб қўяди.

д) Инвестицион лойиҳани молиялаштиришнинг қарзга олинган манбаи бўлиб, банк кредитлари, ипотека ссудалари, сугурта компанияларидан олинган қарзлар ёки бюджетдан ташқари фондлардан олинган кредитлар ҳисобланади.

Ушбу, молиялаштириш манбалари маълум муддатга қайтариш ва тўловлилик шартли асосида берилади. Инвестицион лойиҳаларни кредит асосида молиялаштиришнинг афзалроқ томони шундаки, фаолият юритаётган корхона учун модернизация, реконструкция ишлари ва керакли меъёрга ишлаб чиқариш қувватини таъминлашда, яъни корхона ишлаб чиқариш фаолиятни кенгайтирмоқчи бўлса, кредитдан фойдалангани маъқул, чунки, ишлаб турган корхона активлари, ушбу, кредитлар қайтарилишига гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Янги ташкил этилаётган корхона, ташкилотлар учун эса инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун, аксианер капиталидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки янги ташкил этилган корхоналар учун банк кредитидан фойданиш юқори риск билан боғлиқ бўлиб, кредит олишда корхона уни қайтариш учун етарли даражада молиявий ресурслар билан ёки бошқа активлар билан таъминланмаган бўлиши мумкин, бундай шартларни янги корхона бажармаслиги сабабли, аксианерлик капиталидан фойдаланадилар. Ликвидлик билан боғлиқ бундай вазиятларда янги корхона қийин вазиятларга тушиб қолади. Лойиҳа яхши баҳоланганда ҳам, яхши техник асосланганда ҳам банклар юқори фоиз ставкасида кредит беришлари мумкин. Аксианер капитали эса бундай муаммолар келтириб чиқармайди, аммо уни йиғиш анча мураккаб вазифадир, банк кредитлари эса бундан мустаснодир.

Инвестицион лойиҳаларни кредитлаш шarti, фоиз ставкаси ўзгариши билан лойиҳа иқтисодий кўрсаткичларларининг ўзгариши орасидаги муносабат билан аниқланади. Маълумки, фоиз ставкаси ўзгармас ва ўзгарувчан бўлади. Шу сабабли, корхона инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда кредит оломоқчи бўлса, у узоқ муддатли бўлса, у ҳолда ўзгармас фоиз ставкасидаги кредитдан фойдаланади.

Яхши асосланган лойиҳа учун қарз маблағлари олиш бир мунча осонроқ бўлади. Молиялаштириш жараёнини қарзга олинадиган маблағларни ҳажмини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади, бу кредит олишни кафолатлаши мумкин. Ушбу ссуда капиталини қуйидагиларга йўналтирилиши мумкин: асбоб-ускуналар харид қилиш; ишлаб чиқаришни кенгайтиришга; модернизация; реконструкция қилиш ва бошқаларга. Ссуда капиталини қуйидаги турларга ажратиш мумкин: айланма маблағларни ташкил қилиш мақсадида тижорат банки ёки мол-етказиб берувчиларнинг турли хил шаклдаги кредитлари ёки миллий ва хорижий молиявий институтларининг узоқ муддатли кредитлари.

Банк томонидан олинадиган фоизлар бериладиган кредитнинг ҳажми, муддати унинг таъминланганлиги, кредитлаш шакли, кредитнинг риск

даражаси ва бошқаларга боғлиқ тарзда дифференциялашади. Ҳозирги вақтда, инвесторлар тез қайтиш берувчи тадбиркорлик фаолиятига кредитларни жалб қилмоқдалар.

Кредитлар, кредитлаш муддатига кўра қисқа муддатли (1 йилгача) ва узоқ муддатли (1 йилдан юқори) турларга бўлинади. Корхонанинг асосий фондлари учун олинган узоқ муддатли кредитларни одатда инвестиция деб аташади. Узоқ муддатли кредитларнинг объектив зарурлиги корхонани ишлаб чиқаришини кенгайтириш эҳтиёжидан келиб чиқади. Айнан шу шароитда кредит муносабатларида узоқ муддатлилиқ характери вужудга келади. Бу қарздорга ўз маблағларини ўз муомаласидан олишга (оборотидан олишга) нисбатан, бир мунча қисқароқ вақтда пул маблағларини олиш имкониятини беради. Капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг кредит усулининг афзаллиқ томони маблағларни қайтаришлиқ билан боғлиқдир. Бу капитал қўйилмаларни ҳақиқий қопланиши ва кредитни қайтарилишини назаратини кучайтиради. Бу эса, ўз-ўзидан маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Ҳозирда, амалиётда реал иқтисодиётда инвестициялар даромадлилик даражаси банк фоиз ставкасига нисбатан юқори бўлган, савдо кредит ва воситачилик операцияларини кредитлаш билан чегараланиб қолмоқда.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестицион сиёсатнинг бош мақсади нимадан иборат?
2. Инвестиция сиёсатининг ривожланиш босқичлари нечта?
3. Ўзбекистон Республикасида инвестиция сиёсатини амалга ошириш тизимига нималар киради?
4. Давлат инвестицион сиёсати нечта йўналишга таянади?

Топшириқлар

1. Марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмалар тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Капитал қўйилмаларнинг аҳамиятини тўлиқ ўрганиш.

Масала

Инвестиция бозорида 13% лик 8 йилга мўлжалланган лойиҳа мавжуд. Ушбу лойиҳанинг қиймати 100,0 млн. сўм. Шу 8 йиллик муддатда олинадиган даромад суммасини аниқланг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.

4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

9.2. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш усуллари

Режа

1. Жалб этилган маблағлар эвазига инвестиция фаолиятини молиялаштириш.
2. Инвестиция фаолиятини қарз маблағлари эвазига молиялаштириш.
3. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш усуллари.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция фаолияти, хўжалик юритувчи субъект, фойда, кредит маблағлари, мақсадли тушумлар, акция, облигация.

1. Жалб этилган маблағлар эвазига инвестиция фаолиятини молиялаштириш.

Ўзбекистон иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб қилишда бевосита хорижий инвестицияларнинг улушини оширишга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Шу сабабли, тўғридан – тўғри хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- айрим тармоқлар ва минтақаларда хорижий инвесторлар учун реал амал қилиш учун имтиёзлар тизимини яратиш;
- хўжалик юритувчи субъектлар, юқори турувчи органлар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида мулк ва ваколатни аниқ чегариб қўйиш;
- барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилигини, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани яратиш;
- солиқларни камайтириш ва солиқ тўзилмасини соддалаштириш;
- хорижий инвестицияларни суғурталашнинг самарали механизмни яратиш;
- иқтисодиёт тармоқларини монополиядан чиқариш бўйича тадбирларни амалга ошириш;
- иқтисодиётнинг базавий тармоқларини индивидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш;
- биржа бозорида ва бошқа бозорларда акционерлик жамиятлари акциялари пакетларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш;
- маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга сотиш.

Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб этилишига ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга имкон беради.

2007 йилнинг 14 мартдан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник – технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақабатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш мақсадидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб

чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора – тадбирларлар тўғрисида” ги Фармони қабул қабул қилинди. Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши хорижий инвестициялар асосида иқтисодиёт тармоқларини жадал модернизация қилишни кучайтириш йўлидаги навбатдаги амалий қадам бўлди. Фармонда қуйидаги имтиёзлар кўзда тутилган:

- хўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шarti билан, фойдадан олинadиган солиқ базасини камайитириш ҳуқуқи берилган;

- ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод қилинган;

- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани ҳарид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайитирган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилган;

- технологик жиҳозларни олиб киришда қўлланиладиган имтиёзлар, агар технологик жиҳозларни етказиб бериш бўйича шартнома шартларида кўзда тутилган бўлса, бутловчи ва эҳтиёт қисмларга нисбатан ҳам татбиқ этилган.

Ўзбекистонда бугунги кунда Давлат инвестиция сиёсати ўзига ҳосикки йўналишга таянади:

- 1) солиқ юкини енгиллаштириш, маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратиш;

- 2) маблағларни давлат бюджети орқали тўплаш ва инвестиция дастурларини амалга ошириш. Бу борада олиб борилаётган сиёсатда давлаткорхоналариганисбатан амалда бўлган бюджетдан молиялаштириш тизими муайян даражада боқимандаликни келтириб чиқариши инobatга олинмокда ва инвестиция фаолиятида уларга нодавлат сектори субъектларига қараганда имтиёзли шароит яратиши мумкинлиги ҳам эътиборга олинмокда.

2. Инвестиция фаолиятини қарз маблағлари эвазига молиялаштириш.

Инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларида қарз маблағлар ролининг ошиши, асосан, чет эл кредитларининг кўпайиши ҳисобига юз берди. Чет эл кредитлари салмоғининг юқорилиги чет эл кредитлари бўйича давлат кафолатларнинг мавжудлиги ва тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг нобарқарорлиги билан изоҳланади. Ҳукумат кафолатлари билан олинаётган чет эл кредитлари ҳиссасининг кўтарилиши банклар томонидан катта эҳтиёткорлик билан валюта кредитларининг қайтарилмаслик рискларини кун тартибига қўяди ва ҳисобга олишни талаб этади. Бу эса ўз навбатида инвестиция лойиҳаларини батафсил таҳлилини ва экспертизасини

ўтказишда, инвестиция қарорларини қабул қилишда, халқаро молия институтлари ва чет эллик инвесторларнинг қарз маблағларидан фойдаланишда банкларнинг масъулиятини ғоят кўтаришни талаб қилади.

Ушбу, молиялаштириш манбалари маълум муддатга қайтариш ва тўловлилик шартли асосида берилади. Инвестицион лойиҳаларни кредит асосида молиялаштиришнинг афзалроқ томони шундаки, фаолият юритаётган корхона учун модернизация, реконструкция ишлари ва керакли меъёрга ишлаб чиқариш қувватини таъминлашда, яъни корхона ишлаб чиқариш фаолиятни кенгайтирмоқчи бўлса, кредитдан фойдалангани маъқул, чунки, ишлаб турган корхона активлари ушбу кредитлар қайтарилишига гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Инвестицион лойиҳаларни кредитлаш шarti, фоиз ставкаси ўзгариши билан лойиҳа иқтисодий кўрсаткичларларининг ўзгариши орасидаги муносабат билан аниқланади. Маълумки, фоиз ставкаси ўзгармас ва ўзгарувчан бўлади. Шу сабабли корхона инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда кредит олмақчи бўлса, у узоқ муддатли бўлса, у ҳолда ўзгармас фоиз ставкасидаги кредитдан фойдаланади.

Яхши асосланган лойиҳа учун қарз маблағлари олиш бир мунча осонроқ бўлади. Молиялаштириш жараёнини қарзга олинadиган маблағларни ҳажмини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади, бу кредит олишни кафолатлаши мумкин. Ушбу ссуда капиталини қуйидагиларга йўналтирилиши мумкин: асбоб-ускуналар харид қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, модернизация, реконструкция қилиш ва бошқаларга. Ссуда капиталини қуйидаги турларга ажратиш мумкин: айланма маблағларни ташкил қилиш мақсадида тижорат, банк ёки мол-етказиб берувчиларнинг турли ҳил шаклдаги кредитлари ёки миллий ва хорижий молиявий институтларининг узоқ муддатли кредитлари.

Банк томонидан олинadиган фоизлар бериладиган кредитнинг ҳажми, муддати унинг таъминланганлиги, кредитлаш шакли, кредитнинг риск даражаси ва бошқаларга боғлиқ тарзда дифференцияллашади. Ҳозирги вақтда инвесторлар тез қайтиш берувчи тадбиркорлик фаолиятига кредитларни жалб қилмоқдалар.

Кредитлар, кредитлаш муддатига кўра қисқа муддатли (1 йилгача) ва узоқ муддатли (1йилдан юқори) турларга бўлинади. Корхонанинг асосий фондлари учун олинган узоқ муддатли кредитларни одатда инвестиция деб аташади. Узоқ муддатли кредитларнинг объектив зарурлиги корхонани ишлаб чиқаришини кенгайтириш эҳтиёжидан келиб чиқади. Айнан шу шароитда кредит муносабатларида узоқ муддатлилик характер и вужудга келади. Бу қарздорга ўз маблағларини ўз муомаласидан олишга (оборотидан олишга) нисбатан, бир мунча қисқароқ вақтда пул маблағларини олиш имкониятини беради. Капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг кредит усулининг афзаллик томони маблағларни қайтаришлик билан боғлиқдир. Бу капитал қўйилмаларни ҳақиқий қопланиши ва кредитни қайтарилишини назаратини кучайтиради. Бу эса ўз-ўзидан маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Ҳозирда реал иқтисодиётда инвестициялар даромадлилик даражаси банк фоиз ставкасига нисбатан юқори бўлган, савдо кредит ва воситачилик операцияларини кредитлаш билан чегараланиб қолмоқда.

3. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш усуллари.

Инвестицияларнинг қайд этилган турлари ва шакллари асосида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларни барча инвесторлар томонидан амалий равишда йўлга қўйиш, маблағлар сарфлаш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш чора тадбирларининг йиғиндиси инвестиция фаолиятини англатади.

Самара ёки даромад келтирадиган мулкӣ ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин,

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар;
- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, ҳамда бошқа моддий бойликлар);
- муаллифлик ҳуқуқи, ноу-хаулардан ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари ва бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиӣ ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;
- бошқа бойликлар.

Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини фуқаролар, ҳуқуқӣ шахслар (корхоналар, фирмалар, акционер жамиятлари ва бошқа типдаги мулк эгалари) ва давлат юритади.

Инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда ҳар бир мулк эгаси, биринчи навбатда ўз манфаатини кўзлаб ягона мақсадга, яъни фойда олиш ва самарага эришишни режалаштиради.

Бозор муносабатлари ривожланган етук жамиятда инвестиция фаолияти қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- фуқаролар, давлатга қарашли бўлмаган корхоналар, хўжалик ассоциациялари, жамоа ва ўртоқлик хўжаликлари ҳамда жамоа мулкчилиги асосида ташкил этилган ташкилотлар, нодавлат корхоналари ва муассасалари томонидан;
- давлатни маъмурий ва бошқарув бўлинмалари, ташкилотлари ҳамда давлат корхоналари ва муассасалари томонидан;
- чет эл фуқаролари, хусусий фирмалар, ассоциациялар, компаниялар ва ҳуқуқӣ шахслари ҳамда бошқа хорижий давлатлар ва ҳалқаро молия – кредит муассасалари томонидан;
- қўшма корхона кўринишида маҳаллий ва чет эл фуқаролари, ҳуқуқӣ шахслар ва давлатлар билан ҳамкорликда.

Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини молиялаштириш инвесторлар томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш йўли билан кредитлар эвазига, муомаблаға, қонунчиликда белгиланган ҳолда, қимматли

қоғозлар ва заёмлар чиқариш ҳисобига олиб борилади. Давлат мулкани хусусийлаштириш туфайли мамлакат миқёсидаги манбалар ҳисобига, турли мулк эгаларининг маблағлари, янгидан ташкил этилаётган фондларни улуши, чет эл инвестициялари орқали олиб борилади.

Корхона нуқтаи назаридан инвестиция манбалари:

- улар ўз маблағлари (фойда, амортизация, бошқа пул жамғармалари);
- қарзга олинган маблағлар (банк кредити ва бошқа ташкилотларни омонатлари);
- бошқа жалб қилинган маблағлар (акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишдан келган даромадлар);
- бюджетдан ташқи маблағлар ташкил қилади.

Инвестиция манбаларини унинг таркибидан келиб чиқиб молиявий ва моддий ресурсларга ажратиш мумкин.

Молиявий манбаларга - нақд пул; чет эл валютаси; халқаро тўлов пуллари; акциялар; заёмлар; корхоналар маблағлари; амортизация фонди киради.

Моддий ресурсларга - хом-ашё ресурслари; кўчмас мулк; жамоа-ширкат-хўжалик мулки; фермерлар мулки; деҳқон хўжалик мулки; тадбиркорлар мулки киради.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестицион сиёсатнинг бош мақсади нимадан иборат?
2. Инвестиция сиёсатининг ривожланиш босқичлари нечта?
3. Ўзбекистон Республикасида инвестиция сиёсатини амалга ошириш тизимига нималар киради?
4. Давлат инвестицион сиёсати нечта йўналишга таянади?

Топшириқлар

1. Марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмалар тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Капитал қўйилмаларнинг аҳамиятини тўлиқ ўрганиш.

Масала

Инвестор «Истиқлол» хусусий корхонасига янги лойиҳани амалга ошириш учун 75,0 млн. сўмлик инвестиция киритди. Лойиҳа 12 фоизлик ставка билан 7 йилга мўлжалланган бўлиб, ҳар йилги олинган фойдадан 25 %и инвесторга тўланилиши келишиб олинди. «Истиқлол» хусусий корхонаси қуйидаги кўрсаткичларга эга:

Йиллар	Инвестиция суммаси, минг сўм	Йиллик фоиз суммаси, минг сўм	Олинган даромад, минг сўм	Харажатлар, минг сўм	Фойда, минг сўм	Инвесторга тўланиши лозим бўлган сумма, минг сўм
--------	------------------------------	-------------------------------	---------------------------	----------------------	-----------------	--

1	75000,0		32000,0	28400,0		
2			33400,0	27300,0		
3			30500,0	27100,0		
4			36700,0	31550,0		
5			35200,0	32340,0		
6			35650,0	30050,0		
7			37600,0	33200,0		
Жами:	X		241050,0	209940,0		

Юқоридаги маълумотлардан фойдаланиб аниқланг:

- 1.Инвестициянинг 2-7 йиллар суммасини
2. Инвестициянинг йиллик фоиз суммасини
- 3.Корхона фойдасини
- 4.Инвесторга тўланиши лозим бўлган жами суммани.
- 5.Қисқача хулоса ёзинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

10-мавзу. Инвестицияларни молиялаштиришда молиявий воситалар

10.1. Инвестицияларни молиялаштиришда молиявий воситаларнинг турлари ва таснифланиши

Режа

1. Молиявий воситалар, уларнинг моҳияти, турлари ва таснифланиши.
2. Бирламчи молиявий воситалар. Ҳосилавий молиявий воситалар.
3. Фирманинг инвестицион жозибадорлигини баҳолашда молиявий воситаларнинг роли.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция фаолияти, молиявий восита, фойда, қимматли қоғоз, мақсадли тушумлар, акция, облигация.

1. Молиявий воситалар, уларнинг моҳияти, турлари ва таснифланиши.

Бугунги кунда, жамиятдаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши қимматли қоғозлар бозорига муносабатни қайта кўриб чиқишни талаб қилаётган бир шароитларда ушбу тоифанинг долзарблиги кескин ўсди, чунки айнан қимматли қоғозларкўп жиҳатдан қийматнинг қайтиши ҳаракати самарадорлигини ошириш, мулкчилик шаклини алмаштириш, унинг хусусий мулк қилиб бериш, бозор муносабатларини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш томон йўл очиб беради.

Қимматли қоғозларнинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш учун эса бу қоғозларнинг ҳужжат уларсиз қимматли қоғозлар мақомига даъво қила олмайдиган хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Иқтисодий тоифа сифатида қимматли қоғозлар:

➤ ишлаб чиқариш муносабатлари субъеклари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнлари борасида реал иқтисодий муносабатларни акс эттиради;

➤ маблағ жалб қилиш ва қайта тўлаш воситаси сифатида иштирок этади;

➤ кредит ёки мулкчилик муносабатларини акс эттиради;

➤ ўз эгасига маълум бир даромад келтириш қобилиятига эга бўлади.

Қимматли қоғозлар бозорда бир пайтнинг ўзида бозор айланмаси объекти ва инвестициялар йўналишларидан бири ҳисобланади деб таъкидлаш мумкин, чунки улар мулкӣ ва бошқа ҳуқуқларни, шунингдек, томонларнинг мажбуриятларини белгилаб беради.

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори фаолият кўрсатаётганига нисбатан кўп вақт бўлмаганига қарамай, қонун ҳужжатлари ва амалиётда уларнинг ҳар бирини батафсил тавсифлаш, шунингдек, тадқиқ этилаётган объектларнинг ўзига хосликлари ва хусусиятлари, умумий жиҳатларни чуқурроқ ўрганишни таъминлайдиган илмий тадқиқот воситаси сифатида қўлланиши мумкин бўлган таснифлашни амалга оширишга имкон берадиган қимматли қоғозларнинг сифат жиҳатидан ҳилма-ҳил ва кенг тўпламини ишлаб чиқилган

Қимматли қоғоз - ўзи билан боғлиқ мулккий ҳуқуқларни акс эттирадиган ҳужжатдир, у даромад манбаи бўлиб хизмат қилади, бозорда муомалада юритилиши ва олди —сотди воситаси бўлиши мумкин. Жаҳон амалиётида қимматли қоғозларнинг ҳар хил турлари ишлатилмоқда.

Қимматли қоғозлар бозори кредит муносабатлари билан биргаликда, ўз қийматига эга бўлган, сотиш, сотиб олиш ва тўловини амалга ошириш мумкин бўлган махсус ҳужжатларга (қимматли қоғозларга) эгалик қилиш билан ҳам бевосита боғлиқ. Қимматли қоғозлар ўзида мулкчилик ҳуқуқини мужассамлаштирган бозорда эркин айланадиган, сотиб олиш —сотиб ва бошқа битимларнинг объекти бўладиган, доимий ва бир марталик даромад олиш манбаи бўлиб хизмат қиладиган, пул капиталининг бир кўринишидаги ҳужжатдир. Қимматли қоғозлар турли субъектлар томонидан чиқарилиши мумкин. Умумий ҳолда бу эмитентлар 3 гуруҳга бўлинади:

1 . давлат;

2 . хусусий сектор;

3 . чет эл субъектлари.

Ҳамма қимматли қоғозларни давлат, хусусий ёки халқаро қимматли қоғозларга ажратиш мумкин. Хусусий сектор томонидан чиқарилаётган қимматли қоғозлар таркибига турли ишлаб чиқариш корхоналари, тижорат банклари, инвестицион банклар, инвестицион фондлар ва бошқаларнинг қимматли қоғозлари алоҳида ўрин тутаяди. Халқаро қимматли қоғозлар уларнинг ҳисобланадиган валюта ва эмитентлари бўйича бўлинади.

Қимматли қоғозлар муомалада бўлиш ҳудудига кўра регионал (маҳаллий), миллий ва халқаро қимматли қоғозларга бўлинади.

Халқаро амалиётда молия бозорининг молиявий инструментлари ҳозирги кунда:

улушли ,

Қарз мажбуриятли ва

ҳосилавий турлар

ва бошқа турларга бўлинади.

Молиявий инструментларни улушли инструментларига асосан акция киради. Қарз мажбуриятли инструментларга эса давлатнинг ва хусусий секторларнинг облигациялари, депозит ва жам-арма сертификатлари, казначей векселлари ва бошқаалар киради

Молиявий инструментларнинг ҳосилаларига опцион, форвард ва варрант кўринишдаги шартномалар киради. Молиявий инструментнинг бошқа турларига турли кўринишдаги валюталари ва бошқа ҳаракат даги ва кўчмас мулклар киради.

2. Бирламчи молиявий воситалар. Ҳосилавий молиявий воситалар.

Халқаро миқёсда амалиётда инвестицион бозор айрим ҳоллар да фонд бозори билан алмаштирилиб, инвестициянинг асосий формаси бу қимматли қоғозларга кўйилган инвестициялар тушунилади. Бизгача етиб келгани шуки,

инвестицион бозор кенгрок кўриб чиқилиб инвестицияланётган объектларнинг ҳамма формаларида худди бозор кўринишдагиси мавжуд.

Инвестицион бозорни кўриниши асосан 2 бўлинади:

-капитал бозори

-пул бозори

Молиявий бозор:

- халқаро кредитлар бозори;

- валюта бозори;

- қимматли қоғозлар бозори;

- суғурта ва пенсия фондлари бозори;

- ҳосилавий молиявий инструментлар бозори.

- кучмас ва ҳарактдаги мулклар бозори.

Қимматли қоғозлар бозори ёки фонд бозори деганда, фонд инструментлари билан савдо хусусида, ўз эгаларининг юқорида зикр этилган бозорлар молиявий товарларининг муайян бир турига бўлган мулккий эҳтиёжларини қондирувчи пул бозори ва капиталлар бозори йиғиндиси тушунилади.

Мазкур инвестицион бозорни инструментлари эса бозорлар бўйича қуйидагича туркумланади:

Халқаро кредитлар бозори:- бозорни инструментлари қуйидагилардан ибора:

-халқаро кредит ташкилотларини кредит ресурслари

-халқаро молия ва молиявий ташкилотларни жамғарма ва депозит сертификатлари

-халқаро кредит ташкилотларини жамғарма ва депозит сертификатлари

- ва бошқалар.

Валюта бозори- бозорни инструментлари:

-халқаро ҳисоб китоб учун қўлланиладиган чет мамлакатларнинг валюталари, бу бўлиши мумкин:

-нақдли ва нақдсиз(электрон пуллар) кўринишда

Қимматли қоғозлар бозори;- бозорни инструментлари:

-акциялар,

-давлат ва корхона облигациялари,

-давлатни казначей векселлари

-давлатни ҳазина мажбуриятлари

-бошқалар.

Суғурта ва пенсия фондлари бозори-бозор инструментлари:

-суғурта полислари

-пенсия фонди сертификатлари

-бошқалар.

Ҳосилавий молиявий инструментлар бозори-бозор инструментлари

-опцион ва фьючерс шартномалари

-варрант шартномалари

-бошқалар.

Кўчмас ва ҳарактдаги мулклар бозори –бозор инструментлари:

-бино ва иншоотлар

- машина ва техникалар
- бошқалар.

Фонд бозори давлат қимматли қоғозлар бозори ва корпоратив қимматли қоғозлар бозорларига бўлинади.

Фонд инструментлари (қимматли қоғозлар)нинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

- акциялар (оддий ва имтёзли, номли ва номсиз акциялар);
- акциялар ҳосилалари (сурогатлари), буларга депозитар тилхатлар киради: АДР, ЖДР, варрантлар, опцион ва фьючерслар, конвертация қилинадиган облигациялар;
- облигациялар, давлат ва корхона облигациялари;
- депозит ва жамғарма сертификатлари;
- векселлар ва чеклар.

Бундан ташқари, инвестицион бозорнинг инструментлари:

- ***даромад келтиришига кўра турларга бўлинади;***

- а) фиксирланган даромадли активлар
- б) фиксирланмаган даромадли активлар

3. Фирманинг инвестицион жозибadorлигини баҳолашда молиявий воситаларнинг роли.

ҚҚБ ҳар»кандай мамлакат молия бозорининг муҳим таркибий қисми бўлиб, бушу тизимда пул ресурсларининг тинимсиз ҳаракятлянишини таъминлайдиган воситачи ҳисоб ланади. Иқтисодий моҳиятига кура, ҚҚБ айрим жиҳат лари бир-бирига мос тушади, лекин уларни амалга ошириш усулига кура фарк қилади. Вактинча буш турган пул маблағларини бир жойга тўплаш на уларни инвестициялаш учуй кайта таксимлаш учун ҚҚБнинг асосий вазифяларидан бири *бўлиб* ҳисоб ланади.

Қимматли қоғозлар тушунчаси серқирра саналади, чунки унинг асосида ётадиган иқтисодий муносабатлар динамикаси юқори бўлиб, доимий раившда ривожланади ва ўзгариб туради, бу эса қимматли қоғозлар мавжуд бўлишининг барча янги шаклларида ўз аксини топади.

Мамлакат фанида қимматли қоғозлар моҳиятига бағишланган у ёки бу даражада чуқур тизимли тадқиқотлар мавжуд эмас. Қимматли қоғозларга берилган таърифларнинг кўпчилиги уларни мулкый ҳуқуқларни тасдиқлайдиган *ҳужжат* сифатида тушуниш билан боғлиқ. Қимматли қоғозлар моҳиятини таърифлаш ва тавсифлашдани ноаниқликлар туфайли республика қонун ҳужжатларида у ёки бу молиявий воситани қимматли қоғозлар тоифасига киритиш масалаларида қарама-қаршилиқлар ўринга эга.

Қимматли қоғозларни икки ҳил – иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан кўриб чиқиш мумкин. Бунда иқтисодий адабиётларда қимматли қоғозлар моҳиятини таърифлашда бир жиҳатнинг, юридик адабиётларда эса – бошқа жиҳатнинг устунлик қилиши кузатилади.

Бу нуқтаи назардан ва айниқса, жаҳон миқёсида фонд бозор номоддийлашувининг тобора кучайиб бораётганлиги сабабли қимматли

қоғозлар деганда ҳужжатли (бланк) ёки ҳужжатсиз (счётлардаги қайдлар) шаклларда тасдиқланадиган, қарз ёки акциядорлик капитали шаклида жалб қилинадиган маблағларни жалб қилиш, қайта тақсимлаш ва қайта тўлаш соҳасидаги мулкӣ ва улар билан боғлиқ номулкӣ ҳуқуқларни тушуниш лозим.

Умумий, барча қимматли қоғозларга ҳосбўлган белгилар билан бир қаторда, амалдаги республика қонунчилига кўра чиқарилиши мумкин бўлган ҳар бир қимматли қоғоз уни бошқа қимматли қоғозлардан жиддий фарқлайдиган, ўзига *ҳосетакчи белгиларга* ҳам эга бўлади.

Турли қимматли қоғозлар турли ўзига ҳосхусусиятларга ва турли таснифӣ белгиларга эга эканлиги сабабли уларни чиқариш ва муомалада бўлишини тартибга соладиган қонунчилик меъёрларини битта ҳужжатда юқори малакали бирлаштириш (ҳозирги пайтда ўринга эга бўлгани каби) жуда мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилади


Ўзбекистонда қимматли қоғозларнинг ҳар хил турлари дунёда чиқариладиган худди шундай қимматли қоғозлардан жиддий фарқ қилади ва ўзига ҳосаърифларга эга ҳисобланади. Масалан, акциялар фақат эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозлар сифатида, корпоратив облигациялар фақат очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари томонидан, Қимматли қоғозлар ҳосилалари – фақат эмитентнинг опционлари ёки қимматли қоғозлар фьючерси сифатида чиқарилиши мумкин. Тўлақонли қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, унинг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида биринчидан, республикада чиқарилаётган қимматли қоғозлар туларини кенгайтиришга, иккинчидан, қимматли қоғозларнинг ҳар бир тури ичидаги қимматли қоғозлар турларини кенгайтиришга (масалан, Қимматли қоғозлар ҳосилалари таркибига депозитар тилхатлар киритиш), учинчидан, қонун ҳужжатларида чиқариш рухсат этилган қимматли қоғозларни дадилроқ ўзлаштиришга интилиш зарур.

Ўзбекистон фонд бозорининг ёш эканлигига қарамай, унинг тарихида опционлар ва фьючерслар бўйича реал битимлар билан боғлиқ саҳифалар ўринга эга [59]. Бироқ 1996 йилдан бошлаб Ўзбекистонда Қимматли қоғозлар ҳосилалари чиқарилмаяпти.

Қимматли қоғозлар ҳосилалари қаторига анъанавий равишда депозитар тилхатлар ҳам киритилади. Қоидага кўра, ривожланган капиталистик мамлакатлар, чет эллик эмитентларнинг қимматли қоғозларини ҳарид қилиш орқали хорижий мамлакатлар инвестициялари учун пул маблағлари оқимини чеклашга интилиб, шунингдек, маҳаллий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз ҳудудида чет эллик эмитентларнинг қимматли қоғозлари эркин муомалада бўлишига йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар тўғрисида»ги Қонуни уларга нисбатан амал қиладиган барча қимматли қоғозларни мулкчилик муносабатларини акс эттириш билан боғлиқ (улушли) қимматли қоғозлар ва кредит муносабатларини акс эттирувчи (қарз) қимматли қоғозлари, шунингдек, Қимматли қоғозлар ҳосилаларига ажратиш мумкин (10.1.1-чизма).

Ғарбдаги айрим мамлакатларда акциядорлик жамиятлари белгиланган муддатга, масалан, 5 йилга ташкил этилиши, демак, шу муддатга акциялар чиқариши мумкин. Акциялар муддатсизлиги фақат собиқ иттифоқ ҳудудидаги мамлакатларда, хусусан, Ўзбекистон Республикасида чиқариладиган акцияларга ҳосбўлган хусусият ҳисобланади (10.1.2-чизма).




10.1.1-чизма. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ чиқариладиган қимматли қоғозлар таснифи

Бундан ташқари, қимматли қоғозларни давлат қимматли қоғозлари ва нодавлат қимматли қоғозларига мансублик белгиси бўйича таснифини кўриб чиқамиз (10.1.2-чизма).

2008 йилгача Ўзбекистонда чиқарилган акциялар «эгасининг номи ёзилган» ва «тақдим этувчига тегишли» турларга ажратилган. Хужжат шаклида чиқарилган эгасининг номи ёзилган акцияларда акция эгасининг исми ва фамилияси албатта кўрсатилган. «Тақдим этувчига тегишли» акцияларда акция эгасининг исми кўрсатилмаган. Бироқ охириги пайтларгача акцияларнинг катта қисми айнан эгаси кўрсатилган турда чиқариб келинган. «Тақдим этувчига тегишли» акцияларга ҳосбўлган хусусият шундаки, мулк эгасини алмаштириш акцияларни оддийгина бир кишидан бошқа кишига бериш йўли билан амалга оширилганлиги сабабли битим контрагентларининг кўпчилик мамлакатларда битим суммасининг маълум мбир фоизи микдорида харидорр ва сотувчдан

олинадиган қимматли қоғозлар билан операциялардан солиқ тўлашдан қочиши учун имконият мавжуд.



10.1.2-чизма. Муомала муддатига қараб қимматли қоғозлар таснифи

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестицион сиёсатнинг бош мақсади нимадан иборат?
2. Инвестиция сиёсатининг ривожланиш босқичлари нечта?
3. Ўзбекистон Республикасида инвестиция сиёсатини амалга ошириш тизимига нималар киради?
4. Давлат инвестицион сиёсати нечта йўналишга таянади?

Топшириқлар

1. Марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмалар тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Капитал қўйилмаларнинг аҳамиятини тўлиқ ўрганиш.

Масала

Инвестор «Истиклол» хусусий корхонасига янги лойиҳани амалга ошириш учун 75,0 млн. сўмлик инвестиция киритди. Лойиҳа 12 фоизлик ставка билан 7 йилга мўлжалланган бўлиб, ҳар йилги олинган фойдадан 25 %и инвесторга тўланилиши келишиб олинди. «Истиклол» хусусий корхонаси куйидаги кўрсаткичларга эга:

Йиллар	Инвестиция суммаси, минг сўм	Йиллик фоиз суммаси, минг сўм	Олинган даромад, минг сўм	Харажатлар, минг сўм	Фойда, минг сўм	Инвесторга тўланиши лозим бўлган сумма, минг сўм
1	75000,0		32000,0	28400,0		
2			33400,0	27300,0		
3			30500,0	27100,0		
4			36700,0	31550,0		
5			35200,0	32340,0		
6			35650,0	30050,0		
7			37600,0	33200,0		
Жами:	X		241050,0	209940,0		

Юқоридаги маълумотлардан фойдаланиб аниқланг:

1. Инвестициянинг 2-7 йиллар суммасини
2. Инвестициянинг йиллик фоиз суммасини
3. Корхона фойдасини
4. Инвесторга тўланиши лозим бўлган жами суммани.
5. Қисқача хулоса ёзинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.

2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломова Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.

3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.

4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.

5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.

6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.

7. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

10.2. Қимматли қоғозлар инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатида Режа

1. Қимматли қоғозлар инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатида. Инвестициялаш манбаларини шакллантиришда капитал ва ссуда бозорларининг роли.

2. Қимматли қоғозларни жойлаштириш эвазига молиялаштириш манбаларини жалб этиш. Акциядорлик капитали ҳисобига инвестиция фаолиятини молиялаштириш.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция фаолияти, молиявий восита, фойда, қимматли қоғоз, мақсадли тушумлар, акция, облигация.

1. Қимматли қоғозлар инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатида. Инвестициялаш манбаларини шакллантиришда капитал ва ссуда бозорларининг роли.

Агар корхона инвестиция фаолиятини молиялаштиришда ўз маблағлари етарли бўлмаса, бундай ҳолда, корхона маблағларни қимматли қоғозлар чиқариш ёки банк кредити орқали жалб қилиши мумкин. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг кенг тарқалган ва молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бўлиб, қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар чиқариш, инвестицияларни молиялаштиришда марказлашган маблағлар ва банк кредитларининг ҳиссасини пасайишига олиб келади.

Қимматли қоғозлар бозори ва кредит бозори, пул маблағларига эҳтиёжи бўлган тармоқларга (корхоналарга) пул маблағларини тақсимлаб корхоналарнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиради.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан ҳарид қилинадиган қимматли қоғозлар ичида кенг тарқалган тури акционерлик жамиятлари томонидан чиқариладиган акциялардир.

Акция - бу корхона мулкига акционерларнинг қўшган хиссасини тасдиқловчи ҳужжат. Акциялар бўйича даромадлар дивидент шаклида олинади. Акциялар чиқариш орқали зарур бўлган пул маблағлари жалб қилинади. Акционерлик капиталини шакллантиришда икки ҳил акция эмиссия қилинади: оддий ва имтиёзли акциялар.

Оддий акция — акционерлик жамиятини бошқаришни ҳуқуқини беради (акционерларнинг умумий йиғилишида қатнашиш, дивиденд олиш ҳуқуқи, жамиятни ликвидация қилаётганда акциялар қийматига тенг миқдорда корхона мулкани олиш). Барча оддий акцияларнинг номинал қиймати бир ҳил бўлиши лозим.

Имтиёзли акциялар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди, лекин унинг афзаллик томони шундаки, у акционерга олдиндан маълум бўлган, қатъий

белгиланган фоиз бўйичадаромад билан таъминланган бўлади. Даромад ҳажми акционерлик жамияти фаолият натижасига боғлиқ бўлмайди. Акционерлик жамиятлари очик ёки ёпиқ турдаги жамиятларга бўлинади. Очик турдаги акционерлик жамиятлари ўз акцияларини барча хоҳловчиларига ҳам, ёпиқтурдаги акционерлик жамиятлари фақат ўз ишчиларига сотиши мумкин. Мулкчиликнинг акционерлик шаклида корхонанинг ҳўжалик фаолияти натижаси учун акционерларнинг жавобгарлик маъсулияти ошади. Ишчиларнинг бўш пул маблағларини акцияларга жойлаштириши, уларнинг маблағларини инфляциядан ҳимояласа, бошқа томондан ишлаб чиқариш натижаси учун маъсулиятини оширади. Чунки ўзи бундан манфаатдор бўлади. Банк кредити учун албатта фоиз тўланиши шарт, корхонанинг молиявий натижасидан қатъий назар (фойда кўрдими ёки зарар). Акциялар (оддий акция) учун корхона фаолияти натижасига қараб акционерларга дивидент тўланади. Корхона зарар кўрса, дивидент тўламайди. Акционерлар йиғилиши қарорига биноан, ҳисобот йилида дивидентлар тўланмасдан корхона фаолиятини кенгайтиришга ёки бирор инвестицион лойиҳани молиялаштириш учун йўналтирилиши мумкин. Бундан ташқари акционерлик жамияти устидан давлат ва акционерларнинг назорат сифати ошади. Қимматли қоғозлар орқали зарур маблағлар банк кредитига нисбатан кўпроқ тўпланади. Акционерлик капитали нафақат пул шаклида, балки, техника, технологиялар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Лойиҳани молиялаштиришнинг қимматли қоғозлар эмиссия қилиш шаклининг ижобий томони шундаки, инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун асосий зарур молиявий ресурслар ёки бошқа ресурслар лойиҳани амалга оширишдан олдин ёки уни амалга ошириш жараёнида келиб тушади.

Ҳар бир лойиҳада молиялаштиришнинг турли ҳил шакллариининг оқибатларини тубдан баҳолаш лозим ва шундай молиялаштириш манбасини аниқлаш лозимки, унда ресурслар ва иқтисодий қайтим мос келсин, яъни:

- акционерлик капитали билан биргаликда қарзга олинган маблағлар ҳам инвестицион лойиҳани молиялаштириш манбаи бўлади.

- молия бозорларининг асосий вазифаси – жамғармаларни ишлаб чиқариш инвестицияларига йўналтиришдир. Молиявий бозорларсиз корхоналар ўз маблағларига таянишга мажбур бўлар эдилар, бу эса уни ривожланишини кескин чегаралиб қўяди.

в) *Инвестицион лойиҳани молиялаштиришнинг қарзга олинган манбаи бўлиб, банк кредитлари, ипотека ссудалари, суғурта компанияларидан олинган қарзлар ёки бюджетдан ташқари фондлардан олинган кредитлар ҳисобланади.*

Ушбу, молиялаштириш манбалари маълум муддатга қайтариш ва тўловлилик шартли асосида берилади. Инвестицион лойиҳаларни кредит асосида молиялаштиришнинг афзалроқ томони шундаки, фаолият юритаётган корхона учун модернизация, реконструкция ишлари ва керакли меъёрга ишлаб чиқариш қувватини таъминлашда, яъни корхона ишлаб чиқариш фаолиятни кенгайтирмоқчи бўлса, кредитдан фойдалангани маъкул, чунки, ишлаб турган корхона активлари ушбу кредитлар қайтарилишига гаров бўлиб ҳизмат қилиши мумкин.

Янги ташкил этилаётган корхона, ташкилотлар учун эса инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун, акционер капиталидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки янги ташкил этилган корхоналар учун банк кредитидан фойданиш юқори риск билан боғлиқ бўлиб, кредит олишда корхона уни қайтариш учун етарли даражада молиявий ресурслар билан ёки бошқа активлар билан таъминланмаган бўлиши мумкин, бундай шартларни янги корхона бажармаслиги сабабли, акционерлик капиталидан фойдаланадилар. Ликвидлик билан боғлиқ бундай вазиятларда янги корхона қийин вазиятларга тушиб қолади. Лойиҳа яхши баҳоланганда, ҳам, яхши техник асосланганда ҳам банклар юқори фоиз ставкасида кредит беришлари мумкин. Акционер капитали эса бундай муаммолар келтириб чиқармайди, аммо уни йиғиш анча мураккаб вазифадир, банк кредитлари эса бундан мустаснодир.

Инвестицион лойиҳаларни кредитлаш шarti, фоиз ставкаси ўзгариши билан лойиҳа иқтисодий кўрсаткичларларининг ўзгариши орасидаги муносабат билан аниқланади. Маълумки, фоиз ставкаси ўзгармас ва ўзгарувчан бўлади. Шу сабабли корхона инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда кредит олоқчи бўлса, у узоқ муддатли бўлса, у ҳолда ўзгармас фоиз ставкасидаги кредитдан фойдаланади.

Яхши асосланган лойиҳа учун қарз маблағлари олиш бир мунча осонроқ бўлади. Молиялаштириш жараёнини қарзга олинадиган маблағларни ҳажмини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади, бу кредит олишни кафолатлаши мумкин. Ушбу ссуда капиталини қуйидагиларга йўналтирилиши мумкин: асбоб-ускуналар харид қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, модернизация, реконструкция қилиш ва бошқаларга. Ссуда капиталини қуйидаги турларга ажратиш мумкин: айланма маблағларни ташкил қилиш мақсадида тижорат, банк ёки мол-етказиб берувчиларнинг турли ҳил шаклдаги кредитлари ёки миллий ва хорижий молиявий институтларининг узоқ муддатли кредитлари ҳисоб ига амалга оширилади.

2. Қимматли қоғозларни жойлаштириш эвазига молиялаштириш манбаларини жалб этиш. Акциядорлик капитали ҳисобига инвестиция фаолиятини молиялаштириш.

Корхоналар ўз инвестиция фаолиятини жалб қилинган маблағлар ҳисобига молиялаштириш учун бир қатор имтиёзлар жорий этилди, хусусан, “юридик шахс бўлган акциядорнинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав фондини (капиталини) кўпайтириш учун йўналтириш чоғида қўшимча акциялар қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олинган даромадлари (фойдаси) солиқ солиш объекти бўлмайди”.³³

Акциядан ташқари корхона облигация чиқариш йўли билан маблағларни жалб этади.

³³Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (1997 йил 24 апрелда қабул қилинган) . 16 модда, тўлдирилган 4-қисм, 2007 йил 23 июль. № ЎРҚ – 104.

Облигация - бу қарздорлик мажбурияти бўлганлиги сабабли акцияга нисбатан риск камроқ бўлади ва облигациялар шу сабабли акцияга нисбатан тезроқ сотилади. Бу эса корхонага зарур маблағларни бир мунча қисқа вақт ичида тўплаш имконини беради. Облигациянинг акцияга нисбатан rischi камроқ бўлганлиги сабабли, облигацияга тўланадиган фоиз акция бўйича дивидентга нисбатан пастроқ бўлади. Корхона учун эса акция чиқариш, облигация чиқаришга нисбатан қулайроқдир. Чунки фойда миқдорига қараб, дивидентни ўзгартириши мумкин, облигацияда эса фоиз қатъий белгиланган бўлади.

Аҳоли оддий акцияга нисбатан имтиёзли акция олишга қизиқади. Шундай экан, корхона имтиёзли акцияларини оддий акцияларга нисбатан тезроқ сота олади. Лекин имтиёзли акциялар номинал қиймати, жамият устав капиталини 20% идан ошмаслиги керак.

Айрим ҳолларда, акциянерлик капитали фақатгина бошланғич капитал қўйилмаларни қоплабгина қолмай, яна корхонанинг соф айланма маблағларга бўлган эҳтиёжининг катта қисмини қоплайди. Бу ҳолат одатда, корхонанинг молиявий ресурсларни фақат юқори фоиз остида олиш мумкин бўлган шароитдагина юз беради. Бу вазиятда депозитларга тўланадиган фоиз ставкалари ҳам жуда юқори бўлади, шунинг учун, корхона етарли ресурсларни ташкил қилиш учун инвестицион лойиҳа юқори даромадлиги ва ўзига жалб қилувчи бўлиши керак. Бошқа ҳолатларга нисбатан арзонроқ қарз ёки муддатли кредитлар олиш мумкин бўлган ҳолатда, лойиҳаларни ссудалар ёрдамида молиялаштиришга интилиш ўсади.

Ҳар қандай ҳолатда узоқ муддатли қарзлар ва акционер капитали ўртасида баланс тутиб туриш лозим. Қанчалик акционер капитали ҳиссаси юқори бўлиб, шунчалик қарз мажбуриятлари ҳиссаси кам бўлса, солиқ тўлагунга қадар фойда шунчалик юқори бўлади. Молиялаштиришда қарз мажбуриятлари ҳиссаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик, мажбуриятлар бўйича фоиз тўловлари юқори бўлади. Ўзбекистон Республикасининг 23 июль 2007 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ: “Корхоналарнинг облигациялари” деган сўзлар “Корпоратив облигациялар” деган сўзлар билан алмаштирилди (Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги Қонуннинг 5 – моддаси).

Корпоратив облигацияларни фақат очик акциядорлик жамиятлари аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси билан тасдиқланган ўз капиталининг облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги миқдори доирасида чиқаришлари мумкин.

Коорпоратив облигациялар чиқаришга фақат очик акциядорлик жамиятининг устав фонди тўлиқ тўланганидан кейин йўл қўйилади.³⁴

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни, Т.: 2007 й 23 июль № ЎРҚ – 104.

Ҳар бир лойиҳада молиялаштиришнинг турли хил шакллари оқибатларини тубдан баҳолаш лозим ва шундай молиялаштириш манбасини аниқлаш лозимки, унда ресурслар ва иқтисодий қайтим мос келсин, яъни:

- акционерлик капитали билан биргаликда қарзга олинган маблағлар ҳам инвестицион лойиҳани молиялаштириш манбаи бўлади.

- молия бозорларининг асосий вазифаси – жамғармаларни ишлаб чиқариш инвестицияларига йўналтиришдир.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестицион сиёсатнинг бош мақсади нимадан иборат?
2. Инвестиция сиёсатининг ривожланиш босқичлари нечта?
3. Ўзбекистон Республикасида инвестиция сиёсатини амалга ошириш тизимига нималар қиради?
4. Давлат инвестицион сиёсати нечта йўналишга таянади?

Топшириқлар

1. Марказлашган ва марказлашмаган капитал қўйилмалар тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Капитал қўйилмаларнинг аҳамиятини тўлиқ ўрганиш.

Масала

Инвестор «Истиклол» хусусий корхонасига янги лойиҳани амалга ошириш учун 75,0 млн. сўмлик инвестиция киритди. Лойиҳа 12 фоизлик ставка билан 7 йилга мўлжалланган бўлиб, ҳар йилги олинган фойдадан 25 %и инвесторга тўланилиши келишиб олинди. «Истиклол» хусусий корхонаси қуйидаги кўрсаткичларга эга:

Йиллар	Инвестиция суммаси, минг сўм	Йиллик фоиз суммаси, минг сўм	Олинган даромад, минг сўм	Харажатлар, минг сўм	Фойда, минг сўм	Инвесторга тўланиши лозим бўлган сумма, минг сўм
1	75000,0		32000,0	28400,0		
2			33400,0	27300,0		
3			30500,0	27100,0		
4			36700,0	31550,0		
5			35200,0	32340,0		
6			35650,0	30050,0		
7			37600,0	33200,0		
Жами:	X		241050,0	209940,0		

Юқоридаги маълумотлардан фойдаланиб аниқланг:

1. Инвестициянинг 2-7 йиллар суммасини
2. Инвестициянинг йиллик фоиз суммасини
3. Корхона фойдасини

4. Инвесторга тўланиши лозим бўлган жами суммани.

5. Қисқача хулоса ёзинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.

2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.

3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.

4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.

5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.

6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.

7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.

8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

11-мавзу. Инвестиция фаолиятини кредитлаш
11.1. Инвестиция фаолиятини кредитлаш зарурияти
Режа

1. Хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятини кредитлашнинг объектив зарурияти.

2. Инвестиция фаолиятини узоқ муддатли кредитлаш. Хўжалик юритувчи субъектлар айланма маблағларини кредитлаш хусусиятлари.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция фаолияти, хўжалик юритувчи субъект, фойда, кредит, мақсадли тушумлар, акция, облигация.

1. Хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятини кредитлашнинг объектив зарурияти

Инвестицияларни молиялаштириш айрим манбаларининг ўрни ва роли, кўп жиҳатдан, макроиктисодий мувозанат ҳамда ўсиш барқарорлиги, мулкчилик шакллари ривожланиш даражаси ва ўзаро нисбатлари, банк-молия тизимининг ривожланганлиги ва бошқалар билан белгиланади. Инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар қабул қилишда иқтисодиётнинг молия секторининг ривожланишидаги объектив шарт-шароитларни, инвестиция қарорларини қабул қилишга аниқлик киритадиган ва таъсир кўрсатадиган молиявий воситачилик даражасини, улардан фойдаланиш воситалари ҳамда механизмларини ҳисобга олишга тўғри келади.

Инвестицияларни молиялаштиришда банк кредити иштирокини мавҳум тарзда, иқтисодиётда жорий этилган ҳуқуқий меъерлар ва ўтказилаётган инвестиция сиёсатидан, инвестиция фаоллиги даражаси, молиялаштиришда қўлланиладиган механизмлардан, амалдаги солиққа тортиш талабларидан, кафолатлар ва имтиёзлар тизими ва банк-молия инфратузилмасининг ривожланганлик даражасидан айри ҳолда баҳолаб бўлмайди. Иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестицияларни молиялаштириш манбаи тарзида банк кредитининг роли, асосан, жамғармаларнинг ўсиш суръатлари, пул, валюта ҳамда капитал бозорларининг ҳолати билан аниқланади ва белгиланади. Молиявий воситачилиқда рақобат муҳитининг мавжудлиги ва умуман Марказий банкнинг пул-кредит, фойиз сиёсати ва банк институтлари стратегияси аниқловчи омиллар сифатида қаралади.

Бу жиҳатдан жами инвестиция фаолияти самарадорлигини оширишдаги бош йўналиш молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, қайтарилмаслик шarti билан бюджет ҳисобидан молиялаштиришдан инвестицияларни кредитлашга ўтишдан иборат. Банк кредити эвазига маблағ ажратишда эҳтимоли бўлган жами рисклар бир қадар тўлиқроқ ҳисобга олинади, уларни камайтириш йўллари белгиланади, кредитни қайтариш муддатлари, манбалари ва уларнинг фойизларини тўлаш чора-тадбирлари кўрилади.

Ссудаларнинг олдиндан белгиланган муддатларда қайтарилиши мажбурийлиги ва кредитнинг тўловлиги асосий капиталга сафарбар этиладиган инвестициялардан оқилона фойдаланишга қўмаклашади ва қарз воситаларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтидаишга тушириш ва ўзлаштириш масъулиятларини оширади. Иқтисодий асосланган ҳолда инвестицияларни кредитлашни ташкилқилиш уларнинг самарадорлигини кўтаришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Биринчидан, кредитнинг иштироки капитал сарфларни иқтисодий субъектлар фаолиятининг пировард иқтисодий йўналишлариғаузвий боғланишини таъминлашга ёрдам беради ва ўз навбатида, лойиҳавий қарорларининг энг тежамкорвариантларини танлашдан манфаатдорликни таъминлайди.

Иккинчидан, қарзнинг асосий миқдорини ва убўйича фоизларни қайтариш манбаи бўладиган фойдаани ўстириш имкониятларини фаол излашни рағбатлантиради. Шу билан бирга, лойиҳаларни молиялаштириш учун банк кредитларини бериш, банк, кредит, фоиз ва бошқа рискларни, кредит ресурсларини қайтармаслик рискларини кўпайтиради. Бу эса банкларни ҳар томонлама ўйланган, «етти ўлчаб, бир кесилган» қарорлар қабул қилишга мажбур қилади. Банк кредитининг лизинг кредити каби муқобил шаклини қўллаш унинг таъминланганлик тамойилини кафолатлайди.

2. Инвестиция фаолиятини узок муддатли кредитлаш. Хўжалик юритувчи субъектлар айланма маблағларини кредитлаш хусусиятлари.

Ҳозирги кунда кўпгина тижорат банклари узок муддатли кредитлаш жараёнини ўзларининг ички кредит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда мустақил амалга оширадилар.

Узок муддатли кредитлар - ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадлар учун мўлжалланган объектларни, қурилиш, реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлашга оид харажатлар билан боғлиқ капитал қўйилмаларни молиялаш, техника, технологиялар ва ускуналарни ҳарид қилиш, асосий чорва, кўп йиллик ўсимликларни шакллантириш, шунингдек, бошқа инвестиция мақсадлари учун мўлжалланган кредитлардир.

Узок муддатли кредит - 1 йилдан ортиқ, бироқ қолаш муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга бериладиган ссудалардир.

Узок муддатли кредитлар билан хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, юридик шахсни ҳосил қилмаган деҳқон хўжаликлари таъминланадилар.

Кредитлаш учун қуйидаги шартларнинг бажарилиши чоғида ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган объектларнинг, шунингдек, қуйидаги объектларнинг қурилиши, реконструкциялаш ва техник қайта жиҳозлаш объектлари қабул қилиниши мумкин:

- амалдаги тартибга мувофиқ келишилган экспертиза қилинган ва тасдиқланган, лойиҳалаш-смета ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда тасдиқлар билан таъминланган;

- қурилиш барча турларининг, унинг мулкчилик усули ва шаклларида қатъий назар, юритилишига оид Давқўмархитектқурилиш қўмитаси назорати ёки унинг маҳаллий инспекцияларининг ёзма рухсатномаси бўлган ҳолларда;
- технологик ускуналар ва хом ашёнинг етказиб берилишига оид шартномалар билан таъминланган;
- давлат экология экспертизасининг хулосаси;
- шартнома баҳолар ведемости;
- қурилиш учун ажратилган ҳудудга шартнома;
- инфляция жараёнларини ҳисобга олган ҳолда пудрат ишларига оид контрактлари билан таъминланган;
- қарз олувчи томонидан тақдим этилган иқтисодий қоплашга оид ҳисоб-китобларнинг банк экспертизаси билан таъминланган объектлар.

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон Қарорида (тегишли иловалари) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги Фармонида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251 - сонли Қарорида назарда тутилган барча меъёрий-ҳуқуқий талаблар ҳисобга олиниши зарур.

Банклар ушбу қоидалар доирасида кредит ресурслари ёки қарз (заём) маблағларидан самаралироқ фойдаланишни таъминлаган ҳолда қарз олувчилар билан муносабатларини тартибга соладилар, шунингдек, кредитлаш объектининг, кредит ёрдамида амалга оширувчи тадбирларнинг самарадорлигини аниқлаш билан боғлиқ барча масалаларини мустақил равишда ҳал этадилар. Узоқ муддатли кредитнинг қайтарилишини таъминлашнинг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ҳукумат кафолатлари;
- мол-мулк гарови;
- банклар, бошқа кредит муассасалари ва суғурта ташкилотларининг кафолатлари;
- учинчи шахслар кафиллиги;
- қонунчиликка мувофиқ фаолият юритувчи суғурта компаниялари томонидан берилган суғурта полиси (гувоҳномаси) билан тасдиқланган кредитнинг қарз олувчи томонидан сўндирилмаслиги (риск) хатарининг суғурта қилиниши.

Кредитни расмийлаштириш жараёни ўз ичига:

- а) кредит олишга оид буюртманоманинг кўриб чиқиши ва бўлғуси қарз олувчининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш мақсадида унинг ўрганилишини;
- б) қарз олувчининг молиявий ҳолати таҳлилини ва кредитга баҳолашни;
- в) кредитланаётган лойиҳанинг комплекс экспертизасининг ўтказилишини;
- г) кредит шартномасини расмийлаштириш ва тузишни олади.

Бунда:

- (а) ва (б) бандларида кўрсатилган кредит буюртманомасини кўриб чиқиш муддати банк қарз олувчига кредит буюртманомасига ёзма хулоса берадиган 5 банк иш кунидан ошмаслиги керак;
- ҳўжалик юритувчи субъектларнинг кредит сўраб тақдим этилган

хужжатлар тўплами ва аризалари туман банк бўлимлари кредит комиссияси томонидан аризалар келиб тушган кундан бошлаб 10 кундан ошмаган, вилоят кредит комиссияси томонидан 15 кундан ошмаган муддатда ва Марказий идора кредит кўмитаси томонидан 30 кун давомида кўриб чиқилиб, кредит бериш ёки бермаслиги тўғрисида ёзма равишда хулоса беришлари лозим бўлади (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларига ва Марказий банкнинг тегишли меъёрий хужжатлари асосида кўриб чиқиш муддати ўрнатилган инвестиция лойиҳалари бундан мустасно).

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш нима?
2. Лойиҳавий молиялаштиришнинг қандай тамойиллари мавжуд?
3. Лойиҳаларни баҳолашда, унинг ишончлилигини таъминловчи қандай мезонларни биласиз?
4. Риск даражасига қараб, лойиҳавий молиялаштириш қандай турларга бўлинади?

Топшириқлар

1. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Кўлами бўйича лойиҳавий молиялаштириш турларини тўлиқ ўрганиш.
3. Риск даражасига қараб, лойиҳавий молиялаштириш турларини ўрганиб чиқиш.

Масала

Тадбиркор 10 йилдан кейин кам таъминланган оилалар болаларига катта тўй қилишни мақсад қилиб қўйди. Бу тўй учун 40,0 млн. сўм кераклигини ҳисоб – китоб қилиб чиқди.

Шу суммага 10 йилдан кейин эришиш учун 20% лик ставка билан бугун қанча инвестиция керак?

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

11.2. Инвестиция фаолиятини кредитлашни расмийлаштириш Режа

1. Инвестиция фаолиятида ипотека кредити. Кредитни расмийлаштириш тартиби. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичлари.

2. Инвестиция фаолиятини кредитлаш фоиз сиёсати. Асосий қарз ва ундан фойдаланганлик учун тўланадиган тўловни ундириш тартиби. Кредитдан фойдаланиши устидан банк мониторинги.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция фаолияти, хўжалик юритувчи субъект, фойда, кредит, мақсадли тушумлар, ипотека кредити.

1. Инвестиция фаолиятида ипотека кредити. Кредитни расмийлаштириш тартиби. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичлари.

Замонавий шароитда ипотека кредитлари, биринчи навбатда, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга, аммо афсуски у энди «оёққа туриш» йўлидадир. Ривожланган давлатларда юқори даражада бўлган ипотека кредитлари бозор иқтисодиётининг, хусусан, инвестиция фаолиятининг муҳим элементи ҳисобланади.

Ипотекада икки хил тушунча мавжуд: гаров ва ипотека.

Гаров-мажбуриятларни таъминлаш усули эса шартнома ёки қонундан келиб чиқади. Кредитор гаров берувчи қарздор мажбуриятини бажармаган ҳолда, гаровга қўйилган мулкни сотиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ипотека гаров турлилиги, ссуда олиш мақсадида, айнан кўчмас мулкни (асосан, ер қурилишини) гаровга қўйишдир.

Ипотека учун қуйидагилар ҳарактерлидир:

А) Мулк гарови битта мулкни гаровга қўйиб иккинчи, учинчи марта ипотека ссудаларини олиш имконияти мавжудлиги; давлат ва маҳаллий идоралар юритиладиган ер китобларида гаровни рўйхатга олиш мажбурийлиги. Қарздорнинг тўловга лаёқатизлилиги ҳолатида гаровни рўйхатдаги навбати бўйича уни реализациясидан тушган тушум ҳисобидан кредитор талаби қондирилади.

Б) Гаров предмети фақат бирор бир нарса бўлмасдан, балки якка мулкый ҳуқуқ ва талаблар ҳам бўлиши мумкин. Фуқароларнинг мулклари, бундан, мустасно. Чунки, амалиётда уй-жойни гаров объекти сифатида олиш мумкин бўлмайди. Чунки, у кўп муоммани келтириб чиқаради. Шунинг учун амалиётда бу усул унчалик кўп қўлланмайди.

Ипотека кредитлари қуйидаги хусусиятларга эга:

-ипотека кредити-қатъий белгиланган гаров асосидаги ссуда;

-кўпгина ипотека ссудалари қатъий мақсадли вазифага эга;

-улар қурилиш, уй-жой ва ишлаб чиқариш биноларини қайта таъмирлаш, шунингдек, ер майдонларини ўзлаштиришни молиялаштириш учун фойдаланилади.

Ғарбда уй-жой ипотека кредитлари кенг тус олган, АҚШ да улар жами кўчмас мулк остидаги ссудалар жами ҳажмининг 60%идан ортиғини ташкил қилади, яъни:

- ипотека кредитлари узоқ муддатга берилади, одатда 10-30 йилга. Ипотека кредитини

олишда «заклодной» махсус кредит битими ҳисобланади. «Заклоднойлар» иккиламчи бозорда муомалада бўлиб, унинг вазифаси кредитлаш учун доимий ресурслар оқимини таъминлаш ва кредит ресурсларига эҳтиёж сезувчи ҳудудларга, тармоқларга маблағларни йўналтиришни таъминлашдир.

Ипотека иқтисодий инқирозни енгишга икки хил йўл билан таъсир қилади:

- ипотека бизнесининг ривожланиши иқтисодиётнинг реал секторини ривожланишига таъсир қилади, қурилиш комплексидаги, қишлоқ хўжалигидаги ва бошқа тармоқдаги ишлаб чиқаришни тушиб кетишини тўхтатади. Бу уй-жой бозори ва фермер хўжалигининг ривожланиши билан боғлиқ.

- ипотека кредитларининг ривожланиши иқтисодий инқироз сабаб бўлган, жамиятдаги тангликни енгишга ижобий таъсир кўрсатади.

Ипотека кредитлари нисбатан кам рисклари билан банк операцияси ҳисобланади. Ипотека кредитлари рискнинг катта қисми қарздор ва инвестор зиммасига юкланади.

Кредитни расмийлаштириш тартиби кредит олишга оид буюртманомани кўриб чиқишдан бошланади. Кредит буюртманомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- қарз олувчи тўғрисидаги маълумотлар (ташкилий-ҳукукий шакл, муассислар фаолиятининг асосий тури ва ҳ. к.);

- сўралаётган сумма ссуданинг белгиланиши ва лойиҳанинг мақсади;

- кредит бериш мудсати;

- актив суммаси билан сўраб олинadиган кредит суммаларининг ўзаро мувофиқлиги;

- кредитлаш объектининг қолаш муддати;

- кредит ва унга оид фоизларни ҳисоблаш ва сўндириш муддатлари;

- агар кредит қимматликлар гарови остида берилаётган бўлса,

кредитни таъминлаш сифатида гаровга қўйилаётган қимматликлар тўғрисидаги маълумотлар;

- қурилиш бўйича қурилиш ишларига маҳаллий ҳокимият органлари рухсат беришига оид ҳужжатлар;

- зарурат тугилганда банк инвестиция лойиҳасининг амалга оширилишини ва қарз олувчини тўловга қобиллигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни ҳам талаб қилиши мумкин. Бунда қарз олувчининг кредитга қобиллиги тўғрисидаги хулоса банкнинг тегишли бўлинмаси томонидан корхона

- корхонанинг қарз маблағлари тўғрисидаги маълумотлар;

- корхонанинг бошқа банкларда очилган банк ҳисоб рақамлари ҳақидаги маълумотлар,

- корхонанинг бошқа корхоналарнинг капиталида қатнашиш ҳақида маълумотлар.

Агар молиявий ҳолат, кредитланаётган лойиҳанинг кредитга қобиллигини баҳолаш ва комплекс экспертиза қилинишини ўтказишни баҳолашни таҳлил қилиниши учун ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган объектларнинг қурилиши, қайта таъмирланиши ва техник жиҳатдан қайта жиҳозланиш кредитлаш объекти бўлиб ҳисобланса, қарз олувчи банкка қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

1) белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳанинг техник иқтисодий асосланмаси ва лойиҳалаш смета ҳужжатлари;

2) қурилиш қийматининг йиғма молиявий смета ҳисоб-китоблари;

3) қурилишнинг белгиланган тартибда тасдиқланган, йиллар бўйича бўлиб юборилган ҳолдаги манзиллар рўйхати;

4) бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб шакллари кўрсатилган ҳолдагижами қурилиш даврига бўлган пудрат шартномалари;

5) техник ускунани етказиб беришга оид контракт лойиҳаси;

6) Давқумархитектқурилиш қўмитаси назорат экспертизаси хулосаси ва лойиҳалаш ҳужжатлари бўйича давлат экологик экспертизаси хулосаси;

7) қарз олувчининг сўнгги 3 йил учун, унинг кредитга қобиллигини аниқлаб олиш учун (юридик шахслар учун) молиявий ҳисоботлари (молиявий ҳисоботнинг 1, 2, 2"а", 3,4, 5 сон шакллари), кредитнинг таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, объект жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчй, янғидан бошланаётган молиявий ҳисоботини кўриб чиқиш йўли орқали энг камида сўнгги 3 йил учун бўлган даврдаги асосий молиявий кўрсаткичларни таҳлил этиш асосида берилади?)

Кредитланаётган лойиҳанинг комплекс экспертизаси қарз олувчи томонидан тақдим этилган қуйидаги маълумотлар таҳлиliga асосланади:

- техник экспертиза ўтказишдаги, яъни лойиҳада фойдаланиладиган ускуналар, асбоблар ва шу кабилар технологиялари ва техник тавсифларини ўрганилиши;

- маркетинг тадқиқотлари ва ахборот таъминотининг ўтказилиши, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талаб ва таклифнинг ўрганилиши, рақобатчилар ва лойиҳа маҳсулотининг ҳаракатланиш омилларини таҳлил қилиниши;

- молиявий иқтисодий экспертиза ўтказилиши, лойиҳанинг татбиқ этилиши, пул маблағлари оқимини лойиҳалаштирилиши ва молияллаш чизмаларини танлаш бўйича тавсияларни берилишини иқтисодий жиҳатдан мувофиқлиги таҳлили;

- хатарларни баҳолашнинг ўтказилиши ва лойиҳага таъсир этувчи (рисklar) хатарларни пасайтириш омилларини ишланмалари;

- қарз олувчи ва гаров таъминоти асосий фондларининг баҳоланишини, яъни бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа объектлар қийматининг баҳоланиши ва таҳлил қилинишининг ўтказилиши;

- капитал харажатлар қиймати ошишини реал кўрсаткичлар базасида шартнома нархларини тўғри баҳолаш;

- тегишли келишувлар билан тасдиқланган Ўзбекистондан ташқарида ускуна ва материалларни сотиб олиниши масалаларини ишлаб чиқиш ҳолати,

ускуналарни етказиб берувчилар билан шартномаларнинг мавжудлиги, маблағларнинг эркин алмаштириладиган валютада ундириб олиш борасида унинг тўланиши масалаларининг мавжудлиги;

- ускунанинг етказиб берилиши ва уларнинг монтаж қилиниши билан ишларни ва ишлаб чиқариш жадвалларидаги боглиқлик;

- лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплашига таъсир этувчи бошқа омилларни ўрганилиши.

Курилиш объектларининг ҳукумат кафолати остида кредитланиши курилиш пудрати шартномалари бўйича молиялашлар фақат қарз олувчилар томонидан пудрат ташкилотлари ўртасида тузилган объектларнинг курилиши чоғида мажбурий суғурталаш ҳақидаги суғурта полиси ва шартноманинг нотариал тасдиқланган нушасидан банкка берилиши чоғидагина очилади.

Жами ҳужжатлар пакетини таҳлил қилиб бўлгач, кредитлаш бўлими банкнинг кредит қўмитасига кредитлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ёки бўлмаса кредит беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқилиши ва чиқарилиши учун ҳулосани тақдим этади.

Кредит қарорларидан сўнг банк қарз олувчи билан кредит шартномасини имзолайди.

Кўриб чиқиладиган объектлар (корхоналар)нинг раҳбарияти билан кредит шартномаларини тузишга йўл қўйилмайди.

Кредит шартномаси банк билан қарз олувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асоси бўлиб ҳисобланади, олинган кредитлар, комиссиялар уларга оид фоизлар ва пенялар бўйича агар шартноманинг ўзида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, улар имзолаган вақтдан бошлаб амал қилади.

2. Инвестиция фаолиятини кредитлаш фоиз сиёсати. Асосий қарз ва ундан фойдаланганлик учун тўланадиган тўловни ундириш тартиби. Кредитдан фойдаланиши устидан банк мониторинги.

Инвестицияларни молиялаштиришда банк кредити иштирокини мавҳум тарзда, иқтисодиётда жорий этилган ҳуқуқий меъерлар ва ўтказиладиган инвестиция сиёсатидан, инвестиция фаоллиги даражаси, молиялаштиришда қўлланиладиган механизмлардан, амалдаги солиққа тортиш талабларидан, кафолатлар ва имтиёзлар тизими ва банк-молия инфратузилмасининг ривожланганлик даражасидан айри ҳолда баҳолаб бўлмайди. Иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестицияларни молиялаштириш манбаи тарзида банк кредитининг роли, асосан, жамғармаларнинг ўсиш суръатлари, пул, валюта ҳамда капитал бозорларининг ҳолати билан аниқланади ва белгиланади. Молиявий воситачиликда рақобат муҳитининг мавжудлиги ва умуман Марказий банкнинг пул-кредит, фоиз сиёсати ва банк институтлари стратегияси аниқловчи омиллар сифатида қаралади.

Банк муассасаси ўз назоратини олиб бориш учун:

- 1) Капитал қўйилмалар ҳажми ва структураси тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак;

- 2) Ишга тушириладиган курилиш;

- 3) Молиялаштириш манбаи;
- 4) Проект смета ҳужжатлари тўғрисидаги.

Ушбу талаблардан банк келиб чиқадиган асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 1) Капитал қўйилмалар тўғрисидаги аниқ маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш;
- 2) Капитал қўйилмалар соҳасида банкларнинг ўз функцияларини бажаришларини ҳамда капитал қўйилмаларнинг ҳаракатларини ҳарактерловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш нима?
2. Лойиҳавий молиялаштиришнинг қандай тамойиллари мавжуд?
3. Лойиҳаларни баҳолашда, унинг ишончлилигини таъминловчи қандай мезонларни биласиз?
4. Риск даражасига қараб, лойиҳавий молиялаштириш қандай турларга бўлинади?

Топшириқлар

1. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Кўлами бўйича лойиҳавий молиялаштириш турларини тўлиқ ўрганиш.
3. Риск даражасига қараб, лойиҳавий молиялаштириш турларини ўрганиб чиқиш.

Масала

Лойиҳанинг қиймати 800,0 млн. сўм, муддати 7 йилга мўлжалланган. Фоиз ставкаси 16%. Қуйидаги пул оқимига эга:

- 1–3 йилда 350,0 млн. сўм.
- 4–5 йилда 300,0 млн. сўм.
- 6–7 йилда 320,0 млн. сўм.

Ушбу маълумотлар асосида лойиҳанинг жорий қийматини ва унинг қайси йилда қопланишини аниқланг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 б.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломова Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.

5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

12-мавзу. Инвестицияларни молиялаштиришнинг лизинг механизми

12.1. Лизингнинг мазмуни, моҳияти ва турлари

Режа

1. Лизингнинг иқтисодий табиати, мазмуни ва моҳияти. Лизинг турлари.
2. Лизинг кредити - асосий капиталга қаратилган инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатида.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунининг мазмун-моҳияти.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция фаолияти, лизинг, молиявий лизинг, тезкор лизинг, лизинг кредити.

1. Лизингнинг иқтисодий табиати, мазмуни ва моҳияти. Лизинг турлари.

Европа лизинг компаниялари уюшмалари федерациясининг таърифига кўра, лизинг деганда ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш учун асосий ишлаб чиқариш воситаларини, шунингдек бошқа товарларни ижарага олиш тушунилади. Айни вақтда лизинг битимига кўра лизинг берувчи битим охиригача мулкчилик ҳуқуқини сақлаб қолади.

Иқтисодий адабиётларда “лизинг — шунчаки ижара тўғрисидаги кенгайтирилган шартнома” ёки “лизинг — ижара муносабатларининг алоҳида тури” ёхуд “бугун ижара муддати давомида ижарачининг мулкчилик ҳуқуқи сақланиб қоладиган ижара шартномаси”³⁵ деган фикрларнинг тарафдорлари бор. Бундай таърифларда аввало лизингнинг мақсади, ижарага берувчининг мулкчилик ҳуқуқи сақланиб қолиши таъкидланади, лизинг мол-мулкни қўлга киритувчи томон аниқланади, ижара муносабатлари қайд этилади. Шу билан бирга бу таърифларда тадбиркорлик фаолиятини молиялаш-тирришнинг алоҳида усули бўлган лизингнинг иқтисодий табиати ва мазмуни акс этмайди. Мазкур таърифларда битимнинг ўзига ёки ижара муносабатларининг шаклига зўр берилади-ю, аммо унинг мазмуни, моҳияти очиб берилмайди.

Мамлакатимиздаги ва хорижий адабиётларда лизингнинг бошқа таърифлари ҳам учрайди³⁶.

³⁵Ричард Брейли, Стюарт Майерс. Принцип корпоративных финансов: Б 87. Пер. с англ. - М.: ЗАО "Олимп - Бизнес", 1997. - 1120 б. Л 715- 732 бетлар; Козлова Е.П. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. - М.: Финансы и статистика. 1996. - 432 б.; Банки и банковские операции: Учебник для ВУЗов\ Е.Ф. Жуков, -М.: Банки и биржи "ЮНИТИ",1997.; Европейская федерация национальных ассоциаций по лизингу оборудования.

³⁶ Прилуцкий Л.Н. Лизинг. Правовые основы лизинговой деятельности в Российской Федерации. - М.: Изд-во "Ось", 1996, 128 б.; Бернар И., Колли Ж. - К. Толкование экономического и финансового словаря. Французская, русская, английская, немецкая, испанская терминология: в 2-х тт.-ТЛ: Пер. с фр.- М.: Международные Отношения, 1994. - 784 б. Л-507 б; Роуз Питер С. Банковский менеджмент. Пер. с англ., со 2-го изд. -М.: "Дело Лтд", 1995.- 768с. Л — Г73 в.; Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами: Пер. с англ./ Гл. ред. Серии Я. В. Соколов. - М.: Финансы и статистика,

Айрим иқтисодчиларининг ҳисоблашича лизинг кўчар ва кўчмас ускуналарии ижарачига сотиш имкониятини берадиган ва уни ижарага олиш шартномасини кўзда туғадиган профессионал кредитнинг бир туридир³⁷. Адабиётларда айрим муаллифлар лизингни узоқ муддатли ижара деб билиб, ижарачиининг ижарага олинган мол-мулкни опцион бўйича сотиб олиш мумкинлиги каби ҳуқуқий муносабатлар мавжудлигини таъкидлайдиларлар. Сотиб олиш ҳуқуқини берадиган ёки бермайдиган, мол-мулкни ижарачи ихтиёрига топшириш ҳуқуқини берадиган кредитлаш шакли деб ҳисоблайдиган таърифлар ҳам учрайди³⁸.

Лизингга берилган бу таърифларнинг муаллифлари ижарага бериш жараёнида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларнинг тафовутларини айтиб ўтадилар, лизинг мулкига эгалик қилиш ҳуқуқини ундан фойдаланиш ҳуқуқидан фарқлайдилар, уни опцион асосида қўлга киритиш (сотиб олиш)нинг афзалликларини кўрсатишга интиладилар.

Айрим нашрларда лизинг ва ижара тушунчалари ўртасига тенглик белгиси қўйилади ва лизинг ер участкаси, бино, иншоот, асбоб-ускунадан, одатда, рента шаклидаги тўлов эвазига фойдаланиш ёки уларни қарзга олиш ҳуқуқини бериш тарзидаги «шакл» деб таърифланади³⁹.

Иқтисодий адабиётларда лизингнинг шундай таърифлари учрайдики, унда ижара муносабағлари билан айна бир вақтда ресурсларни қарзга олиш манбаларини жалб қилиш назарда тутилади⁴⁰. Лизингнинг бу таърифларида унинг мазмунига инве стициялаш учун қўшимча ресурс манбаларини излайдиган ижарачи нуктаи назаридан бир томонлама ёндашилган. *Аслида эса, лизингнинг иқтисодий табиати, опционни вужудга келиши, қарз олиш муносабатлари пайдо бўлиши, қарор топиши ва ривожланиши заруратидан келиб чиқади.*

Шундай қилиб олимлар ва мугахассислар лизингнинг моҳиятини таърифлаш хусусида ҳозирча бир фикрга келганлари йўқ. Шунинг натижасида назария ва амалиётда лизингнинг мазмуни ва роли турлича талқин этилмоқда.

1996,-с: ил. - (Серия По бухгалтерскому учету и аудиту) Л 557-582 б.; Горемыкин В.А. "Лизинг. Практическое учебно-справочное пособие". - М.: ИНФРА-М, 1997.

³⁷Бернар И., Колли Ж.-К. Толковый экономический и финансовый словарь. Французская, русская. английская, немецкая, испанская терминология: в 2-х тт. - ТЛ: Иер. с фр. — М.: Международные отношения, 1994. - 784 с. Л - 507 б.

³⁸Прилуцкий Л.П. Лизинг. Правовые основы лизинговой деятельности в Российской Федерации.: Изд-во «Ось», 1996, 128 б. Банковское дело: Учебник / Под ред. Проф. В.И. Колесникова, проф. Л.П. Кроливецкой. - М.: Финансы и статистика, 1995, - 480-с.: л-289-307-6.

³⁹Розенберг Дж. М. Инвестиции: Терминологический словарь. М.: ИНФРА -М, 1997.-400-6 - (Библиотека словарей ИНФРА - М). Л-182 б.; Розенберг Дж. М. Словарь банковских терминов. М.: «ИНФРА- М», 1997; Доунс Дж, Гудман Дж. Эллиот. Финансово-инвестиционный словарь. М.: «ИНФРА-М», 1997. Ричард Брейли, Стюарт Майорс. Принципы корпоративных финансов: Б 87 Пер. с англ. - М.: ЗАО «Олимп – Бизнес», 1997 - 1120-6. Л 715 - 732-6, ВанХорн Дж. К. Основы управления финансами: Пер. с англ./ Гл. ред. Серии Я. В. Соколов. М.: Финансы и статистика, 1996.- с: ил. Л 557-582

⁴⁰Бланк И.А.. Инвестиционный менеджмент - Киев, М П «ИТЁМ» ЛТД, «Юнайтед Лондон Трейд Лимитед», 1995 - 448 б. Л - 408 б. Райзберг Б.А. Экономическая энциклопедия для детей и взрослых. М.: АОЗТ «Нефте-химинвест»; 1995.; Федоров Б.Г. Англо-русский толковый словарь валютно-кредитных терминов. М.: «Финансы и статистика», 1992.

Лизинг моҳиятини қуйидаги ибора орқали ифода этса бўлади: "Бойлик, мол-мулкка эгалик қилишдан эмас, балки ундан фойдаланишдан иборат бўлади", - мазкур жумла лизингнинг асосий ғоясини тўлиқ намоён этади. Корхона ёки тадбиркорга ишлаш ва даромад топиш учун мол-мулкка эгалик қилиш шарт эмас, балки муайян муддат давомида ундан фойдаланишнинг ўзи кифоядир. Бу айниқса асбоб-ускунани мўл қилиб сотиб олиш молиявий имкониятлар чекланган корхоналар учун муҳимдир. Лизинг механизми бундай корхоналарга асбоб-ускунадан муайян муддат давомида мақбул миқдордаги лизинг тўловлари эвазига фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш имкониятини беради. Шунингдек, ушбу асбоб-ускунадан фойдаланиш муддати тугагандан сўнг, уни корхонанинг мулкига ўтказиш имконияти ҳам мавжуд.

Инглиз тилида тезкор ва молиявий лизинг тушунчалари мавжуд. Бизнинг қонунчиликка кўра оператив лизинг "ижара" деган маънони англатади, молиявий лизинг эса молиявий ижара ёки лизинг маъносини англатади. Шунинг учун "лизинг" атамаси бизнинг шароитларда молиявий лизингни англатади.

Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, лизинг - муайян товарга бўлган мулкчилик ҳуқуқини учинчи шахс учун сотиб олиб, уни қисқа, ўрта ёки узоқ муддатли даврга ижарага берадиган ихтисослашган лизинг компанияси воситачилигида асосий фондларга капитал қўйилишини молиялаштиришнинг ўзига хос шаклидир. Лизингнинг бу таърифида, биринчидан, лизинг молиялаштиришнинг ўзига хос шакли деб таъкидланади. Иккинчидан воситачи учинчи шахс учун мулкчилик ҳуқуқини қўлга киритади деб, ва учинчидан ижара муносабатлари мавжуд, деб даъво қилинади. Бу таърифда лизинг қатнашчиларининг функцияларини кўрсатишга ҳаракат қилинган, яъни мулкни қўлга киритишни молиялаштириш, мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиш, ижарага топшириш эканлиги содир этилиши ўринишлари кўрсатилади. Ҳуқуқ нуқтаи назаридан олганда бу таъриф бирмунча даражада мантиқий бўлса ҳам, аммо учинчи шахс учун ижарага топшириш билан бирга мулкчилик ҳуқуқи ҳамиша ҳам қўлга киритилавермайди. Ижара муносабатлари вужудга келиши ва ижарачининг мулкчилик ҳуқуқининг қўлга киритиш вақти ҳар доим ҳам мос келмайди, фақат ижара муносабатлари, эгалик қилиш муносабатлари ва лизинг мол-мулкдан фойдаланиш муносабатларигина вақт жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келиши мумкин. Моҳияти жиҳатидан қарз олиш (кредит) муносабатлари ижара муносабатларидан олдин содир бўлади.

Бошқа манбаларда қайд этилишича лизинг – вақтинча бўш турган ёки жалб этилган маблағларни инвестицияга йўналтиришга қаратилган алоҳида турдаги тадбиркорлик фаолиятдан иборат бўлиб, бунда молиявий ижара (лизинг) шартномасига биноан бир шахс шартномада белгиланган мулкни муайян сотувчидан сотиб олиб уни ҳақ эвазига бошқа шахсга тадбиркорлик мақсадларида вақтинчй фойдаланиш учун бериб қўйиш мажбуриятини олади⁴¹.

⁴¹ «Временное положение о дизинге». Утверждено Постановлением Правительства РФ от 29 июня 1995 года. №633.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилда қабул этилган «Лизинг тўғрисида»ги қонунида лизингнинг 2 тури: молиявий ва оператив турлари белгиланган. Жаҳон амалиёти ва мавжуд таснифларга қура эса лизинг турлари қуп бўлиб, улар 12.1.1-жадвалда келтирилган.

12.1.1-жадвал

Лизинг турлари		
Лизинг мулкидан фойдланиш муддатига қараб	Молиявий	Тезқор
Бозор секторига қараб	Ички	Халқаро
Хизмат шакли ва ҳажмига қараб	Соф	Тўлиқ
Лизинг муносабатларининг тавсифига қараб	Аралаш	Қайтарма
Молиялаштириш иштирокчилари таркибига қараб	Бўлинма	Оммавий
Лизинг мулкни янгилаш муддатига қараб	Револьвер	Янгиланадиган
Учинчи шахсларнинг фойдаланиш ҳуқуқидан келиб чиқиб	Сублизинг	Асосий лизинг

Келинг, бу лизинглар нима эканлигига ойдинлик киритамиз:

- **Молиявий лизинг**, яъни мулк киймати тулик туланадиган лизинг мулки, шу билан тавсифланадики, лизинг олувчига фойдаланиш учун мулк бериладиган муддат давомийлигига қура лизинг берувчи мулки кийматининг бутун ёки қуп қисми эксплуатацияси ва амортизацияси муддати яқинлашади. Бунда лизинг берувчи ва лизинг туловлари орқали мулкнинг бутун кийматини узига қайтаради ва битимдан тегишли фойда олади. Бу лизинг энг қуп тарқалган турдир.

- Тулик қопланмайдиган лизинг одатда **тезқор** хисобланади, чунки лизинг берувчининг лизинг мулкни олиши ва саклаши билан боғлиқ сарфлари қоидага қура тулик қопланмайди. Бу лизинг молиявий лизингдан шундай фаркланадики, бунда сотиб олиш ҳуқуқи бўлмади ва лизинг туловлари лизинг берувчининг барча сарфларини қопламади.

- Лизинг операцияси утқазиладиган бозор шубҳасига боғлиқ ҳолда лизинг битимларига **ички лизинг** тури мавжуд бўлиб, бунда битимда битта мамлакат бўлади.

- **Халқаро ташки лизинг** да эса лизинг берувчи ва лизинг олувчи турли мамлакатларда бўлади, яъни мулкни сотувчи бошқа мамлакатда бўлиб, бошқа давлат резиденти бўлиши мумкин.

- Лизинг берилаётган усқунага хизмат қурсатиш ҳажми ва шаклига қура **соф лизинг** тури бу лизингнинг шундай турики, унда ижарага олинаётган усқунага техникавий ва бошқа хизматларни қурсатиш, лизинг олувчи зиммасида бўлади. Бундай ҳолда усқунага хизмат қурсатиш бўйича чиқимлар лизинг туловларига қушилади. Бундай лизинг молиявий лизинг учун ҳос.

•**Тулик лизинг** ускунага курсатиш шарт булган техникавий хизмат курсатиш, сугурталаш ва лизинг берувчининг бошка операциялари инобатга олинади.

•Лизинг муносабатлари тавсифига боглик холда лизинг битимлари *кайтарма ва аралаш* булиб, **кайтарма лизинг** - бу тобора кенг кулланилаётган лизингнинг бир шакли булиб, корхона ускунага эга булгани холда, асосий ишлаб чиқариш фаолияти учун маблаг етмай колганда фойдаланади. Шунинг учун корхона лизинг компаниясини топади ва унга уз мулкани сотади, компания эса уз навбатида шу корхонага лизинг беради.

•**Аралаш лизинг**- уз таркибида молиявий ва оператив лизинг унсурларига эга булган лизинг шартномасининг тури. Аралаш лизингдан фойдаланиш шароитларида лизинг берувчи муайян сотувчидан лизинг олувчи курсатмаси билан мулкни хусусийга олади ва лизинг олувчига лизинг предмети сифатида берилади.

•Лизинг мулкани молиялашда катнашувчиларга боглик холдаги **булинма лизинг** ёки кушимча маблаг жалб этиладиган лизинг, ёки лизинг берувчи қисман молиялайдиган лизинг булиб, бу лизингнинг энг мураккаб тури, чунки у куп йуналишдаги молиялаш билан боглик, одатда, ундан мураккаб ва куп капитал талаб этадиган лойиҳаларни амалга ошириш учун фойдаланилади. Лизинг берувчи, усқунани сотиб олар экан, уз маблагидан бутун қийматни эмас, балки унинг бир қисми туланишлиги лизинг бу турининг узига хос томони ҳисобланади. Колган миқдорни у бир ёки бир неча кредитордан қарзга олади. Бунда лизинг компанияси барча солиқ имтиёзларидан фойдаланишда давом этади, булар ижарага олинаётган мулк тулик қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади.

•**Оммавий лизинг**- бошка хил ва тур лизингларида шу билан фаркланадики, лизинг берувчи сифатида бир гуруҳ (акциядорлар) таъсис этади ва ишончли вакил тайинлайди, у кейинчалик лизинг муносабатларни амалга ошириш буйича барча зарур операцияларни олиб боради.

•Лизинг мулкнинг янгиланиш муддатига боглик холдаги **янгиладиган лизинг**да ижарачи буйича усқуна вақти-вақти билан янги, худди шу турдаги анча такомиллашган намуна билан алмаштириб турилиши кузда тутилади.

•**Револьвер лизинг** ёки усқуна тадрижий алмаштириладиган лизинг, бундан лизинг олувчидан унинг технологик хусусиятига кура мунтазам равишда турли усқуналар талаб этилади. Бундай ҳолларда лизинг шартномаси шартларига мувофиқ лизинг олувчи муайян муддат утгунича ижарадаги мулкни лизинг бошка объектига алмаштириш ҳуқуқига эга булади.

•**Учинчи шахс** фойдаланиш ҳуқуқига эга булишига боглик холда лизингнинг **сублизинг тури** бу - тадбиркорлик фаолиятида лизинг олувчи кейинчалик лизинг объектини учинчи шахсга беришини аниқлашувчи мажбуриятнинг бир тури. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида» ги қонуни 6-моддасига кура лизинг олувчи лизинг шартномаси асосида вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун олган лизингини учинчи шахсга сублизингга бериш ҳуқуқига эга. Бирок бунинг учун лизинг олдида

масъулиятли булиб қолади. *Сублизинг шартномасининг* амал қилиш муддати билан чекланади ва кейинчалик муддатидан қуп бўлмаслиги керак.

•**Асосий лизинг**да лизинг объектдан учинчи шахс фойдаланиши қузда тутилмайди.

Лизинг бизнеси шаклланишининг илк босқичларида Ўзбекистонда утқазилган лизинг операциялари утқазилиши амалиётига таяниб, тижорат банкларига ва лизинг компанияларига, бизнинг фикримизча, молиявий қайтариладиган ва айрим-айрим лизингларни ривожлантиришни тавсия этиш мумкин.

Лизинг узининг бир қатор фойдали жихатлари билан такрор ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий унсурларига, шу жумладан меҳнат воситалари, жонли меҳнат, техникадан фойдаланиш даражаси ва шу қабиларга ижобий таъсир утқази.

Амалда лизингнинг самараси фан-техника тараққиёти ютуқларидан қатъий қўйиб фойдаланишнинг объектив афзалликларидан, ҳужалик фаолияти микёслари ошиб боришидан, сарф-харажатлар қамалишидан ва бутун ишлаб чиқариш жараёни жадаллашувидан ҳосил бўлади.

Агар лизинг фаолияти тадбиркорларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имқониятини яхшиласта, қенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун шароитни таъминланса; бозорни зарур товарлар билан тўлдирса ва товар ишлаб чиқариш микёсини қупайтириш орқали бюджет тизимларини оширса, бу фаолият самарали ҳисобланади.

Лизингнинг бир қатор афзалликлари бор: тезкор лизингнинг соддалиги ва ва қулайлиги, лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг мол-мулкни барвақт маънавий эскириш рисқини утқазиш мумқинлиги, мустақил хизмат қурсатиш имқониятини олиш, ҳисоботда амортизация ҳисоблаб ёзишнинг тўғри қизикли усулидан фойдаланиб, аслида жадал амортизацияни ҳисоблаш.

Келинг, лизинг муносабатларининг ҳусусиятлари ҳақида қисқина тухталиб утамыз. Бир йил ва ундан узокрок муддатга ижара тўғрисидаги тузилган ва қатор белгиланган туловларни қамраб оладиган шартномаларни қуп холда лизинг деб аташади. Узок муддатли хизмат қиладиган усқуналарни харид этишнинг урнига фирмалар қупинча лизинга муружаат этадилар. Ижарага хар қандай мулк олиш мумкин. Лизинг битимида, одатда унга имзо чеқилиши билан, хар ойлик ёқи бўлмаса ярим йиллик бўлмиш туловлар уз аксини топади. Туловлар муддатлари лизинг фойдаланувчисининг эҳтиёжларидан қелиб қикқан холда белгиланиши мумкин.

2. Лизинг қредити - асосий капиталга қаратилган инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатида

Оддий банк қредити қаби лизинг қредити ҳам муайян мақсад учуи аниқ муддатларга қайтариб бериш ва ҳақ тўлаш шарти билан берилади. Қредит муносабатлари қаби лизинг муносабатлари ҳам шу муносабат қатнашчиларидан ҳар бирининг манфаатлари мос қелганида ва тегишли манфаатлар қўриш умидида тарқиб топади. Банк қредити қаби лизинг қредитини ҳам ўз вақтида

қайтариб бериш ва ундан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш керак. Банк кредити бўйича ҳам, лизинг кредити бўйича ҳам қарз олувчиларнинг қарзнинг асосий суммасини қайтариш ва қарз юзасидан ҳақ тўлаш имкониятлари аниқланади. Банк кредитига ҳам, лизинг кредитига ҳам қарз олиниши асос бўлади. Банк кредитини беришда ҳам, лизинг кредитини беришда ҳам у ёки бу лойиҳани инвестициялаш қайналик мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида пухта ишланган қарор қабул қилинади. Банк кредитини олишда ҳам, лизинг кредитини олишда ҳам қарз олувчи ўз зиммасига қарзнинг асосий миқдорини ва фоизларини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

Мулкчилик ҳуқуқининг эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқидан ажратилиши банк кредитининг лизинг кредитидан энг асосий фарқидир. Узоқ муддатли банк кредити берилганида кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш солиқ тўланганидан кейин фойда ҳисобидан амалга оширилса, лизинг берилганида бу тўловлар бошқа тўловлар билан бирга маҳсулот таннархига киритилади, бу эса фойда солиғи бўйича тегишли солиққа тортиш базасини камайтиради.

Агар банк кредити молиялаштиришнинг қўшимча манбаи тарзида намоён бўлса, лизинг кредити қоида тариқасида битимни юз фоиз молиялаштиришни таъминлайди. Агар лизинг мол-мулки лизинг берувчининг балансида акс этса, бу нарса лизинг олувчининг рентабеллик, қарз ва ўз маблағлари коэффиценти каби муҳим баланс кўрсаткичларини яхшилаб, қўшимча маблағ жалб этиш учун имконият яратади. Лизинг мол-мулки лизинг олувчининг балансида (балансдан ташқари ҳисоб рақамида) ҳисобга олинган тақдирда, лизинг олувчининг баланс кўрсаткичлари кредит ҳисобига сотиб олишга нисбатан афзалроқ бўлиб чиқади, чунки қарз маблағи билан ўз маблағи ўртасидаги нисбат яхши томонга ўзгаради. Кўпгина мамлакатларда лизинг муносабатларидан фойдаланиш туфайли тадбиркорлар банк кредити ҳисобидан ускуна сотиб олгандан кўра 20-30 фоиз камроқ маблағ сарфлайдилар. Юқорида кўрсатилганларидан ташқари яна бир қанча фарқлар ҳам бор. Аммо лизинг кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкасига ва солиқ қонунчилигага нисбатан жуда сезгир бўлади. Лизинг қарз маблағларини келгусида ҳам жалб этиш учун асос яратади. Лизинг одатдаги кредит муносабатлардан фарқли ўлароқ биринчи навбатда, мазмуни, шакли, ташкилий жиҳатдан таъминланиши иштирокчилар доираси, иқтисодий самараси ва солиққа тортилиш тизими билан ажралиб туради. Бу фарқлар шундан келиб чиқадики, лизинг олинганида кредит муносабатлари кейинчалик ижара муносабатлари билан уйғунлашиб кетади. Шу билан бирга лизинг муносабатлари сифат жиҳатидан ижара ёки ёллашдан фарқ қилади. Ижарадан лизингнинг фарқи шуки, лизинг берувчи муайян ишлаб чиқарувчидан муайян кўрсаткичларга эга бўлган лизинг мол-мулкни лизинг олувчининг топширувига биноан сотиб олиш мажбуриятини олади.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунининг мазмун-моҳияти.

Лизинг хизмати бозорининг ривожланиб, мамлакат салоҳиятида аҳамиятли ўринни эгаллаши учун мазкур соҳага учун тегишли қонун қабул қилиниши зарурияти мавжуд эди. 1998 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Олий Мажлиснинг сессиясига муҳокама учун киритилди. 1999 йил 14 апрелда эса Олий Мажлиснинг қарори билан Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида» ги қонуни кучга кирди.

Қонун 25 моддадан иборат бўлиб, булар:

- 1 модда: Лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.
- 2 модда: Лизинг тушунчаси.
- 3 модда: Лизинг объектлари.
- 4 модда: Лизинг субъектлари.
- 5 модда: Лизинг турлари.
- 6 модда: Қўшимча лизинг.
- 7 модда: Лизингобъектини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш.
- 8 модда: Лизинг фаолияти.
- 9 модда: Лизинг шартномаси.
- 10 модда: Лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш.
- 11 модда: Лизинг берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- 12 модда: Лизинголувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- 13 модда: Сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- 14 модда: Лизинг объектнинг олди-сотди шартномаси хусусиятлари.
- 15 модда: Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи.
- 16 модда: Лизинг берувчи ва лизинг олувчининг ўз ҳуқуқларидан учинчи шахслар фойдасига воз кечиши.
- 17 модда: Лизинг объектни жадал амортизация қилишни қўллаш.
- 18 модда: Лизинг объектни суғурталаш.
- 19 модда: Лизинг объекти билан боғлиқ хавфлар.
- 20 модда: Лизинг шартномаси бўйича таъминлаш.
- 21 модда: лизинг объектидан гаров сифатида фойдаланиш.
- 22 модда: Лизинг тўловлари.
- 23 модда: Лизинг олувчидан пул суммаларини ундириш ва лизинг объектни олиб қўйиш.
- 24 модда: Лизинг субъектларининг жавобгарлиги.
- 25 модда: Низоларни ҳал этиш.

Амалдаги қонунчиликда лизинг олувчи ва сотувчининг бир шахсда бир йўла мужассамлашувига (қайтарма лизинг) йўл қўйилади. Айнан мана шу ҳолатда лизингнинг бир қарашда ижара эмас, балки молиялаш моҳияти ҳаммадан кўра кўпроқ намоён бўлади. Масалан, тадбиркорнинг ишлаб чиқариш воситалари (бирор ускуна) бўлади. Бироқ, унда ишлаб чиқариш учун хомашё, бирор бутловчи қисмлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш учун етарли маблағи бўлмаслиги мумкин. Бундай пайтда ўз ускунасини лизинг ташкилотига сотиб, уни қайтадан лизинг шартномаси асосида ижарага

олиши, яъни қайтариладиган лизинг туридан фойдаланиш йўли билан вазиятдан чиқиши мумкин.

Ривожланган давлатларда лизинг кўп пул маблағларини жалб этмасдан ишлаб чиқаришни кенгайтиришни таъминлаш ва уни янгилашга имкон берувчи ишлаб чиқариш секторини техник қайта қуроллаштиришнинг самарали воситаси эканлиги намоён бўлмоқда. Ушбу воситани қўллаш на ривожлантириш учун тараққий этган давлатларда камида икки кўринишдаги муҳим солиқ енгилликлари мавжуд бўлган ва иқтисодиётнинг лизинг секторини ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли тадбирдан фаол фойдаланмоқдалар.

Ўзбекистоннинг лизинг тўғрисидаги қонунларига киритилган янги ўзгартиришлар бозор инфратузилмаси қулай инвестиция иқлимини вужудга келтирибгина қолмай, ХМК ва бошқа инвесторларнинг кичик бизнесга кенг миқёсда инвестиция қўйишларига ҳам замин яратди.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Лизинг муносабатларининг вужудга келиши ҳақида нималар биласиз?
2. Лизинг нима ва унинг қандай турлари бор?
3. Лизинг ва ижара муносабатларининг қандай фарқи мавжуд?
4. Лизинг ва кредит муносабатларининг фарқи нимада кўринади?
5. Лизинг муносабатлари субъектлари учун лизингнинг қандай қулайлиги бор?
6. Лизинг жараёнлари босқичлари ва расмийлаштирилиши ҳақида нималар биласиз?

Топшириқлар

1. Лизинг муносабатларини вужудга келиши ҳақида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Лизинг ва унинг турларини тўлиқ ўрганиш.
3. Республикамиздаги лизинг компаниялари фаолиятини ўрганиш.

Масала

Инвестор «Алпомиш» хусусий корхонасига янги лойиҳани амалга ошириш учун 34,0 млн. сўмлик инвестиция киритди. Лойиҳа 8 фоизлик ставка билан 6 йилга мўлжалланган бўлиб, ҳар йилги олинган фойдадан 40 %и инвесторга тўланилиши ва 4 йилдан кейин жорий қилинган инвестиция тўлиқ қайтарилиши келишиб олинган. Корхона қуйидаги маълумотларга эга:

Йиллар	Инвестиция суммаси, минг сўм	Йиллик фоиз суммаси, минг сўм	Олинган даромад, минг сўм	Харажатлар, минг сўм	Фойда, минг сўм	Инвесторга тўланиши лозим бўлган сумма, минг сўм
1	34000,0	2720,0	53200,0	32100,0		
2			54100,0	30920,0		
3			54340,0	31250,0		

4			50100,0	31000,0		
5			49980,0	30350,0		
6			48600,0	30490,0		
Жами:	X		310320,0	186110,0		

Юқоридаги маълумотлардан фойдаланиб аниқланг:

1. Инвестициянинг йиллик фоиз суммасини
2. Корхона фойдасини
3. Инвесторга тўланиши лозим бўлган суммани.
4. Қисқача хулоса ёзинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.

2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.

3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.

4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.

5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.

6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.

7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.

8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

12.2. Лизинг муносабатларини ташкил этиш

Режа

1. Молиявий лизингнинг замонавий илғор технология, ускуна ва жиҳозларни жорий этишдаги қулайликлари.
2. Халқаро молиявий лизингнинг иқтисодийни модернизациялашдаги ўрни.
3. Лизинг муносабатларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби. Лизинг тўловлари суммасини аниқлаш.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция фаолияти, лизинг, молиявий лизинг, тезкор лизинг, лизинг кредити, халқаро лизинг.

- 1. Молиявий лизингнинг замонавий илғор технология, ускуна ва жиҳозларни жорий этишдаги қулайликлари.**

Молиявий лизинг, яъни мулк киймати тулик туланадиган лизинг мулки, шу билан тавсифланадики, лизинг олувчига фойдаланиш учун мулк бериладиган муддат давомийлигига кура лизинг берувчи мулк кийматининг бутун ёки куп қисми эксплуатацияси ва амортизацияси муддати якинлашади. Бунда лизинг берувчи ва лизинг туловлари орқали мулкнинг бутун кийматини узига қайтаради ва битимдан тегишли фойда олади. Бу лизинг энг куп тарқалган турдир.

Молиявий лизингни ривожлантириш ва такомиллаштириб бориш қуйидаги имкониятларни беради:

- иқтисодийтимизда катта ҳажмда нодавлат инвестицияларини, айниқса хусусий инвестицияларини киритилишини таъминлайди;
- техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш асосида ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига асос солади;
- лизинг асосида ташкил этилган ишлаб чиқаришда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш эвазига, бевосита солиқ тушумларининг ўсишини таъминлаб беради.
- инвестиция фаолиятини юксалтиради, кичик ва ўрта бизнесни шакллантириб, ўрта мулкдорлар синфини ривожланишига ёрдамлашади.

- 2. Халқаро молиявий лизингнинг иқтисодийни модернизациялашдаги ўрни.**

Лизинг муносабатларининг ривожланиб бориши натижаси ўлароқ турли давлатларнинг қонунларида ушбу шартномани турлича талқин қилиниши оқибатида, лизинг шартномаларни халқаро кўламда қўллашда коллизиялар вужудга келди. Ушбу коллизияларни ҳуқуқий тартибга солиш ва унинг ечимини топиш жаҳон ҳуқуқшунос олимлари олдига қўйилган вазифалардан бири бўлиб, у турли давлатларнинг лизинг қонунчиликларини бирхиллаштириш тўғрисидаги ҳаракатларни олиб боришга сабаб бўлди. Бунинг

ижобий натижасида сифатида 1988 йил 28 майда Оттава шаҳрида имзоланган "Халқаро молиявий лизинг тўғрисида"ги УНИДРУА конвенцияси вужудга келди (бундан кейинги ўринларда Оттава конвенцияси деб юритилади). Ушбу конвенция дастлаб беш давлат: Гана, Гвения, Нигерия, Танзания, Филиппин давлатлари томонидан имзоланди. Конвенция 55 давлатда қабул қилиш учун таклиф этилган бўлиб, 1995 йил 1 майдан бошлаб Оттава конвенциясига Франция ва Италия давлатлари қўшилгач, у кучга кирди.

Мазкур конвенция халқаро лизинг муносабатларини тартибга солувчи қатор коллизия нормаларни ўз ичига олган халқаро ҳужжат сифатида амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Конвенция халқаро миқёсда вужудга келадиган молиявий лизинг тушунчаси, унинг белгилари, муҳим жиҳатлари, лизинг шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини аниқ кўрсатиб беради. Конвенцияга асосан лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида тузиладиган шартнома – лизинг шартномаси ҳисобланади. Мазкур шартномага асосан учинчи шахс ҳисобланмиш сотувчи жалб қилиниб, сотувчини огоҳлантирган ҳолда лизинг берувчи лизинг олувчига лизинг шартномаси асосида лизинг предмети топширади. Ўз навбатида лизинг берувчи сотувчи билан олди-сотди шартномасига биноан маълум мажбуриятларни зиммасига олади. Конвенция нормалари турли ҳуқуқий тизимдаги қонунларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган, чунки конвенциянинг ўзи миллий лизинг қонунларини ишлаб чиқилишига асос қилиб олинишини кўзда тутган. Албатта, бу ҳолат конвенция муаллифларининг у ёки бу ҳуқуқий тизимга тегишли термин ва тушунчалардан фойдаланишидан тўхтатиб қолди. Конвенцияга эътироф этишда ҳар қандай давлатга 8 ва 13-моддаларни ўз қонунчилик нормалари билан алмаштириш ҳуқуқи берилди.

Конвенция преамбула ва 25 та моддадан иборат бўлиб, конвенциянинг преамбуласида: "Давлатлар ушбу конвенция иштирокчилари, ускуналарнинг халқаро молиявий лизингга нисбатан ҳуқуқий тўсиқларни бартараф этиш муҳимлигини тан олиб, бир вақтнинг ўзида битимнинг турли тарафлари ўртасидаги манфаатлар тенглигини таъминлашни ҳисобга олиб, халқаро молиявий лизинг қулайлигини эътироф этиб, молиявий лизинг битимларидан келиб чиқадиган уч томонлама мустақил муносабатларга мослаштириш заруратини инобатга олиб, биринчи навбатда фуқаролик-ҳуқуқий ва савдо-ҳуқуқий жиҳатларида муайян халқаро молиявий лизинг соҳасида ягона нормаларни жорий этиш истагини билдириб, қуйидагиларни келишиб олди..." деб таъриф берилади.

Конвенцияни ишлаб чиқишда олимлар лизинг шартномасининг барча жиҳатларини унификация қилиш мумкин эмаслигини ва у фақат лизинг шартномасининг асосий белгиларини ҳуқуқий тартибга солишга ҳаракат қилишган. Конвенция нормаларида ускуналарни ижарага берувчида мавжуд ёки кейинчалик сотиб олиши ёхуд олмаслигидан қатъи назар, ижарачи келгусида ускуналарни сотиб олишга ёки лизинг асосида фойдаланишда яна давом эттириш ҳуқуқига эга бўлиши ва номинал баҳо ёки жорий тўловлар тўлаш-тўланмаслигидан қатъи назар қўлланилиши назарда тутилган. Бир қатор мамлакатларда лизинг шартномасининг асосий шarti ускуналарни

фойдаланувчи томонидан шартнома муддати тугагандан кейин сотиб олиш (опцион) ҳуқуқи ҳисобланади. Бир неча мамлакатларда опционни харидга киритиш лизингни шартли равишда сотишга айлантириб қўяди. Конвенция нормаларида опцион, лизинг шартномасининг асосий шарти сифатида қаралмайди ва конвенция нормалари мол-мулк савдосида опцион амалиётининг бор-йўқлиги ва унинг нархидан қатъи назар амал қилади.

Лизинг берувчи ва лизинг олувчининг тижорат корхоналари турли давлатларда жойлашган бўлса, қўлланиланиш тартибини, унинг амал қилиш доирасини белгилаб берувчи нормалар конвенциянинг 3-моддасида ўз аксини топган ва бу қуйидагича белгиланган:

- лизинг мулкани етказиб берувчи тижорат корхонаси жойлашган давлатлар ўзаро шартномалашган давлатлар ҳисобланади;

- маҳсулот етказиб бериш шартномаси каби лизинг ҳам ўзаро шартномалашган давлатлардан бирининг қонуни билан тартибга солинади.

Халқаро лизинг хусусиятини аниқлашда унинг бошланғич нуқтасига эътибор қаратиш керак. Битимнинг халқаролигини аниқлашда, уч иштирокчиларнинг турли мамлакатларда жойлашганлигини ҳисобга олиш лозим. Халқаро шартномада сотувчи, лизинг берувчи ёки лизинг олувчи жойлашган икки давлатнинг бирида ёхуд учинчи бир давлатда жойлашган бўлиши шарт. Муҳими, ўша давлат конвенция иштирокчиси бўлиши, етказиб бериш шартномаси ўзаро келишув тузаётган давлатлар ҳуқуқлари билан тартибга солиниши лозим. Охир оқибат битимни халқаро деб тан олиш учун лизинг шартномаси тарафлари жойлашган жой ҳисобланади. Бу эса сотувчи, лизинг берувчи ва лизинг олувчи жойлашган давлатларда ёки учинчи бир давлатда жойлашган бўлиши ҳам мумкин. Муҳими у жойлашган давлат конвенцияга аъзо эканлиги ва халқаро шартнома иштирокчиси ҳисобланган давлатлар қонунлари билан тартибга солиниши лозим деган, маънони билдиради.

Конвенциянинг 4-моддаси лизингга олинган кўчмас мулкларни бирлаштиришда келиб чиқадиган мураккаб ҳуқуқий муаммоларга тегишли бўлиб, конвенциянинг қоидалари ускуналар ер участкасининг таркибий қисми ёки ер участкасига қўшилган бўлса ҳам амал қилаверади. Ускуналар ер участкасига тегишли бўлиши ёки ер участкасига қўшилиши ва бундан лизинг берувчи ва фойдаланувчининг ушбу ер участкасига бўлган ашёвий ҳуқуқидан келиб чиқадиган ўзаро ҳуқуқий оқибатлари ер участкаси жойлашган давлатларнинг қонуни билан тартибга солинади.

Бундан ташқари, лизинг муносабатларида кўчмас мулк билан боғлиқ муаммолар вужудга келиши мумкин. Агар лизинг берувчи ўз ускуналарини кўчмас мулкдан ажратиб олганда, бундан етган зарар ундириб олишга ҳақлими, деган фикр туғилади. Лекин шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, фақат бундай зарурат агар фойдаланувчи банкрот бўлганида лизинг берувчи ўз ускуналарини қайтариб олганида вужудга келиши мумкин. Лекин кўпчилик континентал ҳуқуқ тизимига асосланувчи давлатларда кўчмас мулк билан боғлиқ ҳуқуқлар устун туради, шу сабабли уларда лизинг учун ички ҳуқуқ нормаларини ўзгартириш мақсадга мувофиқми, деган савол туғилади. Бу

саволга конвенциянинг 6-моддасида акс этган ҳукуқий нормалар жавоб беради. Яъни, унда белгиланишича, ускуналар кўчмас мулкка тегишли бўлса, кўчмас мулк жойлашган давлат қонунлари билан ҳал қилинади, деб кўрсатилган.

Конвенцияда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни тартибга солувчи нормалар 2-бўлимнинг 7-моддасидан бошланади ва унда лизингни рўйхатдан ўтказиш, ускуналарни ҳақиқий эгаси ҳақида учинчи шахсларни хабардор этиш, мулкдан фойдаланувчи банкрот бўлганида унинг кредиторлари билан лизинг берувчининг ўзаро муносабатларини ҳукуқий тартибга солиш каби ҳукуқий муаммолар ёритилган. Айниқса, мулкнинг ҳақиқий эгаси ҳақида учинчи шахсларни (биринчи галда фойдаланувчининг кредиторларини) хабардор қилиш мураккаблигини қуйидаги ҳолатда кўриш мумкин: фойдаланувчи томонидан ускуналарни харидорга сотиш пайтида, фойдаланувчи банкрот бўлганида.

Биринчи ҳолатда, англо-саксон ва континентал ҳуқуқ амалда бўлган давлатларда қарама-қарши тамойиллар вужудга келган. Англо-саксон ҳуқуқ тизими амалда бўлган мамлакатларда жумладан, АҚШ, Япония ва Хитой давлатларида "nemo dat quod non habet" тамойили амалда бўлиб, унга кўра фойдаланувчи ўзи эга бўлмаган мулкка эгалик ҳуқуқини харидорга ўтказа олмайди ва лизинг берувчи ускуналарни ўша харидордан талаб қилиб олишга ҳақли, деган фикрни илгари сурадилар. Континентал ҳуқуқ тизими амалда бўлган мамлакатлар лизинг қонунчилигида харидор мулкка эгалик қилишни ҳам қўлга киритади. Ушбу тамойиллардан бирини конвенцияга киритиш орқали уни ё кўплаб давлатларда қўллаб олмайди ёки ундаги асосий ҳукуқий тамойилларни ўзгартиришга тўғри келади.

Бундан ташқари, конвенция лизинг иштирокчиларининг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларига алоҳида эътибор қаратади ҳамда лизингни бошқа шартномавий институтлардан фарқловчи муҳим белгиларини 8-моддада очиқ беради, ушбу моддага кўра:

- лизинг шартномасида бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи ускунага нисбатан лизинг олувчи олдида ҳар қандай жавобгарликдан озод қилинади, лизинг олувчи ва лизинг берувчи ускуналарни танлаш оқибатида зарар кўрган тақдирда бундан мустасно;

- лизинг берувчи учинчи шахслар олдида ускуналардан унинг соғлиғи, ҳаёти ёки мулкига зарар етказилган тақдирда жавобгарликдан озод қилинади;

- юқорида кўрсатилган мазкур бандларнинг қоидалари мулкдор сифатида иштирок этаётган ижарага берувчининг жавобгарлигига нисбатан татбиқ қилинмайди.

Лизинг берувчи лизинг олувчининг фаолияти билан боғлиқ муносабатларига бошқа шахслар томонидан салбий таъсир ўтказмасликни кафолатлайди. Лизинг берувчи, фойдаланувчи ёки учинчи шахс олдида ускуналар орқали етказилган зарар учун жавобгар ҳисобланмайди ва ўз навбатида, зарарни ҳам тўламайди. Фойдаланувчи тамомила мустақил бўлганлиги сабабли барча жавобгарликни ўз зиммасига олади. Агар фойдаланувчи лизинг берувчининг маслаҳати билан иш юритган бўлса, у ҳолда ускуналар учун жавобгарлик, лизинг берувчига ўтади. Бу ерда лизингнинг

асосий хусусиятларидан бири намоён бўлади, яъни ускуналар эгаси ҳисобланмиш лизинг берувчи ускуналарни танлашда ҳам, сотиб олишда ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ушбу қоида бўлмаганида лизинг берувчи мулк ҳуқуқига эга бўла туриб, ускуналарнинг барча ҳолати бўйича жавобгар бўлиши керак эди.

Конвенция 8-моддадаги жавобгарлик қоидаларини 10-модда билан тўлдиради. Ускуналарнинг тасодифий нобуд бўлиши ёки бошқа мулкка оид зарарлар учун жавобгарлик лизинг берувчида бўлади, чунки сотувчи ва лизинг берувчи олди-сотди шартномасининг томонлари ҳисобланадилар. Бир пайтнинг ўзида лизинг берувчи ва лизинг олувчи томонидан сотувчига нисбатан икки алоҳида бир хил маънодаги даъво қўзғатишнинг олдини олиш мақсадида конвенцияда сотувчи бир вақтнинг ўзида лизинг олувчи ва лизинг берувчи олдида етказилган айнан бир зарар учун жавобгар эмас. Олди-сотди шартномаси бўйича сотувчининг мажбуриятлари лизинг олувчига нисбатан ҳам, агар у шартноманинг томони ва ускуналар бевосита унга етказиб берган бўлса татбиқ қилинади. Лекин сотувчи айнан битта зарар учун бир вақтнинг ўзида ҳам лизинг берувчи ва лизинг олувчи олдида жавобгар эмас. Мазкур модданинг меъёрларини олди-сотди шартномасини лизинг олувчига лизинг берувчининг розилигисиз тўхтатиш ёки бекор қилиш ҳуқуқини бермайди.

Турли мамлакатлар қонунларининг ўзига хос камчиликлари шундаки, лизинг олувчи кўрган зарарларини бевосита сотувчидан эмас, балки талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (цессия) орқали лизинг берувчидан ундириб олади. Натижада лизинг олувчи кўрган зарар миқдори лизинг берувчи кўрган зарар миқдори билан чекланиб қолади. Қатор давлатларда, жумладан Германия ва Австрияда ҳам ушбу ҳолатни кузатишимиз мумкин, яъни мазкур давлатларда "Dritschadenliquidation" тамойили амал қилади, унга кўра шартноманинг бир тарафи иккинчи тарафидан учинчи тарафнинг қарзини ундириши мумкин. Фикримизча, бундай ҳаракатларни олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Биринчидан, бундай нормалар барча мамлакатларга маълум эмас; иккинчидан, бундай тамойил фойдаланувчига ҳар доим ҳам барча зарарларни ундириш ҳуқуқини бермайди; учинчидан, лизинг берувчи лизинг олувчига ўз ҳуқуқларидан, яъни олди-сотди шартномасини бекор қилиш ҳуқуқини лизинг олувчига бермаслигини кўришимиз мумкин. Лекин ҳозирда Ўзбекистон Республикасида суд қарорларини ижро этиш мақсадида суд ижрочилари томонидан шундай ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Конвенциянинг 14-моддаси 1-бандида лэвердж-лизингга алоҳида эътибор қаратилади. Лэвердж лизингнинг моҳияти шундан иборатки, ушбу шартномавий муносабатда бир неча корхоналарнинг иштирок этиши назарда тутилади. Бундан ташқари "Лэвердж лизинг"да лизинг берувчи ускуналарнинг эгаси сифатида қолиб, лизингга нархнинг фақат бир қисмини киритади, қолган қисмини банк ёки бошқа молиявий ташкилотлардан қарз олади, уларга бунинг эвазига фойдаланувчидан олинadиган жорий тўловларни олиш кафолатини беради. Бу ҳолда лизинг олувчи ва лизинг берувчи бир мамлакатда бўлиши мумкин, бу эса конвенциянинг татбиқ қилинмаслигига олиб келади. Шунинг учун "Лэвердж-лизинг" ҳозирги кунда юқори даражада оммалашган бўлиб, шу

сабабли конвенция муаллифлари лизинг берувчининг лизинг шартномаси бўйича ўз ҳуқуқларини ҳар қандай равишда бошқаларга ўтказиш шартнома мазмунини ўзгартирмайди. Яъни бу турдаги шартномаларга нисбатан конвенция қўлланилади. Конвенция нормалари шартномаларнинг тўғри тузилганлигига асосланиб, лизинг берувчининг ўз ҳуқуқларини ўтказишни батафсил тартибга солмайди. Конвенциянинг охириги қоидалари кўп ҳолларда бошқа тегишли халқаро битимларнинг иштирокчилари молиявий лизинг тўғрисидаги конвенция аъзолари ёки аъзо бўлишлари мумкинлигини белгилайди.

Ҳозирда халқаро Оттава конвенцияси ҳуқуқий жиҳатдан жуда кам давлатлар томонидан имзоланган. Лизинг муносабатлари тўғрисида махсус қонунлар ҳаттоки, кўпчилик ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд эмас. Масалан, ГФРда лизинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар сифатида алоҳида қонунлар билан тартибга солинмайди. Шунингдек, барча давлатлар ҳуқуқий тизимида лизинг битимига нисбатан бир хил таъриф берилмаганлиги сабабли ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳанузгача баҳсли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам лизинг шартномасини баъзи олимлар шартномавий муносабатни тартибга солувчи "гибрид механизм", деб аташади.

Халқаро молиявий лизинг асосан турли мамлакатларда жойлашган асосий ва шўъба корхоналар, филиаллар, йирик тарансмилий компаниялар ўзаро иқтисодий ва молиявий алоқалари замирида ривожланди. Молиявий лизингни ҳуқуқий тартибга солиш ҳозирги даврда икки тоифаларга бўлинадиган ҳуқуқий нормаларга асосланган: биринчидан, унификациян нормалар, яъни ҳуқуқий халқаро шартнома тартибида яхлитлашган нормалар асосида; иккинчидан, коллизиян ва миллий ҳуқуқ нормаларини ўз ичига олувчи ҳамда халқаро молиявий лизинг иштирокчиларига қўлланиладиган миллий ҳуқуқ нормаларига асосланади.

3. Лизинг муносабатларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби. Лизинг тўловлари суммасини аниқлаш.

Лизинг муносабатларини ташкил этиш, ускуна ва техника сотиб олиш устувор йўналишларининг шаклланишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бу ускуна ва техникадан фойдаланиш, уни таъмирлаш ёки унга техника хизмати соҳаларини ривожлантириш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, лизинг жараёни қоидага кўра, уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда ҳар бир лизинг шартномасининг мазмуни ва амалга оширилишидаги ўзига хосликлар муфассал ўрганилгандан сўнг юридик битим (лизинг шартномаси) тузиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилади. Шундан сўнг қуйидагилар расмийлаштирилади:

- лизинг берувчи бўлажак лизинг олувчидан оладиган талабнома;
- лизинг олувчининг тўловга қобилияти ва лизинг лойиҳаси самаралиги тўғрисидаги хулоса;
- лизинг берувчи ускуна етказиб берувчига юборадиган буюртма-наряд;

- лизинг операцияси ўтказиш учун ссуда бериш ҳақида банк билан лизинг берувчи тузадиган кредит шартнома.

Лизинг жараёнининг иккинчи босқичида икки ёки уч томонлама шартномада лизинг битимидаги барча мунозарали шартлар юридик жиҳатдан асосланади. Шунингдек, қуйидагилар расмийлаштирилади:

1. Лизингга олинадиган ускуна (мулк) олди-сотди битими;
2. Уни фойдаланишга олганлик далолатномаси, лизинг шартномаси;
3. Лизингга берилаётган ускуна, техника (лизинг мулки)га техника хизмати кўрсатиш ҳақида битим.

Лизинг жараёнининг учинчи босқичи анча масъулиятли ҳисобланади ва лизинг мулкидан фойдаланиш даврини қамраб олади. Унда барча лизинг операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоб-китоби ва ҳисобот олиб бориш, лизинг берувчига лизинг тўловларини беришни амалга ошириш, лизинг муддати ўтгач лизинг мулкидан келгусида фойдаланиш масаласини расмийлаштириш кўзда тутилади.

Лизинг шартномаси иштирок этувчи томонларнинг муносабатлари акс этадиган асосий ҳужжат ҳисобланади. У лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида тузилади ва унда лизинг мулки ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун берилиши кўрсатилади. Лизинг шартномаси битим объекти фойдаланишга берилгани ва кўрсатилган муддат мобайнида ишлашлиги сифатида лизинг мулки кучга киради. Мулкнинг қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатнома имзоланган вақтдан кучга киради. Мулкнинг қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатнома лизинг олувчи томонидан расмийлаштирилади, лизинг шартномасини унда қатнашувчи барча томонлар имзолайди, яъни лизинг берувчи, лизинг олувчи, етказиб берувчи – лизинг мулкини шилаб чиқарувчи.

Лизинг мулки фойдаланишга олинганлиги далолатнома имзолангач ва расмийлаштирилганидан сўнг, лизинг берувчи лизинг олувчи олдида масъулиятга эга бўлмайди, чунки у олинадиган лизинг мулкидан мустақил равишда фойдаланилади.

Лизинг мулкидан фойдаланиш жараёнида юзага чиқадиган ва синиш, йўқолиш, муддатидан олдин ишдан чиқиш, бузилиш ва шикастланиш билан боғлиқ барча рискларни, етказилган зарадан қатъий назар, лизинг олувчи ўз зиммасига олади.

Қоидага кўра, лизинг тўловларининг умумий ҳажми ва таркибига:

- лизинг мулкини тиклаш қиймати (амортизация);
- фойдаланганлик учун лизинг берувчига тўланадиган тўлов;
- лизинг шартномаси бўйича жалб қилинган кредит ресурслари тўлови;
- лизинг берувчи комисион мукофоти;
- агар лизинг берувчи томонидан суғурталанган бўлса, лизинг мулкини суғурталаш учун тўлови;
- кўрсатиладиган хизмат учун тўловлар киритилади.

Шартномада лизинг берувчининг бошқа кўзда тутилган харажатлари ҳам лизинг тўловлари таркибига киритилиши мумкин.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Лизинг муносабатларининг вужудга келиши ҳақида нималар биласиз?
2. Лизинг нима ва унинг қандай турлари бор?
3. Лизинг ва ижара муносабатларининг қандай фарқи мавжуд?
4. Лизинг ва кредит муносабатларининг фарқи нимада кўринади?
5. Лизинг муносабатлари субъектлари учун лизингнинг қандай қулайлиги бор?
6. Лизинг жараёнлари босқичлари ва расмийлаштирилиши ҳақида нималар биласиз?

Топшириқлар

1. Лизинг муносабатларини вужудга келиши ҳақида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Лизинг ва унинг турларини тўлиқ ўрганиш.
3. Республикамиздаги лизинг компаниялари фаолиятини ўрганиш.

Масала

Инвестор «Алпомиш» хусусий корхонасига янги лойиҳани амалга ошириш учун 34,0 млн. сўмлик инвестиция киритди. Лойиҳа 8 фоизлик ставка билан 6 йилга мўлжалланган бўлиб, ҳар йилги олинган фойдадан 40 %и инвесторга тўланилиши ва 4 йилдан кейин жорий қилинган инвестиция тўлиқ қайтарилиши келишиб олинган. Корхона қуйидаги маълумотларга эга:

Йиллар	Инвестиция суммаси, минг сўм	Йиллик фоиз суммаси, минг сўм	Олинган даромад, минг сўм	Харажатлар, минг сўм	Фойда, минг сўм	Инвесторга тўланиши лозим бўлган сумма, минг сўм
1	34000,0	2720,0	53200,0	32100,0		
2			54100,0	30920,0		
3			54340,0	31250,0		
4			50100,0	31000,0		
5			49980,0	30350,0		
6			48600,0	30490,0		
Жами:	X		310320,0	186110,0		

Юқоридаги маълумотлардан фойдаланиб аниқланг:

1. Инвестициянинг йиллик фоиз суммасини
2. Корхона фойдасини
3. Инвесторга тўланиши лозим бўлган суммани.
4. Қисқача хулоса ёзинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

13-мавзу. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш

13.1. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш мазмуни

Режа

1. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришнинг мазмуни ва моҳияти. Йирик инвестиция лойиҳаларини лойиҳавий молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

2. Лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий иштирокчилари ва уларнинг функциялари. Лойиҳавий молиялаштириш турлари.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция фаолияти, лойиҳавий молиялаштириш, техник-иқтисодий асос, синдикат.

1. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришнинг мазмуни ва моҳияти. Йирик инвестиция лойиҳаларини лойиҳавий молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Инвестициялар иқтисодиётнинг ўсишини, ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминловчи муҳим омилдир. Иқтисодий ислохотларнинг самараси ҳам оқилона ва бақувват инвестиция сиёсатини ўтказишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ҳозирги кунда умуман ўзгача шаклга келди. Банк - молия тизими такомиллашмоқда. Иқтисодиётга кўпгина янги тушунчалар кириб келмоқда. Шулар жумласидан инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш тушунчасидир.

Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш - бу пул маблағлари мобилизацияси шакллариининг бир кўриниши бўлиб, унда йирик масштабли лойиҳаларни амалга оширишда бир қанча молия-кредит институтлари иштирок этади ва инвестицион сарф-харажатлар эса қайтадан ташкил этилаётган объектларнинг бўлажак даромадлари ҳисобига қопланади.

Мазур ва бошқаларнинг "Управление проектами" китобида эса "лойиҳавий молиялаштириш, бу инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида молиявий ресурсларни кредит кўринишида тақдим этишдир" деб таъриф берилган. Бу ерда, кредит қарз олувчига нисбатан ҳеч қандай регрессиз, чекланган ёки тўлиқ рефессли бўлиши мумкин деб ёзилган.

Регресс деганда, қарзга олинган суммани тақдим этилишига бўлган талаб тушунилади.

Йирик лойиҳаларни молиялаштиришини ташкил этиш учун лойиҳа ташаббусчиси лойиҳанинг бошқа иштирокчилари ва банклар билан биргаликда мўлжалланган лойиҳанинг техник иқтисодий асоси (ТИА) ва бизнес-режасини батафсил ўрганадилар.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг қуйидаги тамойиллари мавжуд:

◆ Инвестицион лойиҳада лойиҳани амалга оширишга тайёр ишончли шерикларнинг иштирок этиши;

◆ Лойиҳанинг техник - иқтисодий асосланиши ва лойиҳа смета

ҳужжатларининг юқори талаб даражасида ишлаб чиқиши;

- ◆ Лойиҳани етарли даражада капитализацияси;

- ◆ Лойиҳанинг қурилиш-монтаж ва эксплуатация мезонларини батафсил ўрганиб чиқиш (транспорт, маҳсулотни ишлаб чиқариш, маркетинг ва бошқалар);

- ◆ Лойиҳа рискин баҳолаш ва уни лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаш;

- ◆ Гаров ёки бошқа таъминотнинг мақсадга мувофиқ мавжудлиги.

Лойиҳавий молиялаштиришда лойиҳани амалга оширишга керак бўладиган пул маблағларининг асосий ҳисоб – китоб ишлари, лойиҳа ташаббускорларининг имкониятлари, қарз маблағларига бўлган эҳтиёж, бўлажак (кутиладиган) фойда, потенциал инвестицион ва савдо - сотиқ рисклари лойиҳалаштиришнинг олди, инвестиция ва эксплуатацияга берилиши брскичларида баҳоланиши мумкин.

Лойиҳавий молиялаштириш усуллари Ғарбий Европа мамлакатларида ўтган асрнинг 80 - йилларининг бошида турли хил молиявий операцияларни бажариш мақсадида фойдалана бошланди. Бу операциялар лойиҳа ташаббусчиларига қарз тўловларига бўлган харажатларни камайтиришга, молия - кредит институтларининг ёрдамидан фойланишга имконият яратган эди.

Демак, лойиҳавий молиялаштириш деганда – бу корхона ва ташкилотнинг иқтисодий ва техник ҳаётийлигини таъминлаш, ўз навбатида корхона қарзини тўлашга етарли бўлган пул тушумларини бошқариш тушунилади.

Амалиётдаги кредит операциялари жараёнида банк биринчи ўринга қарз олувчининг кредит тарихини ўрганишга, унинг иқтисодий, молиявий аҳволига ва таъминот турлари ва гаровга берилаётган мулкни баҳолашга диққат-эътиборини қараца, лойиҳавий молиялаштиришда эса асосий эътибор лойиҳа таҳлилига ажратилади.

Лойиҳавий таҳлилнинг асосий объекти, бу лойиҳавий ҳужжатлар (лойиҳани техник - иқтисодий асослаш)дир. Лойиҳавий таҳлилнинг асосий мақсади бу инвестицион лойиҳасини молиявий ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаб бериш, инвестицион лойиҳасининг смета - харажатлари ва молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаш ҳамда рискларни баҳолашдир.

Лойиҳа таҳлилининг асосий йўналишларига техник ташкилий, ҳуқуқий, экологик, тижорат иқтисодий, молиявий йўналишларини киритишимиз мумкин.

Йирик масшабли лойиҳаларни амалга оширишда кўпгина иштирокчилар жалб қилинган бўлади:

- ◆ лойиҳа ташкилотчилари;

- ◆ ташкилотчилар таъсис этган лойиҳавий компания;

- ◆ кредиторлар (тижорат банклари, банк консорсиуми);

- ◆ пудратчилар (бош пудратчи, субпудратчилар);

- ◆ асбоб - ускуналарни етказиб берувчилар;

- ◆ суғурта компаниялари;

- ◆ лойиҳавий компания чиқараётган акция ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олувчи институционал инвесторлар;

- ◆ молиявий маслаҳатчилар;

♦ оператор – компаниялар, объектни эксплуатация (ишлаб чиқариш) га киритгандан сўнг, унинг инвестицион фаолиятини бошқаради.

Инвестицион лойиҳаларни баҳолашда лойиҳанинг ишончлилигини таъминловчи қуйидаги мезонлардан фойдаланилади:

♦ Техник - иқтисодий асосланганлик ва молиявий режанинг қониқарлилиги;

♦ Лойиҳа томонидан ишлатиладиган маҳсулот ва хом ашё манбалари ва қийматларининг кафолатланганлиги;

♦ Лойиҳанинг маъқул нархларда ёқилги билан таъминлаганлиги;

♦ Лойиҳа маҳсулотлари ва хизматларини сотиш учун бозорнинг мавжудлиги ва бозоргача транспорт харажатлари маъқул нархларда мавжудлиги;

♦ Қурилиш материалларини кутилган нархларда сотиб олиш мумкинлиги;

♦ Пудратчи, фойдаланувчи ва бошқарувчи персоналлар тажрибали ва ишончлилиги;

♦ Лойиҳа ишончсиз технологияларини ўз ичига олмаслиги;

♦ Ҳамкорлар ва манфаатдорлар томонлар билан шартномавий келишувлар тузилган, лицензия ва рухсатномалар олинганлиги;

♦ Валюта рискларининг тақсимланганлиги;

♦ Лойиҳа қўшимча таъминоти сифатида қимматли активларга эгаллиги;

♦ Йетказилаётган ресурс ва активларнинг тегишли сифатлари таъминланганлиги;

♦ Тегишли суғурта тўловлари қараб чиқилганлиги;

♦ Форс — мажор ҳолатлари, тўхтаб қолишлар хавфи (етказиб беришда, қурилишда ва бошқалар) харажатларнинг ўсиши ҳисобга олинган ва уларнинг тақсимланганлиги;

♦ Лойиҳанинг инвесторларни қониқтирувчи кўрсаткичларга эгаллиги;

♦ Фоиз ставкалари ва инфляциянинг ҳақиқий ҳолати ҳисобга олинганлиги.

Ҳақиқий инвестицион лойиҳа ҳар доим ҳам юқорида санаб ўтилган барча мезонларга мос келмайдими. Юқоридаги мезонлар лойиҳавий молиялаштиришни муваффақиятли кечиши учун бешта асосий тамойилларни белгилаб олишни тақозо этади.

♦ Инвестицион лойиҳаларнинг ҳаётийлиги;

♦ Лойиҳани амалга оширишда тажрибали, кучли ва виждонли ҳамкорларнинг иштироки;

♦ Лойиҳа барча рискларининг ҳисоби ва тақсимоти;

♦ Барча ҳуқуқий жиҳатларни тартибга солиб бориш;

♦ Лойиҳани амалга оширишда сифатли бизнес - режанинг мавжудлиги ва аниқ мувофиқлашган ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш. Тижорат банклари инвестицион кредитларининг асосий қисми инвестицион лойиҳаларни кредитлаш (ёки лойиҳавий кредитлаш) асосида амалга оширилади.

Лойиҳаларни кредитлашнинг бу шакли келажакда ташкил этилаётган ёки қайта қурилаётган корхоналар олиши мумкин бўлган даромад ҳисобига инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ғояси ётади. Ушбу даромадлар ҳисобига банklar томонидан ташкил этилган инвестицияларни молиялаш ва

қайтаришлилик таъминланади. Жаҳон тажрибасида банклар фаолиятининг ушбу йўналиши ёқилғи энергетика мажмуаси, қазиб олувчи ва қайта ишловчи ҳамда капиталга муҳтож бўлган сонаот тармоқлари, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва замонавийлаштириш учун зарур бўлган давлатлар ва ҳудудлар учун жуда долзарб ҳисобланади.

Лойиҳавий кредитлаш механизми ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатишда Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки томонидан муваффиқиятли фойдаланмоқда.

Ҳозиргикундаинвестициялойиҳаларини молиялаштиришнинг янги усули синдицирлаштирилган кредитлаш (синдикатга уюшган бир неча кредиторларнинг кредитлари мажмуи) пайдо бўлди. Иқтисодий адабиётларда бу сўзнинг аниқ атамаси йўқлиги сабабли, кўпчилик ҳолларда молиялаштиришнинг бу турини синдикатлаштирилган кредит деб ҳам аталади.

Синдикатлашмоқ, синдикат тузиб бирлашмоқ маъносини билдириб, инвестицияларни молиялаштириш тизимида йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштиришни ташкил этиш усулларида бирини англатади. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда синдикатлаштирилган кредитнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бунда бир неча кредиторларнинг мавжудлиги, молиялаштириш учун берилган кредит суммаси ва у билан боғлиқ рискларнинг иштироки кредиторлар (банклар) ўртасида тақсимланишидадир.

Инвестициялойиҳаларнимолиялаштиришда синдикатлаштирилиши мумкин бўлган кредитларга лойиҳавий молиялаштириш ҳам киради. Лойиҳавий молиялаштиришда кредитни қайтаришнинг манбаи бўлиб, лойиҳани амалга ошириш натижасида олинган фойда ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда йирик инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш, фақатгина мақсадли молиялаштирилгандагина самарали амалга оширилиши мумкин. Мақсадли молиялаштириш кредит ресурсларидан фойдаланишдаги ўша жавобгарликни бартараф этади.

Мақсадли молиялашнинг афзаллиги шундаки, бунда кредитор нафақат қарз ресурсларини таклиф қилади, балки уларни қулай шартларда товарлар билан таъминлайди.

Молиявий глобализация даврида инвестиция лойиҳаларийи халқаро кредитлаш жараёнида лойиҳавий молиялаштириш тобора самарали молиялаштириш шакли бўлиб келмоқда. Лойиҳавий молиялаштириш деганда, одатда, банк томонидан инвестиция лойиҳасини молиялаштиришдаги махсус кредитлаш тури тушунилиб, бунда регрессиз ёки қарздорга бўлган кредитнинг чегараланган регрессида йирик инвестиция лойиҳаларини мақсадли молиялаш (кредитлаш) тушунилиб, бунда қарз олувчининг тўлов мажбуриятларининг таъминоти бўлиб, мазкур лойиҳа фаолиятидан олган даромадлари ҳамда бу лойиҳага тааллуқли активлар ҳисобланади.

2. Лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий иштирокчилари ва уларнинг функциялари. Лойиҳавий молиялаштириш турлари. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш.

Жаҳондаги кўпгина банклар фаолиятида ўз зиммасига қандай риск даражасини олишига қараб, лойиҳавий молиялаштириш қуйидаги уч турга ажратилган:

1. Регресс ҳуқуқсиз кредитлаш (нон-ресурсе финанкинг);
2. Тўлиқ регресс ҳуқуқи билан кредитлаш (фулл-ресурсе финанкинг);
3. Чекланган регресс ҳуқуқи билан кредитлаш (лимитед-ресурсе финанкинг).

Қарз олувчига нисбатан ҳеч қандай регрессиз бўлган лойиҳавий молиялаштиришда кредитор ўз зиммасига лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ барча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, савдо - сотиқ рискларини олади. Бунда кредитор фақатгина лойиҳа, кредит ва фоиз тўловлари учун бўлган пул оқимларини назарда тутди. Лойиҳавий молиялаштиришнинг бу кўриниши қарз олувчи учун энг нархи баланд ҳисобланади, чунки кредитор бундай риск даражасини ўзига олар экан, унга тенг келувчи компенсацияга ҳам ҳақли бўлади.

Қарз олувчига нисбатан тўлиқ регрессли лойиҳавий молиялаштириш жаҳон амалиётида кўпроқ тарқалган. Бу турнинг афзаллик томонлари шундан иборатки, қарз олувчи лойиҳани молиялаштириш учун пул воситаларини нисбатан тезроқ олиш имкониятига эга бўлади. Молиялаштиришнинг бошқа турларидан пул маблағларини жалб қилишнинг нархи арзон бўлиши билан фарқланиб туради.

Қарз олувчига нисбатан тўлиқ регрессли лойиҳавий молиялаштириш қуйидаги ҳолларда ишлатилиши мумкин:

- ◆ Республика ёки регионал аҳамиятга эга, инфраструктурани шакллантириш бўйича даромадсиз бўлган, паст рентабелли лойиҳаларни молиялаштириш учун пул маблағлари керак бўлганда;

- ◆ Экспорт кредит шаклида пул маблағларини тақсим этишда, чунки экспорт кредитларни бериш бўйича махсус ташкилотлар қўшимча учинчи тараф гаровсиз лойиҳа рискларини ўз зиммасига олиш ҳуқуқига эгадирлар ва кредитни фақатгина шундай шаклда беришга тайёрлар;

- ◆ Лойиҳа бўйича кафолатларнинг етарли бўлмаганида;

- ◆ Инвестицион харажатларининг кўпайишига катта таъсирчанлиги бўлган кичик лойиҳаларга пул маблағлари тақдим этилганда.

Қарз олувчига нисбатан чекланган регрессли лойиҳавий молиялаштириш лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча лойиҳаларни назарда тутди. Лойиҳа рисклари лойиҳа иштирокчилари орасида шундай тақсимланган бўладики, уларга боғлиқ бўлган рискларни ўзлари қабул қилишга тайёр бўладилар.

Жаҳон амалиётида лойиҳавий молиялаштиришнинг бир қанча турлари мавжуд (13.1.1 - жадвал).

13.1.1-жадвал

Лойиҳавий молиялаштириш турлари

Классификацияси	Турлари
Кўлами бўйича	Банк лойиҳавий молиялаштириш; Корпоратив лойиҳавий молиялаштириш;
Ресурс манбалари бўйича	◆ Саноат корхонасини ўзининг пул маблағлари орқали; ◆ Банк кредитлари орқали; ◆ Инвестициялар орқали; ◆ Қарз облигациялари орқали; ◆ Фирма кредитлари орқали; ◆ Лизинг орқали.
Архитектураси бўйича	Параллел молиялаштириш; Босқичма-босқич молиялаштириш.
Регресс бўйича	Регресс ҳуқуқсиз кредитлаш; Тўлиқ регресс ҳуқуқи билан кредитлаш; Чекланган рефесс ҳуқуқи билан кредитлаш.

Лойиҳавий лойиҳалаштиришни кўлами бўйича ҳам турларга бўлиш мумкин:

- банк лойиҳавий молиялаштириш;
- корпоратив лойиҳавий молиятириш.

Лойиҳавий молиялаштиришнинг биринчи кўринишида лойиҳани асосан банклар амалга оширадilar. Шу билан бирга асосий қарз берувчилар бўлиб банклар қолишади.

Иккинчи кўринишда эса, лойиҳани мавжуд корпорациялар амалга оширади. Бунда етакчи ўринни банклар эмас, балки корпорациялар эгаллаган бўлишади.

Корпоратив лойиҳавий молиялаштириш – инвестицион лойиҳасининг молиявий манбаси компаниянинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади, биринчи ўринда амортизация фондлари ва тақсимланмаган даромад (фойда) ҳисобланади.

Банк лойиҳавий молиялаштириш - инвестицион лойиҳасининг молиявий манбаси асосан ёки қисман банк кредитлари ҳисобига амалга оширилади. Банк кредитлари аниқ шартлар асосида берилади.

Лойиҳавий молиялаштиришни жаҳон амалиёти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда молиялаштириш тартибига (Архитектураси бўйича) қараб икки турга бўлиш мумкин:

- параллел молиялаштириш;
- босқичма босқич молиялаштириш.

Биринчи тур молиялаштириш, одатда, ҳамкорликсаги молиялаштириш деб ҳам аталади, яъни бир нечта кредит муассасалари инвестиция лойиҳасининг

амалиётга татбиқи учун қарз маблағларини ажратади. Бу бир томондан банкларга берадиган кредит суммаларининг меъёрий чегарасига риоя қилишига имконият берса, иккинчи томондан ўз кредит рискларини камайтиради. Амалиётда ҳамкорликдаги молиялаштиришнинг икки шакли қўлланилади:

1) мустақил параллел молиялаштириш, яъни ҳар бир банк қарздор билан кредит шартномасини тузади ва инвестиция лойиҳасининг ўзигатегишли қисмини молиялаштиради;

2) ҳамкорликдаги молиялаштириш, яъни кредиторлар ягона синдикат (консорсиум)га бирлашади; ягона кредит шартномаси тузилади; синдикат (консорсиум)ни шакллантиришни, кредит шартномасини имзолашни менеджер - банк амалга оширади; келгусида кредит шартномасининг амалга оширилиши устидан назорат ва зарур ҳисоб-китоб операцияларини синдикат (консорсиум) таркибига кирувчи махсус агент-банк амалга оширади ва бунинг эвазига коммиссион ҳақ олади.

Бугунги кунда лойиҳавий молиялаштиришнинг иккинчи тури кенг тарқалгандир. Лойиҳавий молиялаштиришнинг босқичма-босқич молиялаштириш тури йирик нуфузли банкнинг иштирокида амалга оширилади. Бундай нуфузли биринчи тоифали тижорат банклари инвестиция лойиҳаларини экспертизаси бўйича тажрибали мутахассисларнинг мавжудлиги, кредитлаш имкониятининг юқорилиги сабабли лойиҳаларни кредитлаш учун катта миқдорда аризалар олишади. Лекин бу йирик тижорат банклари ҳар доим ҳам барча лойиҳаларни молиялаштириш имкониятига эга бўлмайди ёки бу ҳолат уларнинг балансига салбий таъсир этиши мумкин.

Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда бундай банклар лойиҳаларни кредитлаш жараёнининг ташаббускори вазифасини бажаради. Корхонага қарз берилгандан сўнг ташаббускор - банк концессия шартномаси бўйича қарздорга нисбатан ўз талабларини бошқа кредиторга узатади. Инвестиция лойиҳасини баҳолагани, кредит шартномасини ишлаб чиққани ва қарз бергани учун ташаббускор -банк коммиссион ҳақ олади.

Бу қайд қилинган лойиҳавий молиялаштириш турларида асосий рол ташаббускор - банк сифатида иштирок этувчи йирик тижорат банки ва халқаро молиявий институтлар зиммасига тўғри келади.

Сўнгги даврларда «лойиҳа облигациялари» деб номланувчи қимматли қоғозларни муомалага чиқарувчи ва жойлаштирувчи молиявий компания ва банклар ҳам лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий иштирокчиларига айланган. Дастлабки вақтларда бундай облигацияларни муомалага чиқариш инвестиция лойиҳаларини бошланғич даврдан молиялаштириш учун эмас, балки банкдан олинган лойиҳавий кредитни қайта молиялаштириш мақсадида амалга оширилар эди. 1990 йилларнинг ўрталаридан бу облигациялар инвестиция лойиҳаларини бошланғич даврдан молиялаштириш учун муомалага чиқарилмоқда.

Ривожланаётган давлатларда лойиҳавий молиялаштириш ўз хусусиятига эга, яъни кўп ҳолларда улар концессия шартномасига асосланади. Бу шартноманининг мазмуни шундан иборатки концессионер (лойиҳачи компания) келишилган давр мобайнида (20, 30 ва ундан ортиқ йилларга) инвестиция фаолиятининг объектини куриш, молиялаштириш, бошқариш ва хизматини

ташкил этиш билан боғлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади. Сўнг эса объект давлатга (давлат корхонаси) топширилади. Концессия даврида концессионер объектдан фойдаланиб даромад олади, инвестиция лойиҳасини молиялаштириш бўйича харажатларини қоплайди. Лойиҳаларни молиялаштиришнинг бундай усули сўнгги вақтларда саноати ривожланган давлатларда ҳам кўп инфраструктурали лойиҳаларни молиялаштириш схемасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Демак лойиҳавий молиялаштиришда турли инвестор ва кредиторларнинг маблағлари иштирок этиши мумкин, яъни маблағларнинг синдикатлашуви рўй беради. Шу жиҳатдан ҳам лойиҳавий молиялаштиришни синдикатлашган кредитлаштириш деб аташимиз ҳам мумкин. Ҳозирда еврокредит бозорида ҳаракат қилувчи банк синдикат ва консорсиумларининг лойиҳаларни молиялаштиришдаги роли кундан-кунга ўсиб бормоқда.

Республикамизда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ҳам еврокредитлар ва бошқа ривожланган чет давлат банкларининг кредитлари, хорижий инвесторларнинг маблағлари, Республика акционер-тижорат ва хусусий банкларининг кредитлари иштирок этмоқда.

Лойиҳавий молиялаштириш тўғрисида яқун ясаб қуйидагиларни қайд этишимиз мумкин:

- лойиҳавий молиялаштиришнинг асосий тури бу синдикатлашган кредитлаштириш бўлиб, унда турли инвестор ва кредиторлар ўз rischi ва маблағлари билан иштирок этади;

- лойиҳавий молиялаштиришнинг жаҳон амалиётида турлича усуллари ва манбалари мавжуд бўлиб, ҳар бир давлат ўз иқтисодий ва инвестицион сиёсати, бозор механизмининг амал қилиш даражасига қараб бу усуллардан фойдаланиши мумкин;

- лойиҳавий молиялаштириш объекти бўлиб аниқ мақсадни кўзлаган, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан самарали бўлиши режалаштирилган лойиҳалар ҳисобланади.

- лойиҳавий молиялаштиришда энг асосий жараён бу лойиҳа ҳужжатларининг техник, иқтисодий, молиявий, экологик таҳлили ҳисобланиб, бу жараённинг қанчалик чуқур ва савияли ўтказилиши лойиҳанинг келгуси тақдирини белгилаб беради.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш нима?
2. Лойиҳавий молиялаштиришнинг қандай тамойиллари мавжуд?
3. Лойиҳаларни баҳолашда, унинг ишончлилигини таъминловчи қандай мезонларни биласиз?
4. Риск даражасига қараб, лойиҳавий молиялаштириш қандай турларга бўлинади?

Топшириқлар

1. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.

2. Кўлами бўйича лойиҳавий молиялаштириш турларини тўлиқ ўрганиш.
3. Риск даражасига қараб, лойиҳавий молиялаштириш турларини ўрганиб чиқиш.

Масала

Тадбиркор 10 йилдан кейин кам таъминланган оилалар болаларига катта тўй қилишни мақсад қилиб қўйди. Бу тўй учун 40,0 млн. сўм кераклигини ҳисоб – китоб қилиб чиқди.

Шу суммага 10 йилдан кейин эришиш учун 20% лик ставка билан бугун қанча инвестиция керак?

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

13.3. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш Режа

1. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш.
2. Инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлаш хусусиятлари. Инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлашни ташкил этиш.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция фаолияти, лойиҳавий молиялаштириш, техник-иқтисодий асос, синдикатли кредитлаш.

1. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш

Одатда, барча инвестиция лойиҳалари ҳам бир хил кўрсаткичларга эга бўлавермайди. Айрим кўрсаткичлар бир лойиҳада юқори ижобий бўлса, бошқа лойиҳада эса аксинча бўлиши мумкин ва яна бир айрим кўрсаткичлари эса бир лойиҳада бошқа лойиҳадагига нисбатан пастроқ миқдорга эга бўлиши мумкин. Бир соҳага хос бўлган лойиҳаларнинг бундай (ўзаро зиддиятли) маълумотларга эга бўлиши, улар ўртасидаги рақобатни вужудга келтиради. Инвестиция қарорларини қабул қилиш, айниқса, рақобатли инвестициялар шароитида бирмунча қийин вазиятларни келтириб чиқаради.

Инвестиция лойиҳалари ўртасидаги рақобат курашининг вужудга келиши, одатда, қуйидаги сабабларга асосланади:

1. Инвестицияларнинг энг қисқа фурсатда (тез) қопланиши ва юқори фойда келтириши.
2. Инвесторнинг капитал бюджети чекланганлиги.

Инвестициялар у ёки бу натижаларга эришиш ёки муайян турдаги чекланган ресурслардан фойдаланишнинг муқобил имкониятлари таъминланган ҳолларда ўзаро зиддиятли инвестициялар ҳисобланади ва рақобатлашувчи инвестициялар деб аталади. Муқобил (ўзаро зиддиятли) инвестицияларни таққослаш эса улар ичидан энг юқори самаралисини аниқлашга ва уни кўзланган мақсад йўлида молиялаштиришга имкон беради. Муқобил лойиҳаларни ўзаро таққослашда, энг аввало:

- ишлаб чиқариш режаси ва ҳажми ёки лойиҳа қувватига;
- вақт омилига;
- янги техника ёки прогрессив технология бўйича бажариладиган иш (хизмат) ҳажмига;
- ишлаб чиқариш ва маҳсулотни истеъмол қилишнинг ижтимоий омилларига (атроф-муҳитга таъсиригиз ҳам ҳисобга олган ҳолда);
- молиявий кўрсаткичларга (баҳо даражаси, инфляция ва кредит учун фоиз ставкалари даражалари ва шу кабилар) эътиборни қаратиш лозим.

Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги юқори кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилган режа (башорат)ларнинг ҳақиқий бажарилишига боғлиқ бўлади. Бу башоратларнинг ҳаммаси юқори сифатли, харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва юқори фойда асосида сотишга қаратилган бўлади. Лекин лойиҳаларнинг технологик таркиби (ишлаб чиқариш жараёнининг

мураккаблиги ва узоқ давом этиши), лойиҳа қувватининг босқичма-босқич ўзлаштирилиши ва маҳсулотни сотиш жараёни кабиларнинг лойиҳа самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш зарур.

Одатда, объектни ишга туширишнинг биринчи босқичининг ўзидаёқ тўлиқ лойиҳа қувватига эришишни режалаштирилган инвестиция лойиҳаларининг аксарият қисми нореал ҳисобланади. Сабаби, турли хил технологик, ишлаб чиқариш ва тижорат қийинчиликлари оқибатида (сотиш ҳажмининг тушиб кетиши, хом ашё ва ишчи кучи таъминотидаги номувофиқликлар ва шу кабилар) лойиҳалар ишлаб чиқилган режаларига мос келмай қолишлиги мумкин. Айниқса, бундай ҳолат лойиҳа қувватининг биринчи йилининг ўзидаёқ тўлиқ ўзлаштирилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳаларида кузатилиши мумкин. Чунки, аксарият ҳолларда, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ишларида айрим муаммолар юзага келиши мумкин. Шу сабабдан лойиҳа режасини ишлаб чиқишда уни лойиҳанинг тўлиқ қувватига эришишини инвестиция объектини ишга туширган вақтнинг учинчи-тўртинчи йилларига келиб, йирик ва мураккаб лойиҳаларда эса 4-7 йиллар ичида ўзлаштиришга мослаштиришга ҳаракат қилинади. Одатда, бундай режалаштириш соҳа, лойиҳа хусусиятларидан, ишлаб чиқаришнинг турларидан, бозор ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади ва маҳсулотнинг узлуксиз ва максимум имкониятлар билан сотилишига қаратилган бўлади. Лойиҳалардаги бу ва бошқа жиҳатлар улар ичидан энг самаралисини танлашда зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқариши сабабли тўғри қарор қабул қилиш муаммоси ҳар доим долзарб масала ҳисобланади.

Лойиҳавий молиялаштиришда лойиҳани амалга оширишга керак бўладиган пул маблағларининг асосий ҳисоб-китоб ишлари, лойиҳа ташаббускорларининг имкониятлари, қарз маблағларига бўлган эҳтиёж, бўлажак (кутиладиган) фойда, потенциал инвестицион ва савдо-сотиқ рикслари лойиҳалаштиришнинг олди, инвестиция ва эксплуатацияга берилиши босқичларида баҳоланиши мумкин.

Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ғоянинг пайдо бўлишидан бошлаб унинг моддийликка айланишигача бўлган жараёни ўз ичига олади. Бу жараён уч босқичдан иборат: инвестиция олди босқичи (бошланғич босқич); инвестиция босқичи (ўрта босқич ёки инвестицияларни амалга оширилиш босқичи); эксплуатация босқичи (тугаллаш босқичи).

Инвестиция лойиҳасининг биринчи босқичида унинг техник-иқтисодий асоси ишлаб чиқилади, уни молиявий-иқтисодий баҳолаш ишлари амалга оширилади, инвестицияни амалга ошириш учун имкониятлар таҳлил қилинади ҳамда лойиҳани амалга оширувчи корхонанинг молиявий ҳолати баҳоланади. Иккинчи босқичда капитал қўйилмалар амалга оширилади, яъни лойиҳа бўйича курилиш ишлари олиб борилади, ускуналар сотиб олинади ва ишлаб чиқаришга тайёрлаш ишлари ўтказилади. Учинчи босқичда лойиҳа қуввати ишга туширилади ва маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарила бошлайди.

Инвестиция лойиҳасининг, айнан, инвестиция олди босқичида техник-иқтисодий асослаш ишлари амалга оширилади ва у энг асосий босқич ҳисобланади. Шу боис техник-иқтисодий асоснинг мазмуни ва моҳиятини аниқ белгилаш муҳим вазифа ҳисобланади. Лекин, энг аввало, «лойиҳани асослаш»

деганда нимани тушуниш лозим эканлигини билиб олиш керак. Кенг маънода «лойиҳани асослаш» тушунчаси беш асосий жиҳатни таҳлил қилиш ва баҳолаш билан тавсифланади: техник; институционал; молиявий; иқтисодий; ижтимоий.

Лойиҳани техник асослаш техник нуқтаи назардан қабул қилинган мақбул қарор иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлмаслиги мумкин. Бу шу билан боғлиқки, турли техник қарорлар ўзи билан бирга турли харажатлар ва самараларга эга бўлади ва улар таққослангандан кейингина қайси қарор мақбул эканлигини айтиш мумкин.

Лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида ҳисобга олиш лозим бўлган техник қарорларнинг бир қанча жиҳатларини кўриб чиқамиз:

- технология - технология илмий жиҳатдан асосланганми ва амалиётга жорий этилганми? Техника мазкур технологияни қўллашга тайёрми?

- вақти-вақти билан юзага келувчи харажатлар – лойиҳа бўйича вақти-вақти билан юзага келувчи харажатлар ҳисобга олинганми, масалан, техника ва унинг ишлаш ҳолати;

- атроф муҳитга таъсири - лойиҳада қўлланилаётган техниканинг атроф-муҳитга етказадиган зарари даражаси қандай.

Лойиҳанинг иқтисодий асосланиши эса унинг чекланган ресурсларни ишлатиш нуқтаи назаридан бутунлигича миллий иқтисодиётга қандай соф фойда берайши билан аниқланади. Барча ресурслар у ёки бу даражада чекланган ва уларнинг барчасини бир эмас, бир қанча усуллар билан ишлатиш мумкин. Масала шундаки, мазкур лойиҳа мавжуд ресурсларни самарали ишлатишни таъминлайдими? Лойиҳани иқтисодий асослашда ундаги харажатлар ва даромадлар ҳисоб-китоб қилинади, яъни баҳоланади. Баҳолашнинг икки хил услубиёти мавжуд:

- Литтла-Мерлиса услубиёти;

- UNIDO услубиёти.

Амалиётда, кўп ҳолларда, иккала услубиёт ҳам бир хил натижаларга олиб келади. Баъзи мутахассислар Литтла-Мерлиса услубиётини, бошқалари эса UNIDO услубиётини қўллашни маъқул кўради.

Лойиҳани техник-иқтисодий асоси, кўп ҳолларда, қисман нотўғри тушунилади, унинг аҳамияти эса ускуна ёки технологияларни етказиб берувчилар томонидан ақлан ишончсиз очиб берилади. Кўп ҳолларда ускунани етказиб бериш ёки технологияларни танлашга бошланғич мўлжалланган лойиҳа эскизини техник-иқтисодий асоси деб аташади (гарчи бу лойиҳанинг барча жиҳатларини камраб ололмайдиган инженер-тадқиқот ёки тадқиқотни таъминлашгина ҳисобланса ҳам). Айрим ҳолларда ишлаб чиқариш ёки сотиш ҳажмини баҳолаш ривожланган мамлакатларда кузатиладиган ёки ривожланаётган мамлакатлар шарт-шароитларига нисбатан заиф, кучсиз муносабатларга эга давлатларнинг шароитларини ҳисобга олишга асосланади.

Бундай тадқиқотлар маҳаллий шарт-шароитларга тўғри келмаган ёки уларга ёмон боғланган бўлади, улар ишончсиз йўлдан бориши мумкин ва ривожланаётган мамлакатларда у тез-тез ресурсларнинг нотўғри жойлаштирилишига олиб келиши мумкин. Техник-иқтисодий асоси мавжуд ишлаб чиқариш омилларига, маҳаллий бозор ва ишлаб чиқариш шарт-

шароитларига боғланган бўлиши лозим. Таҳлил натижалари харажатлар, даромадлар ва соф фойда қисмини яққол кўрсатиб бериши лозим. Техник-иқтисодий асосни ишлаб чиқиш тадқиқот натижасида аниқланган керакли молиявий маблағлар етарли даражадалиги маълум бўлгандагина амалга оширилиши лозим.

Кўпгина адабиётларда техник-иқтисодий асоснинг моҳияти турлича талқин қилинади. Хорижлик олимлардан В.Беренс, П.М.Хавранеклар фикрича, - «техник-иқтисодий асослаш - бу салоҳиятли инвесторлар, лойиҳа қурувчилари ва молиячиларни инвестициялаш ва молиялаш усуллари бўйича қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминловчи воситадир». Россиялик олим В.Г.Золотогоров эса «техник-иқтисодий асослаш - бу инвестицион лойиҳанинг самарадорлиги ва мақсадлилигини кўриб чиқишга имкон берувчи техник ва ташкилий қарорлар, ҳисоб-смета, баҳолаш ва бошқа кўрсаткичларни акс эттирувчи ҳисоб-аналитик ҳужжатлар тўпламидир».

Техник-иқтисодий асоснинг моҳиятини очиб беришда проф.Д.Ғозибековнинг фикри эътиборга моликдир. Унинг таъкидлашича: «техник-иқтисодий асослаш ўз мазмунига кўра лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини техник-иқтисодий тадқиқ этиш атамаси билан айнан бир хил». Техник-иқтисодий асос потенциал инвесторлар ҳамда бошқа барча иштирокчиларни инвестициялашнинг ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва экологик жиҳатларини ойдинлаштирувчи восита сифатида хизмат қилади. Шунингдек, лойиҳанинг муқобил стратегияси ва доирасига баҳо берувчи восита, ресурслар маркетинги, жойлашган ўрни, ишлаб чиқариш қувватлари ва технологиялар ҳақидаги тегишли маълумотлар билан таъминловчи ҳисобланади.

Доц. Н.Каримов бу тўғрида фикр билдириб, «лойиҳани техник-иқтисодий асосланиши лойиҳавий таҳлилнинг объекти бўлим ҳисобланади ва у лойиҳанинг иқтисодий, молиявий самарадорлигини ва лойиҳа бўйича харажатларни аниқлаш, молиялаштириш манбалари ва хатарларни баҳолашдек ўз мақсадига эга бўлади», деб таъкидлаб ўтади.

Техник-иқтисодий асоснинг моҳияти ва мазмуни бўйича юқорида билдирилган фикрларни умумлаштириб, унга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. Техник-иқтисодий асос - бу лойиҳани амалга оширишга таъсир қилувчи бир қатор омилларни таҳлил қилиш асосида лойиҳанинг мақсадига эришишнинг самарали йўллари аниқловчи ҳужжатлар тўпламидир. Техник-иқтисодий асос лойиҳани амалга оширишнинг имкониятларини асослайди ва бир мунча оптимал бўлган қарорни танлашга имкон беради. Техник-иқтисодий асос лойиҳанинг барча жиҳатларини очиб беришини ҳисобга оладиган бўлсак, унда уни ишлаб чиқишдан олдин, лойиҳа ташаббускори ёки лойиҳани ишлаб чиқувчи у бўйича барча маълумотларни тўплаши лозим. Маълумотлар манбаи бўлиб, қарз олувчининг фаолиятига бевосита таалукли ҳужжатлар, шунингдек, турли иқтисодий адабиётлар ҳамда шахсан ўзининг тажрибаси хизмат қилади.

Техник-иқтисодий асосни тузишда шуни таъкидлаш жоизки, техник-иқтисодий асоснинг асосий вазифаси амалга ошириш кўзланган лойиҳа бўйича

зарур бўлган барча маълумотларни бериш ва кредиторлар ҳамда инвесторлар томонидан мақбул қарорлар қабул қилишдан иборат.

Техник-иқтисодий асос - бу лойиҳанинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини кўришга имкон берувчи бошланғич маълумотлар, шунингдек асосий техник ва ташкилий қарорлар, ҳисоб-смета, баҳолаш ва бошқа кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштирувчи ҳисоб-аналитик ҳужжатлар тўпламидир. Техник-иқтисодий асосни лойиҳанинг мақсадлилиги юзасидан олиб бориладиган техник-иқтисодий тадқиқотлар сифатида ифодалаш мумкин.

Инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослашнинг асосий мақсади инвестиция лойиҳаларининг миллий валютадаги каби хорижий валютада ҳам қопланишини аниқлаш ҳисобланади. Инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини тайёрлаш учун қарз олувчи лойиҳанинг амалга оширилишининг юридик, техник, иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатлари тўғрисидаги барча маълумотларни ўзида мужассам этган ҳужжатлар тўпламини тайёрлаши лозим. Бу ҳужжатлар тўплами қуйидагилардан иборат бўлиши лозим: қарз олувчининг молиявий ҳолати ва унинг кредитга лаёқатлилиги; хорижлик ҳамкорнинг иш фаоллиги, молиявий аҳволи, ташаббускорлиги; қарз олувчи корхона қандай турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради ёки ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда, мазкур маҳсулотларнинг асосий харидорлари кимлар ҳисобланади; ички бозорда қарз олувчи корхонанинг маҳсулот улуши қандай ва у жаҳон бозорида қандай улушга эга, бозорнинг қандай секторларида ўсиш ёки ўзгаришлар кутилмоқда; рақобатчилар томонидан қандай рисклар мавжуд ва маҳсулот сотилиши учун ким асосий жавобгар ҳисобланади; қарз олувчи корхонанинг ва кафолат берувчи ташкилотнинг юридик мақоми ва ташкилий тузилиши қандай; қарз олувчи корхона малакали, юқори тажрибали, етук мутахассис ва ишчиларга эгами, агар улар йўқ бўлса, ходимларни ўқитиш ким томонидан ташкил этилган; хорижлик ҳамкорлар ва мутахассислар томонидан қандай ёрдамлар қанча вақт мобайнида кўрсатилиши лозим бўлади, хорижий мутахассисларнинг сони ва малакавий даражаси, улар томонидан кўрсатиладиган ёрдам харажатлари қандай.

Техник-иқтисодий асос лойиҳачи ва буюртмачи ўртасида тузилган шартномага асосан лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун лицензияси бўлган лойиҳачилар томонидан ишлаб чиқилади. Шунингдек, махсус консалтинг фирмалари томонидан ҳам тузилади.

Техник-иқтисодий асосни ишлаб чиқишнинг бошланғич босқичида инвестор (буюртмачи) мақсадлар тўғрисидаги декларацияни тайёрлайди. У қуйидаги маълумотлардан иборат: инвестор ва унинг манзилгоҳи; объектга тавсиф (номланиши, техник ва технологик маълумотлар, белгиланган фаолиятнинг асосланиши); объектни қуришда меҳнат ва бошқа ресурсларга бўлган эҳтиёж (кадрлар сони ва уларни таъминлаш манбаларини, моддий ва хом ашё, сув ва энергия ресурсларига бўлган эҳтиёж); асосий ускуналар рўйхати ва уларнинг қурилиш тавсифи; транспорт таъминоти; ишчилар ва уларнинг оилаларини уй-жой ва ижтимоий-маиший томондан таъминлаш; атроф-муҳитга бўлган таъсири; лойиҳани молиялаштириш манбалари; қурилиш муддати; тайёр маҳсулотдан фойдаланиш ва бошқалар.

Техник-иқтисодий асоснинг таркиби ва мазмуни буюртмачи билан лойиҳачи ташкилот ўртасида ўзаро келишилган ҳолда қабул қилинади ва шартномада ҳам ўз аксини топади. Техник-иқтисодий асосда катта ва мураккаб объектларнинг муқобил вариантларини ва инвестицияларни молиялаштириш манбаларини алоҳида назарда тутиш керак ҳамда солиқ амортизацияси ва кредит сиёсатини ҳисобга олиш, иқтисодий ҳисоб-китоблар (қурилиш даври, лойиҳа қуввати ва эксплуатация объектини ўзлаштириш) бажарилиши учун аниқ даврни белгилаш лозим.

Техник-иқтисодий асос инвестиция лойиҳаси тўғрисида етарли маълумотларни ўзида акс эттирган бўлиши лозим. Чунки шу асосда инвестициялашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосага келиш мумкин ёки, аксинча, мақсадга мувофиқ бўлмаса, ушбу масала олдиндан бартараф қилинади. Инвестициялаш ва ишлаб чиқариш харажатлари, молиявий ва иқтисодий даромадларнинг қатъий ҳисоби фақат дастлабки техник-иқтисодий асосда лойиҳа андозаси аниқ бўлган ҳолдагина бажарилади. Лойиҳа андозаси барча мумкин бўлган жиҳатлар ва улар билан боғлиқ масалаларни ҳисобга олиши керак. Саноат корхоналарининг исталган тури, ҳажми ва категориясини қамраб олувчи техник-иқтисодий асоснинг ягона бир ёндашуви ёки универсал модели амалиётда мавжуд эмас. Кўпинча инвестиция лойиҳаларига кенг қўламдаги тавсиялар қўл келади.

Техник-иқтисодий асос мазмунига кўра дастлабки техник-иқтисодий асосга ўхшаш бўлса ҳам, оптимал тавсифларга тижорат, техник, тадбиркорлик рискларини қўшган ҳолда инвестиция лойиҳаси такрорланадиган жараён йўли билан пухта ишлаб чиқирилиши керак. Агар лойиҳанинг пухталиги ёки унинг фойдалилигини асослаш ишончли бўлмаса, кўрсаткичлар чуқурроқ таҳлил қилиниши лозим, керак бўлса, лойиҳа мақсадга мувофиқ бўлиши учун ўзгартирилиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, техник-иқтисодий асосни ишлаб чиқиш инвестиция лойиҳасининг инвестиция олди фазасида амалга оширилади. Инвестиция олди фазаси, асосан, инвестицияларни лойиҳалаштиришга тааллуқлидир. Инвестиция олди фазасини ўтказишнинг қиймати UNIDO маълумотларига кўра, капитал қўйилмалар умумий суммасида 0,8 фоиздан 5 фоизгачани ташкил этади. Инвестиция олди тадқиқотларини ўтказиш харажатлари лойиҳа умумий қийматининг фоизи ҳисобида тахминан қуйидагиларни ташкил этади:

- лойиҳа имкониятларини тадқиқ этиш - 0,2-1,0%;
- дастлабки техник-иқтисодий асос - 0,25-1,5%;
- техник-иқтисодий асос - 1,3-3,0%;

Лойиҳанинг инвестиция олди фазасида бўлғуси лойиҳалаштириш объектининг имкониятлари ўрганилади. Корхона (инвестор, лойиҳа ташкилотчиси) лойиҳага инвестиция қилиш тўғрисида дастлабки қарорни қабул қилади ва қурилиши керак бўлган объектга раҳбарни (бошқарувчи, директорни) танлайди. Лойиҳани амалга оширишнинг турли хил вариантларини ўрганиш, лойиҳани техник-иқтисодий асоси ва унинг самарадорлигини баҳолашни корхона ўз кучи билан ёки махсус ташкилотлар, масалан, лойиҳачи, архитектор,

курилиш ташкилоти, маслаҳатчи фирмаларнинг кўмагида амалга оширилиши мумкин.

Техник-иқтисодий асос сифати қанчалик юқори бўлса, лойиҳани баҳолаш иши шунчалик енгил кечади. Лойиҳа ғояси туғилган вақтдан бошлаб сўнгги давргача кўп вақт ва маблағлар сарфи кузатилади. Сўнгги баҳолаш хулосалари эса ушбу ишлаб чиқаришдан олдинги қилинган харажатлар ўзини оқлаши мумкинлигини кўрсатади ва шу жиҳатдан юқори аҳамиятли ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашларни ишлаб чиқишда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тавсияси алоҳида аҳамиятга эга. Тадбиркорлар ва барча инвесторлар инвестиция лойиҳаларини мазкур тавсия асосида ишлаб чиқиши уни муваффақиятли амалга оширилиши таъминлайди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослаш босқичлари ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг кетма-кетликда амалга оширилиши ҳам лойиҳанинг сифатли ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

Миллий банкнинг техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш бўйича услубиёти хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, қуйидаги бўлимлардан ташкил топган: кириш; лойиҳадаги операциялар; лойиҳанинг афзалликлари ва фойдалилиги; лойиҳа таъсисчилари ва ҳомийлари; лойиҳа бўйича битимлар (шартномалар) қиймати; лойиҳанинг молиялаштириш режаси; лойиҳадаги хом ашё ва бошқа харажатлар; лойиҳа бўйича товар ва хизматлар, сотиш бозорлари; лойиҳанинг ташкилий масалалари; лойиҳа бўйича мулк ва ускуналарни суғурталаш; лойиҳа бўйича атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир маълумотлар; лойиҳа бўйича қонун ва қоидалар; лойиҳа бўйича технология ва ускуна; лойиҳани кредитлашда банкларнинг ўрни; лойиҳа бўйича кафолатлар; лойиҳа қуввати ва унинг йиллар бўйича ўзлаштирилиши; лойиҳадаги тайёр маҳсулотнинг йиллар бўйича сотилиши; лойиҳа бўйича харажатлар; лойиҳа бўйича кредит тўловлари ва фойзаларнинг йиллар бўйича ҳисоб-китоби; лойиҳа бўйича даромадлар жадвали; лойиҳа бўйича жорий активлар ва пасивларнинг, айланма капитал (ишчи капитали)нинг ҳисоб-китоби; лойиҳа бўйича пул оқими ҳисоб-китоби.

Лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси юқорида кўрсатилган тартиб ва бўлимлар асосида амалга оширилиши лойиҳанинг юқори сифат даражасини таъминлашга хизмат қилади ва у қарз олувчиларга ҳам, қарз берувчиларга ҳам муайян иқтисодий самарага эришишга имкон беради. Лекин шундай ҳоллар ҳам кузатилиши мумкинки, қарз олувчиларнинг лойиҳа техник-иқтисодий асосини тайёрлашдаги билим ва тажрибаларининг етишмаслиги, махсус инвестицион-консалтинг ва инжиниринг компаниялари хизмати доирасининг торлиги сабабли техник-иқтисодий асослашларнинг сифатсиз тайёрланиш ҳоллари кузатилиши мумкин.

Сўнгги йилларда кўпгина ривожланган давлатлар инвестиция лойиҳаларини режалаштиришни UNIDO услубиётига мувофиқ стандартлаштирди. Ривожланган давлатларда инвестицияларга кўмаклашувчи саноат корхоналари, маслаҳат фирмалари, банклар ва ташкилотлар ҳам инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослаш ва баҳолашда UNIDO услубиётини қўллашқда. 1978 йилда UNIDO томонидан «Руководство по

оценке эффективности инвестиций» асари (муаллифлар В.В.Беренс, П.М.Хавранеклар) нашр қилинган кейинги йилларда унда ёритилган услубий ёндашувлар унинг 18 тилга таржима қилинганлиги ва бутун дунёда қўлланилаётганлиги билан исботланади. Унинг асосий мақсади ривожланаётган давлатларда техник-иқтисодий асослашни стандартлаштиришга кўмаклашувчи ва инвестицион таклифлар сифатини оширишдир. Шундан сўнг UNIDO томонидан таклиф қилинган техник-иқтисодий асослашни тайерлашга бўлган ёндашувлар инвестицияларга кўмаклашувчи ташкилотлар, банклар, давлат вазирликлари ва бошқа олий таълим муассасалари, шунингдек, маслаҳат фирмалари ва инвесторлар томонидан қабул қилинди.

UNIDO услубиёти бозор шароитларига ўтиш даври иқтисодиёти учун жуда фойдалидир. Ушбу услубиёт нафақат янги инвестициялар учун, балки корхоналарни модернизациялаш, кенгайтириш ва соғломлаштириш лойиҳалари учун ҳам жуда қўл келади. UNIDO услубиётини жорий этиш (қўллаш) инвесторлар, қўшма корхоналар бўйича ҳамкорлар, маслаҳат фирмалари, ускуна етказиб берувчилар учун ҳам фойдали бўлиб, ҳамкорларнинг бир-бири билан ўзаро алоқаларини енгиллаштиради ва инвестицион таклифлар сифатини яхшилашга кўмаклашади. Айтиш мумкинки, UNIDO услубиётининг кенг тарқалиши инвестицион таклифлар ҳамда техник-иқтисодий асослаш сифатини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ҳозирда лойиҳаларни тайерлаш ва баҳолаш учун UNIDOnинг дастурли воситалари кенг қўлланилмоқда. Улар орасида COMFAR⁴² алоҳида аҳамиятга эга. COMFAR - бу лойиҳа таҳлили учун зарур бўлган турли хил иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларни аниқлашда, шунингдек, молиявий ва иқтисодий таҳлил учун (персональ компьютерларга киритилган махсус дастарлар асосида) қўлланиладиган стандартлаштирилган имитацион моделдир. Инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишнинг UNIDO услубиёти қуйидаги бўлимлардан иборат:

- лойиҳанинг қисқача изоҳи;
- лойиҳанинг асосий ғояси;
- бозор таҳлили ва маркетинг концепцияси;
- хом ашё ва уни етказиб берувчилари;
- лойиҳанинг жойлашиш жойи, қурилиш майдони ва атроф-муҳитга таъсири;
- лойиҳалаштириш ва технологиялар;
- лойиҳанинг ташкилий масалалари ва харажатлар;
- меҳнат ресурслари;
- режалаштириш ва лойиҳани амалга ошириш бюджетини ишлаб чиқиш;
- молиявий таҳлил ва инвестицияларни баҳолаш.

Хулоса қилиб айтганда, лойиҳани техник-иқтисодий асослашнинг унга қўйилган талаблар асосида юқори сифат билан амалга оширилиши лойиҳанинг

⁴²Инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослашларини ишлаб чиқиш учун UNIDOnинг компьютер модели. COMFAR UNIDOnинг мулки ҳисобланади ва муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Ундан фойдаланиш бўйича лицензия UNIDOnинг Саноат операциялари бўлими томонидан берилади.

самарадорлигини таъминлаш билан бирга уни амалга оширувчилар манфаатларининг тўғри ҳисобга олинишини таъминлайди. Қандайдир инрвестия лойиҳасини инвестициялаш бўйича қарор қабул қилиш инвестиция олди тадқиқотларини олиб боришни тақозо этади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида капитал киритишнинг самарадорлигини тавсифловчи, шунингдек, корхона қуввати, лойиҳа имкониятларини кўрсатиш юзасидан хулосалар қилинади. Техник-иқтисодий асослаш лойиҳанинг техник ва иқтисодий жозибадорлигини, шунингдек, ижтимоий аҳамиятини аниқлаши лозим.

2. Инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлаш хусусиятлари. Инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлашни ташкил этиш.

Инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли молиялаштиришда кўпчилик лойиҳани молиялаштиришнинг синдикат кредитлари шаклига зарурат сезмоқда. Бунда кредит битими шартларини ташаббускор банк ўрнатади ва у бошқа банкларни бу лойиҳани молиялаштиришда иштирок этишни таклиф этади.

Синдикатлашган кредит бўйича фоиз суммаси қоидага кўра сузиб юрувчи ставкада ҳисобланади ва база қилиб эса ЛИБОР (Лондон Интер Банк Офферед Рате - Лондондаги банклараро кредитлар бўйича фоиз ставка) ставкасини олишади ва унга банк маржаси кўшилади (ёки, амалиётда РИБОР, НИБОР ставкаларидан ҳам фойданилади).

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш (реализация қилиш) нуқтаи назаридан молиялаштириш муддатини ва объектни куриш (яратиш) вақтини келишиб олиш муҳимдир. Объектни ишлаб чиқариш қувватларига етказиш ва ишлаш муддатининг амалга оширилиши инвестиция лойиҳасини молиялаштириш вақтини (муддати) шакллантиради.

Хориж тажрибаси шунини кўрсатадики, Европа банклари томонидан қўлланиладиган кредитлаштиришнинг максимал муддати 10-15 йилни ташкил қилади. АҚШда эса, бу муддат камроқ 7-12 йил. Агар лойиҳани молиялаштириш муддати етарлича бўлмаса, у ҳолда молиялаш таркибини кредитлашнинг реал имкониятларига ўзгартирилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш нима?
2. Лойиҳавий молиялаштиришнинг қандай тамойиллари мавжуд?
3. Лойиҳаларни баҳолашда, унинг ишончилигини таъминловчи қандай мезонларни биласиз?
4. Риск даражасига қараб, лойиҳавий молиялаштириш қандай турларга бўлинади?

Топшириқлар

1. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Кўлами бўйича лойиҳавий молиялаштириш турларини тўлиқ ўрганиш.

3. Риск даражасига қараб, лойиҳавий молиялаштириш турларини ўрганиб чиқиш.

Масала

Лойиҳанинг қиймати 45,0 млн. сўм, шундан 25,0 млн. сўмлик моддий – техника базаси ва 20,0 млн. сўмлик айланма маблағларга инвестиция қўйиш кўзда тутилган. Бу ҳар йили ўрта ҳисобда 8,0 млн. сўмдан даромад олиш ва 12% лик ставка билан 8 йилга мўлжалланган. Келтирилган маълумотлар асосида инвестициянинг жорий қийматини аниқланг. Қайси объектга инвестиция қўйиш кўпроқ фойдали эканлиги тўғрисида тегишли хулоса чиқаринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.

2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.

3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.

4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.

5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.

6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.

7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.

8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

14-мавзу. Инновация фаолиятини молиялаштириш

14.1. Инновацияларга қаратилган инвестициялар

Режа

1. Инновация ва инновацион фаолият тушунчаси. Инновацияларга қаратилган инвестициялар.

2. Инновация фаолияти - тадбиркорлик тараққиётини юксалтириш омили сифатида.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция фаолияти, инновация, инновацион фаолият, инновацияга қаратилган инвестиция.

1. Инновация ва инновацион фаолият тушунчаси. Инновацияларга қаратилган инвестициялар.

Инновацион инвестициялашнинг назарий асослари иқтисодчи олимлар томонидан атрофлича тадқиқ этилган. Хусусан, Австриялик олим Й.Шумпетер инновацион ўзгаришларни беш йўналишга бўлган: янги техника ва технологик жараёнлар ёки ишлаб чиқаришни янги бозор асосида таъминлаш; янги хусусиятларга эга бўлган маҳсулот турларини яратиш; янги хом-ашёлардан фойдаланиш; ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва янги инновацион товарлар билан таъминлаш; янги истеъмол бозорларини очиш⁴³.

П. Друкернинг фикрича, тадбиркорларнинг инновацион фикрлашлари бир-биридан фарқланади. Инновациялаштириш тадбиркорликнинг ихтисослашган йўналишидир. Ҳар бир тадбиркор ўзининг ишлаб чиқариш объектида инновацион тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Шу билан бирга ихтисослашган инновацион фаолият билан шуғулланувчи субъектлар эса умуман тадбиркорлик фаолиятининг барча йўналишларига, илм-фан ва техника тараққиётида қўлга киритган янгиликлари билан ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш усуллари ташкил қилиш асосида уларга хизмат қилади⁴⁴.

А.Бусыгиннинг фикрига кўра, инновация - бу асосий капитал (ишлаб чиқариш фондларини) ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни илм-фан, техника, технологиялар асосида янгилашдир. Инновация ҳозирги замон ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида қонуний ва объектив жараёндир. Тадбиркорлик амалиётида инновация қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, инновацион жараённи ифодалайди. Айрим ҳолатларда ишлаб чиқариш қисман эмас, балки тўлиқ инновацияга асосланади, натижада қатъий янги таснифга ва хусусиятга эга бўлган товарда ёки фойдаланишда ифодаланади⁴⁵.

⁴³Шумпетер Й. Теория экономического развития.-М.: Прогресс, 1982.-386 с.

⁴⁴Друкер П.Ф. Рынок: как выйти в лидеръ Практика и принципы.-М.: Бук Чембер Интернешнл, 1999.-41 с.

⁴⁵Бусыгин А.В. Предпринимательство: Учебник для вузов.-М.: Дело, 2001.-176 с.

Ю.Швецов, инновацион жараён-янгиликни яратиш ва амалиётга қўллаш деб ҳисоблайди⁴⁶.

М.Саидовнинг фикрича, инновация, аввало, иқтисодий ривожлантиришга қўйилмаларнинг самаралилиги билан тавсифланади, ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган олдинги авлод техникаси ва технологиясини анча самарали, экологик соф ва ресурсларни тежашга имкон берувчи ишлаб чиқариш воситалари билан алмаштиришни ифодалайди. Инновацион фаолият (янгиликларни жорий этиш) ишлаб чиқариш янги технологиялари негизида рақобатбардош маҳсулот (товар) турларини яратиш жараёни. Бу жараён ғоянинг пайдо бўлиши, унинг мақсадини аниқлаш ва амалга оширишдан то ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш ва иқтисодий самара олишгача бўлган ишларни ўз ичига олади⁴⁷.

Бир гуруҳ Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг хулосасига кўра, инновация- янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги технологиянинг биринчи марта тижорат асосида қўлланилиши. Интенсив иқтисодий ўсиш ресурсларидан янада самарали фойдаланишга асосланган иқтисодий ўсиш. Унинг етакчи омили фан ва техника тараққиётининг охирги талабларига жавоб берадиган дастгоҳ, янги технологиялар билан ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш билан ёки мақсадга ишлаб чиқариш майдонини кенгайтириш ҳисобига эмас, балки унда қўлланиладиган ресурсларни сифатини ошириш орқали эришилмоқда^п.

Бизнинг фикримизча, инновация ютуқларининг иқтисодий натижалари ишлаб чиқариш жараёнида моддий ресурсларни, маҳсулот бирлигига сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнатни тежашни, киши бошига меҳнат унумдорлигининг ошиб боришини, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан ифлосланиш даражасини камайтиришни таъминлашда, ишлаб чиқаришда, ижтимоий соҳада банд бўлганларнинг иш ҳақи ва даромадларининг ўсиб боришида, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш даражасини ошиб боришида, ижтимоий инфратузилмани ривожланиб боришида ифодаланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий инновацион асосда ривожланиши танлаб олинган энг асосий йўли деб ҳисоблаш мумкин.

Инновацион жараён қуйидаги ривожланиш босқичларига эга: инновацион ғояларнинг ривожланиши; энг самарали инновацион ғояларни аниқлаш; инновацион ғояларни амалга оширишни иқтисодий баҳолаш; бизнес режада инновацион ғояларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий харажатларни асослаш; экспертлар томонидан инновацион ғояларни амалга ошириш бизнес режасини баҳолаш; инновацион режалар асосида намунавий маҳсулотни ишлаб чиқариш ва бозор талаблари асосида синаш; бозорда юқори талабга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган ўзгартиришларни киритиш ва уларнинг бозордаги ҳаракатларини


⁴⁶Швецов Ю.Ф. Организационные методы сокращения длительности инновационных процесса. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора технических наук.-Самара: 2002.-7 с.

⁴⁷Саидов М.Х. Олий таълим иқтисодиёти, инвестициялари ва маркетинги: Ўқув қўлланма.-Т.: Молия, 2003.-74 б.

ишлаб чиқиш; синалган инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бозорда сотилишини таъминлаш.

Айтиш мумкин, ишлаб чиқариш жараёнида илмий-техникавий ишланмаларни қўлланилиши натижасида улар илмий-техникавий инновация маҳсулотларига айланади.

Инновацион жараён инновацион фаолиятга нисбатан кенг маънога эга бўлиб, инновацион жараённинг амалга ошириш хусусиятлари мавжуд (14.1.1-чизма).



14.1.1-чизма. Инновацион жараёни амалга ошириш хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти шароитида инновацион жараён истеъмол талаблари таъсирида қисқа муддатларда ўзининг янгиликлари билан тавсифланадиган жараён бўлиб, унинг ҳаракати узлуксиз равишда такомиллашган ҳолда амалга ошириб бориладиган турли йўналишлардаги ҳаракатларни ўзида ифода этади. Чунки, бозор муносабатлари шароитида инновация қўйилмаларининг эркин ҳаракати натижасида иқтисодий субъектлар ўртасида эркин рақобатнинг даражаси ошиб боради.

Инновация иқтисодий категория эканлигини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

-инновацион фаолият инновация, инновацион жараёнга нисбатан кенг маънога эга бўлиб, илм-фан ва техника янгиликларини ишлаб чиқаришга татбиқ этилишини ифода этади. Инновацион фаолият инновация ва инновацион жараёни тўлиқ қамраб олади;

-инновация ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш учун йўналтирилган инновация маблағларининг асосий қисми бўлиб, ишлаб чиқариш субъектларининг асосий маблағларида мужассамлашади.

Инновацион жараённинг ривожланишига бир қатор омиллар таъсир этади (1- жадвал).

Инновацион янгиликларни ишлаб чиқариш жараёнида қўллашнинг самарадорлиги ишлаб чиқариш субъектларининг иқтисодий-ижтимоий ва экологик самарадорлигининг ўсиб боришига олиб келади.

2. Инновация фаолияти - тадбиркорлик тараққиётини юксалтириш омили сифатида. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инновация фаолияти зарурияти.

Инновация – бу ихтиро, янги технологик маҳсулот, хизмат шаклидаги ёки ташкилий-иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий характердаги, тайёр, ҳал этилган, хўжалик субъектида фойдаланилаётган, унинг рақобатбардошлигини ўсишини таъминлайдиган, якуний фаолият натижасидир. **Инновацион фаолият** – бу илмий тадқиқотлар, техник ихтиролар яратиш орқали, корхона унинг молиясини маркетинг инструментларидан фойдаланган ҳолда самарали бошқариш ва якуний натижада хўжаликнинг рақобатбардошлигини ўсишини таъминлаш мақсадида унинг иқтисодий фаолиятига жорий этишга олиб келадиган, инновацион янгиликни яратишга йўналтирилган жараёндир.

Корхонада инновацион инфратузилмага эга бўлганда мавжуд муҳит доирасида, унга мос лойиҳани жорий этилиши корхонада инновацион фаолиятни амалга ошиганини ифода этади. Инновацион фаолиятнинг кириш қисмида унинг муҳим элементи бўлган кадрлар, молиявий, ахборот, моддий-техник кўринишдаги ресурслар ва солоҳиятли кадрлар туради. Лойиҳани якуний чиқиш қисмида янги технология, маҳсулот, хизмат, янги ташкилий ва бошқарув шаклида ёки интеллектуал мулк шаклидаги патендлар, лизензиялар, ноу-хау ва индивидуаллаштириш воситалари кўринишидаги инновация туради. Бу билан хўжалик субъекти инновацион фаолият натижасида бозорда мувоқиятли ривожланиши учун рақобат устунлигига эга бўлади, ўз салоҳиятини оширади ва илмий кадрларни ривожлантиради.

Корхона учун бозорга инновацияни чиқаришдан мақсад интеллектуал мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи билан унинг рақобатбардошлигини ва ялпи даромад ҳажмини ўсиши бўлиши керак. Бу ўз навбатида янги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун корхонада зарурий ресурсларни шакллантиради.

14.1.1-жадвал

Инновацион жараёнларни ривожланишига таъсир этувчи омиллар

Омиллар	Инновацион жараённинг ривожланишига салбий таъсир этувчи омиллар	Инновацион жараённинг ривожланишига ижобий таъсир этувчи омиллар
Иқтисодий	Инвестиция маблағларининг етишмаслиги	Зарурий молиявий захираларнинг мавжудлиги

Технологик	Моддий-техника ва илмий-техникавий ишлар учун зарур бўлган шароитларнинг талабга жавоб бермаслиги. Мавжуд технологияларининг эскилиги ва ҳоказо	Етарли даражада моддий-техникавий базанинг ва ишлаб чиқариш технологиялари, хўжалик ҳамда илмий-техникавий инфратузилманинг мавжудлиги
Сиёсий	Антимонопол қонунлар томонидан чекланганлиги	Қонуний чора-тадбирларнинг яратилиши
Ҳуқуқий	Солиқ, амортизация, патентлаш ва лицензиялаштиришнинг талабга жавоб бермаслиги	Инновацион фаолиятнинг ривожланишини ҳуқуқий таъминлаш
Ташкилий	Ташкилий таркибларнинг эскириши	Бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда ташкилий таркибни такомиллаштиришга мойиллиги
Бошқарув	Марказлаштирилган авторитар бошқарув, ахборотлар билан таъминлашнинг ва субъектлар ҳамда ички субъектлар муносабатларининг мураккаблиги. Инновацион жараён бўйича келишувнинг мураккаблиги	Ишлаб чиқариш ташкилий тизимининг муқобиллиги, демократик бошқарувга асосланиши, ахборотлар билан таъминланиши. Инновацион жараёни амалга оширишда умумий мақсаднинг шаклланиши
Ижтимоий-психологик	Ишлаб чиқариш йўналишининг ўзгариши асосида янги иш жойларининг мослашуви, мавжуд ишлаб чиқариш фаолиятини қайта ташкил этиш. Ишлаб чиқариш эски усуллариининг мавжудлиги, ишлаб чиқариш олдидаги қўрқув, омадсизлик	Маънавий рағбатлантириш. Ижтимоий тан олиш, инновацион меҳнатга шароит яратиш, талаб даражасида психологик шароитлар яратилиши
Маданий	Субъектлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг талабга жавоб бермаслиги, ишончга, ҳурматга асосланмаганлиги	Ўзининг инновацион маҳоратини кўрсатишга шароитнинг мавжудлиги. Субъектлар ўртасидаги муносабатлар тенглик, ишончлилиқ муносабатларига ва ҳурматга асосланиши

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш нима?
2. Лойиҳавий молиялаштиришнинг қандай тамойиллари мавжуд?
3. Лойиҳаларни баҳолашда, унинг ишончлилигини таъминловчи қандай мезонларни биласиз?
4. Риск даражасига қараб, лойиҳавий молиялаштириш қандай турларга бўлинади?

Топшириқлар

1. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Кўлами бўйича лойиҳавий молиялаштириш турларини тўлиқ ўрганиш.
3. Риск даражасига қараб, лойиҳавий молиялаштириш турларини ўрганиб чиқиш.

Масала

Лойиҳанинг қиймати 45,0 млн. сўм, шундан 25,0 млн. сўмлик моддий – техника базаси ва 20,0 млн. сўмлик айланма маблағларга инвестиция қўйиш кўзда тутилган. Бу ҳар йили ўрта ҳисобда 8,0 млн. сўмдан даромад олиш ва 12% лик ставка билан 8 йилга мўлжалланган. Келтирилган маълумотлар асосида инвестициянинг жорий қийматини аниқланг. Қайси объектга инвестиция қўйиш кўпроқ фойдали эканлиги тўғрисида тегишли хулоса чиқаринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 б.
2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

14.2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолияти

Режа

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инновация фаолияти зарурияти.
2. Инновация стратегиясининг моҳияти. Корхоналарда инновация стратегияни шакллантириш.

Таянч сўз ва иборалар

Инвестиция фаолияти, инновация, инновацион фаолият, инновацияга қаратилган инвестиция, инновацион стратегия.

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инновация фаолияти зарурияти.

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятининг ўсиши инновацион корхоналарни фаолиятини ташкил этмай амалга ошириб бўлмайди. Аммо инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун қабул қилинаётган ҳукумат қарорлари ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун яратилаётган замонавий инфратузилмасига қарамай, инновацион корхоналар фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи салбий омиллар юзага келмоқда.

Бундай омиллар қаторига инновацион аҳамиятга молик бўлган кичик хўжалик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг етарли бўлмаслигини, уларга бюджетдан ва тижорат банк тизимлари томонидан самарали фаолият юргизишлари учун имтиёзли маблағларни ажратиб берилишида мавжуд маъмурий омилларни киритиш мумкин.

Шунингдек, солиқ юкининг юқорилиги ҳам инновация инфратузилмасининг молиявий жиҳатдан таъминланишига нисбатан таъсирчанлиги сезиларли бўлиб қолмоқда. У белгиланаётган миқдори маҳсулотнинг янги яратилган қиймати миқдори, олинган фойда ҳамда мавжуд бўлган мулк қийматига бевосита боғлиқлигида ўз аксини топмоқда.

Амалдаги солиқ тизими инновацион корхоналар фаолиятини яратишда етарли даражада эътиборга олинмаяпти. Шунингдек, таъкидлаш жоизки инновация корхоналари бошқа ноинновацион корхоналар каби фойда солиғини тўлаш пайтида солиққа тортиладиган фойда миқдорини аниқлашда имтиёзга эга бўлиб қолмоқда, холос. Шунингдек, айтиш жоизки, айрим инновацион корхоналарга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта ташкил қилиш, техникавий жиҳозлаш учун йўналтирилган фойдани чегириш ҳуқуқи тақдим этилган, у ҳам бўлса ишлаб чиқариш учун мўлжалланган маҳсулот ҳамда қурилиш материалларини етказиб берадиган баъзи бир корхоналар олган фойдаси ушбу корхона рўйхатга олинган кундан бошлаб, дастлабки икки йил мобайнида солиққа тортилмаслигида намоён бўлмоқда.

Аммо шунга қарамасдан, ушбу хусусиятларга эга бўлган солиқ имтиёзлари тугатилган ёки санация натижасида қайта тузилган инновация корхоналари, уларнинг филиаллари ҳамда тузилмавий бўлинмаларга тегишли эмас. Тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, унда инновация корхоналари учун қабул қилинган ҳамда иқтисодиётнинг устувор соҳаларида

амал қилаётган барча имтиёзларни қўллаш мумкин. Бундан ташқари, илмий изланишларни бажараётган инновация корхоналари тадқиқот ишлар учун илмий-техник асбоб-ускуналарсотиб олган йилнинг ўзидаёқ 50 %га тенг амортизация ажратмаси ҳуқуқига, қолган асосий маблағлар ҳисобидан эса жадаллашган амортизация ажратмаси ҳуқуқига эга бўлишлари кўзда тутилган. Бундай тажрибаларни маамлакатимизда фаолият кўрсатаётган инновацион корхоналарга қўллаш муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Инновацияларни жорий этадиган саноат соҳасидаги кичик корхоналарга лицензиялар ва “ноу-хоу”ларни сотиш жараёнида ишлаб чиқаришни кенгайтиришни амалга оширадиган корхоналарга нисбатан эса солиққа тортиладиган базадан янги асбоб-ускуналар қийматини чиқариб ташлаш ҳуқуқи берилишини таъминлаш муҳимдир.

Оқилона инвестиция сиёсатини юритишда давлат томонидан инновацион корхоналарга сармоя қўйилишнинг ўзига хос афзалликлари яратилиши лозим. Салоҳиятли инвесторлар учун қимматли қоғозлар айланишини самарали ташкил этишга хизмат қилувчи қонунчилик базасини такомиллаштириш кредит ташкилотлари томонидан эса тақдим этилган қарз кафолатлари ўта жозибадор бўлиб ҳисобланмоғи лозим.

Корхоналарни инвестициялаш механизми, инвестициялаш усуллари билан аниқланади. Улар эса инвестицион фаолиятни инвестициялаш мабалари билан биргаликда, корхона ва компаниялардаги инвестицион жараёнларни молиявий таъминлаш тизимини ташкил этади. Шундай қилиб, инвестиция жараёнини молия билан таъминлаш тизими инвестициялашнинг усул ва манбаларидан иборатдир.

2. Инновация стратегиясининг моҳияти. Корхоналарда инновация стратегияни шакллантириш.

Корхоналарни молиялаштиришнинг инновацион инвестиция усуллари билан кенг фойдаланишга ҳаракат қилиши лозим. Ўзини ўзи молиялаштириш инвестицион усулида корхонанинг ўз капитали (фойда, амортизация) ва ички активларни сафарбар этиш (харажатларни ва айланма маблағларни камайтириш) инвестицион манбаини ташкил этади. Кўриниб турибдики, ўз фаолиятини қанчалик самарали ташкил этганлиги ва ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этилганлиги корхонанинг ўз-ўзини молиялаштириш салоҳиятини белгилайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан корхоналар фаолиятининг ўзгариши, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари, аҳоли қобилятининг пасайиши, рақобат муҳитининг тўла шаклланмаганлиги, бундай шароитда нархлар шаклланишидаги нисбатларнинг бузилиши, хом-ашё базасининг кескин камайиб кетиши ва шу кабилар саноат корхоналарида ташкилий бошқарув муносабатларига янада юқорида талабларни қўймоқда. Чунки ушбу муносабатларнинг такомиллашиши, пировард натижада, корхоналарнинг самарали ҳаракатланиши таъминлайди.

Бундан ташқари, ҳозирги даврда корхоналар олдида ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор масалалар мавжуд, хусусан:

- иқтисодий ўсишни ҳар хил муқобилларидан бирини танлаш ва амалга ошириш;

- корхона ўз маблағлари, айниқса айланма маблағлари дефицити шароитида ҳаракатланмоқда, бу эса шубҳасиз, капитал айланиш ва уни ички жамғаришга йўналтирилишини чеклаб қўйиш;

- бозор ноаниқлиги шароитида моддий. меҳнат харажатлари, инфляция индексларини аниқлаш ва ҳисоблаш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш, харажатлар қийматини прогнозлаш, молия-иқтисод омилларни мувофиқ нисбатини таъминлаш ва ҳ.к.

Бу ҳол саноат корхоналарида янги шароитга мослашиш механизми тўла шаклланмаганлигидан далолат беради, бунг эришиш эса корхоналардан ўз фаолиятларини бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ислоҳ этишни талаб этади. Саноат корхоналарида ушбу жараён бошланган, аммо охирига етказилмаган. Амалиётда саноат корхоналарининг ҳаракатланиши жараёнларида уларга бир қатор ташқи муҳит омиллари таъсир этади.

Бунда энг муҳими, бозорнинг реал эҳтиёжларини ва корхонанинг потенциал имкониятларини баҳолаш корхонанинг унга мос стратегиясини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни таъминловчи механизмни яратишдир.

Саноат корхоналарининг ташқи муҳит омилларига қуйидагиларни кийитиш мумкин: улар ички ва ташқи бозор конъюктурасидаги ўзгаришлар; иқтисодиётда иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳукукий ва меъёрий база; ишлаб чиқариш ресурсларининг қимматлашишига олиб келадиган бошқарилмайдиган инфляцион жараёнлар; корхоналарни хусусийлаштириш оқибатлари; хўжалиу юритувчилар ўртасидаги рақобат кураши; ўзаро боғлиқ тармоқ ва корхоналардаги аҳвол; ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва инновацион жаражаси; бозор инфратузилмаси ва товар ҳаракати каналларидаги ўзгаришлар; корзона маҳсулотига бўлган талабнинг ўзгаришидан иборат.

Ташқи муҳитдаги ўзгаришлар саноат корхоналарига икки ёқлама таъсир этиши мумкин, яъни ривожланишига янги имкониятлар ёки хавф туғдириши мумкин. Шунинг учун корхонанинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда ташқи муҳитнинг таҳлили комплекс таснифга эга бўлиб, иқтисодий, сиёсий, бозор, технология, ижтимоий ва халқаро соҳаларни қамраб олиши лозим. Бунда икки масалани аниқлаб олиш муҳимдир: биринчидан, ташқи муҳитда вужудга келган имкониятлардан фойдаланиш учун корхона ички имкониятларга эга эканлиги масаласи, иккинчидан эса, корхонанинг қайси бир заиф жиҳатдан ташқи хавф билан боғлиқ муаммоларни кескинлаштириб юбориши мумкинлиги масаласи.

Шундай қилиб, саноат корхоналарини ўраб турган ташқи муҳитдаги ўзгаришлар бир тарафдан ишлаб чиқаришни бир тарафдан ишлаб чиқаришни узок давр мобайнида бир сифат даражасида ҳаракатланиб туришига имкон бермайди, иккинчи тарафдан эса, такрор ишлаб чиқаришни эски усул ва механизмларини такомиллаштириш асосида ҳар доим янада юқорироқ сифат даражасига ўтиб ҳаракатланишини талаб этади. Аслини олганда янги

шаролитларга мослашиб бориш бошқаришни стратегик шаклига ўтишни назарда тутати ва у қуйидаги тамойилларга таянади: қонунийлик, бошқарув стратегиясининг узлуксизлиги, мақсадга йўналганлиги, стратегик янгиланиш, ижтимоий йўналганлиги, тизимийлик. Агар ушбу тамойилларга назар ташласак, бундай бошқарув турида ишлаб чиқаришнинг доимо янгиланиб туриши, ташқи муҳитга мослашиши ундаги ўзгаришларга муносиб жавоб қайтаришга асосланганлигини кўришимиз мумкин.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш нима?
2. Лойиҳавий молиялаштиришнинг қандай тамойиллари мавжуд?
3. Лойиҳаларни баҳолашда, унинг ишончлилигини таъминловчи қандай мезонларни биласиз?
4. Риск даражасига қараб, лойиҳавий молиялаштириш қандай турларга бўлинади?

Топшириқлар

1. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Кўлами бўйича лойиҳавий молиялаштириш турларини тўлиқ ўрганиш.
3. Риск даражасига қараб, лойиҳавий молиялаштириш турларини ўрганиб чиқиш.

Масала

Лойиҳанинг қиймати 470,0 млн. сўм, муддати 9 йилга мўлжалланган. Фоиз ставкаси 22%. Қуйидаги пул оқимига эга:

1–3 йилда 165,0 млн. сўм.

4–6 йилда 170,0 млн. сўм.

7–9 йилда 205,0 млн. сўм.

Ушбу маълумотлар асосида лойиҳанинг жорий қийматини ва унинг қайси йилда қопланишини аниқланг

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 б.

2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломова Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.

3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.

4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.

5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.

6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

15-мавзу. Номоддий активларга сафарбар этиладиган инвестицияларни молиялаштириш

Режа

1. Номоддий активлар, уларнинг таркиби ва роли. Номоддий активлар - инвестиция объекти сифатида.
2. Эркин бозор ва кучли рақобат муҳитида номоддий активларни кенгайтириш зарурияти.
3. Номоддий активларни баҳолаш ва “гудвилл”. Гудвилл таркиби. Гудвилл – инвестиция объекти сифатида.

Таянч сўз ва иборалар

Номоддий актив, гудвилл, инвестиция фаолияти, инвестиция объекти, инвестицион жараён.

1. Номоддий активлар, уларнинг таркиби ва роли. Номоддий активлар -инвестиция объекти сифатида.

Номоддий активлар - корхона томонидан улардан ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун узок муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари.

Номоддий активларнинг таърифи активдан хўжалик фаолиятида фойдаланилишини ва у моддий моҳиятга эга бўлмаслигини талаб этади. Моддий моҳиятга эга бўлмаган (пул маблағлари кўринишида бўлмаган) активлар, агарда юридик ҳуқуқлар, жумладан мулк ҳуқуқи билан ўзаро муносабатда бўлиши мумкин бўлган ва улардан узок муддат давомида фойдаланилган тақдирда номоддий активлар таърифига жавоб беради.

Активларни бухгалтерия ҳисобига номоддий активлар сифатида қабул қилишда бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

- а) моддий-ашёвий тузилиш (шакл)га эга бўлмаслиги;
- б) активлардан маҳсулот ишлаб чиқаришда, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишда ёхуд корхонанинг маъмурий ва бошқа функциялари учун узок муддат, яъни давомийлиги 12 ойдан юқори фойдали хизмат муддати ёки агар у 12 ойдан ошадиган бўлса, оддий операцион цикл мобайнида фойдаланиш;
- в) корхона ушбу активни кейинчалик қайта сотишни мўлжалламайди;
- г) ишончлилиқ, яъни корхонада актив ва унга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар (патентлар, гувоҳномалар, бошқа муҳофаза қилувчи ҳужжатлар, патент, товар белгисидан воз кечиш (сотиб олиш) шартномаси)нинг мавжудлиги;
- д) корхона томонидан бошқа активлардан идентификациялаш (бўлиш, ажратиш) имконияти, яъни активни ундан фойдаланиладиган хўжалик фаолиятидан алоҳида фойдаланишнинг мумкин бўлиши.

Номоддий актив идентификацияланадиган бўлиб ҳисобланади, агарда у:

а) ажраладиган бўлса, яъни уни корхонадан ажратиб бўлса ҳамда сотиш, бериб юбориш, ижарага бериш, алоҳида ёки улар билан боғлиқ актив, контракт ёки мажбурият билан бирга айрибошлаш (гудвиллдан ташқари) мумкин бўлса;

б) ушбу ҳуқуқлар бериладиган ёки корхонадан ёхуд бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ажраладиган бўлишидан қатъи назар, шартномавий ва бошқа юридик ҳуқуқлардан пайдо бўлади.

Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби бирлиги бўлиб инвентарь объекти ҳисобланади. Номоддий активларнинг инвентарь объекти бўлиб битта патентдан, гувоҳномадан, ҳуқуқдан воз кечиш шартномасидан ва шу кабилардан келиб чиқадиган ҳуқуқлар жами ҳисобланади. Бир инвентарь объектини бошқасидан ажратилиши (идентификацияланиши)нинг асосий белгиси бўлиб, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишда мустақил вазифаларни бажарилиши ёхуд корхонанинг маъмурий ва бошқа функциялари учун ишлатилиши ҳисобланади.

Иккита ёки бир нечта корхона мулкида бўлган номоддий активлар объекти ҳар бир корхона томонидан умумий мулкдаги унинг улушига тенг миқдорда номоддий активлар таркибида акс эттирилади.

Номоддий активлага қуйидаги объектлар киритилиши мумкин:

а) патент эгасининг ихтиро, саноат намуналари ва фойдали моделларга бўлган мутлақ ҳуқуқи;

б) муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

в) муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг интеграл микросхемаларнинг топологияларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

г) ҳуқуқ эгасининг товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқи, шунингдек товар ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи;

д) ҳуқуқ эгасининг селекция ютуқларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

е) гудвилл

ж) табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, яъни ер ости бойликлари, атроф-муҳитдаги бошқа ресурслар, атроф-муҳит тўғрисидаги геологик ва бошқа маълумотлар ва шу кабилардан фойдаланиш ҳуқуқи;

з) мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи, яъни ер участкалари, бинолар ва шу кабилардан фойдаланиш ҳуқуқи;

и) бошқа номоддий активлар (маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, иқтисодий ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи ва шу кабилар).

Номоддий активлар таркибига таъсис ҳужжатларига мувофиқ тан олинган ташкилий харажатлар (юридик шахсни ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар) ҳам ҳисобга олинади.

Номоддий активлар таркибига корхона ходимларининг интеллектуал ва ишчан сифати, уларнинг малакаси ва меҳнатга қобиляти киртилмайди, чунки улар ўзларининг эгаларидан ажралмас ҳисобланади ва уларсиз фойдаланиш мумкин эмас.

2. Эркин бозор ва кучли рақобат муҳитида номоддий активларни кенгайтириш зарурияти.

Келиб тушадиган номоддий активларнинг қиймати корхона балансига киритилиши лозим. Номоддий активлар қуйидагилар натижасида корхона балансига киритилади:

- а) ишлаб чиқиш тугаганидан сўнг яратилган объектни қабул қилиш-топшириш;
- б) олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;
- в) устав капиталига муассислар (иштирокчилар)нинг улуши кўринишида келиб тушиш;
- г) текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);
- д) давлат субсидиялари ҳисобига олиш;
- е) айирбошлаш;
- ж) ортиқча (ҳисобга олинмаган) номоддий активлар объектларини аниқлаш ва бошқа асосларга кўра.

Номоддий активлар активларнинг сотиб олинishiга оид бухгалтерия проводкалари қуйидагича:

Дт 6010 Кт 5110 етказиб берувчига тўлов;

Дт 0830 Кт 6010 капитал қўйилмалар ҳисобидан сотиб олиш;

Дт 0400 Кт 0830 капитал қўйилмалар ҳисобидан кирим қилиш;

Агарда номоддий активлар пулсиз ёки бегараз алмашиш йўли билан сотиб олинса:

Дт 0830 Кт 6010

Дт 0400 Кт 0830

Барча турдаги номоддий активларнинг дастлабки баҳоси бошланғич қиймат бўлиши керак ва улар бухгалтерия ҳисобига ушбу қиймат бўйича қабул қилинади. Ҳақ эвазига сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати қуйидаги харажатлардан ташкил топади:

а) ҳуқуқдан воз кечиш (сотиб олиш) шартномасига мувофиқ ҳуқуқ эгаси (сотувчи)га тўланган суммалар;

б) ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқидан воз кечиши (сотиб олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари, патент божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

в) божхона божлари ва йиғимлари;

г) номоддий активларни сотиб олиш муносабати билан тўланадиган солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

д) номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

е) номоддий активлар улар орқали сотиб олинган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;

ж) асосий воситалар объектларини етказиб бериш таваккалчилигини суғурталаш бўйича харажатлар;

з) активдан мақсадга кўра фойдаланиш учун уни яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Сотиб олинган номоддий активларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (аккредитив очиш бўйича харажатлар, ўтказмалар учун банкнинг воситачилик ҳақи, номоддий активларни чет эл валютасига сотиб олиш чоғида валюта конвертацияси бўйича воситачилик ҳақи ва банкнинг бошқа хизматлари), сотиб олиш бўйича контрактларни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олиниши керак.

Корхонанинг ўзи томонидан яратилган (ишлаб чиқилган) номоддий активларнинг бошланғич қиймати илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга ҳақиқий харажатлар суммаси сифатида аниқланади. Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 3 декабрда 64-сон билан тасдиқланган 11-сон БҲМС мувофиқ белгиланади.

Корхона устав капиталига улуш ҳисобига олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати агарда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, корхона муассислари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳоси тан олинади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда худди шундай номоддий активга айирбошлаш йўли билан олинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг қолдиқ қийматига тенг.

Номоддий актив қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда худди шундай номоддий активга алмаштириш йўли билан харид қилинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг айирбошланиш чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) қолдиқ қийматига тенг.

3. Номоддий активларни баҳолаш ва “гудвилл”. Гудвилл таркиби. Гудвилл – инвестиция объекти сифатида.

Корхонанинг бозор қиймати корхона томонидан келгусида олиниш эҳтимоли мавжуд бўлган иқтисодий фойда бозори баҳосини акс эттиради. Корхонанинг бозор қиймати билан алоҳида активларнинг баланс қиймати ўртасидаги тафовут исталган пайтда ўз ичига корхонанинг қийматига таъсир этувчи бир қатор омилларни олиши мумкин. Бироқ бундай тафовут ушбу пайтда корхона назорат қилаётган белгиловчи активларнинг қийматини ифодаламайди.

Корхонанинг ўзи яратган гудвилл актив сифатида акс эттирилмаслиги керак, чунки у корхонани сотиб олиш пайтида харид қилиш нархи билан мазкур корхонани ташкил қилувчи активларнинг ҳақиқий нархи ўртасидаги тафовут сифатида юзага келади.

Харид қилинган гудвиллнинг миқдори ҳисоб-китоб қилиш йўли билан, харид қилинаётган корхонанинг ҳақиқий қиймати билан уни харид қилиш

санасидаги корхона соф активларининг бозор қиймати (барча мажбуриятлар суммаси айирилган ҳолда активларнинг бозор қиймати) ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

Гудвилл суммасига келгусидаги иқтисодий фойдани кутиб, харидор томонидан тўланадиган нархга қўшимча сифатида қараш ва алоҳида инвентарь объекти сифатида ҳисобга олиш лозим.

Манфий гудвилл суммасини доимий харидорлар мавжудлиги омили, сифат репутацияси, маркетинг ва сотиш малакаси, иш юзасидан алоқалар, бошқариш тажрибаси, ходимлар малака даражаси ва шу кабилар бўлмаган тақдирда, харидорга тақдим этиладиган нархдан чегирма сифатида кўриш ва муддати кечиктирилган даромадлар (келгуси давр даромадлари) сифатида ҳисобга олиш лозим.

Гудвилл бўйича амортизация ажратмалари унинг фойдали хизмат муддати мобайнида бошланғич қийматини камайтириш йўли билан бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Гудвилл суммасини ҳисобдан чиқариш даври корхонага келгусидаги иқтисодий фойда тушуми кутилаётган даврнинг энг яхши баҳосини акс эттириши керак. Гудвиллнинг фойдали хизмат муддати дастлаб тан олинган пайтдан бошлаб йигирма йилдан ошмаслиги керак (лекин корхонанинг фаолият кўрсатиш муддатидан ошиб кетмаслиги лозим).

Гудвилл бўйича амортизация ажратмалари мазкур БҲМСнинг 7-параграфида назарда тутилган тартибда ва усулларни қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Молиявий ҳисоботда Гудвиллнинг қиймати тегишли ҳисобот даврида амалга оширилган ҳисобдан чиқаришларни чегирган ҳолда акс эттирилади.

Манфий гудвилл суммаси сотиб олинган амортизацияланадиган алоҳида активларнинг ўртача тортилган фойдали хизмат муддати мобайнида мунтазамлик асосида корхонанинг молиявий натижаларга асосий фаолиятдан бошқа даромадлар сифатида киритилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш деганда нимани тушунасиш?
2. Лойиҳавий молиялаштиришнинг қандай тамойиллари мавжуд?
3. Лойиҳаларни баҳолашда, унинг ишончлилигини таъминловчи қандай мезонларни биласиз?
4. Риск даражасига қараб, лойиҳавий молиялаштириш қандай турларга бўлинади?
6. Жаҳон тажрибасида лойиҳавий молиялаштиришнинг қандай турларини биласиз?
7. Кўлами бўйича лойиҳавий молиялаштириш турлари нималардан иборат?

Топшириқлар

1. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида қўшимча

маълумотлар излаб топиш.

2. Кўлами бўйича лойиҳавий молиялаштириш турларини тўлиқ ўрганиш.

3. Риск даражасига қараб, лойиҳавий молиялаштириш турларини ўрганиб чиқиш.

Масала

Инвестиция бозорида 4 та лойиҳа мавжуд. Ҳаммасининг ставкаси 16% дан. Аммо биринчисининг қиймати 30,0 млн. сўм, иккинчисининг қиймати 28,0 млн. сўм, учинчисининг қиймати 33,0 млн. сўм, тўртинчисининг қиймати 37,0 млн. сўм. Барча лойиҳаларнинг муддати 6 йилга мўлжалланган. Қайси инвестиция самарали эканлигини аниқланг ва тегишли хулоса ёзинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.

2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.

3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.

4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.

5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.

6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.

7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.

8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

16-мавзу. Инвестиция рисклари ва уларни пасайтириш йўллари

Режа

1. “Инвестиция рисклари” тушунчаси, мазмун-моҳияти ва хусусиятлари. Инвестиция фаолияти билан боғлиқ рисклар ва уларнинг таснифланиши.
2. Инвестиция рискларини аниқлаш усуллари. Инвестиция лойиҳаларида рискларни баҳолашнинг математик усуллари.
3. Рискларни бошқариш ва риск даражасини пасайтириш йўллари.

Таянч сўз ва иборалар

Риск, инвестиция рисклари, лойиҳа rischi, кредит rischi, хеджерлаш, рискларни бошқариш.

1. “Инвестиция рисклари” тушунчаси, мазмун-моҳияти ва хусусиятлари. Инвестиция фаолияти билан боғлиқ рисклар ва уларнинг таснифланиши.

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни муваффақиятли жалб этиш маълум даражада уч гуруҳ омилларга боғлиқ бўлади.

Биринчидан, инвестиция қувватининг мавжудлигига. Уни табиий, меҳнат захиралари, шунингдек, ишлаб чиқариш, истеъмол, молиявий, инновация, институционал ва инфратузилмавий қувватлар ташкил қилади.

Иккинчидан, мамлакатдаги мавжуд инвестиция шароитлари муҳим аҳамиятга эгадир. Буларга: умумиқтисодий, бозор, меъёрий-ҳуқуқий, ахборот билан таъминланиш, экологик, ижтимоий, маданий ва ижтимоий-маданий шароитлар киради.

Учинчидан, инвестиция таваккалчилиги омилларидир. Улар хорижий инвесторларнинг инвестиция қуввати ва инвестиция шароитларининг қулай афзалликларидан фойдаланиш бўйича вазифаларига қарама-қарши туради.

Барча гуруҳлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Мисол учун, етарли даражада жалб қилувчи бўлмаган инвестиция шароитлари, ҳатто, юқори қувватли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ҳам пасайтириб юборади.

Ўтиш иқтисодида бўлган, ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш бўйича шароитларни шакллантираётган давлатлар учун инвестиция rischi riskнинг муҳим турларидан биридир. Шунинг учун ҳам riskни, унинг манбаларини ва унинг олдини олиш усуллари аниқлаш ривожланаётган мамлакатлар учун ҳаётий вазифа бўлиб ҳисобланади.

Инвестицион лойиҳалар келажакка тегишли бўлганлиги сабабли, уларни амалга ошириш натижаларини аниқ тахмин қилиш муаммодир. Бундай лойиҳалар кутилиши мумкин бўлган рисклар ва ноаниқликларни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак. Инвестицион қарор бир қатор кутилиши мумкин бўлган оқибатларга эга бўлган ҳолларда, қарор riskли ёки ноаниқликларга эга деб аталади.

Рискни маълум бир қарорни қабул қилиш натижасида заҳираларни йўқотиш имконияти, даромадларни ололмаслик ёки қўшимча харажатлар зарурати сифатида белгилаш мумкин.

Риск - бу башорат қилинаётган лойиҳани амалга оширишда ҳақиқий шароитлардан озгина чекинилганда даромадларни ололмаслик ёки зарарларнинг пайдо бўлиб қолиш эҳтимолидир.

Лониҳа rischi - бу инвестицион лойиҳани амалга оширишга халақит берадиган ёки лойиҳа самарадорлигини пасайтирадиган рискларнинг йиғиндисидир.

Риск, бошқача қилиб айтганда, кутилиши мумкин бўлган хатар -бу инвестициядан мўлжалланган фойдани олиш жараёнига хос бўлган ноумидсизликдир. Шу билан бирга, потенциал инвестор томонидан қўйилган пул маблағларини йўқотиш мумкинлиги ҳамдир.

Риск тушунчасига жуда ҳам яқин бўлган ноаниқлик тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, у рискнинг аниқ турларини таснифлаш учун "риск" атамасининг синоними сифатида қўлланилади. Ноаниқлик деганда, инвестицион лойиҳани амалга ошириш шарт-шароитлари ҳақидаги маълумотларни тўла ёки аниқ эмаслиги тушунилади. Масалан, инфляция ҳақидаги, техника ва технологиялардаги ўзгаришлар ҳақидаги, лойиҳа қувватининг, объектнинг қурилиш ва фойдаланишга топшириш муддатлари, харажат ва натижаларнинг нотўғри ҳисоб-китоби каби маълумотларнинг тўла ёки аниқ эмаслиги натижасида ноаниқлик келиб чиқади. Бундан ташқари ноаниқлик деганда, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳолатга етарлича баҳо бермаслик ва бошқа шу кабилар тушунилади. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида юзага келиш имконияти билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатлар ва оқибатлар ноаниқлиги риск тушунчаси билан изоҳланади.

Риск билан ноаниқликнинг фарқи шундаки, натижалар эҳтимоллиги жорий давр маълумотлари асосида баҳоланаётган вақтда риск эътиборга олинади. Ноаниқлик эса бундай эҳтимоллик ўтган ва келаси давр маълумотлари етишмаслиги ёки тўла эмаслиги сабабли субъектив аниқланган вақтда эътиборга олинади. Ҳар қандай ҳолда ҳам келгуси иқтисодий ҳолатлар истиқболини белгилаш (инфляция, фойз ставкаси, талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш ва сотиш ва бошқалар) келажакнинг маълум эмаслиги сабабли фақат тахминий ва ноаниқ натижалар бўлиши мумкин. Чунки ўтган давр маълумотлари асосида фақат номаълум келажакда юз бериши мумкин бўлган ўтган ривожланиш тенденциясини аниқлаш мумкин.

Инвестицион ривожланишга қуйидагилар таъсир кўрсатади: сиёсий, ижтимоий, савдо ва ишга алоқадор муҳитдаги кўпгина ўзгаришлар; техника-технологиядаги, меҳнат унумдорлиги ва баҳолардаги ўзгаришлар; атроф-муҳит ҳолати; амалдаги солиққа тортиш, ҳуқуқ бўйича ва бошқалар бўйича муаммолар таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси лойиҳаларда аниқ рискнинг мавжуд-лигини-лоyiҳани муваффақиятсизликка учраш хатарини ёки фойдани ўрнига зарар олиши мумкинлигини олдиндан аниқлаб беради.

Иқтисодий категория сифатида риск - бу бўлиши мумкин бўлган ёки бўлмайдиган ҳодиса. Агар бу ижобий ҳодиса бўлса (фойда, даромад ёки бошқа

тушум) ва салбий (харажатлар, зарар, йўқотиш) натижа бўлиши ёки ҳеч қандай натижа бўлмаслиги мумкин.

Молиявий операциялар риск даражасини баҳолашни, унинг миқдорини аниқлашни ва уни камайтириш чора-тадбирларини қўллашни талаб қилади.

Мамлакат иқтисодиётига ўз сармоясини киритаётган инвестор нуқтаи-назарида, шу мамлакатдаги ҳолат, вазият инвестицион муҳит деб аталади. Инвестицион муҳит бир қатор риск омилларини ўз ичига олади. Бу омиллар ривожланиш истиқболлари, ички ва ташқи шарт-шароитлар ва вазият таъсири остида вужудга келади. Кўп ҳолларда мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳолат ва унинг ривожланиш истиқболларига қараб ижтимоий-сиёсий, ички ва ташқи рисклар тахмин қилинади.

2. Инвестиция рискларини аниқлаш усуллари. Инвестиция лойиҳаларида рискларни баҳолашнинг математик усуллари.

Инвестиция лойиҳасини рискларини таснифини турли тизимлари мавжуд. Биринчидан, лойиҳа фаолиятининг босқичлари ва фазалари бўйича таснифлаш: инвестициялаш олди фазасидаги, инвестициялаш фазасидаги, ишлаб чиқариш фазасидаги рисклар.

Иккинчидан, лойиҳа фаолияти иштирокчилари учун риск тахдидларига таъсир этишнинг имкониятларини мезонлари бўйича таснифлаш. Шу нуқтаи назар бўйича рискни: ички ва ташқи рискларга ажратиш мумкин. Ташқи рискларга сиёсий рисклар ва форс-мажор рисклари киради. Форс-мажор рискига табиий офатлар: ёнғин, сув тошқини, қурғоқчилик кабилар киради. Ташқи рисклар лойиҳа фаолиятининг барча фаза ва босқичларида мавжуд.

Учинчидан, рискдан ҳимоялаш имкониятлари нуқтаи назаридан таснифлаш:

1. Суғурталанадиган рисклар;
2. Суғурталанмайдиган рисклар.

Суғурталанадиган рисклар ўз навбатида: а) кафолат; б) суғурта; с) захира фонди ҳисобига қопланадиган рискларга бўлинади.

Бундан ташқари, лойиҳа фаолиятининг ҳақиқий амалиётига асосланган, энг кўп учрайдиган рисклар ҳам бўлиб, уларга лойиҳа иштирокчилари эътибор берсалар ҳам, ҳеч бир гуруҳлаш мезони доирасига кирмайдиган рисклар ҳам мавжуд. Улар:

- Иқтисодий қонунларнинг ва иқтисодий ҳолатнинг ўзгариб туриши, инвестициялаш ва фойдадан фойдаланиш шартлари билан боғлиқ рисклар;
- ташқи иқтисодий рисклар-савдо ва маҳсулот етказиб беришга чеклашлар киритиш, чегараларнинг беркитилиши ва шу каби эҳтимолликлар rischi;
- сиёсий ҳолатнинг ноаниқлиги, ҳудуддаги ёки мамлакатдаги номаъқул ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар rischi;
- техник–иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси, янги техника–технология параметрлари, маҳсулот сифати ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги ёки ноаниқлиги;

- бозор конъюктурасининг, яъни аниқдаврдаги иқтисодиётнинг жорий ҳолатини ҳарактерловчи белгилар, масалан, баҳо, валюта курслари, ялпи ички маҳсулот ва бошқаларнинг ўзгариб туриши;

- табиий иқлим шароитларининг, табиий офатлар эҳтимолининг ўзгариб туриши;

- ишлаб чиқариш техник рисклари-асбоб-ускуналарнинг бузилиши ва тўхтаб қолиши, ишлаб чиқаришдаги брак ва бошқалар;

лойиҳа иштирокчиларининг ўзларини тутишлари, қизиқишлари, мақсадларининг ноаниқлиги, уларнинг молиявий ҳолати ва ишдаги обрўси ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги, ноаниқлиги Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва лойиҳднинг айрим турлари бўйича рисклар бўлиши мумкин. Масалан, кончилик ва нефт-газ қазиб чиқариш саноатида геологик рискка, яъни захираларни тўғри баҳолаш рискига алоҳида эътибор берилади. Кимё саноати, кон қазиб олиш, қора ва рангли металлургия лойиҳаларида экологик рискка катта эътибор берилади.

Юқорида келтирилган таснифлашларга асосланган ҳолда, лойиҳа фаолиятидаги рискларни қуйидаги гуруҳини келтириш мумкин:

1. Лойиҳа иштирокчилари rischi;
2. Лойиҳа смета қийматининг ошиш rischi;
3. Қурилишни ўз вақтида тугамаслик rischi;
4. Иш ва объект сифатининг пастлиги rischi;
5. Конструкция ва техник рисклар;
6. Ишлаб чиқариш rischi;
7. Бошқарув rischi;
8. Сотиш rischi;
9. Молиявий риск;
10. Мамлакат rischi;
11. Маъмурий риск;
12. Ҳуқуқий риск;
13. Форс-мажор rischi.

Лойиҳа иштирокчилари rischi - бу иштирокчиларнинг лойиҳа фаолияти доирасида ўз мажбуриятларини англаган ҳолда ёки мажбурий тарзда бажармаслик rischi, Биргина лойиҳа иштирокчисининг ўз мажбуриятларини бажармаслиги, бошқа иштирокчиларнинг ўз мажбуриятларини бажара олмаслигига олиб келиши, натижада лойиҳа барбод бўлиши мумкин. Лойиҳа иштирокчилари рискига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин: иштирокчиларнинг виждонсизлиги; уларнинг профессионализм даражаси, молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги, иштирокчиларни турли рисклардан етарлича суғурталанмаганлиги ва бошқа лойиҳа фаолиятининг бир қатор рисклари лойиҳа иштирокчиларининг рискдан келиб чиқади. Масалан, лойиҳа смета қийматининг ошиши rischi қурилиш ташкилотининг виждонсизлиги натижасида рўй бериши мумкин. Иш сифатининг пастлиги rischi, кўп ҳолларда, танланган пудратчи ва бошқа иштирокчиларнинг етарли тажрибага эга эмаслиги билан боғлиқ бўлади.

Лойиҳа смета қийматининг ошиш рискига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин: лойиҳалаш жараёнидаги хатолар, пудратчининг ресурслардан самарали

фойдаланишни таъминлай олмаслиги, лойиҳани амалга ошириш шартларини ўзгариши.

Қурилншни ўз вақтида тугалланмаслик riskига қуйидагилар таъсир кўрсатади: лойиҳалашдаги хатолар, пудратчи мажбуриятининг бажарилмаслиги; ташқи шарт-шароитларнинг ўзгариши. Ишни тугатишнинг чўзилиб кетиши натижасида қўшимча харажатлар келиб чиқади: кредит бўйича қўшимча фоизларни ҳисоблаш, нархларнинг инфляция натижасида ўсиши оқибатида иш ва материал қийматининг ошиши каби қўшимча харажатларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, бу риск натижасида келгусидаги объектга хом ашё етказиб берувчилар билан ва келгусидаги лойиҳа маҳсулоти истеъмолчилари билан шартномавий муносабатлар тўхташи мумкин.

Иш ва объект сифатининг пастлиги riskи пудратчилар мажбуриятининг бузилиши, лойиҳалаштиришдаги хатолар ва бошқалар натижасида келиб чиқиши мумкин. Объект сифатининг пастлиги натижасида лойиҳа бўйича қўшимча инвестицион харажатлар қилиниши керак бўлади. Бу харажатлар камчиликларни тузатишга сарфланиши мумкин. Агар камчилик сақланиб қоладиган бўлса, лойиҳа маҳсулотини ишлаб чиқаришга қўшимча харажатлар қилиш керак бўлади.

Конструкцион ва технологик риск. Конструкцион риск - бу инвестиция фазасидаёқ лойиҳанинг техник амалга ошмаслик riskи. Бу лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг хатолари, бу ҳужжатларни ишлаб чиқишда зарур бўлган маълумотларни етарли ёки аниқ эмаслиги натижасида рўй бериши мумкин. Технологик риск - бу ишлаб чиқариш технологияларининг sanoat даражасида қўлланилмаслиги натижасида маълум техник-иқтисодий параметрлардан объект эксплуатациясидаги чекланишлар riskи. Бунга эксплуатация харажатларининг ошиши, брак фоизларини катталиги, экологик нормативларга мос келмаслик кабилар таъсир этади.

Ишлаб чиқариш riskи - бу ишлаб чиқариш жараёнида камчиликларни юзага келиш riskи. Бу ишлаб чиқариш давомийлигининг бузилишида, объектнинг лойиҳавий қувватга эришмаслигида, брак фоизларининг юқорилигида, қўшимча ишлаб чиқариш харажатларида ва бошқаларда намоён бўлади. Ишлаб чиқариш riskининг бир тури – бу юқорида айтиб ўтилган технологик riskдир. Камчиликлар иқтисодий тартиб сабабли – таъминотдаги узилишлар, ўша жойдаги ресурс захираларининг етишмаслиги, хом ашё сифатининг пастлиги, транспорт масалалари ва бошқалар сабабли келиб чиқади. Ишлаб чиқариш харажатларининг юқори даражаси харажатларни хато ҳисоблаш, хом ашё ва бошқа ресурслар миқдори ва сифатига маълум талабларни аниқ эмаслиги натижасида бўлади.

Бошқарув riskи - бу ишлаб чиқариш riskининг бир тури, бошқарув шахсининг тажриба ва малакасини етарли даражада эмаслиги натижасида рўй беради. Айрим ҳолларда, бошқарув riskи деганда, лойиҳа фаолиятининг барча фаза ва босқичларидаги менежмент даражасининг пастлиги ва хатолари билан боғлиқ riskлар тушунилади.

Сотиш riskи - бу лойиҳа маҳсулоти сотиш ҳажмининг ва шу маҳсулот баҳосининг пасайиши riskи. Сотиш riskи бозор конъюктурасининг ўзгариши

риски, маркетинг риски ёки баҳо риски деб ҳам аталади. Мос келмайдиган конъюнктура фақат лойиҳа рентабеллигини камайтириб қолмай, балки унинг бутунлай барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолат аниқ бир вақтдаги сотишдан келган тушум йшлаб чиқариш харажатларини ва кредит бўйича қарзларни қоплашга етмаган ҳолларда юз беради. Сотиш риски, айниқса баҳосини тахмин қилиш анча қийин бўлган, янги маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларда юқори бўлади.

Молияриски. Бу рискнинг лойиҳа фаолиятидаги асосий турлари: а) кредит риски; б) валюта риски; в) фоиз ставкасини ўзгариш риски; г) қайта молиялаштириш риски.

Кредит риски — бу лойиҳани амалга ошираётган ташкилотнинг кредитор. банкка кредит шартномаси бўйича тўлов мажбуриятларини тўлиқ ёки умуман тўлай олмаслик риски. Бу риск асосан лойиҳани релиялаштиришда лойиҳани кредитловчи банкнинг рискидир.

Валютариски - бу риск лойиҳа маҳсулоти маҳаллий бозорда сотилганда ва ҳокимият маҳсулотни миллий валютада сотилишини талаб қилаётган пайтда юқори бўлади. Бу риск лойиҳа маҳсулотини сотишдан олинадиган валюта билан кредит валютаси бир хил бўлмаган ҳолларда юзага келади.

Фоиз ставкасининг ўзгариш риски - бу риск кредит ресурслари ўзгарувчан ставкада қўлланилганда рўй беради. Бундай ресурсларни жалб қилишда лойиҳада қўлланилган капитал қийматининг ошиши ва маҳсулот рентабеллигининг камайиш хавфлари мавжуд бўлади.

Қайта молиялаштириш риски - бу бутунлай бошқарувчи банк, яъни молиялаштиришни ташкил қилувчи банк зиммасида бўлади.

Мамлакат риски - бу ташқи лойиҳа рискларига тегишли бўлиб, унинг мазмуни шундаки, лойиҳа амалга оширилаётган мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлари ва давлатнинг сиёсати лойиҳа фаолияти учун жиддий қийинчиликлар яратиши ва ҳатто лойиҳани барбод қилиш ҳам мумкин. Мамлакат рискининг омиллари: марказий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳаракати, урушлар, иш ташлашлар, инқилоблар, террорчилик ҳаракатлари ва бошқалар бўлиб, булар асосий лойиҳа иштирокчилари таъсири доирасидан ташқарида бўлади. Давлатнинг сиёсати билан боғлиқ мамлакат рискларини шартли равишда иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Сиёсий.
2. Иқтисодий.

Сиёсий мамлакат риски - ҳукуматнинг чет эл инвесторлари ва кредиторлари иштирокидаги лойиҳа фаолиятини тўхтатиш ёки чеклашга қаратилган ҳаракати билан боғлиқ. Буларга фойдани бошқа мамлакатга олиб ўтишдаги таъқиқлашлар ва чеклашлар, чет эл капитали учун аввал яратилган имтиёзлардан маҳрум қилиш, концессия ва лицензияларни қайтариб олиш ва бошқалар киради.

Иқтисодий мамлакат риски давлатнинг лойиҳани амалга оширилиши шароитида қўллайдиган солиқ, валюта, божхона ва бошқа иқтисодий шарт-шароитларни ўзгартириши билан боғлиқ. Бу ўзгаришлар хорижий капитални чеклаш билан бевосита боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

Маъмурий рисклар - лойиҳа компаниялари ва лойиҳа фаолиятининг бошқа иштирокчиларини давлат назорат ва тартибга солиш бошқармаларидан турли лицензиялар, рухсатларни олиши билан боғлиқ. Лицензия, рухсатлар лойиҳа фаолиятининг барча фаза ва босқичларида талаб қилиниши мумкин: лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда, тендерлар ўтказишда, машина ва асбоб-ускуналарни етказиб беришда, қурилишда, дастлабки ишлар ва объектнинг ишга туширилишида талаб қилинади. Лицензия, рухсатларни сони айрим лойиҳалар бўйича жуда кўп бўлиши мумкин: лойиҳа фаолиятининг у ёки бу тури билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи, табиий ресурслардан фойдаланиш, табиий ресурсларни ва валютани четга олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар, рухсатлар бўлади.

Ҳуқуқий риск – бу риск қайсидир даражада мамлакат, маъмурий ва бошқарув рисклари билан боғлиқ. Аввало, бу риск кредиторнинг кафолат бермаслик ва бошқа кредит билан таъминлашлар эҳтимоли билан боғлиқ ноаниқлик ва ишончсизлигида намоён бўлади. Бундай ноаниқлик ва ишончсизлик сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин: қонунлар мажмуининг ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг мукаммал эмаслиги, ҳуқуқий ҳужжатлар сифатининг пастлиги, суд-арбитраж механизмидаги камчиликлар ва бошқалар. Айрим ҳуқуқий рисклар лойиҳа иштирокчилари назоратидан ташқарида бўлиб, улар мамлакат ва сиёсий рискларга яқин. Бундан бошқа ҳуқуқий рискларни миллий қонунчиликни, халқаро инвестицион ҳуқуқларни яхши билувчи, шартнома, келишувлар ва бошқа лойиҳанинг ҳуқуқий ҳужжатларида иштирок этувчи малакали ҳуқуқшунос маслаҳатчини жалб қилиш билан ечиш мумкин.

Форс-мажор rischi — лойиҳа фаолиятига тегишли бўлмаган ташқи рисклардан бири бўлиб, унга ер силкиниши, ёнғинлар, сув тошқини, бўронлар ва бошқа табиий ҳодисалар киради. Форс-мажорга айрим ижтимоий ва сиёсий табиий ҳодисалар ҳам киради: иш ташлашлар, инқилоблар, қўзғолонлар ва бошқалар. Шундай йўл билан мамлакат рискининг бир қисми форс-мажор rischi сифатида намоён бўлади.

3. Рискларни бошқариш ва риск даражасини пасайтириш йўллари.

Лойиҳаларни молиялаштиришда рискни тақсимлаш усуллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: кафолатлар; харид ҳақидаги форвард келишув; ишлаб чиқариш тўловлари; хеджирлаштириш, суғурта ва своплар.

Одатда, кафолат берувчи томонлар сифатида ёки лойиҳа эгалари-ҳомийлар ёки манфаатдор томонлар бўлиши мумкин.

Лойиҳа эгалари - ҳомийлар. Давлат, шўба корхоналарини назорат қиладиган компаниялар, қўшма корхоналардаги ички ва ташқи инвесторлар ва бошқа эгалар-ҳомийлар лойиҳани ишлаб чиқувчи компания қарзининг кафолатини беришлари мумкин. Агар компания лойиҳани ўз ҳисобидан молиялаштириш учун капитали етишмаса ёки «етарли тажрибага эга бўлмаса, кредиторлар, одатда, ушбу шаклдаги кафолатниталаб қиладилар.

Манфаатдор томонлар. Бу жуда муҳим гуруҳга қуйидагилар киради:

1. Ускуна ва материалларни сотувчилар. Лойиҳа учун ускуна ва

материалларни сотишда, заводни ёки ускунани ижарага беришда манфаатдор томонлар кафолат беришга тайёр бўладилар. Масалан, ўзида ортиқча ускунага эга бўлган компания, шу ускунага мухтож лойиҳани кафолатлаши мумкин.

2. Хом ашё ва ярим таер маҳсулотларни етказиб берувчилар. Мол етказиб берувчилар лойиҳа тугагандан кейин ўзларини бозор билан таъминлаш учун кафолат беришлари мумкин. Улар лойиҳани амалга ошириш мобайнида яратилган янги қувватларда фойдаланишдан ютишлари ҳам мумкин.

3. Лойиҳанинг якуний маҳсулотидан фойдаланувчилар. Булар кафолат беришлари ва ҳатто бевосита молиялаштиришлари мумкин. Барқарор мол етказиб берилишидан манфаатдор аниқ бир хом ашё истеъмолчиларини мисол қилиб келтириш мумкин.

4. Қурилиш ташкилотлари. Лойиҳада иштирок этадиган пудратчилар, одатда, қурилиш билан боғлиқ, ишларни бажарадилар ва келгусида буюртма қабул қилиш мақсадида кафолат беришга тайёр бўладилар.

5. Миллий ҳукумат ва халқаро агентликлар. Бу ташкилотлар мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий талаблари билан қизиқадиладар. Ҳукумат кафолатлари, лойиҳанинг бошқа иштирокчиларини қоплай олмайдиган рискларни қоплаш учун жуда зарур ва шу сабабли, молиялаштиришнинг ютуғи учун ҳаётий жиҳатдан муҳимдир.

6. Бошқа томонлар. Кўп ҳолларда, юқорида саналганлардан ташқари, лойиҳа қурилишидан аниқ бир даромад оладиган бошқа томонлар ҳам бўлади ва улар кафолат беришга тайёр бўладилар. Масалан, лойиҳа билан бир қаторда амал қилаётган компания лойиҳа амалиётида ривожланган инфратузилмадан ютиши мумкин, шунингдек, лойиҳа амалга ошириш натижасида миллий иқтисодиётни ривожланишидан ҳам ютиши мумкин.

Рискни тақсимлашда кафолат энг аҳамиятли усул, лекин бундан бошқа усуллар ҳам бор. Кўп ҳолларда харид ҳақидаги форвард келишув ва ишлаб чиқариш тўловлари қўлланилади.

Харид ҳақидаги форвард келишув. Форвард харид ҳақидаги оддий келишувни молиялаштиришда, кредитор етказиб берилмаган ёки яратилмаган минераллар ёки бошқа ресурсларни сотиб олиш учун кредит беради. Лойиҳа ишга тушгандан кейин ва минераллар қазиб олиниши бошлангандан кейин, кредиторлар қарзни узиш жадвалига мувофиқ келадиган миқдорни олиш ҳуқуқига эгалар.

Форвард шартномаларидан олинадиган даромадлар қатъий фоизга ва барқарор тушумга эга эмас. Чунки улардан олинадиган даромадлар битим валютасининг спот курсини ўзгаришига боғлиқ.

Ғарбий Европадаги бир қатор тижорат банклари, шу жумладан, Дойче банк фаолиятида форвард шартномасидан фойдаланиш тажрибалари шуни кўрсатдики, агар форвард курси спот курсидан юқори бўлса, банк форвард шартномаси бўйича сотиб олинадиган миқдордаги валютани битим имзоланиши билан спот шarti бўйича сотади ва баҳоловчи валютада олинган тушумни шартнома муддати тугагунга қадар бошқа банкка муддатли жамғарма сифатида жойлаштиради. Бунда форвард шартномаси бўйича сотиб олинаётган валюта муддатли депозит шаклидаги валюта резервлари ҳисобидан тўланади.

Агар форвард курси спот курсидан кичик бўлса, банк шартома бўйича сотиб олинаётган валюта миқдоридаги маблағни кредитга беради. Одатда кредитни қайтариш муддати форвард шартомасининг тугаш муддатига мос келади.

Агар битим валютаси ва баҳоловчи валюта бўйича фоиз ставкалари тенг бўлса ва бу тенглик узоқ вақт давом этадиганлигига трейдер ишонса, унда форвард курси даражасида бўлади. Бунда трейдер икки мамлакатдаги фоиз ставкаларининг шу давргача бўлган ҳолатини таҳлил қилади ва шунга қараб устама ёки дисконтнинг даражасини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг янги қоидалари ва ҳисоб варақлари режасига кўра, Марказий банк форвард шартомаларини муддатидан қатий назар ҳисоботларда қайта баҳолаш натижаларини акс эттиришни талаб қилмоқда. Ушбу талабномага кўра, банк форвард шартомаси қийматини қайта баҳолаши зарур.

Форвард операциясини амалга ошираётган банк учун риск даражасини юқори эканлигини ҳисобга олиб, бизнинг фикримизча, банкларда аналитик ҳисоб жараёнларини чуқурлаштириш лозим. Бунинг учун ҳар бир валюта бўйича сотиш ва сотиб олиш миқдорини мувозанатлаштириб бориш лозим.

Банк раҳбарияти трейдерга лимитўрнатади. Масалан, уч ой муддатга амалга ошириладиган форвард операциялари учун лимит белгилайди. Айниқса, нобарқарор валюталар билан боғлиқ форвард операцияларига нисбатан қатъий лимит белгилаш лозим.

Бу лимитларга риоя этилиши доимий назорат остида бўлмоғи керак. Бунинг устига кўпгина банклар ўз валюта бўлинмалари учун анча тор, нозицион деб аталадиган лимитларни белгилаб қўядилар.

Улар, бир томондан, кун давомида туғиладиган хатарларнинг юқори чегарасини (кундузги лимитларни), иккинчи томондан эса, эртаси куни вужудга келиши мумкин бўлган хорижий валютадаги позиция учун юқори чегарани (тунги (овернигхт) лимитлар) белгилаб қўядилар.

Лимит белгилаш банкни юқори даражада зарар кўриш хавфидан сақлайди. Лимит доирасида трейдер фаолиятининг молиявий натижаси аниқланади. Масалан, юқоридаги жадвалда 2000 доллар миқдорида фойда олинганлигини аниқлаш мумкин.

Ҳозирги кунда жаҳон банк амалиётида 30 та валютада форвард операцияси амалга оширилмоқда, шундан 15-16 таси ликвидлилик даражаси юқори бўлган валюталардир.

Форвард операцияси билан шуғулланаётган банк ходимлари фоиз ставкалари ўртасидаги фарқни доимий тарзда кузатиб борадилар.

Ишлаб чиқариш тўловлари. Бу усул кредитнинг асосий суммаси учун кредиторлар томонидан лойиҳанинг келгусидаги ишлаб чиқаришининг маълум қисмини сотиб олишини англатади. Бу усулнинг харид ҳақидаги форвард келишувдан фарқи шундаки, келгусидаги тўловлар оқими олдиндан аниқ қарзни узиш жадвалига эмас, балки ҳақиқий ишлаб чиқаришга боғлиқ. Одатда бу усул тоғ-кон қазилмаларини ишлашда қўлланилади, кредиторлар қазилмаларда улушга эга бўлганлари учун ишлаб чиқариш тўловлари одатда таъминланган.

Ишлаб чиқариш бошланганда, харидор-кредитор ҳар бир даврда умумий ишлаб чиқаришдан олдиндан келишилган улуш бўйича ўз фойда улушини олади.

Хеджирлаштириш, суғурта васвоплар. Бу усул ва механизмлар лойиҳа иштирокчилари томонидан риск улушини бутунлай назорат қилиш учун қўлланилади. Ҳар бир усулнинг ўз харажатлари бўлиб, улар риск/фойда нисбатида киритилиши керак.

Рискни бошқаришда асосий вазифа - бу амалдаги бозор конъюнктурасига мос даражада рискларни минималлаштириш, кредитлаш хизматлари бозорида банк позициясини минимум сақлаб қолишдир. Рискни бошқаришда асосий йўллар қуйидагилар:

- рискни ажратиш;
- рискни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш;
- моддий таъминотни олиш (гаров);
- молиявий таъминотни олиш (кафолат ёки кафиллик);
- рискни кредит бўйича юқори фоиз ставкасига қўчириш;
- рискни венчур кредитлашга қабул қилиш;
- қарзлар бўйича йўқотишларни қоплаш учун фондларни шакллантириш;
- суғурталаш.

Булар рискни бошқариш бўйича қуйидаги иш йўналишларини талаб қилади:

- ҳар бир мижоз бўйича доимий мониторингни олиб бориш;
- маълум бир мижознинг асосий хўжалик фаолиятига алоқадор тармоқ ҳолатининг доимий мониторинги;
- кафолатни жалб қилиш ва таҳлил этиш;
- риск учун компенсация олиш (гаров, кафолат ва бошқаларни амалга ошириш).

Рискни ажратиш босқичида кредит суммаси инвестиция лойиҳасининг ҳақиқий қиймати қўшув зарурий резервларни шакллантириш харажатларига мувофиқ бўлиши керак. Булар лойиҳанинг характери ва уни амалга ошиш муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади. Рискни минималлаштириш баҳонасида кредит суммасини камайтириш, лойиҳа тўлиқ молиялаштирилмаслиги ёки уни охириги босқичда амалга ошмай қолиш хатари туфайли рисклар кўпаяди. Бу айтилганлар кредит муддатини танлашга ҳам тегишли. Кредитнинг узокроқ муддати унинг рискинни оширади, лекин кредит муддатини сунъий камайтириш қарздор учун салбий таъсир кўрсатиши мумкин, уни ўта рискли ва ҳатто хато хўжалик қарорларини қабул қилишига мажбур қилиши, натижада эса қарздорнинг ҳам банкнинг ҳам умумий рисклари ошиши мумкин.

Юқори фоиз ставкаси рискларни бошқаришнинг асосий воситаларидан биридир. Лекин жаҳон тажрибаси кўрсатишича, банкларнинг кичик бизнес корхоналари билан алоқасида, рискларни бошқаришда бу восита кам самара беради. Агар бундай ҳолда давлат томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ривожланган механизми ва банклараро кучли рақобат мавжуд бўлса, рискни компенсациялаш омили сифатида юқори фоиз ставкасини амалда қўллаб бўлмайди.

Рискларни ажратиш деганда, молиялаштириш манбаларининг ҳаракатидаги оғирликни қарздорнинг ўзи билан биргаликда бошқа бир неча инвесторлар ўртасида бўлиниши тушунилади. Йирик қарздорларнинг лойиҳаларини молиялаштиришда бу табиий, бу амалиёт кичик тадбиркорлик доирасидаги тадбиркорлар учун кенг тарқалмаган. Бу шу билан боғлиқки, сўралаётган кредитнинг чегараланган суммасида инвесторлар ўртасида рискларни тақсимланиши ва назорати бўйича операцион харажатлар банк кредитлаш рискин камайтиришга қилинадиган иқтисодни ошириши мумкин. Инвестицион кредитлашда рискларни тақсимлаш шаклларида бири кредит бўйича кафолатни жалб қилишдир. Одатда, бу лойиҳа қийматининг тахминан 50%идан 2/3 қисмигача ва кредит қийматининг 75-80%ини қамраб олади. Рискнинг тақсимлаш шаклларида бири бўлган рискни бўлиниши кичик тадбиркорлик соҳасига йўналтирилади кредит ресурслари учун, айниқса, ҳарактерли бўлиб, бунда ресурслар бевосита қарздорларга эмас, балки кичик бизнес эҳтиёжлари учун мўлжалланган ва ишлаб чиқилган йўналишлар, кадрлар ва бошқаларга эга бўлган оралиқ молиявий институтларга йўналтирилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Рискларни камайтиришнинг кенг тарқалган қандай усуллари биласиз?
2. Рискларни ажратиш деганда нимани тушунаси?
3. Инвестиция лойиҳаси рисқи ва у билан боғлиқ йўқотишлар эҳтимолини аниқлашнинг қандай усуллари биласиз?
4. Кутилаётган ўртача қиймат ва эҳтимол қилинган натижанинг ўзгарувчанлиги мезонлари орқали лойиҳа рискин нимаси аниқланади?

Топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикаси инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш тизими тўғрисида қўшимча маълумотлар излаб топиш.
2. Инвестиция лойиҳаси рискин ва уни бартараф этиш йўллари тўлиқ ўрганиш.
3. Рискларни камайтириш усуллари ўрганиб чиқиш.

Масала

Тадбиркорларнинг бошланғич инвестицияси 100,0 млн. сўм. 3 йилдан кейин яна 50,0 млн. сўм инвестиция қўшишди. Ушбу инвестицияга 16% лик ставкада фоиз тўлаш келишилди. Аммо ушбу ставка фоизи 5 йил сақланиб қолди. Охириги 2 йилда унинг ставкasi яна 3% га ошди. 7 йилдан кейин ушбу инвестициянинг миқдори қанча бўлади?

Адабиётлар рўйхати

1. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608 b.

2. Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломова Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2015. – 148 б.
3. Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2016. – 168 б.
4. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
5. Ваҳобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.
6. Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 367 с.
7. Бочаров В.В. Инвестиции. Учебник для вузов. 2-изд. СПб: Питер, 2008. – 384 с.
8. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 208 б.

ФОЙДАЛАНИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 6 б.
4. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
5. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
6. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. – 608b.
7. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik. – Toshkent: Noshir, 2012. - 712 b.
8. YuldashevA. vaboshq. Moliyaviy menejment. O'quv qo'llanma. – Т.: Voris, 2013. – 272 b.
9. Алешин В.А., Зотова А.И.. Финансы. - Ростов н/ Д: Феникс, 2009 г. – 346 стр.
- 10.Алимов И.И. Молия. Ўқув қўлланма. - Т.: Тошкент, 2007. - 108 с.
- 11.Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011 г. – 640 стр.
- 12.Бочаров В.В. Инвестиции: Учебник для вузов. 2-е изд.- СПб.: Питер, 2008.- 384с. Ил.- (Серия “Учебник для вузов”).
- 13.Вахобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. “Хорижий инвестициялар” Ўқув қўлланма.- Т.: Молия, 2010. -328 б.
- 14.Вахобов Д., Ражабов Ш. Молия. - Т.: ТМИ, 2009. -200 б.
- 15.Игошин Н.В. Инвестиции. Организация, управление и финансирование: Учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. – 360 с.
- 16.Инвестиции: Учебник / С.В.Валдайцев, П.П.Воробьев и др. Под ред. В.В.Ковалева, В.В.Иванова, В.А.Лялина. – М.: ТК Велби, Проспект, 2007. – 584 с.
- 17.Каюмов Р.И. Организация и финансирования инвестиций. Учебник. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 367 с.
- 18.Ковалева В.В. Финансы организаций (предприятий). Учебник. – М.: Проспект, 2010 г. – 352 стр.
- 19.Ковалева В.В. Финансы. Учебник. М.: изд. Проспект, 2008 г. - 640 стр.
20. Корпоративные финансы. Учебник для ВУЗов. Под ред. Бочарова В.В. – М.: ФБК-ПРЕСС, 2004.
- 21.Лукаевич И. Я. Инвестиции. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2012. – 413 с.

- 22.Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма - Т.: Iqtisod-moliya, 2009. - 288 б.
- 23.Маликов Т.С., Ваҳобов Д.Р. Молия чизмаларида. – Т.: Iqtisod-moliya, 2009. - 660 б.
- 24.Николаева И.П. Инвестиции. Учебник. – М.: Дашков и К, 2013. – 256 с.
- 25.Носиров Э. И., Маматов Б. С., Шоисломов Н. К., Шарифходжаева К. У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2011. – 148 б.
- 26.Просветов Г. И. Инвестиции: задачи и решения: Учебно-практическое пособие. - М.: Издательство «Альфа-Пресс», 2008. - 408 с.
- 27.Рахимов М.Ю. Иқтисодий субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
- 28.Романовского М.В. Финансы. – М.: Изд. “Высшее образование ”, 2010 г. – 462 с.
- 29.Тошов О. Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Академнашр, 2012. –168 б.
- 30.Финансы предприятий. Учебник для ВУЗов. Под ред. Поляка Г.Б. М.: ФиС,2003.
- 31.Хамидова Ф.А. Приоритетные направления привлечения финансовых инвестиций. Монография. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 115 с.
- 32.Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
- 33.Шарп У. Александер Г., Бейли Дж. Инвестиции: Пер.с англ.-М.: ИНФРА-М, 2006.-1028 с.
- 34.Юлдашев З.Ю., Маликов Т.С. Молия: Уй хўжаликлари молияси. Ўқув қўлланма. - Т.: Iqtisod-moliya, 2008 й. - 112 б.
- 35.Интернет сайтлари:
- www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.
 - www.review.uz – «Экономическое обозрение» журналининг расмий сайти.
 - www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси сайти.
 - www.omad.uz – Бизнес ривож учун ахборот портали.
 - www.ziyounet.uz - билимлар сайти
 - www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги портали
 - www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти
 - www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати сайти

Мундарижа

Кириш.....	3
1-мавзу. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти.....	5
2-мавзу. Инвестиция жараёнларининг мазмуни ва асосий босқичлари...	23
3-мавзу. Инвестиция фаолияти ва инвестиция сиёсати	
3.1. Инвестицион фаолият ва унинг таркибий тузилиши.....	36
3.2. Инвестицион фаолиятга таъсир этувчи омиллар.....	46
3.3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолияти.....	51
3.4. Инвестиция сиёсати.....	56
4-мавзу. Иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг роли	
4.1. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти.....	62
4.2. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг иқтисодиётни модернизациялашдаги роли.....	80
5-мавзу. Инвестиция фаолиятини ривожлантиришда инвестиция муҳитининг ўрни.....	87
6-мавзу. Инвестиция фаолиятида капитал қурилиш	
6.1. Капитал қурилиш ва капитал қўйилмалар.....	97
6.2. Капитал қурилишнинг ташкилий шакллари ва уни лойиҳалаштириш.....	109
7-мавзу. Давлат инвестиция дастури.....	118
8-мавзу. Инвестиция лойиҳаларининг молиявий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.....	133
9-мавзу. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва усуллари	
9.1. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари.....	139
9.2. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш усуллари.....	149
10-мавзу. Инвестицияларни молиялаштиришда молиявий воситалар	
10.1. Инвестицияларни молиялаштиришда молиявий воситаларнинг	

турлари ва таснифланиши.....	155
10.2. Қимматли қоғозлар инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатида.....	163
11-мавзу. Инвестиция фаолиятини кредитлаш	
11.1. Инвестиция фаолиятини кредитлаш зарурияти.....	169
11.2. Инвестиция фаолиятини кредитлашни расмийлаштириш.....	173
12-мавзу. Инвестицияларни молиялаштиришнинг лизинг механизми	
12.1. Лизингнинг мазмуни, моҳияти ва турлари.....	179
12.2. Лизинг муносабатларини ташкил этиш.....	189
13-мавзу. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш	
13.1. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш мазмуни.....	198
13.2. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш.....	207
14-мавзу. Инновация фаолиятини молиялаштириш	
14.1. Инновацияларга қаратилган инвестициялар.....	217
14.2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолияти.....	223
15-мавзу. Номоддий активларга сафарбар этиладиган инвестицияларни молиялаштириш.....	228
16-мавзу. Инвестиция рисклари ва уларни пасайтириш йўллари.....	234
Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.....	246

Қайдлар учун

[illegible]

Қайдлар учун

[illegible]

Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институти
Институт босмахонаси,
Шохрух кўчаси, 60

Буюртма № 29
Ҳажми 15,6 б.т.
Адади 50 нусха